

Лизабет Джорж



УДОГА
МАНЗУР АЁЛ

Элизабет Джорж



*Мен сингари Худога манзур аёл
бўлишга чин дилдан интилаётган
суюкли дўстларим ва қизларим
Кэтрин Джорж Зенгл ва
Кортни Джордж Зейтцларга.*

МУАЛЛИФДАН

Қадрли сингилларим, дугоналарим! Тасаввур қилиб кўринг: одамлар ҳаётимизга қараб бугун ва бир неча йил ўтгандан кейин биз тўгримиизда Худога манзур аёл деб ўйлашлари учун қандай ҳаёт кечиришимиз керак эди?

Довуд бизнинг юртимиз бўйлаб қачонлардир юрган. Шундан бери минг йиллар ўтди. Аммо биз ҳозиргача Гулиёт билан жанг қилган, шоҳ Шоулнинг ҳаётини бир неча марта сақлаб қолган, аҳд сандиги Куддусга қайтаётганда хурсандчиликдан ўйинга тушган ўша содик чўпон, Худога манзур эркак тўғрисида ўйлаймиз (қаранг: 1 Шоҳ. 13:14).

Аммо сиз аввало шундай дея эътиroz билдирасиз: «Мени шоҳ Довуд қаторида кўришингиз эҳтимолдан узоқ-ку». Сизга эслатиб қўйай: Довуд ҳам дастлаб комил инсон бўлмаган-ку! (Бурсабонинг номини эслашимизнинг ўзиёқ кифоя). Довуд баъзан Худо билан маслаҳатлашишни унубтиб кўйди, Уриёнинг хотинини тортиб олиш мақсадида уни ўлдиришга буйруқ берди, ўғлининг тарбиясида етарли қатъият кўрсатмади. Аммо шуларга қарамай, Довуд Худога манзур одам деб эътироф этилган. Худога манзур аёл бўлишга интилишимда ана шу вазият менга доим далда бериб келади.

Мени яна шу далил илҳомлантирадики, бу мақсадга эришиш учун йўл, Ричард Фостернинг ибораси билан айтганда, «интизом ва хузур-ҳаловат йўли»дир¹. У ўз фикрини шундай изоҳлаган эди:

Бу интизом йўлидир, чунки олдимизда қийин йўл турибди. Бу хузур-ҳаловат йўлидир, чунки биз кираётган Илоҳий ҳаёт ҳеч нарса қилмай эришилган инъомдир... Интизом бизни ўзича солиҳ қилиб қўя қолмайди. Интизом бизга бор-йўғи Худо олдида тўғри вазиятни эгаллашимиз учун ёрдам беради, холос. Бизда ўзгаришни Худо келтириб чиқаради².

Бизни Худога манзур аёл қиласиган Унинг Ўзидир. Мен китобимда сизларга тақдим қиласиганларим — булар шундай сабоқларки



(ҳаётни ибодат билан ўтказиш, эр билан муносабат, болалар тарбияси, уй ишлари, руҳан ўсиш, Худога хизмат), бу сабоқларни ўзлаштириб олиб, Худо олдида маълум вазиятни эгаллаймиз ва У бизнинг юрагимизни ўзгартиришига имкон берамиз. Ҳақиқатан ҳам, ҳаётнинг ҳамма жабҳаларида Худога эргашиш, Худо билан муносабатларни мукаммаллаштириш, эрни яхши кўриш, болаларни севиш, оила тўғрисида ғамхўрлик қилиш, руҳан ўсиш ва одамларга хизмат қилиш нима эканини билиб оласиз. Мен сизларга тарбия саёҳатини таклиф қиляпман, бу саёҳатдан сизлар чинакам лаззатни ташиб кўрасизлар. Шундай қилиб, сизлар ҳам менинг интилишларимга ҳамфикр бўлиб, Худога манзур аёл бўлишларингизни таклиф қила-ман. Худо бизни шунга даъват қиляпти, Худо бизни шундай аёллар қилишга қодир.

Масиҳдаги севги билан

Элизабет Джорж





I ҚИСМ



ХУДОГА СОДИҚ ЮРАК

*...Зарур бўлган биттагина иши бор.
Марям эса ўзи учун яхши улушни танлади
ва бу ундан тортиб олинмайди.*

Лк. 10:42

Мен минг марталаб бу йўлдан юрганман, аммо икки кун олдин фалати бир воқеа содир бўлди. Эрта тонгда, ҳали ўтлар устидаги шудринг қуrimасдан, мен кундалик сайрга чиқдим. Қўшнининг уйи олдидан ўтаётib боғ ёнидаги йўлқадан бораётган саксон ёшлардаги аёлга кўзим тушди. У алюминий ҳассага таяниб юради. Аста юришидан бу кекса аёл юрак хуружини бошдан ўтказгани билиниб турар эди. Букилган қадди эса унда остеопороз касали борлигининг белгиси эди.

Бу сайр бошқаларидан нимаси билан фарқ қиласр эди? Гап шундаки, бундан бор-йўғи уч кун илгари биз оламдан ўтган қайнонамнинг дафн маросимини ўтказгандик. Раббий Ўзига чорлаган қайнонам Лоис ҳам саксон ёшларда бўлган... у ҳам алюминий ҳассага таяниб юради... остеопороз хасталигидан азият чекарди... қайнонам ҳам юрак хуружини бошидан ўтказган эди.

Мен ҳали ҳам бу йўқотишга кўника олмаган эдим. Лоисга жуда ўхшайдиган аёлни учратиб кўнглим бузилиб кетди. Кўзларимдан ёшлар оқди. Хаёлимни турли ғамгин ўй-фикрлар чулғаб олди: «Шукроналик Кунида биз энди нима қиласиз? Бу куни биз доимо Лоиснида йиғилар эдик. У курка гўштини, зираворли қайлани, соус ва турли ширинликларни тайёрлар эди. Энди биз Лоиссиз нима қиласиз, қандай учрашамиз?» Ана шунга ўхшаш фикрлар хаёлимдан чиқмас эди... Мен энди ибодатхонада у ҳар доим ўтирадиган жойида Лоисни бошқа кўрмайман... Мен энди ҳеч қачон йўлқадан



унинг уйи томонга бурилмайман... Энди бу уй ҳам унинг уйи эмас... Энди ким биз учун ибодат килади? Унинг ибодатлар билан қўллаб-кувватлашини йўқотганлигимиз Жимнинг хизматига, менинг хизматимга, қизларим ҳаётига бу китобга қандай таъсир қилади?»

Ўз хасталигини мардлик билан енгиб, ўлида давом этаётган бу аёлни кузатиб, Лоиснинг саратон касаллиги ва ўпка касаллиги-га қарши қандай курашганини эслаб, ўзимнинг ҳаётга кескинроқ қарайдиган бўлганимни тушундим. Ҳар биримизда қачонлардир бизга хизмат қилишдан бош тортадиган танамиз бор. Ана шу «қачонлардир»нинг жуда узоққа сурилиши шарт эмас.

Буларнинг ҳаммаси менда ҳаётимнинг ҳар бир кунини, ҳар бир дақиқасини онгли равишда ўтказишга бўлган иштиёқимни уйғотди. Ҳа, бу нотаниш аёлни кузатиб, шу каби туйғуларни ҳис қиласр эканман, менинг эллик ёшим келиб, кетиб ҳам бўлганини аниқ ҳис қилдим. Жим билан оила қурганимизга ўттиз йилдан ошиб кетди. Иккала қизим вояга етди, ўзлари яхши кўрган умр йўлдошлари билан бирга яшаш, болаларига ғамхўрлик қилиш учун бизнинг хона-донимизни тарқ этишди. Менинг умрим ҳам ўтиб боряпти!

Юракнинг ўзгариши

Аммо сиз, бу китоб ғам-қайғуга тўла экан, деб ўйлашингизни истамайман. Мен Худога манзур аёл ҳақидаги китобни бу тарзда бошламоқчи эмас эдим. Менинг сайрим бошқача қайфият билан тугади, шу жумладан китобим ҳам. Энди буларнинг бари нима билан тугаганини сизга ҳикоя қилиб беришимга ижозат беринг.

Мен ўйлимда давом этар эканман, бундай фикрлар билан қолмас-лигимни англадим. Бу эътиқодга тўла фикр эмас, балки ўткинчи, дунёвий, инсоний, шаҳвоний фикрлар эди. Мен нотўғри ўйлардим! Биз, масиҳийлар, кўриш билан эмас, эътиқод билан юришимиз керак (қаранг: 2 Кор. 5:7). Шунинг учун мен фикрларим ва туйғуларимни ҳаётимга оид Худо режаларига, (Лоиснинг ҳаётини, сизнинг ҳаётингизни) бизнинг ўтмишимизни, ҳозирги ҳаётимизни, келажагимизни қамраб олувчи Унинг мангубу режаларига мувофиқ қилиш учун бошқа оқимга йўлладим.

Бунда ҳам менга Муқаддас Ёзувдан олинган оят ёрдам берди. Мен аллақачон уни ёдлаб олганман, тез-тез ўз ҳаётимда қўллаб тураман. Бу оятнинг сўзлари менинг хотирамга худди ҳозир эшиганимдай ўрнашган эди: Жим билан (Лоиснинг ягона ўғли билан) бирга хотирлаш хизматини амалга ошираётган қавмбоши Лоиснинг

ҳаёти ҳақида гапираётганды шу оятни эслади. Исо бу оятни Лазар ва Марфанинг опаси Мария ҳақида айтган: «...Зарур бўлган биттагина иш бор. Марям эса ўзи учун яхши улушни танлади ва бу ундан тортиб олинмайди» (Лк. 10:42).

Ўқувчиларидан бирининг тарафини олиб айтган Масиҳнинг бу сўзлари устида фикр юритиб, мен ўзим учун «Худога манзур» деган ифоданинг асл маъносини очдим. Ва мен тасалли топдим.

Энг аввало, мен Лоис ҳақида қайғуришни бас қилдим. Ҳа, у энди биз билан эмас эди. Аммо у дунёвий ҳаётининг ҳар бир кунини мангу мазмун билан тўлдирди. Ҳар куни у бир нарсани, энг муҳими — Худо учун яшаш, Унга бутун қалби билан хизмат қилишни танлади. У Раббийни севарди, Уни шарафларди, У билан доимо бирга бўларди ва У билан мангаликда қўшилишни кутиб яшарди. Лоисга азоб берәётган саратон касаллигига ва икки марта бева қолганлигига қарамай, бу аёл ҳақиқий ички дунёни, қувончни биларди. Чунки унинг юраги Худога содиқ эди. Қайнонамнинг ҳаёти ҳақиқий маънога тўла бўлганлигига мен шубҳа қилмайман.

Мен ўз ҳаётимга нисбатан ҳам хотиржам бўлдим. Қолаверса, Худо менинг кўнгил армонларимни билади. Ахир, бу армонларни У менинг юрагимга солган-ку (қаранг: Заб. 36:4). Мен У хоҳлагандай аёл бўлишим ҳақидаги орзуларимни (ва ибодатларимни) Ўзи билади. Шунингдек, мен йилларнинг ўтишини, олдимга қўйилган мақсаднинг бажарилиши учун борган сайин кам вақт қолаётганлигини кузатаётганлигимни ҳам У билади. Аммо яна ҳар куни мендан ҳеч қачон тортиб олинмайдиган эзгу томонини танласам, менинг ҳаётим мазмунга тўлишини эслаганларида, юрагим Худо тинчлигига тўлади. Худованд менинг юрагимга — бутун қалбимга эгалик қилишни истайди. Мен Унга содиқ бўлишимни Ўзи хоҳлайди. Мен ўз юрагимни Худога қайта-қайта бурганимда, У учун яшаганимда, ҳаётим Унинг кўз ўнгидаги қадр-қимматга эга бўлади. У менинг ҳаётимда биринчи ўринда туришни Ўзи хоҳлайди.

Азиз синглим, Худога манзур аёл! Мана мен яна сизга нимани айтмоқчиман: мен сиз учун ҳам хотиржамман, чунки бизнинг сиз билан бу интилишлар йўлидаги мақсадимиз бирдир. Худога манзур аёл бўлиш, Уни қизгин, бутун юрақдан севиш — бизнинг ягона истагимиз шу. Сиз болалар аравачасини етаклайсизми, озиқовқат солинган аравачани тортасизми ёки алюминий ҳассага суяниб юрасизми; сиз ёлғизмисиз, турмушга чиққанмисиз ёки бева қолганмисиз; болаларингиз борми ёки бефарзандмисиз; сизнинг кичкинтойларингиз қизамиқ билан оғрияптими, эрингиз саратон

касаллигидан ўляптими, ёки сизнинг ўзингиз остеопороздан азият чекяпсизми — агар мана шу барча кулфатлару ташвишлар остида хам юрагингиз Худога содиқ бўлса, сизнинг ҳаётингиз мухим аҳамиятга эгадир.

Мен ҳали айтиб ўтганимдай, китобимни бу тарзда бошлайман деб ўйламаган эдим. Аммо Худога манзур аёл ҳақидаги китобнинг бундай бошланиши шунчалар ажойиб ҳаёт кечирган Лоис учун хурматим белгиси бўлсин. Худони севиш ҳақида, Унинг кетидан ҳар куни чин юрақдан эргашиш ҳақида қарор қабул қилиш қанчалар мухим эканлигини у менга кўрсатди. Биз ўзимизни Худога багишлаганимизда ҳаётимизнинг ҳар куни чуқур маънога тўлади.

Худога содиқ юрак

Масиҳнинг оёқ томонида ўтирган, Унга маъқул бўлган аёлга — Марямга дикқат билан назар солсангиз, «Худога содиқ юрак» ифодасининг маъносини чуқурроқ тушунишингизга имкон топасиз. Марям нима иш қилибдики, бу иш туфайли бизнинг Кутқарувчимиз уни мақтади?

Марям энг мухимини аниқлаб олди. Исони Марямга эзгу сўзлар айтишга унданаган воқеа бизга бу аёлнинг юрагига назар ташлашга имкон беради (қаранг: Лк. 10:38–42). Исо (эҳтимол, ўз шогирдлари ҳамроҳлигига) Марфа ва Маряннинг уйига келди. Мен ишона-манки, бу хонадон учун уларнинг келиши байрам бўлган. Тасаввур қилинг-а, Раббий Ўз оёғи билан сизникига тушликка кириб келди! У муҳаббат, хайриҳоҳлик ва донишмандликнинг ўзи эди. Унинг ҳозир бўлиши, Раббийнинг ҳозир бўлиши — ерда Осмоннинг бир бўлаги борлиги эди.

Аммо Маряннинг опаси Марфа бу мўъжизани сезмади. Шунинг учун ҳам байрамни ўх хулқи билан бузди. У оддий меҳмондорчилик чегараларидан чиқди, у бекалик мажбуриятларига ҳаддан зиёд берилди. Исо ҳаёт сўзини — Худонинг оғзидан айтиладиган Илоҳий каломни айтиш учун оғзини очганда, Марям ошхонадан чиқди ва секингина Унинг оёқлари остига ўтирди. Шунда Марфа ғазабини, норозилигини, безовталигини жиловлай олмади. У Устозининг — меҳмонининг сўзларини бўлиб, шундай деди: «Раббий! Опам бир ўзимга хизматни ташлаб қўйди, бу Сени қизиқтирмадими? Унга айт, менга ёрдам бериб юборсин». Раббий билан бирга ўтказилган вақт қанчалар мухим эканлигини Марфа тушунмади.

Марям эса юраги Раббийга садоқатини намоён қиласынан ишни қилди. У үзининг Худога манзур аёл эканлигини кўрсатди. У Исоға диққат-эътиборни тўла қаратиш учун барча ишларни, барча иккичи даражали нарсаларни қўйиб туриш зарурлигини биларди. Раббий билан бирга вақт ўтказиш имкониятидан маҳрум бўлган ўз опасидан фарқли ўлароқ, Марям биринчи ўринга Масиҳ билан мулоқотни қўйди.

Марям энг муҳимини танлади. Марям Худо юрагига манзур аёл эди, унинг юраги доимо У билан банд эди. Ҳа, албатта, у ҳам ишларди. У ўз зиммасига Худо томондан юклатилган ўз мажбуриятларини олган эди. Аммо шу билан бирга, у доимо ўзи учун энг муҳимини танларди. У вақтини Раббий билан мулоқотда ўтказиши афзал кўрарди. Марям Масиҳ оёқлари остида ўтказган соатлари ва дақиқаларини ҳеч нарса билан алмаштириб бўлмаслигини биларди. Устози айтганидай, ундан ҳеч қачон Худони тинглаб, Унга сифиниб яшаган вақти тортиб олинмайди. Чунки бу вақт унинг абадий интилишларига хизмат қилди, унинг мангук руҳига фойда келтирди. Марям бу қимматли дақиқаларни Раббий билан ўтказиш афзал, деб билди.

Ҳа, аммо қандай қилиб?

Биз қандай қилиб Худога садоқатли, Уни самимий севадиган ва У учун яшайдиган аёллар бўлишимиз мумкин? Биз қандай қилиб Марямининг қилган ишидан ўрнак олишимиз мумкин? Бизда Худо қалбига ёқадиган аёлларни кўришга мажбур қиласынан танлашни атрофдагилардан ўрганамизми? Бу эса Унга бизнинг юракларимизда Худога нисбатан муҳаббат ўтини ёқишга имкон берадиган ҳолатни эгаллашга ёрдам беради.

1. *Доимо ва ҳамма нарсада Худо йўлларини танланг.* Ўзингизга бир нарсани одат қилиб олинг: доимо, худди Марям қилганидай, ҳар бир ишда, сўзда, фикрда ёки сезгида Худо йўлларидан боринг. Бу китоб қандай қилиб Худонинг устивор қонунларига биноан яшаш ҳақида. Шундай экан, танлаган йўлимиз биз учун энг олий ўринда Парвардигор эканлигини кўрсатиш зарур. Қолаверса, «устунлик» сўзининг ўзи ҳам «энг биринчи ҳолат» деган маънони билдиради-ку. Биз ҳамма нарсада биринчи ўринга Худони қўйишмиз керак. Бу йўлда бизга бир нечта маслаҳат ёрдам беради. Бу

қийин эмас, аммо мен ҳүшёрикни йўқотиш қанчалар осон эканлигини биламан.

Ҳикматлар Китоби 3:6. «Ҳар ишингда Эгамизни эътироф эт, шунда У йўлларингни тўғрилайди». Бу сўзлар ушбу китобнинг ва ҳаётнинг ҳам энг асосий мавзуси бўлиши мумкин эди! Бу ажойиб оят бизга инсон ва Худо ҳамкорлигини кўрсатиб беради: меҳнатимизнинг бир қисми — бутун ҳаётимиз давомида Худо иродасини англаш, Унинг қисми эса — бизни тўғри йўлга бошлаш. Биз ҳар бир қароримиз, сўзимиз, фикримиз, жавобимиз тўғрисида Худодан маслаҳат олишимиз керак. Навбатдаги қадамни қўйишдан олдин ёки нимагадир жавоб беришдан олдин биз тўхтاشимиз ва ибодат қилишимиз керак: «Раббий, мен ҳозир нима қилишим, қандай ўйлашим ва нима дейишим керак?».

Ушбу оятни кундалик ҳаётимизда қандай қўллаш мумкин? Рухсат берсангиз, мен иккита мисол келтираман. Мен эрталаб уйғонаман, оддий иш кунимни бошлайман. Мен одатий ишлар билан шугулланаман, аммо бирданига кескин вазият пайдо бўлиб қолади. Телефон жиринглайди ва менга ёмон хабар айтишади, ёки мендан бирон қарорга келишни талаб қилишади. Мен нафасимни ростлашга, тўхташга (эҳтимол, ҳатто жисмонан Марям қилгандай йўл тутишга) ва ҳаммасини Худога ишонишга ҳаракат қиласман. Мен: «Раббий, ҳозир қандай йўл тутишим керак?» деб ибодат қиласман. Мен оддийгина ўз фикрларимда танаффус қиласман, ўз туйғуларимни жиловлайман, Худо иродасини ахтараман. Мана, менинг ишим шундан иборат.

Бошқа мисол: оддий кун ўтяпти, бирданига кимдир мени хафа қиласди. Унга жавобан бир нарса дейишдан олдин қонга-қон (ёки сўзга-сўз)ни талаб қилишдан олдин мен тўхташга... нафас ростлашга... танаффус қилишга... фикран Худо ҳузурида бўлишга... ва барча фикрларимни Унга қаратишга ҳаракат қиласман. «Шундай қилиб, Раббий, мен нима қилишим керак? Мен нима дейишим керак? Мен қандай йўл тутишим керак?» Мен ҳатто Ундан сўрайман ҳам: «Мен бу одамнинг гапини эшитаётганимда юзимда қандай ифода қўришни хоҳлайсан?» Мен Худо иродасини англашга ҳаракат қиласман. Мана, менинг ишим шундан иборат.

Мен ўз ишимни қилаётганимда Худо Ўзига ишнинг бошқа қисмини олади — У мени бошқариб, тўғри йўлга солади! Кўпинча менинг онгимда пайдо бўладиган навбатдаги фикр Ундан бўлади. Модомики, мен Унинг бошқарувини сўраб, ўз йўллимдан эмас, Унинг

Йўлидан бормоқчи бўлар эканман, У мени Ўз йўлига бошлади. У менга қайси йўлдан боришни кўрсатади, менга раҳнамолик қилади (қаранг: Заб. 31:8). У менга нима қилишим, қандай ҳаракат қилишим, нима дейишим кераклигини кўрсатади. Худо Ўз ваъдасига содик қолади: «Сизлар ўнгга ёки чапга бурилганингизда, шундай овозни эшиласизлар: «мана йўл, шу йўлдан юринглар» (Ишаё 30:21).

Инглиз тилида шундай ибора бор: «Яхши, яхшироқ, аъло». Фарзандларимизнинг кўпчилиги бу иборани болаликларида ўз мактаб ўқитувчиларидан эшигтан бўлсалар керак. Бу иборанинг маъноси шуки, биз ҳеч қачон то ҳамма яхши нарсалар янада яхшироқ бўлмагунча, яхшироқ нарсалар эса аълога айланмагунча тўхтамаслигимиз керак. Мен ҳар сафар бирор қарор қабул қилишим кераклигига ёки танлаш керак бўлганда бу иборани эслайман. Марям ҳам айнан шундай қилган. Ана шу тамойилга риоя қилиш менга бир куни ёрдам берган.

Лос-Анджелеснинг ҳар бир фуқароси жуда кўп вақтини рулда ўтказади. Шу жумладан мен ҳам. Машинада бир ўзим бўлган вақтимда мен хоҳлаган ишимни қиласман. Илгари мен доимо енгилелпи мусиқаларни олиб берадиган радиостанцияларни тинглардим. Бу анча яхши қарор эди. Аммо ўйлаб кўриб мен бундан ҳам яхши йўл тутдим: мен энди мумтоз мусиқаларни тинглай бошладим (мен бундай мусиқаларга жуда қизиқардим). Ўз қарорим ҳақида яна ўйлаб кўриб, мен ундан ҳам яхшироқ тўхтамга келдим: мен илҳом берувчи масиҳийча мусиқани тинглашга жазм қилдим. Кеинин яхшироғидан аълоси томон ҳаракатланиб, мен ҳаммадан ҳам ваъзлар ёзилган тасмаларни тинглашни афзал кўрдим. Шундан сўнг Худо Каломи ёзилган тасмаларни тинглай бошладим. Бир куни мен магнитофонни умуман ўчириб қўйдим ва ўзим учун энг яхшиси Муқаддас Ёзувдан парчаларни ёдлаш экан, деган қарорга келдим! Шундай қилиб, мен яхшидан аъло томон ҳаракат қилдим.

Мен янги имонли бўлган пайтим эди. Бир куни ёши каттароқ аёлнинг, худди Маряннинг танлови каби, ўз танлови ҳақида гапираётганини эшитиб қолдим. Бундай танловни аёл ҳар куни эри ишга кетганда қиласлан экан. Аёл хоҳлаган иши билан шуғулланиши мумкин эди: телевизорни қўйиб, телевизион сериаллар кўриш, «Лос-Анджелес Таймс»ни ўқиши, ёки Муқаддас Китобни қўлига олиб, ибодат соатини ўтказиш. У энг сўнгисини танларди. У Худога манзур аёл эди. У ўзи учун нима яхши, нима ундан яхшироқ ва нима аълороқ эканлигини яхшилаб ўрганиб чиқди ва тўғри танлов қилди!

Худди шундай вазифа ҳар биримизнинг олдимизда турибди. Биз Худони ва Унинг йўлларини танлаган вақтимизда, Унга садоқатимиз ошади.

Парвардигордан қўрқиб яшанг. Муқаддас Ёзувдан олинган менинг севимли парчам қуйидаги сўзлар билан тугайди: «Жозиба алдамчи, чирой эса ўткинчидир, аммо Худодан қўрқадиган аёл кўкка кўтарилади» (Ҳикм. 31:30, курсив меники — Э. Дж.). Худога ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш — Худога манзур ҳар қандай аёлнинг ажралмас фазилатидир.

Ёзувчи ва Муқаддас Китоб курслари ўқитувчиси Энн Ортланд ўзининг Худо олдидаги қўрқуви ҳақида шундай деган: «Менинг юрагимда доимо кўркув мавжуд... Мен ҳар куни эътиқодимни мустаҳкамлашга ҳаракат қиласман. Худони ҳурмат қилиш ва менинг қалбимга зарар етказиши мумкин бўлган ҳар қандай гуноҳдан қўрқиш — Худо қўрқуви мана шудир»¹.

Худога худди шундай муҳаббат ва нотўғри қилинган танлов туфайли энг яхши нарсани бой бериб қўйиш қўркуви бошқа бир аёlda ҳам бор. Менга жуда ёқадиган бу аёл — «Навигаторлар» масиҳийлик ташкилотидан Кэрол Мэйхоллдир. Мен унинг аёллар анжуманида сўзлаган иккита нутқини тинглаганман. У ҳар гал шундай сўзларни айтарди: «Мен доимо бир қўркув билан яшайман... Бу қўркувни, агар шундай деб аташ мумкин бўлса, соглом ва табиий қўркув деб айтиш мумкин. Худо мен учун бу ҳаётда тайёрлаган нарсани қўлдан чиқариб юборишдан қўрқаман. Доимо Худо мендан нимани кутаётгандигини тушунишга ҳаракат қиласман. Мен фақат Унга ҳаётимнинг ҳамма томонлари устидан ҳукмронлик қилишга йўл қўймаган эдим, энди эса Худо марҳаматларидан биронтасини ҳам йўқотишини хоҳламайман. Илгари У менга нима деяётганига қулоқ солмадим. Кундалик ва шошилинч ишларга йўл қўйиб берганим учун, ҳаётимдаги илҳом бахш этувчи ва қалбимни тўлдирувчи ўзаро муносабатлар зарур вақтда мени маҳрум қиласарди»².

Сиз Худони иззат-ҳурмат қиласизми? У сиз учун, сизда ва сиз орқали амалга оширмоқчи бўлган нарсани бой бериб қўйишдан хавотирга тушасизми?

2. *Ҳар куни ўзингизни Худога багишиланг.* Биз ўзимизни ҳар куни қайта-қайта Унинг қўлларига ишониб топширганимизда, Унга бўлган бизнинг садоқатимиз ошади. Ҳар куни юракдан чиқсан ибодатда, баланд овоз билан ёки секинроқ ўзингизни Худога топши-

ринг — бутун борлигингизни, ўз ҳаётингизнинг барча томонларини топшириング. Буни ҳозироқ қилинг ва доимо амалга ошириб боринг. Ҳамма нарсани Худонинг меҳробига қўйинг. Қадимги авлиёлардан бири айтганидай, «ўз ҳаётингизни Раббийга топшириңг»³. Унга ўз ҳаётингизни, ўз танангизни (қандай бўлса, шундайлигича), соғлигингизни (ёки хасталикларингизни), умр йўлдошингизни, мол-мулкингизни, ҳар бир болангизни (бирининг кетидан иккинчисини), уйингизни, мол-мулкингизни беринг. Бу Худо ҳадяларини Унинг севгувчи қўлларига беришни ўзингизга одат қилинг, токи У бу нарсалар билан хоҳлаган ишини қылсин. Ахир, буларнинг ҳеч бири бизники эмас-ку, буларнинг ҳаммаси Худога тегишли! Ҳар кунлик бағишлов ибодати бизга ўзимизни деб ҳисоблаган нарсани Худо совғаси деб қабул қилишга ёрдам беради. Айтганларидек, «бор нарсангни сақла, аммо ҳеч қачон жуда қаттиқ ушлама». Мен XIX асрнинг художўй ёзувчиси Эндрю Мюррейнинг: «Худо тўлалигича берилган ҳаёт учун жавобгарликни Ўз зиммасига олишга тайёр» деган сўзларини жуда фойдали деб ҳисоблайман⁴.

Демак, ўзингизни ҳар куни Худога бағишланг. Бу бағишловни Ф. Б. Мейер ҳаётининг етти қоидасидан биринчисида келтирган ибодатда шундай ифодалайди: «Ҳар куни ўзингизни Худога аниқ ва тушунарли қилиб бағишланг. Қаттиқ овоз чиқариб: «Раббий, мен яна ўзимни Сенга бағишлайман», деб айтинг»⁵.

Менга айниқса, Ички хитой миссияси хизматчиси Бетти Скотт Стэмнинг бағишлов ибодати ёқади (бу ибодатни мен уйимдаги Муқаддас Китобнинг биринчи бетига ёзиб қўйганман). Кунларнинг бирида уни эри билан бирга Хитой шаҳри кўчаларидан қатл қилиш учун олиб ўтишган экан. Бу вақтда уларнинг фарзанди беланчакда ётганича қолган эди. Мана бу аёлнинг ҳар кунги ибодати:

Раббий, мен барча режаларим ва мақсадларимни, ҳамма истакларим ва умидларимни Сенга бераман. мен Сенинг иродангни қабул қиласман. Мен Сенга ўзимни, ўз вақтимни, бор йўғимни тўлалигича бераман. Мен абадий Сенини бўлиш учун ўзимни Сенга топшираман. Мени Муқаддас Рух билан тўлдир ва дилимга жо қилгин. Мени Ўз қўлларингдаги қурол қил, қаерга хоҳласанг, ўша ерга юбор. Ҳозир ва доимо менинг ҳаётимда ҳар қандай йўл билан бўлса ҳам Ўз иродангни бажар⁶.

Унинг бу ҳолатида нарх ниҳоятда юқори эди. Аёлнинг Худога бундай бағишлови унинг хизмати, эри, фарзанди ва ўз ҳаёти эвазига бўлди. Аммо айнан шундай бағишлов бизнинг Худо

фарзандлари сифатида мерос олиш хуқуқига эга эканлигимиздан дарак беради (қаранг: Рим. 8:17).

3. *Ўз юрагингиздаги оловни сўндириманг.* Ҳар сафар мен Исонинг: «Сенинг ишларингни биламан, сен на совуқ ва на иссиқсан. О, қани эди ё совуқ, ё иссиқ бўлсанг! Сен иссиқ ҳам, совуқ ҳам эмас, балки илиқ бўлганинг учун сени оғзимдан чиқариб юбораман» (Вахий 3:15–16) деган сўзларини ўқиганимда, мен юрагимнинг ҳолати учун алоҳида туйгу билан қайғураман. Худо юракнинг қандай ҳолатини энг ёмон деб хисоблайди?

Уларнинг ҳар бирини алоҳида кўриб чиқайлик. Юракнинг совуқ бўлиши — бу Худони севмаслик, Уни билмаслик ва Уни тушуммаслик деганидир. Худонинг ҳеч нимаси бундай юракда ҳеч қандай туйғуни чақирмайди. Энди эса илиқ юрак ҳақида: у салгина исиган, у деярли бефарқдир. Фақат тасаввур қилинг-а: Худога беэтибор бўлиш! Ва ниҳоят иссиқ юрак — бу ўзимизда бўлишини хоҳлайдиган юракдир. Қайноқ юрак кучли туйгулар ва илҳом билан ёнади. У бизни фаол меҳнатга ундаиди — ўзини Худога бағишлаган одамнинг юраги ана шунақадир!

Шундай қайноқ юрак эгаси бўлган одам билан сизнинг мулоқот қилишингизга тўғри келганми? Мен мулоқотда бўлганман. Агар сизнинг юрагингиз Худога муҳаббат билан ёнса, унда сиз ҳеч қачон қисқа миннатдорчилик ибодати билан чекланиб қолмайсиз. Овқатдан олдин ибодат қилишни Майқдан илтимос қилишиб. Майқ Худо олдида хаёлан тиз чўкиб, самимий ва чин юрақдан ибодат қила бошлади. У ўзининг қутулиши учун, Худо уни зулматдан ёруғлик шоҳлигига олиб чиққани учун, ўзининг йўқолгани ва энди топилгани учун, илгари кўр бўлиб, ҳозир кўзи очилиб кетгани учун Худога қизғин миннатдорчилик билдириди. У менда очлик туйғуси йўқолмагунча, ибодат қиласерди. Чунки энди мен бошқача озуқа — ўз қалбим учун руҳий озуқа олардим! Майкнинг қайноқ юраги ошқозоним учун моддий озуқа олиш ҳақидаги фикрни унтишга мени мажбур қилди!

Бизнинг юракларимиз қайноқ бўлиши керак. Улар Худога чуқур садоқатлари билан ажralиб туришлари керак. Сизнинг плитангиз устида чойнак қайнаётган бўлса, сиз бу ҳақда биласиз. У шовқин солади ва буг чиқаради. Баланд иссиқлик таъсири остида сув юкорига сакрайди ва у ёқдан бу ёққа чайқалади. У шунчалар қайноқки, унга кўл теккизиб бўлмайди. Сув ўзининг ички иссиқлигини чиқаряпти. Унинг қайноқлигини сезмаслик мумкин эмас. Биз ҳам

худди шу тариқа Раббий учун ёнишимиң керак. Унинг Ўзи бизнинг юрагимиздаги оловни ўчирмай туради.

Мана, мен худди шуни ўзимга ва сизга тилайман! Мен бизнинг ҳаётимизда Исо бўлишини, У ҳаётимизни ўзгартиришини хоҳлайман. Мен Унинг роҳат-фароғатига тўла бўлишимизни хоҳлайман. У биз учун азимкорлик кўрсатгани ҳақида (қаранг: Лк. 1:49), Унинг мўъжизалари тўғрисида (қаранг: Заб. 95:3) ҳаммага етказишимизни мен жуда хоҳлайман. «Бундай десин Худованд қутқарган, душман қўлидан нажот топган халқ!» (Заб. 106:2).

СИЗНИНГ ЮРАГИНГИЗ ЖАВОБИ

Азиз синглим, сиз ўз юрагингиз ҳолатини қандай баҳолайсиз? Сиз ўз юрагингизни Масихга беришингиз ва У орқали Худога келишингиз учун мен ибодат қиласман. Агар сиз Худо фарзанди бўлсангиз, унда Унинг фарзанди бўлиш ва шундай деб аталишдек ажойиб инъом учун Унга шукроналар айтинг!

Агар сиз Худо билан қандай муносабатда эканлигингизни аниқлашга қийналсангиз, ёки Ундан узоқ эканлигингизни аниқ билсангиз, унда ўз гуноҳингиз учун тавба қилинг, Исодан, менинг ҳам Кутқарувчим бўл, деб сўранг, Уни ўз ҳаётингизга таклиф қилинг ва Унинг янги ижоди бўлинг (қаранг: 2 Кор. 5:17). Сиз куйидагича ибодат қилишингиз мумкин: «Раббий, мен Сенинг банданг бўлишни, Сенинг юрагингга манзур аёл бўлишни, ҳаёти Сенда яширган, Сен билан ва Сен учун яшайдиган аёл бўлишни хоҳлайман. Мен ўз гуноҳларимни тан оламан ва Сенинг Ўзлинг Исо Масихни Унга ниҳоятда муҳтоҷ бўлган юрагимга қабул қиласман. У мени деб хоҷда ҳалок бўлганлиги учун Унга шукrona айтаман. Раббий, менга Ўзингнинг изингдан юришга куч ато қилаётганинг учун Сенга миннатдорчилик билдираман». Сиз ўз юрагингизни очинг, унга Исони таклиф қилинг ва Унга, мени Худо юрагига манзур аёл қил, деб айтинг ва шунга имкон беринг.

Энди сиз Худо билан шундай ўзаро муносабатларга киришингиз мумкин, чунки ўзаро муносабатлар туфайли У сизда садоқатли юракни шакллантиришни бошлай олади. Бу китобдаги ҳар бир топшириқ сизнинг шундай муносабатларга эришишингиз учун ёрдам беришга йўналтирилган. Бизнинг мақсадимиз — ўз иродамизни эмас, Худонинг иродасини бажаришдир! Ҳозирнинг ўзидаёқ, юрагим Худога нисбатан севги билан ёнсин, деб ибодат қилинг.



ХУДО КАЛОМИДА БҮЛАДИГАН ЮРАК

*Бундай киши сув бўйига ўтқазилган
даражатдай бўлади, илдизларини оқар
сув томон отади...*

Ермиё 17:8

Муқаддас Китоб бизга «...экишнинг ҳам, экилганни ўришнинг ҳам ўз вағти бор» (қаранг: Воиз 3:2) лиги ҳақида гапиради. Менинг эрим Жим учун бундай вақт 1944 йилда Жанубий Калифорнияда содир бўлган зилзила туфайли келди. Зилзила марказидан уч мил узоқда жойлашган бизнинг уйимиз анча зарар кўрди. Шу билан бир қаторда тош девор ҳам вайрон бўлди.

Бир йил давомида биз қўшниларимиз билан дўстона қўл сиқишиб юрдик. Девор тиклангани эса жуда яхши бўлди. Аммо янги девор шунчалар кўримсиз эдики! У ялангоч эди. Эски девор ниҳоятда ёқимли эди. Узоқ йиллар давомида уни шамол ялаган, атиргул ва печак билан ўралган эски деворимиз уй олдидағи ўтлоқни, ҳовличани, уйимизни ва ундаги ҳамма одамларни дўстона бағрига босиб тургандай эди. Деворнинг яшил барглар билан ўралган катта-катта тошлари ҳовлимизга шинамлик, гўзаллик ва ёқимли ҳидтаратиб турар, кўзни қувонтирадиган гулларни бошдан бошлишимиз керак эди. Мана, ниҳол экишнинг вақти келди!

Шундай қилиб, Жим ер бағирлаб ўсадиган ўн учта анжир кўчатини ўтқазди. Анжир дараҳтлари янги деворнинг кўримсизлигини беркитиб, безатиб туриши керак эди. Ниҳолларнинг ўн иккитаси тутди ва тез орада ҳар томонга қулоч ёзиб янги деворга чирмаша бошлишди. Аммо битта кўчат аста-секинлик билан қуриб бораарди, ниҳоят, у батамом қуриди.

Кунларнинг бирида, жума куни Жим кўчатхонадан бошқа ниҳол

олиб келди, иш кийимини кийиб қўлига белкуракни олди. Қуриган ниҳолни ковлаб олиш ва унинг ўрнига янгисини экиш учун шайланди. Аммо уни ҳайрон қолдирган нарса — бу белкуракнинг керак бўлмагани эди. Чунки Жим ниҳолни тортганда, у ердан осонгина суғурилиб чиқди. Ниҳолнинг илдизи йўқ экан! Ниҳолнинг ер устидаги қисмида у яшави учун керак бўладиган барча нарсалар бор эдию аммо унинг ер остидаги қисмида нимадир етишмасди. Унинг илдизи йўқ эди. Илдиз эса ниҳолга ердан зарур озиқ моддаларни ва намликни олишга ёрдам беради.

Худо қандай қилиб бизда эътиқодга тўла юракни шакллантириш ҳақидаги руҳий ҳақиқатни бу воқеа намоён қиласди: биз жон-жаҳдимиз билан ўз илдиз тизимимизни ривожлантиришимиз керак! Илдизлар ўсимликнинг соғломлигидан далолат бериб туради. Уларнинг мавжудлиги ёки йўқлиги охир-оқибат ҳаммага ошкор бўлади. Ўсимлик яшнаб гуллайди, ёки ҳалок бўлади, у ўсиб кетади ва гуллайди, ёки қуриб қолади. Ҳар қандай организмнинг ҳолати — у хоҳ боғ ўсимлиги ёки Худога бағишлиланган юрак бўлсин — унинг туб-тубида содир бўлаётган воқеаларни акс эттиради.

Худо Каломидан ҳаёт кучларини олиш

Агар Худо бизнинг юрагимизда биринчи ўринни эгаллашини хоҳласак, биз Унда чукур илдиз отишимиш керак. Ерда илдизлари беркинган ўсимлик каби, биз бегона кўзлардан холи, Худонинг Ўзи билан ёлғизлиқда — Масих Ўз ўқувчиларига ваъда қилган ўша ҳаёт учун зарур бўлган нарсаларни Ундан ортиғи билан олишимиз керак (қаранг: Юҳ. 10:10). Биз Худонинг яқинида яшшимиз керак. Тўғрироги, Унда беркинишимиз керак. Агар биз Масихда чукур илдиз отишга интилсак, биз илдизларнинг баъзи бир хусусиятларини кўриб чиқишимиз керак.

Илдизлар кўзга кўринмайди. Бизнинг руҳий илдизларимиз ҳар қандай ўсимлик илдизлари каби яширинган ва инсон кўзига кўринмайди. Мен сизнинг ички ҳаётингиз, Худо билан яширин ҳаётингиз — атрофдагилар кўзига кўринмайдиган ҳаётингиз ҳақида гапиряпман. Ҳаётнинг кўринмас томони муҳимлигини муз тоғ кўрсатиб беради.

Бир йили биз Жим билан Аляскада дарс берганимизда бир ба-лиқчи Жимни ўзи билан денгизга олиб кетди. Джекф Жимга на-фақат бургутларни, тюленларни, китларни, балки у муз тоғни ҳам

күрсатди ва унинг атрофидан қайигини эҳтиёт қилиб олиб ўтди. Бу йигит Жимга муз төғнинг фақат еттидан бир қисмигина сув юзасига чиқиб туришини ва ҳар қандай ақли бор балиқчи муз тоққа жуда яқин келиш мумкин эмаслигини билишини айтди. Чунки сув тагида бу баҳайбат муз төғнинг еттидан олти қисми яширинган эди. Ушбу даҳшатли муз төғнинг жуда кичик қисми — қўзга кўриниб турган бўлгаги ҳам ҳар қандай денгизчида қўрқув, даҳшат ва эҳтиром ҳиссини пайдо қилиш учун етарлидир.

Бу — биз интилишимиз керак бўлган нарсадир. Ҳаётимизнинг одамлар кўрадиган қисми уларда хурмат ва ҳайрат туйгуларини пайдо қилиши керак. Кўриниб турган кучимиз биз ва Худо ўтрасида бўлиб ўтадиган муносабатлар билан изоҳланиши керак. Агар биз доимий равишда ҳаётимизнинг ташқи томон ортидаги яширинган қисмини озиқлантириб турсак, унда одамлар бизда кўрган нарсаларидан ҳайратланадилар.

Аммо одатда биз ҳаммасини аксинча қиласиз. Биз масиҳийлар хаётида одамлар билан ўтказилган вақт жуда муҳим аҳамиятга эга, деб ҳисоблашга мойилмиз! Биз доимо — ишда, талабалар шаҳар-часида, ётоқхонада, дўйстлар даврасида, Муқаддас Китоб курсларида, уйда — одамлар куршовидамиз.

Бироқ ҳақиқат — «сиз кўп вақтингизни қанчалик сокинликда, фикрлашда, ибодатда, режалаштиришда ва тайёргарликда ўтказсангиз, ҳаётингизнинг кўринадиган қисми шунчалар таъсирчан ва унумли бўлишидадир»¹. Бир куни мен бир масиҳий раҳнамо менга, сизлар ҳамма вақт одамлар орасида бўла олмайсизлар, хизмат қила олмайсизлар, деб гапирганини эшийтдим. Сизнинг одамларга хизматингизнинг муваффақияти сизнинг Худо билан ёлгизликада ўтказган вақтингизнинг миқдорига тўғри пропорционалдир.

Ва бизнинг Худога қиладиган самарали хизматимиз ўз вақтимизни ақл билан тақсимлашни талаб қиласиди. Муқаддас Китобимнинг титул варағида бир парча ёзилган. Бу парча менга нимани танлашда ёрдам беради. Бунинг натижасида менда ички ҳаётимни мукаммалаштириш учун вақт қолади: «Биз нафақат нотўғри ва гуноҳ нарсаларга, балки биз учун ёқимли, фойдали ва яхши бўлиб, аммо бизнинг асосий хизматимизни ва энг муҳим мажбуриятларимизни бажаришга халақит берадиган бошқа нарсаларга ҳам «йўқ» деб айтишимиз керак»². (Сиз учун нима «ёқимли, фойдали ва яхши» бўла олади?)

Бизнинг Худога самарали хизматимиз, шунингдек, танҳоликни ҳам талаб қиласиди. Генри Друммонд ўзининг кичкина «The Greatest

Thing in the World» номли китобчасида ўз кузатувлари ҳақида шундай деб ёзади: «Истеъдод танҳоликда ривожланади — бу ибодат, эътиқод, фикрлаш, кўзга кўринмайдиганни кўриш истеъдодидир»³. Худо бизни Ўзида чуқур илдиз отишимиш учун, бу дунёдан узоқлашишга даъват этади.

Илдизлар намликни ва озиқ моддаларни шимиб олади. Биз ибодат ва Муқаддас Ёзувни ўрганиш ёрдамида Худо билан мулоқотга киришганимизда қандай воқеа юз беради? Биз оламиз. Биз шимиб оламиз. Биз озиқланамиз ва ўсамиз. Биз ўзимизда руҳий соглиқни ва руҳий ўсишни таъминлаймиз. Биз Масих билан вақтимизни ўтказганимизда У бизга куч беради ва Унинг йўлларидан боришга ундайди.

Мен Худо билан мулоқотда бўлган вақтимни «фойдали алмашиниш» вақти деб атайман. Дунёдан, одамлар кўзидан узоқда, мен ўз чарчоғимни Унинг тетикилигига, ўз заифлигимни Унинг куч-кувватига, ўз муаммоларимни Унинг қарорларига, ўз юқимни Унинг озодлигига, ўз умидсизлигимни Унинг илҳомига, ўз хавотирланишимни Унинг хотиржамлигига, ўз умидларимни Унинг ваъдаларига, ўз дилисиёҳлигимни Унинг тасалли малҳамига, ўз саволларимни Унинг жавобларига, ўз саросимамни Унинг бошқарувига, ўз шубҳаларимни Унинг ишончиига, ўз нотовонлигимни Унинг қудратига, вақтинчаликни абадийликка ва амалга ошмайдиганларни амалга ошадиганларга алмаштираман!

Мен ана шундай алмашиниш натижаларини бизнинг ҳар йилги жамоат аёллари анжуманида кузатганман. Менинг дугонам ва шеригим бундай тадбирларда доимо маъмурий ишлар билан жуда банд бўларди, унинг қўлидан беш юзга яқин аёллар ўтарди. Дугонам уларнинг барчаси билан яхши муносабатда бўлар, юзага келган муаммоларни ҳал қилиш учун ўзининг бор истеъдодини ишга соларди. Аммо навбатдаги анжуман яқинлашиб келаётганда, барчаси силлиқ ўтишини хоҳлаган унинг ташкилотчилари орасида саросима бошланганини, Кареннинг эса йўқолиб қолишини мен сеизиб қолдим. Ҳансираған ва терлаб кетган аёллар: «Карен қани? Бизнинг саволларимиз бор!» деб бизнинг хонага кириб келишди, биз эса Каренни ҳеч қаердан топа олмадик.

Шундай дақиқаларнинг бирида мен Кареннинг қўлида папка ва Муқаддас Китоб билан меҳмонхона залига тушаётганини кўриб қолдим. Карен бўлажак анжуманга жуда яхши тайёрланган эди. У охирги марта режани, жадвални ва маълумотни синчиклаб текшириб

чиқди. Аммо у яна бир нарсага — Худо билан ёлғиз мулоқотга муҳтожлик сезарди. У Худонинг қимматли ва куч берувчи Каломини ўқиб чиқиши, кейин эса ибодат орқали ҳаммасини Унинг қудратли қўлларига топшириши зарур эди.

Кейинроқ Худо билан мулоқотдан баҳра олган Карен яна орамизда пайдо бўлганда мен у билан бошқа аёллар ўргасида кишини лол қолдирувчи фарқни кўрдим. Аёллар орасида умумий саросима ошган вақтда Карен мутлақо хотиржам эди. Бошқалар асабийлашгандарида, хавотирга тушганларида, шубҳа-гумонлар ичида қолганларида Карен ҳаммаси яхши бўлишига ишонарди. Атрофдагилар саросимага тушганларида Карен атрофга ўзидағи Худо кучини тарқатар эди. Одамлардан узоқда, уларнинг кўзларига кўринмай у ўз муҳтожлигини Худонинг қут-баракасига алмаштиради.

Илдизлар озиқ моддаларини йигади. Бизнинг руҳий илдизларимиз — руҳимиз муҳтож бўлган нарсаларни сақлайдиган жойидир. Пайғамбар Ермиёнинг Китобида 17:7–8 айтилишича, «Умидини Эгамизга боғлаган, ёлғиз Унга ишонган баҳтлидир! Бундай киши сув бўйига ўтқазилган дараҳтдай бўлади, илдизларини оқар сув томон отади...» Илдизларини ҳаёт суви томон отган бундай қалб ўз ҳаётида муайян хусусиятларни намоён қиласди.

Биринчидан, у ҳатто қурғоқчилик кунлар узоқ жазирама йилларга чўзилса ҳам, куннинг жазирамасидан қўрқмайди. Бундай жазирамада ҳам унинг япроқлари доимо яшил бўлади (қаранг: 8-оят). Бундай руҳнинг Худо Каломига тўлган хазиналари, қанча узоқ давом этишидан қатъий назар, уни оловли синовлар пайтида қўллаб-куvvatлайди.

Иккинчидан, у мева беришдан тўхтамайди. Йил қурғоқ келганда ҳам безовта бўлмас, мева беришдан тўхтамас (қаранг: 8-оят). Чунки, «оқар сувлар канорига ўтқазилган, мевасини мавсумида тугадиган, барглари эса сўлмайдиган дараҳт кабидир у киши; у неки қиласа, толе унга ёрдир» (Заб. 1:3).

Агар биз доимий равишда Худо Каломидан озиқланиб турсак, У бизнинг юрагимизда умид ва Ўз кучининг заҳирасини яратади. Шунинг учун оғир вақтлар келганда ҳам бизнинг силламиз қуримайди. Биз куриб қолмаймиз, ҳалок бўлмаймиз. Бизга шамоллар ҳам, кулфатлар ҳам қўрқинчли эмас, бизнинг кучимиз тамом бўлмайди, биз ҳалокатга учрамаймиз. Биз фақат ўзимизнинг яширин омборларимизга тушамиз ва Худо берган нарсалардан ўзимизга

зарурларини оламиз. Биз «қадам босганимиз сари кучаяверамиз» (қаранг: Заб. 83:8).

Менинг қайнонам касал вақтида ҳам айнан шундай воқеа юз берди. Унинг қасалхонага тушиши мен учун бардошлиликнинг синови бўлди. Турмуш ўртогим — унинг ягона ўғли — чет элга кетди, у бизнинг орамизда эмас эди. Биз учун бундай қийин вақтда мен шунчалик банд эдимки, хотиржам ибодат қилишга ҳам вақтим қолмади. Ҳамма вақтимни бемор тӯшаги ёнида ўтказдим ва соатлаб уни парваришладим. Ўз руҳимни мустаҳкамлаш учун омборхоналаримга тушишдан ўзга имкониятим йўқ эди.

Мен у ердан нималарни топганимни биласизми? Кудратли Худонинг марҳамати сифатида мен қўшимча мадад олдим. Бу учун мен бир неча йил давомида Муқаддас Ёзувдан ёд олган жуда кўп парчаларни эсладим. Илгарилари Худо билан ёлғизлиқда мулоқотда бўлган пайтларимда ўқиган саноларим менга руҳий қувват баҳш этди. Инсон хаёлига сифмайдиган Худо берган тинчлик менинг юрагимни ва хаёлларимни Исо Масихда асрари (қаранг: Флп. 4:7). Кутқарувчимнинг намунаси Худо каломи туфайли куч-қудратга эга бўлган бошқа Муқаддас Китоб қаҳрамонлари каби менга ҳам куч ато қилди. Қийин вақтларда бизга Худо ҳақиқатини чуқурроқ тушуниб етиш ёрдам беради.

Илдизлар бизга барқарорлик ато қиласиди. Яхши ривожланмаган илдиз тизимисиз биз омонат бўламиз — ер устида баҳайбат ва залворли шоҳ-шабба қад ростлайди, аммо ернинг тагида уни ҳеч нарса ушлаб турмайди. Мустаҳкам илдизларсиз бизни эртами-кечми боғлаб қўйишга, бирон нарса билан суяшга, текислашга тўғри келади. То шамолнинг навбатдаги кучайиши бизни яна қулатмагунча, шундай бўлаверади! Бироқ кучли ва соғлом илдизлар билан бизни ҳеч қандай шамол ердан сугуриб ташлай олмайди!

Ха, соғлом илдиз тизимининг мадади биз Худода мустаҳкам тура олишимиз учун мутлақо зарур! Илгари дараҳтларни ўстириш учун қўлланган усул эсимга тушади. Ушбу дараҳтлардан кейинчалик савдо-сотиқ ва ҳарбий кемалар учун маҷталар ясашган. Олдин бош кемасоз баланд тепалиқда ўсадиган дараҳтни танларди. Кейин унинг атрофида ўсаётган ва уни шамоллардан асрайдиган бошқа дараҳтларни чопиб ташларди. Бир неча йил давомида шамоллар бу дараҳт атрофида елиб, шамоллатиб туради. Бундан дараҳт танаси тобора мустаҳкамланиб бораверади. Ва ниҳоят то бу дараҳт фок-маҷтага айланишга тайёр бўлмагунча, шундай ҳолат давом

этаверади⁴. Бизнинг соғлом илдиз тизимимиз бўлса, биз ҳам ҳаётнинг ҳар қандай кутилмаган зарбаларига дош беришда мустаҳкам туриш учун зарур бўлган кучга эга бўламиш!

Ҳа, аммо қандай қилиб?

Аёл қандай қилиб Худонинг юрагига яқинлаша олади? У бизни чидамли қилишига имкон берувчи Худо олдидағи вазиятни эгаллашимиз учун биз нима қилишимиз керак?

1. *Ўзингизда Худога яқинлашиши одатини шакллантиринг.* Худо сўзини доимий равишда ўқибгина, биз юракларимиз эътиқодда ўсиши учун зарур бўлган озуқани олишимиз мумкин. Аммо мен ўз тажрибадан қуйидагини биламан: бундай одатни шакллантириш жуда қийин ва биз Муқаддас Китобни ўқиш имкониятини осонгина қўлдан бой берамиз. Доимо шундай сабаблар топиладики, Худо билан ёлғизликда бир неча дақиқани кейинроқ ўтказсак, ёки бунга бирпас туриб қайтсак, ёки бугун эмас, эртага ҳаммасини етказиб олсак бўлади, деб ишонишимизга улар бизни осонгина мажбур қиласдилар.

Бироқ менинг мақсадларим унча кенг эмаслигини тушундим. Эрталабдан янги кунимни бошлай туриб мен ибодат қилишни ва Муқаддас Китобни ўқишни бир нечта аҳамиятсиз ишларни қилганимдан сўнг, масалан: бир-икки жойга телефон қилиш, ошхонани тартибга келтириш, идиш-товоқ ювадиган машинани ишлатиш, кроватларни тузаш, кийим-бошларни йигиштириш ва,вой Худо-йим-ей, сал бўлмаса ванна хонадаги ҳисоблагични артиб қўйиш эсимдан чиқай дебди, кабилардан кейин режалаштиришим мумкин! Кейин тезлик билан қаергадир бориб келишим керак бўлади. Мен қай тарзда бўлса ҳам, ҳаётимдаги энг муҳим иш учун — Худо билан мулоқот учун вақт топа олмасдим! Мана, шунинг учун ҳам мен қатъиятлилик кўрсатишим ва Худо билан ибодат соатини олдиндан белгиланган бир вақтда ўтказиш учун ўзимни мажбураш им лозим — мен буни *хоҳлайманми* ёки йўқми, ҳозирда мен учун бу энг яхши вақт ўтказишми ёки йўқми, бундан қатъий назар. Мен Худога яқинлашишим керак!

Қуйидаги савол ҳақида ўйлаб кўринг: агар сиздан эрталаб ибодат вақтингиз ҳақида сўзлаб беришни сўрашса, сиз нима деб жавоб берган бўлардингиз? Айнан шу саволни бизга — миссионерлик фаолияти билан шуғулланишни хоҳлайдиганларга «Навигаторлар»

масиҳийлик ташкилотининг асосчиси Досон Тротман берган. Бир пайтлар у беш кун давомида чет элда миссионерлик хизматини ўтамоқчи бўлганлар билан сухбат ўтказган экан. Уларнинг ҳар бири билан у ярим соатдан сухбатлашган. Сухбат жараёнида Досонни сухбатдошининг ибодатга оид ҳаёти кўпроқ қизиқтиарди. Афсуски, йигирма тўққизта одамдан фақат биттасигина доимий ибодат у учун куч манбаи эканлигини, унга кувват бағишлишини ва унга Худо бошқарувини беришини айтган. Ўзларини Худога хизмат учун бағишлишини истаган бу одамларнинг ҳаётларини ўрганган Тротман шуни кўрдик, улар Худога эътиқод қилишни бошлаган пайтлариданоқ доимий ибодат ҳаётига риоя қилмаганлар⁵. Худога яқинлашиш одати бизнинг ибодат амалиётимизни Раббий кўришни хоҳлаганидай қилишга ёрдам беради.

2. Худо билан шахсий мулоқот вақтини белгиланг. Биз, аёллар, одатда ҳаётимиздаги турли воқеаларни ўйлаб кўрамиз, мақсад қилиб қўямиз, режалаштирамиз. Биз базмни, никоҳни ва анжумани қандай ўтказишни биламиз. Агар ибодат вақтининг мангуллик нуқтаи назаридан қанчалар қимматли эканлигини ҳисобга олсак, уни ҳам худди шундай пухталик билан режалаштиришимиз керак! Худо билан бўладиган мулоқот вақтингизни қандай ўтказишни хоҳлашингиз устида ўйлаб кўринг. Бу мулоқот қандай қисмлардан иборат бўлади?

Қачон? Менинг шиоримни доимо ёдингизда сақланг: *Ҳеч нарса бўлмагандан кўра, бир нарса бўлгани яхшироқ.* Худо билан мулоқот учун ягона «мос бўлмаган» вақт — бу самараси йўқ вақтдир. Ўз ҳаёт тарзингиздан келиб чиқиб ўзингиз учун энг қулай вақтни танланг. Баъзи бир эмизикли оналар учун бу тунги вақтдир. Баъзи ишлайдиган аёллар эса бу мақсад учун тушлиқдан кейинги танаффусдан — машинада, ресторонда ёки ёзув столи ёнида фойдаланадилар. Менинг азиз қайнонам ўз ибодатларини кечаси ўринда амалга оширади. Чунки кучли оғриқлар унга уйку бермасди, Худонинг Каломи эса енгиллик олиб келарди. Бошқа бир аёл ҳар якшанба кечқурун қўлига календар олиб, кейинги ҳафтада қиладиган ишларини кўриб чиқар ва Худо билан мулоқот учун энг қулай вақтни танлар эди. Хадсон Тэйлор ўз дўйстларига шундай деган: «Ҳар гал Хитой устида қуёш кўтарилигандা, у мени ибодат устида кўрарди»⁶. У бунга қандай қилиб эришди? «Эрталабки ибодатни ҳеч қандай тўсиқларсиз бажариш учун у доимо жуда эрта турарди. Агар ҳали уйқуга тўйма-

ган бўлса, Тэйлор ибодатдан сўнг уйқусини давом эттиардди⁷. Сиз учун чи? Сиз учун қайси вақт қулай? Худо билан мулоқот вақтини аниқ белгилаб, сиз биринчи жиддий қадамни қўясиз.

Қаерда? Ҳозир бу жой — менинг кроватим. Аммо кўп йиллар давомида нонушта столи мен учун шундай жой бўлган эди. Кейин баъзи бир сабабларга кўра мен ошхонага ўтдим ва у ерда қахва столи ёнидаги күшеткада жойлашдим. Ёзда Худо билан мулоқотни мен ҳовлида ўтказардим. Худо билан қаерда учрашасиз, қанча вақт мулоқотда бўласиз — бу муҳим эмас. Менинг шундай дўстларим борки, улар Худо Каломини ва ибодатларини ёзув столи ёки баланд ёзув столи орқасида ўтириб ўқийдилар. Бир китобда, эшик сотиб олиб, уйингизда кичкинагина бурчакни ибодат хонаси қилиб олинг, деб таклиф қилинади⁸. Бир аёл коридорнинг кичкинагина қисмини чегаралаб олди ва у ерни «ибодат хонаси» қилиб олди. Нима керак бўлса шуни қилинг, фақат сизда Худо билан мулоқот қилиш учун алоҳида жой бўлса, бас.

Сизга нималар керак бўлади? Худо билан мулоқотга киришадиган жойингиз ёруғ бўлсин. Бу учун сизга яна ручка, қаламлар, маркерлар, хат чўплар, карточкалар, ёзув дафтарлари, ибодат қундалиги ва дастрўмолчалар керак бўлади. Шунингдек, сиз яна мадхиялар тўплами, масиҳийча қўшиқлар ва ваъзлар ёзилган кассеталардан олиб қўйинг. Эҳтимол, сизга яна эсадлик шеърлари билан карточкалар, журналлар, Муқаддас Китобни ўқиш режаси, масиҳийлик китоблари ва маълумотномалар тўплами (справочниклар) керак бўлиши мумкин. Столингиз устида зарур нарсаларнинг барчаси борлигини текшириб қўринг.

Нима бўлса ҳам Худо юрагига эришишга интилинг. Худо билан ҳоли мулоқотга кириша олишингиз учун қўлингиздан келган ҳамма нарсани қилинг, токи Унинг ва сизнинг юракларингиз ажойиб уйғунлик ила бирлашсин. Бир донишманд авлиё айтганидай, «ҳар бир тақвдорнинг Худо билан ёлғиз қола олиши учун вақти бўлиши керак. Оҳ, ҳозир Худо фақат мен билан мулоқотда эканлиги, мен эса фақат У билан эканлигим ҳақидаги фикр қандай ажойиб»⁹.

3. *Худо юрагига манзур аёл бўлиши ҳақида орзу қилинг.* Содиқ юракни тарбиялаш масаласида асос бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Бундай вазиятда айнан орзу бизни рағбатлантириши мумкин.

Бир йилдан сўнг ўзингиз орзу қилиб, хоҳлаган аёлниг руҳий ҳолатини тасвирланг. Соат қўнгироғи сизни Худо йўлларида туришга ва ишга тушишга унdagани каби, юришга ҳам даъват этади. Бу вазият сизнинг интилишларингизга қанот баҳш этади.

Бир йил давомида сиз ўз масиҳийлик ҳаётингизнинг заиф томонлари устидан ғалаба қозона олишингизни англайсизми? Сиз Муқаддас Китобни бошдан оёқ ўқиб чиқишингиз мумкин эди. Сиз миссионерлик хизматига тайёрланишингиз мумкин эди. Сиз ўзингиздан кўра тажрибалироқ масиҳий аёлдан ўрганишингиз ёки ёшрогига ўргатишингиз мумкин эди (қаранг: Тит. 2:3–5). Сиз маслаҳатчилар ёки Хушхабарни тарқатувчилар курсларини тугатишингиз мумкин эди. Муқаддас Китобдан йигирмата ёки ўзингиз нечта хоҳласангиз, шунча оят ёдлашингиз мумкин эди. (Досон Тротман имонга киргандан сўнг Муқаддас Китоблардан оятларни ёд ола бошлади ва уч йил давомида мингтacha оят ёдлаб олди!¹⁰) Сиз ўн иккита фойдали масиҳийлик китобини ўқиб чиқишингиз мумкин эди. Орзу қилинг, ҳаракат қилинг!

Сўнгра, сиз ўн йилдан кейин ўзгариши хоҳлаган аёлни тасвирланг. Дафтар вараги четига ҳозирги ёшингизни ёзинг, пастроғига эса ўн йилдан кейинги ёшингизни ёзиб қўйинг. Ана шу ўн йил ичида ҳаётингизда нималар содир бўлишини тасаввур қилинг. Сиз ана шу йиллар давомида Худога муҳтоҷ бўлишингизни аниқ кўрасиз. Гуноҳ билан курашда ва руҳий мукаммаллашувда сизга Худо ёрдами керак бўлади. Яҳши рафиқа бўлиш учун, ёки ёлғиз, оиласиз ёки бевалиқда яшаш учун Худо ёрдами керак бўлади! Сиз Худога худди онага муҳтоҷ бўлгандай муҳтоҷ бўласиз, болаларингиз неча ўшда эканлигининг аҳамияти йўқ. Худо сизга Ўзи хоҳлаганидай қиз, келин, қайнона бўлишингизга ёрдам беради. Фақат Худо ёрдами билан сиз ўз яқинларингизга ёрдам бера оласиз. Сиз ўзингиз кексайганингизда қари ота-оналарингизга ғамхўрлик қилишингиз керак бўлганда, Унинг ёрдами зарур бўлади. Умрингиз поёнига етганда ҳам сизга Худо ёрдами керак бўлади.

Сиз шундай аёл бўла олишингизга ишонасизми? Худо марҳамати ва Унинг кучи туфайли сиз бўла оласиз! У бизга хотиржамлик ва қуч ато қиласиди. Аммо ўз ҳаракатларимиз учун ҳам жой қолади. Ёзувларда айттилганидек, «бор кучинг билан қалбинги асра, чунки у ҳаёт булогидир» (Ҳикм. 4:23). Айнан сиз ўз юрагингизнинг баъзи бир хислатларини белгилайсиз. Ўзингизнинг ким бўлишингиз ёки бўлмаслигинги — ўсасизми ёки йўқми — ўзингиз ҳал қиласиз. Сиз қандай тезлиқда ўсасиз, муваффақиятларингиз мағлубиятларингиз

билинмай қолмайдими, доимий йиқилишлар туфайли ўсишингиз билинмай қолмайдими, ўз руҳий ўсишингизга бир кунда беш дақиқа ёки ўттис дақиқа ажратасизми — буларни ҳам *сиз* белгилайсиз. *Сиз* бир кечада ўсиб катта бўладиган, аммо биринчи шамол ёки жазирамаданоқ ҳалок бўладиган ўсимликдай бўласизми, ёки йиллар давомида кучга тўладиган эман дараҳти бўлишни афзал кўрасизми — *сиз* ҳал қиласиз. Менинг эрим ўз талабаларига доимо шундай дейди: «*Сиз* қаерни хоҳласангиз, Худо сизни ўша ерга ва *сиз* қандай тезлиқда хоҳласангиз ўшандай суратда олиб боради». *Сиз* ўз орзуингиздаги аёл бўлиш учун қанча узоқликка ва қандай тезлиқда ҳаракатланишни хоҳлайсиз?

СИЗНИНГ ЮРАГИНГИЗ ЖАВОБИ

Шундай қилиб, мана биз — Худони излайдиган, «О, Масих, фаяқат Сени кўпроқ севишни» хоҳлайдиган қалбли аёллармиз! Мана биз турибмиз, Худонинг нақ юрагига — Унинг Каломига диққат билан қарайпмиз. Худонинг саховату ҳикмати ҳамда билимининг чексизлиги ҳақиқатан ҳам бекиёсдир (қаранг: Рим. 11:33). Худованднинг нияти боқий туради, наслдан-наслига ўтади Унинг дил муроди (қаранг: Заб. 32:11). Худо Каломи билан озиқланиб, ўсиб борамиз ва нажотга эришамиз (қаранг: 1 Бут. 2:2), Унинг Каломи қадамларимиз учун чироқдир, йўлимизга нур сочадиган ёргуликдир (қаранг: Заб. 118:105). Шунинг учун биз ҳар куни Худо Каломига яқинлашишимиз жуда муҳим. Ўз танамизга керак бўладиган озуқага қараганда, У берган амрлардан четга чиқмай, Унинг сўзларини қалбимизда сақлаганимизда қанчалар қувончни ҳис қиласиз (қаранг: Аюб. 23:12)!

Мен ўз мусиқа асрлари устида олти юз соатдан кўп ишлаган, ўз ютуқлари ҳақида кундаликка ёзib борган бастакорга бағишлиланган таъзияномани газетадан қирқиб олдим ва уни асрраб қўйдим¹¹. У бутун ҳаётини яхши ва эзгу, аммо ўткинчи ва мангуллик учун ҳеч қандай қадриятга эга бўлмаган ишларга бағишилаган. Энди тасаввур қилинг-а, агар сиз ҳар куни Худога Унинг Каломи орқали яқинлашганингизда, вақtingизни юрагингизни ўзгаришишга қодир, мангуллик учун катта аҳамиятга эга нарсаларга бағишилаганингизда, сизнинг юрагингизда қандай ўзгаришлар бўлиб ўтарди! Кўпроқ вақtingизни Худо билан мулоқотда ўтказишни ва Унинг Каломини кўпроқ ўқишини ўз олдингизга мақсад қилиб қўйинг.



ИБОДАТГА БАГИШЛАНГАН ЮРАК

*Тоғларга күзларимни тикаман,
Менга мадад қаердан келар экан?
Худованد еру осмонни яратган,
Ундан келар менга мадад...*

Заб. 120:1–2

Үша ғалати кунни аниқ эслайман: у менинг ҳаётимда бурилиш дақиқаларига айланди. Бу менинг руҳий шаклланишимнинг ўн йиллиги эди.

Болаларни мактабда қолдириб, Жимни ишига кузатиб қўйганимдан кейин, мен эскигина ёзув столим ёнига ўтирдим. Уйда ёлғиз ўзим қолган эдим. Сукунатни фақат девордаги соатнинг чиқиллаши бузиб турарди. Худо билан мулоқотдан ҳузурланиб ва ўн йилдан бери Унинг фарзанди эканлигимдан қувониб, мен фикран орқага — эътиқод қила бошлаган пайтларимга қайтдим. Ҳа, мен қийин пайтларни ҳам бошимдан ўтказдим. Аммо мен ҳамма нарсада Худо марҳаматини, Унинг донишмандлигини, ғамхўрлигини, бошқарувини ва ҳимоясини кўрдим.

Худосиз ҳаётим қандай бўлишини тасаввур қилиб титраб кетдим. Кейин қувонч ва миннадорчилик кўз ёшлари ила юрагимни Унга қаратдим. Кейин кўз ёшларимни артиб, чукур нафас олдим ва ибодат қила бошладим: «Раббий, мен масиҳийча ҳаётимда нимани бой бердим? Бу руҳий ҳаётимнинг янги ўн йиллигини бошлаётиб, нимага эътибор беришим керак?» Худо дарҳол жавоб қайтарди: У ҳаётим мукаммаллашуви учун мен муҳтоҷ бўлган томонни — ибодат ҳаётимни кўрсатди!

О, мен ибодат қилишга ҳаракат қилардим. Лекин менинг барча ҳаракатларим узоғи билан уч кун давом этарди. Мен Худо билан мулоқот учун вақт қолдирадим, Муқаддас Китобни ўқирдим, бир

нечта умумий гапларни айтиш учун итоаткорлик билан бошимни эгардим. Бу гаплар асосан қуидагича эди: «Раббий, мени ва менинг оиласамни Ўз паноҳингда асрагин». Албатта, Худо мендан кўпроқ эшитишни хоҳларди. Аммо мен бундан кўпрогини айта олмайдиганга ўхшайман.

Лекин бу куни қўлимга бундан тўрт ой илгари Оналар кунида менга Кэтрин совға қилган кичкина ёзув дафтарчамни олдим. Шу пайтгача бу дафтарча қаҳва столида туради. Чунки мен уни нима қилишни билмасдим. Мана, тўсатдан ундан қандай фойдаланиш хақидаги фикр миямга келди. Қатъият билан мен унинг биринчи бетига юрагимнинг қаъридан отилиб чиқсан сўзларни ёздим: «Ўз масиҳийча ҳаётимнинг навбатдаги ўн йилини (агар Худо менга бу йилларни ҳадя қилса) ибодатда мукаммаллашишга эришиш учун бағишлайман».

Бу сўзлар юрагимда пайдо бўлган оддий истаклардан пайдо бўлди. Аммо шу куни бу оддий сўзлар ва ушбу кичкинагина дафтарча Худо ортидан юрадиган йўлнимнинг ажойиб янги босқичини очди! Мен берган ваъда бутун ҳаётимни, менинг шахсиятимни ҳам ўзгартирган мосламани ҳаракатга келтириди.

Ибодатнинг ажойиб афзалликлари ҳақида кўпроқ билишга аҳд қилганим сари, мени қийин ва нохуш воқеа кутаяти, деб ўйлардим. Аммо ваъдамни бажариш учун тобора ҳаракат қилганим саин, юрагимни тўлдираётган марҳаматлардан кўпроқ ҳайратга тушардим. Менинг севимли мадҳиямда айтилганидек, «Худо марҳаматлари ҳақида унутма, уларни ўз юрагингда асра». Мен у марҳаматлардан баъзиларини айтиб ўтмоқчиман. Чунки сиз ҳам ўз юрагингизни ибодатга ўргатишни бошласангиз, уларни билиб олишингиз мумкин.

1 марҳамат: Худо билан янада чуқурроқ муносабатлар

Эшитишимча, ибодат — бизнинг Худо билан муносабатларимизни чукурлаштирас экан. Лекин ўзим ҳеч қачон буни ҳис қилмаганман. Аммо ҳар куни шошилмасдан ибодат қилишни бошлиб (вақт ҳақида унутиб ва Худо билан мумкин қадар энг яқин муносабатларга эришиб) мен бу марҳаматга сазовор бўлдим. Биз ибодат орқали Худо билан мулоқот қилганимизда ва У билан янада чуқурроқ муносабатларга эришганимизда, ўз масиҳийлик ҳаётимизнинг турли жабҳаларида руҳан ўсамиз.

Ибодат бизнинг эътиқодимизни мустаҳкамлайди. Мен энди ўз тажрибамдан бу тўғри эканлигини биламан. Мен бир маслаҳатга амал қилганимда буни ўзимда хис қилдим. Ота-оналар қандай қилиб болаларни Худога ишонишга ўргатиш мумкин, деган саволга Даллас Илоҳиёт семинариясидан доктор Говард Хендрикс шундай жавоб берди: «Уларга ибодат кундалигини ёзиб боришни ўргатинг». Мен ҳам айнан шундай қилдим. Худди болалар каби мен ҳам ҳар куни маҳсус журналга ўз илтимосларим ва истакларимни ёзиб бора бошладим, истакларимни ибодат орқали Худога — Отамга айтардим. Шунда мен Унинг навбатма-навбат барча илтимосларимга жавоб бераётганини кўриб, ҳайрон қолдим!

Ибодат бизни юқдан халос қиласди. Қайғу-аламлар ва муаммолар — ҳаётимизнинг бир қисмидир (қаранг: Юх. 16:33). Аммо барча ғамларимизни Худога ташлашга ўргатадиган Муқаддас Ёзув сўзларини билмай туриб (қаранг: 1 Бут. 5:7), қандай қилиб уларни бартараф қилиш мумкинлигини тасаввур ҳам қила олмайман. Шундай қилиб, ана шу маслаҳатни мен ўзимга қурол қилиб олдим, енг шимариб ибодатда астойдил барча ташвишларимни Худога юклай бошладим. Тез орада ҳар бир кундаги ташвишларимни Худога ташлаш, оғир юқдан халос бўлиб оёққа туриш — мен учун табий ҳол бўлиб қолди. Ёзувчи ва ибодатгўй аёл Корри Тен Боом шундай маслаҳат беради: «Туя ўз хўжайини устидаги юкни олиш учун унинг олдида тиз чўккани каби, биз ҳам Худо устимиздаги юкимизни олиши учун тиз чўкамиз»¹.

Ибодат бизга Худонинг яқинлигини кўришга ёрдам беради. 1994 йилдаги зилзила пайтида мен Муқаддас Ёзувдан олинган оятни минг мартараб тақрорладим: «Худо бизнинг паноҳимиз ва қувватимиздир, танг аҳволларимизда ҳамиша тайёр турган ёрдамчимиздир...» (Заб. 45:2, курсив менини. — Э. Дж.). Худо доимо менинг ёнимдадир. Қанча кўп ибодат қилсан, шунча кўпроқ бу ҳақиқатни тушуняпман. Мен унинг ҳар ерда ҳозиру нозир эканлигини тушуна бошладим. У доимо Ўз ҳалқи орасида эканлиги ҳақидаги ҳақиқатга ишонч ҳосил қила бошладим! Мен Освалд Чамберснинг ушбу сўзлари ҳақиқат эканлигига амин бўлдим: «Ибодатнинг мақсади — Худонинг ҳамма вақт ва ҳар қандай вазиятларда ҳозиру нозирлигини тушунишдир»². Агар биз ўз юрагимизни ибодатга ўргатсак, ҳаётимизда Худонинг борлигини албатта англаб етамиз.

Ибодат бизни ваҳимага тушмасликка ўргатади. Исо Ўз шогирдларини муттасил ибодат қилишга ва тушкунликка берилмасликка ўргатган (қаранг: Лк. 18:1). Ҳар қандай мұхтожлик учун Худога мурожаат этиш менда ибодат қилиш одатини келтириб чиқарди. Тез орада мен бирон қийинчилик пайдо бўлди дегунча, ваҳимага тушмай қўйдим ва Худонинг қудратига, ишончига эга бўлдим. Буларнинг ҳаммаси ибодат туфайли юз берди!

Ибодат бизнинг ҳаётимизни ўзгартиради. Сиз эҳтимол: «Ибодат вазиятни ўзгартиради» деган гапни эшигандирсиз. Энди эса доимий ибодат қилишни ўрганиб, мен ўйлайманки, «ибодат бизни ўзгартиради». Менинг турмуш ўртогим дарс берадиган семинария талабалари ҳам бу ҳақиқатга ишонч ҳосил қилдилар. Ибодат саволларига бағишлиланган машгулотлар пайтида ўқитувчи улардан семестр давомида ҳар куни бир соат ибодат қилишни илтимос қилди. Семинарияда ўтказилган уч йил давомида, талабаларнинг ўзлари берган гувоҳликлари бўйича, уларнинг ҳар бири ҳаёти ўзгарганлигига ҳайрон қолмаса ҳам бўлади.

2 марҳамат: Покланиш

Ҳа, ибодат ҳаётни ўзгартиради. У амалга оширадиган ўзгартиришлардан бири — покланишдир. Покланиш руҳий ўсиш жараёни билан жуда яқин муносабатда бўлиб, ибодат пайтида гуноҳи учун чин дилдан тавба қилиш — бизнинг ҳаётимизни Худога манзур бўлмайдиган ҳамма нарсадан ҳалос қиласи, бу жараёнга ёрдам беради. Мен ҳаётимни ибодат билан мукаммаллаштиришни бошлаганимда ана шундай воқеа юз берди.

Мен учун кўп гапириш жуда жиддий муаммо эди. Худо аёлларнинг бекорчи сафсатасига қандай муносабатда эканлигини билсан (қаранг: 1 Тим. 3:11 ва Тит. 2:3) ҳам, мен барибир сергап бўлиб қолавердим. Ўз итоатсизлигимни қоралаб ва сергаплигим Худога ёқмаслигини тан олиб, мен баъзи бир амалий воситалардан фойдаланишга уриндим: телефонда гаплашиш учун қисқа-қисқа жавобларни магнитофонга ёзиб ола бошладим («Тўғрими? Яхши? Бўлади?») сухбатлашиш пайтида турли чеклашларни белгилаб олдим. Мен ҳар куни сергаплиқдан қутулиш учун ибодат қиласидим. Аммо илгариgidай эзма эдим!

Мен нафақат ибодат қилиб, балки бу камчилигимга худди гуноҳ каби ҳар гал тавба қила бошлаганимда ҳақиқий ўзгаришлар юз бера

бошлади. Бир куни гуноҳим учун тавба қилишни бошлаганимдан тахминан бир ойларча ўтгандан сўнг, умидсизлигим энг юқори чўққисига етди. Мен муваффақиятсизликларимдан чарчадим. Мен гуноҳларим учун тавба қилишдан шундай чарчадимки, ҳатто ўзим уялиб ҳам кетдим, охири Худога бўйсундим. У менга янада қатъийроқ усулларни қўллашини ва мени сергаплиқдан халос қилишини истадим (қаранг: Мат. 5:29–31). Мен бу қарорга келишимга Муқаддас Рух сабаб бўлди, Худо бу ишни бошқарди, бу покланиш жараёнини амалга оширди. Ижозат беринг, кейинчалик ҳаётимда муваффақиятсизликлар юз берганда ҳам, айни шу кундан бошлаб ҳаётимда жиддий ўзгаришлар юз бера бошлаганини қисқача айтиб берай. Покланиш, яъни менинг ҳаётимни гуноҳлардан поклаш (қаранг: 1 Юх. 3:3) шуннинг учун ҳам содир бўлар эдики, ибодатда мен доимо ўз гуноҳларимга жавоб берардим. Сиз мантиқни кўраяпсизми? Гуноҳ тавба қилишга олиб келади, тавба қилиш эса — покланишга.

3 марҳамат: Қарор қабул қилишдаги қатъийлик

Сиз қарорларни қандай қабул қиласиз? Мен бу ҳақда ибодат қилишни ўрганишдан илгари, қандай қарор қабул қилганимни эслайман. Эҳтимол, сиз ўхшашликни кўрарсиз. Эрталаб соат тўққиз, телефон жиринглайди, бир аёл мендан, бизнинг жамоатда маъруза қилиб берсангиз, деб сўрайди. Мен бир неча бўлак сухари билан қовурилган тухум еганим, қалқонсимон безга қарши дори ичганим, бир пиёла қаҳва ичганим ва сайр қилишга бормоқчи эканлигим сабабли кучга тўла эдим. Мен дарҳол шундай жавоб қиласман: «Албатта! Қачон борай?» Соат тўртда яна телефон жиринглайди. Бу сафар бошқа бир аёл худди шундай илтимосни такрорлайди. Аммо бу энди узун куннинг охири эди, мен жуда чарчаган эдим, фақат бир нарсани — дам олишни хоҳлардим. Мен бу аёлга: «Асло бора олмайман!» деб жавоб бераман. (Аслида мен бундан мулойимроқ жавоб бердим-у, аммо худди шундай деб ўйладим!)

Нега мен бир хил иккита илтимосга турлича жавоб бердим? Менинг бундай қарор қабул қилишимга қандай мезонлар сабаб бўлди? Уларни биттагина сўз билан ифодалаш мумкин: *ҳис-туйғулар*. Эрталаб, мен ҳали кучга тўла пайтимда, жавобим ижобий эди. Кечкурун, кун ниҳоясида чарчаган эдим, шунинг учун «йўқ», деб жавоб бердим. Менинг қарорим ўша пайтда ўзимни қандай ҳис қилаётганимга асосланган эди. Мен қарорни руҳимга қараб эмас, танмага қараб қабул қилдим.

Мен махсус кичик дафтарчага қарор қабул қилишим керак бўлган саволларни ёзib бора бошлаганимдан сўнг, ҳаммаси ўзгарди. Мен ўзим учун қоида қабул қилдим: *ҳеч қандай қарорни ибодатсиз қабул қиласлик*. Ҳар сафар мен қарор қилишим керак бўлганда, бу учун ибодат қилишга вақт сўрардим. Агар ибодат учун вақт бўлмаса, мен одатда «йўқ» деб жавоб берардим. Чунки мен қабул қилган қарор Худо иродасига мос эканлигига ишонч ҳосил қилишни хоҳлар эдим. Мен ҳамма нарсада шу қоидага риоя қилар эдим — бу кўргазмага, тўйға, тушликка, бирон хизматда иштирок этишга таклиф бўлса ҳам; қандайдир муаммоларни ҳал қилишда, кескин ҳолатлардан чиқиш йўлларини топишида, муҳтоҷжикларни қондиришда ва истакларни бажаришда ёрдам қилиш бўлса ҳам. Мен қарор қабул қилишим керак бўлган барча масалаларни ёзib борардим ва уларнинг ҳар бири ҳақида ибодат орқали Худога айтар эдим.

Бундай амалиёт аёлнинг ҳаётини қандай ўзгартериши мумкинлигини тасаввур қилинг-а! Ибодатсиз ҳеч қандай қарор қабул қиласлик қоидаси ўз зиммамга қандайдир шошилинч мажбуриятларни олишдан мени сақлаб қолади. У мени ҳали ҳам инсонларга ёқмоқчи бўлиш заруратидан асрайди (қаранг: Гал. 1:10), у мени олдин зиммамга мажбурият олиш, кейин эса ундан воз кечиш одатидан халос қилади. Қарор қабул қиласдан олдин ибодат қилишнинг яна бир фойдаси шуки, мен қабул қилган қарорларимдан энди шубҳаланмай қўйдим. Энди менинг иш режамда белгиланган қандайдир воқеа яқинлашиб қолганда мен кўркувни, ҳавфни ёки ғазабни ҳис қилмайман ва: «Мен қандай қилиб бунга рози бўлдим? «Ҳа» деганимда нима ҳақда ўйладим? Рад қилиш керак эди!» деган фикрларга бормайман. Бунинг ўрнига мен тўла ишончни — *Худога* ишончни ҳис қиласман, қувончли ҳаяжон билан Худонинг нима қилишини кутаман. Мен доимо Раббий юрагига манзур аёл — ўз ҳоҳишини эмас, *Худо* ҳоҳишини бажарадиган аёл дейман (қаранг: Ҳавор. 13:22). *Ибодатсиз ҳеч қандай қарор қабул қиласлик қоидаси менга* Худо иродасини бажаришга ёрдам беради.

4 марҳамат: Одамлар билан ўзаро муносабатларнинг яхшиланиши

Ибодат, айниқса энг яқин одамларимиз учун қилинган ибодат, бизнинг улар билан алоқаларимизни мустаҳкамлаши аниқ. Аммо

биз Худога яқинлашишга интилганимизда барча одамлар билан муносабатларимиз яхшиланади. Бу қандай тарзда рўй беради? Мен мунтазам ибодат қилишни бошлаганимда, ўзим учун очган баъзи бир қоидалар билан сизни таништироқчиман.

- Сиз бир вақтнинг ўзида ҳам ўзингиз, ҳам бошқалар ҳақида ўйлай олмайсиз. Ибодат орқали Худога ўз муҳтоҷликларимиз ҳақида баён қилиб, эътиборимизни ташқи дунёга қаратса оламиз, назаримизни ўзимиздан бошқа одамларга ўтказамиз.
- Сиз ким учун ибодат қилаётган бўлсангиз, ундан нафратлана олмайсиз. Исо бизни бошқалар ҳақида ибодат қилишга (қаранг: Мат. 5:44) ўргатади. Шундай қилганимизда, Худо бизнинг юракларимизни ўзгартиради.
- Сиз ўзингиз ибодат қилаётган одамингизга бефарқ бўла олмайсиз. Биз бошқа одамлар учун чин дилдан ибодат қилаётганимизда, бизни уларнинг ҳаётлари қизиқтира бошлайди.

Бошқа одам учун ибодат қилиш натижасида биз худбинликдан, манманликдан, такаббурликдан халос бўламиз. Бу эса албатта бизнинг шу одам билан ўзаро муносабатларимизни яхшилади.

5 марҳамат: Қониқиши

Ўн йил давомида талабанинг хотини бўлганимдан мен кўпинча қониқиши ҳис қилмасдим. Бунинг асосий сабаби — бизнинг оиласиздаги моддий аҳволнинг танглиги эди. Биз бўёқлари кўчиб кетган, шифти кўкариб кетган кичкинагина уйда яшаган вақтимизда — ҳамма пулларимиз ўқишга, уйга ва озиқ-овқатларга кетарди. Худо менинг юрагимда ишлади. Мен Унинг ёрдамига жуда зор эдим. Ва ибодат пайтида мен барча истакларимни, ҳаётимиз ва уйимиз ҳақидаги орзуларимни айтардим. Кун сайин қайта-қайта мен муаммоларим тўғрисидаги қарорларни Унга ишониб, ҳаммасини Худо қўлига топширап эдим. Ана шунда яна бир ибодат қоидаси пайдо бўлди: *агар Худо сизнинг эҳтиёжингизни қондирмаса, демак, сиз бунга муҳтож эмассиз.* Йиллар ўтди. Худо оиласизнинг кўп илтимосларига садоқат билан жавоб берарди. Биз Худо ваъдасининг чин эканлигини ҳис қилдик. Худованд тўғри юрганлардан Ўз неъматларини дариф тутмаслигига ишонч ҳосил қилдик (қаранг: Заб. 83:12). У сизни ҳам бундай неъматлардан маҳрум қилмайди.

6 марҳамат: Худога ишонч

Доктор Джеймс Добсон шундай деб ёзади: «Бунга ишониш қийин, аммо кўп аёллар ўзларини ҳаммадан кўпроқ таҳликаға солаётган муаммо деб, ўзларини ўзлари жуда паст баҳолашларини айтганлар. Сўров ўтказилаётганларнинг 50% кўпроғи учун бу муаммо энг асосийси эди, 80% аёллар эса уни биринчи бешликка киритганлар»³. Бу аёлларга (эҳтимол, сиз ҳам уларнинг биридиrsиз) Худога ишонч жуда ёрдам берган бўларди. Мен юрагимда ибодатга садоқатни тарбиялай бошлаганимда бундай ишончга эга бўлганман. Худованд учун бу ишонч ўз ўзига ишонишдан ва мағрурлиқдан анча яхшидир.

Муқаддас Рух бизнинг юрагимизда ҳаракат қилгани сайин Худога ишониш кўникмаси келаверади. Биз ибодат қилганимизда ва Худога манзур йўлни танлаганимизда, Муқаддас Рух бизга хизмат учун зарур кучни беради. Биз Худо роҳат-фарогатига тўлганимизда, биз Унинг севгиси ва шодлигини бирга баҳам кўришга қодирмиз. Муқаддас Рухнинг ўзгартирувчи таъсирига берилувчан ибодат аёллари сингари, Унинг илоҳий моҳияти бизни тўлдираётганини ва бошқа одамларнинг юракларига қуюлаётганини кўрамиз.

Бундан ташқари, ибодат қилмасдан қарор қабул қилмаслик қоидасига риоя қилсан, ўзимиз амалга ошираётган ҳамма нарсада илоҳий ишончни ҳис қиласиз. Ўзимиз учун ибодат қилаётган ҳодиса яқинлашганда, бу Худо иродаси билан амалга ошишига бўлган қатъий ишонч тўлдиради. Шунинг учун биз кўркмасдан ва қувонч билан унда иштирок этишимиз мумкин. Биз Худовандга қайғу билан эмас, балки хурсандчилик или хизмат қиласиз (қаранг: Заб. 99:2). Биз Худонинг хоҳишини кўркув билан эмас, балки шодлик билан бажарамиз (қаранг: Заб. 39:9)!

7 марҳамат: Ибодат ила хизмат қилиши

Эдит Шеффернинг «Common Sense Christian Living» номли китобини ўқиётib, мен ўз ҳаётимни ўзгартирган фикрга дуч келдим, шу жумладан ибодат билан боғлиқ ҳаётимни ҳам. Муаллиф менинг эътиборимни ажойиб фикрга қаратди: ибодат воқеалар ривожини ўзгартиришга қодир. У шундай деб ёзган эди: «Бошқалар учун илтимос билан қилинган ибодат уларнинг ҳаётларини ўзгартириб юборади»⁴. Ҳаворий Павлуснинг ҳаётини ўрганаётib, у шундай бир нарсани сезган: Павлус доимо бошқалардан ўзи учун ибодат қил-

ишиңи сўраган. Чунки ҳаворий: «Уларнинг ибодатлариға жавобан ўзида ўзгаришлар содир бўлишига» ишонган. Қолаверса, «Павлус жиддий қилинган ибодат худди муҳим хизмат каби воқеаларнинг ривожини ўзгаришига ишонган»⁵.

Ибодат моҳиятининг бу етук тушунчаси мени иккита ҳақиқатни тушунишга олиб келди. Биринчидан, мен ибодатда ҳаётни ўзгаришига қодир кучни кўлга киритишга бевосита яқинлашдим. Ибодат — менинг ҳаётимни ўзгаришини ўз тажрибамдан билардим. Аммо бошқаларнинг ҳаёти-чи? Бу фикр мен учун янгилик эди. Бу ҳақиқатдан узоқдай туюларди. Аммо Эдит Шеффернинг таъкидлашича, ҳатто мен — яқинда янги масиҳий бўлган аёл — Худонинг сирли режаларида рол ўйнай олишим мумкин экан. У менинг руҳан номукаммал ибодатларим воқеалар ривожини қандайдир тарзда ўзгарира олишига ишонишимга ёрдам берди!

Иккинчидан, мен ибодат — бу хизмат эканлигини билдим. Бу эса мен учун муҳим эди. Ўша вақтда мен иккита ёш болам билан уйда ўтирадим ва ўзимни жамоатдан ажralгандай ҳис қиласдим. Мен аёллар учун ташкил қилинган турли машгулотларга ва жамоат тадбирларига бора олмаслигимдан, гарчи менинг ўрним уйда эканлигини тушунсам-да, жуда қаттиқ изтироб чекардим. Лекин ибодат — хизмат эканлигини билиб, мен ўзимни фойдасиз ва кераксиз деган фикрдан халос бўлдим. Кэтриннинг ёзув дафтарчаси мен учун ибодат хизматининг бошланишига туртки бўлди. Мен унда жамоат хизматчиларининг, менга таниш миссионерларнинг исмларини, якшанба мактабининг муҳтожликларини ёза бошладим. Мен бу муҳим ибодат хизмати орқали Худо билан қўшилганимда, юрагим самоларга парвоздир қиласди.

Ҳозир ибодат бизга берадиган барча марҳаматларни санаб ўтишнинг вақти ҳам, ўрни ҳам эмас. Мен улардан фақат бир нечтаси ҳақидагина сўзлаб ўтдим. Аммо мен ишонаманки, сиз Худо олдида тиз чўкканингизда ва ўзингизда ибодатга содик юракни тарбиялай бошлаганингизда, сиз Худованднинг қанчалар муруватли эканлигини англайсиз (қаранг: Заб. 33:9)!

Ҳа, аммо қандай қилиб?

Биз қандай қилиб ўзимизда ибодатга муҳаббатни тарбиялай оламиз ва ибодатга бағишлиланган ҳаётга ҳамроҳ бўладиган марҳаматни олишимиз мумкин? Мана бир нечта маслаҳатлар.

- Ибодат йўлига кириб, ибодат кундалиги юритинг. Унга Худога илтимосларингизни ва Унинг жавобларини ёзиб боринг.
- Ҳар куни ибодат мулоқоти учун муайян вақт ажратинг ва: *нимадир ҳеч нимадан яхшироқ эканлигини эсда туting*. Оз-оздан бошланг ва катта ўзгаришларни кутинг.
- Доимо (қаранг: Эф. 6:18) ва қаерда бўлманг, ҳамма жойда Худо билан бирга бўлишдан ҳузурланиб ибодат қилинг (қаранг: Нав. 1:9).
- Бошқалар учун, шу жумладан, душманларингиз учун ҳам албатта ибодат қилинг (қаранг: Мат. 5:44)!
- Ибодат хизматига жиддий муносабатда бўлинг.

СИЗНИНГ ЮРАГИНГИЗ ЖАВОБИ

Албатта, ҳаммамиз Худо билан ўзаро муносабатларимиз биз учун ҳаммадан мухимроқ бўлишини хоҳлаймиз. Мен шуни била-манки, сиз ҳам (мен каби) Худонинг муаттар ҳидларидан сизнинг йўлингизда учрайдиган ҳамма биродарлар баҳраманд бўлиши учун У билан яқин муносабатда бўлиб яшашни хоҳлайсиз. Сиз итоаткор юрак билан ибодат қилишга киришганингизда шу нарса содир бўлади.

Демак, азиз дугонам, сизнинг ҳозир қаердалингиз мухим эмас — ўз Ватанингиздами ёки бегона юртдами, кўргазмадами ёки касалхонадами, машинадами ёки ногиронлар аравачасидами, ўз хонангизда ёлғизмисиз, ёки минглаб одамлар орасидамисиз — сиз барибир Худо билан ибодат орқали бирлаша оласиз. Шунингдек, сиз Унга мурожаат қилишингиз ва дадиллик билан қурдатли Худовандимиздан, бошқа жуда кўп одамларнинг ҳаётларида ҳам ўзгаришлар қилгин, деб сўрашингиз мумкин. Бу имкониятга жиддий муносабатда бўлишингиз учун мен сиз учун ибодат қиласман!

Энди эса мана бу муаммони ўйлаб кўринг-чи: сиз, беш дақиқалик ибодат ҳам менинг ҳаётимни ўзгартиришга қодир, деб ҳисоблайсизми? У шундай қила олади! Худо билан бирга бўлиш — бизнинг эътиқодимизни мустаҳкамлайди, ҳар қандай юқдан халос қиласади, Унинг ҳамма жойда ҳозири нозир эканлигини эслатади ва ҳаяжонланмасликка ўргатади. Айнан шу йўлни Худо Ўзи билан мулоқот қилиш учун бизга белгилаб берди. Агар сиз Унинг таклифини қабул қиласангиз, У сизнинг юрагингизни ва ҳаётингизни ўзгартиради.



ИТОАТКОР ЮРАК

*...Мен күнглимдагида бир одамни —
Ишай ўғли Довудни топдим...*

Ҳавор. 13:22

Мен доимо қизларимнинг катта бўлаётганликларини ва мустақил иш қилаётганликларини завқланиб кузатардим. Энди улар улғайиб, алоҳида яшяптилар. Улар ўзларининг ҳаётларини қуришлари учун мендан етарлича омилларни олганликларига умид қилишдан ўзга чорам йўқ. Уларнинг эътиқоди бутун, уй бекалигидан яхши хабардор, пазандаликни жойига қўядилар. Аммо бир куни кечқурун мен бунга шубҳаланиб қолдим.

Бир неча йилдан бери Кэтрин бизнинг жамоатимиздан бўлган бир қиз билан бир уйда ижарада турарди. Уларнинг ҳар бири аниқ белгиланган куни бутун гуруҳ учун кечки овқат тайёрлашлари керак эди. Лекин у Пол билан учраша бошлагандан сўнг, ёшлар оқшомни бизнинг уйимизда Жим ва мен билан ўтказа бошлишди. Бир куни шундай кечаларнинг бирида Кэтрин менинг эски рецептларимдан бири бўйича шоколадли шириналлик тайёрланмоқчи бўлди. Бу шириналлик узоқ вақтгача оиласизнинг энг севимли шириналлиги эди ва доимо кўп микдорда тайёрланарди. Биз бундай шириналликининг ҳеч бўлмаганде биттасини бир стакан совуқ сут билан татиб кўришни жон-жон деб кутардик.

Ниҳоят, ҳар биримиз ҳали совиб улгурмаган пишириқдан катта бўлакни олдик. Бироқ шириналликдан бир марта тишлаб кўриб, иккинчи бор тишлашни хоҳдамай қолдик. Пишириқда нимадир етишмас эди. Кэтринни хафа қилишни истамай биз: «Ҳа-а-а, бу пишириқнинг мазаси сал бошқачароқ чиқибди...», ёки «ҳа-а-а, ундан жуда яхши

ҳид келяпти...», ёки «О, Кэтрин, шириллик учун сенга раҳмат» каби сўзларни айтдик. Ниҳоят, мен қизимдан: «Хамирга барча керакли маҳсулотларни согланмидинг» — деб сўрадим. У ғуурр билан шундай жавоб берди: «Эҳ-ҳа, мен туз солмадим. Чунки у заарли». Бу пишириқни ташлаб юборишга тўғри келди, чунки унда фақатгина бир чой қошиқ туз этишмасди. Бу эса ширилликни бемаза қилганди.

Пиширик худди биз хоҳлаганимиздай чиқиши учун унга керакли бўлған маҳсулотларнинг барчасини солиш талаб этилади. Бизнинг руҳий ҳаётимиз ҳам шундай. Агар биз Худога ёқадиган аёл бўлишини хоҳласак, унинг таркибига кирадиган муайян нарсалар бўлиши керак. Биз Худога, Унинг Каломига ва ибодатга садоқат ҳақида айтиб ўтдик. Лекин яна бир нарса борки, у бизга худди пишириқقا солинадиган туздай зарур — бу итоаткорликдир. Худо Ўзига итоаткор, Унинг амрларига қулоқ тутадиган, яъни мўмин юракка мурувват кўрсатади.

Иккита турли юрак

Бу китобнинг «Худога манзур аёл» деган номи Худонинг шоҳ Довудга берган тавсифидан олинган: «...Мен кўнлимдагидай бир одамни — Ишай ўғли Довудни топдим...» (Ҳав. 13:22). Худо номидан гапириб пайғамбар Шомуил Шоулни, Исройл шоҳини Худонинг амрини бажармаганликда айблади (1 Шоҳ. 13). Биз 1 Шоҳлар китобида қайта-қайта Шоул ўзи учун Худо белгилаган чегараларни бузганлиги ҳақида ўқиймиз. Баъзи ҳолларда у бошқача итоатсизликни намоён қилган. У эътибор билан қурбонлик келтириш ҳақидаги амрларни бажарган, аммо энг муҳим бир қурбонликни — чин юракдан итоат этишни бажармаган (қаранг: 1 Шоҳ. 15:22). Шоул Худога ва Унинг қонунларига эътиборсизлик қилган.

Охир-оқибатда, Худо амрининг навбатдаги жиҳдий бузилишидан сўнг Худо Шоулнинг ҳузурига Самуилни шундай хабар билан юборади: «Энди сенинг шоҳлигинг узоққа бормайди. Эгам Ўз кўнглига мос биттасини топди, Менинг халқимни сен бошқарасан, деб ўшани тайинлади. Чунки сен Эгамнинг амрига итоат қилмадинг» (1 Шоҳ. 13:14). Раббий шундай дейди: «Сенинг шоҳлигинг ўз ниҳоясига етди. Мен жуда узоқ вақт сенинг исёнкор ва қайсар юрагингга чидаб келдим. Энди эса Менга хизмат қила оладиган тақводорни топдим. Сенинг тахтингни эгаллайдиган бу одамда зийрак ва итоаткор юрак мавжуд. У Менинг амрларимни, Менинг истакларимни ва Менинг иродамни бажаради».

Бу ерда биз иккита ҳар хил юракни кўрамиз: Довуднинг юраги ва Шоулнинг юраги.

- Довуд бутун борлиги билан Худога итоат қилишга таёрга эди. Шоул эса қурбонлик қилишни номигагина бажариш билан кифояланарди.
- Довуд Худога хизмат қиласарди. Шоул эса ўзига хизмат қилиб, ҳамма нарсани ўзи хоҳлаганидай бажараарди.
- Довуд Худо иродасини бажаришнинг ташвишини қиласарди, Шоул эса ўз хоҳишларининг бажарилиши ҳақида қайгуарарди.
- Довуднинг юраги Худога қаратилган эди, Шоулнинг юраги эса — ўзига.
- Довуд ҳар доим ҳам Худога итоат этмаган бўлса-да, унда Худо назарида уни юксакка кўтарадиган нарса — Худога содиқ юрак бор эди. Аксинча, Шоул эса Худога доим ҳам содиқ эмасди, у баъзи-баъзида Худога садоқат кўрсатарди.
- Довуд жисмонан кучли одам ва жасур жангчи сифатида машҳур бўлишига қарамасдан у итоаткорлик билан Худога суянар, Ундан умид қиласар ва доимо шундай дер эди: «Худованд — нурим ва нажоткорим, ҳаётим қўргонидир...» (Заб. 26:1, курсив меники. — Э. Дж.). Шоул эса мағрур эди. У фақат ўзига, ўзининг ақлига, донишмандлигига, мускулларининг кучига ишонарди.

Уларнинг ҳар бирига Худо Исроилни бошқариш имкониятини берди. Аммо уларнинг йўллари айри тушди: Шоул Худодан юз ўғирди, Довуд эса янада кўпроқ Худовандга яқинлашаверди. Шоулнинг юраги Худо иродасига бефарқ эди, айни пайтда эса Довуд доимо Худога итоаткор эди. Улар худди иккита турли мусиқачилар каби эдилар: бири пианинога ўтириб, зўр-базўр тириинглатади («Кучуклар вальси»ни чалиш ҳамманинг ҳам қўлидан келади). Бошқаси эса меҳнатсевар, масъулиятли, тиришқоқ ўқувчи — у соатлаб мусиқа асбоби олдидан кетмайди. Биринчиси тушуниб бўлмайдиган, уйғун бўлмаган ва пайдо бўлмасдан йўқолиб кетадиган товушлар чиқаради, бошқаси эса одамларга ўргатади, уларни тўйинтиради ва мукаммаллаштиради. У Кудратли Худо билан ажойиб уйгунликка кириб, уларнинг юракларини осмонларга юксалтиради. Шоулнинг кўшиғи — унинг Худо олдида юриши — номукаммал ва гайри ихтиёрий бир нарсадир. Довуд эса — Исроилнинг хуш овоз хонандаси — Худога садоқатли севги ва тўла итоаткорликнинг энг соғ мусиқасини таклиф қиласади. Чиндан ҳам у Худо кўнглидагидай одам.

Ҳа, аммо қандай қилиб?

Биз Худога садоқат кўрсатар эканмиз, қандай қилиб Довуднинг мисолига риоя қила оламиз? Худо бизда итоаткор юракни тарбиялаши учун биз ўзимиз нима қилишимиз керак? Парвардигор иродасини бажаришга бағишлиланган юрак — Худога бағишлиланган ҳаётнинг муҳим таркибий қисмидир.

Худо бизни ўз юрагимиз ҳақида ғамхўрлик қилишга чақиради. Биз илгари айтиб ўтганимиздай, Худо бизга шундай амр қилади: «Бор кучинг билан қалбингни асра, чунки у ҳаёт булогидир» (Ҳикм. 4:23). Бу ҳаёт йўлидан юрар эканмиз, биз ўз сўқмоқларимизни тўғрилашимиз керак (қаранг: Ҳикм. 4:26), кўзларимиз тўғрига қарасин, нигоҳларимиз олдинга қаратилган бўлиши керак (қаранг: Ҳикм. 4:25). Биз ўнгта ҳам, чапга ҳам оғмай, ёвузлиқдан узоқлашиб (қаранг: Ҳикм. 4:27), Худо белгилаб берган мустаҳкам йўлдан (қаранг: Ҳикм. 4:26) юришимиз лозим. Худо, итоаткор ҳаёт учун — Менинг йўлларимдан қатъий риоя қилиб боришингиз учун сизнинг юрагингиз жуда муҳим аҳамиятга эга, дейди. Агар биз ўз юрагимизни асрасак, агар диққат билан уни кузатиб борсак, шунда бизнинг ҳаётимизда бўлиб ўтадиган ҳамма воқеалар, бизнинг барча ишларимиз Худо йўлларига мувофиқ бўлади. Худо иродасига сезгир юрак итоаткорлик ҳаётига олиб келади. Ҳаёт орқали синалган маслаҳатлар сизга Худо йўлларидан тоймаслигинизга ёрдам беради.

Диққат-эътиборингизни ҳамма нарсада адолатли йўл тутишига қаратинг. Худо Довуднинг юрагига назар солганда, У бизда кўришни хоҳлаган нарсани — Унинг иродасини бажаришни истовчи юракни кўрди. Севувчи юрак доимо Худо Каломида ва ибодатда Уни излайди, доимо сергак бўлади ва кузатади, ҳар доим ҳам Худо истакларини бажаришга тайёр бўлади. Ана шундай юрак — юмшоқ ва тиришқоқ — ҳақиқатни яратишга қаратилгандир.

Аммо қайси ҳаракатларингиз тўғри бўлишини билмаган вазиятда ўзингизни қандай тутишингиз керак? Юрагингиз адолатли йўл тутишни хоҳлайди, лекин сиз нима адолатли эканлигини ҳали билмайсиз! Биринчидан, бир ишни қилишдан аввал Худонинг бошқарувини сўранг ва нима қилишингиз кераклигини билиб олинг. Ибодат қилинг, фикрланг, Муқаддас Ёзувни текшириб кўринг, тажрибалироқ масиҳийлардан маслаҳат сўранг. Агар кимдир сиздан тўғрилигига ишончингиз комил бўлмаган нарсани қилишни сўра-

са, унга: «Мен буни ўйлаб олишим керак, кейинроқ жавобини бераман», — деб айтинг. Токи ўзингиз қўймоқчи бўлган қадамнинг тўғрилигига ишонч ҳосил қиласунийнгизча, ҳеч нарса қиласанг.

Бундан ташқари, Муқаддас Ёзувнинг қўйидаги парчаларини қайта-қайта ўқиб чиқинг. Бизга шундай дейилган: «Ҳар ишингда Эгамизни эътироф эт, шунда У йўлларингни тўғрилайди» (Ҳикм. 3:6). Бу битта ваъда. Шунингдек, биз қўйидагиларни ҳам биламиз: «Агар сизлардан бирор кишининг ҳикмати камлик қиласа, ҳаммага самимият билан, таъна қиласдан берувчи Худодан сўрасин, Худо унга беради» (Ёкуб. 1:5). Бу — бошқа ваъда. Яна шунингдек, Ёкубнинг 4:17 — оятда ёзилган сўзларига амал қилинг: «Шундай қилиб, ким хайрли иш қилишни билса-ю, уни амалда қиласа, гуноҳ ҳисобланади». Худога тўғридан тўғри шундай деб айтинг: «Мен гуноҳ қилишни истамайман, шунинг учун нима адолатли, нима тўғри эканлигини билишни истайман!» Сиз тўғри йўл тутаётганингизга ишонч ҳосил қилишингиз учун Худо сизни Ўз йўлига бошласин! Натижаси қандай бўлади? Ўзингиз шубҳаланаётган ишни ҳеч қачон қиласанг (Рим. 14:23). Шубҳаланган вақтингизда, сиз гуноҳ қиласиз!

Гуноҳ қиласлик учун тўхтанг. Ҳатто агар бир сониядан ҳам камроқ вақт давомида Худога ёқмайдиган нарсани ўйлаган ва қилган бўлсангиз, дарҳол тўхтанг! (Шу тарзда сиз юрагингизни Худо овозига сезгир бўлишга ўргатасиз.) Факат тўхтанг. Агар сиз сафсата сотаётган бўлсангиз, жим бўлинг. Агар миянгизда қандайдир ёмон фикрлар пайдо бўлса, уларни чиқариб ташланг (қаранг. Флп. 4:8). Агар юрагингизда ғазаб пайдо бўлаётган бўлса, уни ўчиринг. Агар сиз насиҳат ҳисобланмаган гапни гапираётган бўлсангиз, гапиришдан тўхтанг. Агар сиз «ҳа» деб айтган бўлсангизу юрагингизда таҳлика бўлса, тўхтанг. Агар сиз ўзингиз учун кутилмаган тарзда ривожланаётган вазиятга тушиб қолган бўлсангиз, тўхтанг ва нари кетинг.

Бундай вазият ҳар биримизга маълумдир. Улар ҳар куни юз беради. Сизнинг уларга қандай муносабатда бўлишингиз юрагингиз қаърига беркитилган нарсаларни намоён қиласди. Гуноҳ сизни эгаллаб олмасдан олдин, бирон гуноҳ иш қилишдан, ўйлашдан ва гапиришдан тўхтанг. Гуноҳдан юз ўгиринг, ўз юрагингизни Худога қаратинг ва Унинг йўлига қайting. Худони ёрдамга чорланг. Сиз васвасани енга олишингиз ва хавфли йўлдан қайтишингиз учун У сизга куч беради (қаранг: Ибр. 2:18).

Ҳар қандай гуноҳ учун тавба қилинг. Масиҳ хочда тўкилган Ўз қони билан бизнинг гуноҳларимизни ювди. Шунинг учун биз кечирилганмиз. (Биз ўзимизни кечирилган ҳис қилмаслигимиз мумкин. Биз фақат гуноҳларимиз кечирилганлигини билсак бўлди.) Аммо биз барибир гуноҳ қилишни давом эттираверамиз. Шундай қилиб, мен Худо Каломига қарши бирон бир иш қилганимда, буни тан оламан: «Бу нотўғри! Бу гуноҳ! Мен буни қилмаслигим керак эди!» Охир-оқибатда: «Агар гуноҳимиз йўқ десак, ўзимизни ўзимиз алдаган бўламиз ва кўнглимизда ҳақиқат бўлмайди» (1 Юҳ. 1:8). Демак, мен гуноҳни гуноҳ деб атайман ва шундай қилиб, ўз юрагимни Худо Рухи қараашларига жавоб беришга ўргатаман.

Агар биз гуноҳларимизни шу йўсинда эътироф этсақ, «Худо гуноҳларимиздан ўтади ва бизни ҳар турли ноҳақлиқдан фориг қиласди. Чунки У Ўз сўзида содик ва адолатлидир» (1 Юҳ. 1:9). Биз қанчалар тез тавба қилсак, шунча яхши бўлади! Гуноҳимиз учун тавба қилганимизда, биз албатта гуноҳдан воз кечишимиз керак! Худо Каломи бизни огоҳлантиради: «Ўз гуноҳларини яширган ютуққа эришмайди, уларни тан олиб, воз кечган марҳамат топади» (Ҳикм. 28:13, курсив менини. — Э. Дж.). Қачонлардир руҳонийга: «Мен ўз қўшнимнидан пичан ўғирладим», деган дехқонга ўхшаб қолманг. Руҳоний ундан: «Сен қанча пичан ўғирладинг?» — деб сўраганда, дехқон шундай жавоб қилибди: «Ҳозиргача ярмини ўғирладим. Аммо ҳаммасини оламан. Бу куни кечаси унинг пичанхонасига бориб, колган пичанни ҳам олиб кетмоқчиман!»

Одамлар билан ўз муносабатларингизни тузатинг. Гуноҳга тавба қилиш бизнинг Худо билан муносабатларимизни яхшилайди. Аммо агар биз инсонни хафа қилган бўлсак, биз ундан кечирим сўрашимиз керак. Биз шу одам олдида қилган ишимизнинг нотўғрилигини тан олишимиз керак. Айнан ана шу ишни мен ҳам жамоат хорида биринчи марта қўшиқ айтган тонгимда қилишим керак эди. Бир кўхликкина аёл ўша куни менинг олдимга келди ва сўради: «Сиз бизнинг янги болаларимизданмисиз?» Мен негадир тўсатдан шундай жавоб бердим: «Мен сизнинг янги қизларингизданман». Мен шу сўзларни айтганим заҳотиёқ, виждоним қўйнала бошлади. Аммо худди шу пайт биз куйлаш учун саҳнага, Худога хизмат қилишга чиқаётган эдик. Мен бебаҳо Исо ҳақидаги ажойиб бу мадҳияларни қийинчилек билан куйладим. Оқибатда мен кечирим сўраш учун хор хонасига қайтиб келдим. Мен ўзим ранжитган аёлни кутиб турдим ва унга: «Мен сизга қўполлик қилдим. Сизга шундай қўпол

жавоб берганимдан афсусдаман. Илтимос, мени кечиринг», — деб айтдим.

Олдинга интилинг. Итоатсизлик билан қилган гуноҳимиз Худога хизмат қилишдан бизни тўхтатиб туриши шайтонга ёқади. Биз гуноҳ қилиб осонгина умидсизликка тушамиз. Туйгуларимиз Худо ортидан боришимизга тўсқинлик қилишига имкон берамиз. Ҳа, Худо бизни кечирганини биламиз. Биз ўзимизнинг нотўғри қилмисимизга нуқта қўйдик, гуноҳимизни тан олдик ва тавба қилдик, ярамас фикрларимиздан ва қилиқларимиздан воз кечдик, вазиятни тузатдик. Ва барибир ўзимиз ўзимизга: «Мен қандай қилиб шундай иш қилдим (ўйладим, дедим)! Мен шундай қилишим мумкинми? Мен нолойиқман. Мен Худога хизмат қила олмайман».

Бундай ҳолларда биз Худо Каломининг бошқа ҳақиқатига муарожаат қилишимиз керак. У бизни қайта жонлантиради, поклайди, мустаҳкамлайди ва Ўзининг йўлига қайтаради. Худо бизни — ўз гуноҳига тавба қилганларни ва кечирилганларни рухлантиради. У бизни ўтмишни унтишиб олдинга интилишга, мақсадга етишишга ундаиди. Худо бизни Исо Масиҳ орқали олий мақсадга чорлайди (қаранг: Флп. 3:13–14). Биз ўз гуноҳимизни тан олганимиз ва Худо кетидан бориб, ундан воз кечганимиз ва ўз хатоларимизни тузатганимиз заҳотиёқ, биз ўтмишни унтишимиз ва йўлда давом этишимиз керак.

СИЗНИНГ ЮРАГИНГИЗ ЖАВОБИ

Шундай қилиб, биз китобнинг биринчи қисми ниҳоясига яқинлашдик. Ўз юрагимиз ҳақида билиб олганларимиз бизга кейинги қисмда ҳикоя қилинадиган Худо йўлларидан боришимиз учун қарор қилишимизга ёрдам беради. Кундалик ҳаётимизнинг бошқа томонларини текширишга тайёрланайлик. Бироқ бизнинг Худо билан ўзаро муносабатларимиз мавзусини ёпишдан илгари, ўз юрагимизни текшириб кўришимиз керак.


Итоаткорлик — бу бир тошдир. Агар биз унинг устига оёқ қўйсак, Худо кетидан бориш ва Үнга маъқул бўлиш йўлига тушамиз. Бу тош устига ишонч билан оёқ қўйинг. Чунки кейинчалик бу сизга Худо чақириғига жавоб беришингиз учун ёрдам беради. Демак, юрагингизни Худога тўла бердингизми, текшириб кўринг. Худога сиз ўз иродангизни топширдингизми ва уни Худо Ўғли хочининг

тагига қўйдингизми? Худо сизнинг юрагингизга қараганда, сиз Унга итоат қилишга тайёр эканлигингизни Худо кўрадими?

Шоул даврида Худо Ўзига итоаткор, Унинг ҳар қандай амрини бажарадиган қалбни қидираётганлигини айтади. Сизнинг юрагингиз хақида шундай дейиш мумкинми? Худо истаклари сизнинг ҳам истакларингизми? Худо йўлларидан қатъий боряпсизми (қаранг: Заб. 62:9), Унинг кетидан қадам бақадам, асл маънода Унга ёпишиб бораяпсизми?²

Тавба қилишни талаб қиласдиган, сизга эски йўлларингиздан қайтиб, итоаткорлик йўлига тушишингиз хақида гапирадиган қилмишларингизни кўрсата оласизми? Агар шундай бўлса, ҳозироқ тўхтанг, итоаткор эмаслигингизни тан олинг, гуноҳингиз учун тавба қилинг, ундан воз кечинг. Кейин Худо йўлига — гўзаллик, хотиржамлик ва қувонч йўлига қайting. Агар сиз Худо хоҳлаган нарсани истасангиз, У севган нарсани ёқтирангиз, ўзингизни Унинг қудратли қўли остида камтар тутсангиз (қаранг: 1 Бут. 5:6), унда сиз ҳақиқатдан ҳам Худога маъкулсиз. Қандай ажойиб фикр!





ҚАДРИЯТЛАРНИНГ
ИЛОҲИЙ ТИЗИМИ
БИЛАН
МУВОФИҚЛИК

II ҚИСМ

5

ХИЗМАТ ҚИЛУВЧИ ЮРАК

...Унга муносиб шерик яратаман...

Ибтидо 2:18

Бу воқеа ёруғ куз кунларининг бирида Оклахома штатидаги университетда юз берди. Тушликдан сўнг биринчи маъruzamга шошиб кетаётган эдим, мен уни яна кўриб қолдим. Мени кўргач, у жилмайди. Ҳар душанба, чоршанба ва жума кунлари бизнинг йўлларимиз кесишарди — биз иккаламиз ҳам машғулотга шошилар эдик. Унинг исми Жим Джорж (у пайтда мен унинг исмини билмас эдим ҳам). Унинг жуда келишган, ақли эди. Менга унинг жилмайиши ёқарди! Чамаси, у ҳам менга эътибор қилган, шекилли. Чунки тез орада икковимизнинг умумий дўстимиз бизни учраштириди ва таништириб қўйди.

Бу 1964 йилнинг нояброда юз берди.

Муқаддас Валентин Кунида биз никоҳдан ўтдик. 1965 йилнинг 1 июнида эса биринчи талабалик таътилимизда тўйимиз бўлди. Ўша пайтдан бери 31 йил ўтди ва мен: «Бу жуда ажойиб бахтили йиллар бўлди» деб айтгим келарди, бироқ бундай дея олмас эдим. Гап шундаки, биз Жим билан ҳаётимизни Худосиз бошладик. Демак, бизнинг никоҳимизда қийин пайтлар бўлган. Энг бошиданоқ бизда келишмовчиликлар юз бера бошлади. Биз баҳслашардик, бир-биrimizga норозилигимизни билдирадик. Шунинг учун ҳам вақтилизни қандайдир ишларга, дўстларимизга, қизиқишлиримизга, ақлий қизиқишлиримизга сарфладик. Ҳатто иккита фарзандимиз ҳам ҳар биримиз ҳис қилаётган бўшлиқни тўлдира олмасди. Биз Худонинг муруввати билан масиҳий оила бўлганимизнинг ғам ва

ташвишли саккиз йили ўтган эди. Энди масиҳий оиласизнинг бошлиғи Масих, кўлланмаси эса — Муқаддас Китоб бўлди.

Биз ҳаётимизни Исо Масихга бердик ва бу бизнинг юракларимизда жуда катта ўзгаришлар қилди. Аммо Худо қандай қилиб бизнинг никоҳимизни ўзгартириши мумкин? Бизнинг ҳар биримиз Масихда янги ҳаётни қўлга киритдик. Аммо биз ўзимизнинг эр-хотинлик муносабатларимизда, демак, бутун уйда ҳам сезилиб турадиган кескинликни нима қила олардик?

Мен Худо кўнглидагидай аёл, рафиقا ва она бўлишим учун кўп нарсани ўрганишим керак эди. Баҳтимизга мен Исони ўз Халоскорим деб атаганимдан сўнг, тез орада қўлимга бир календар тушиб қолди. Унда Муқаддас Китобни ўқиш режаси бор эди. 1974 йил 1 январдан бошлаб мен Муқаддас Ёзувни ана шу режа бўйича ўқий бошладим. Уни ўқиш жараённида мен пушти ранг маркер билан аёл сифатига тааллуқли жойларини белгилаб қўярдим. Сизга ҳам худди шундай қилишни тавсия этаман.

Ўша кундан бошлаб Худо менинг юрагимни ўзгартира бошлади. 1 январда, шундай ўқишнинг биринчи куни мен ўзимизнинг масиҳий аёл сифатидаги вазифамнинг биринчи томони ҳақида билиб олдим: мен Жимга хизмат қилишим керак. Мен қуйидаги сўзларни пушти ранг маркер билан белгиладим: «Одамнинг ёлғиз бўлиши яхши эмас, унга муносиб шерик яратайлик» (Ибт. 2:18).

Хизмат қилишга даъват этилганлар

Худо кўнглидагидай аёл — турмушга чиқсанми ёки йўқми бундан қатъий назар, бу ўзида хизмат қилиш руҳини тарбиялайдиган аёл. Исонинг изидан юриш юрагимизнинг ҳолатига, хусусан — юрагимиз хизмат қилишга тайёрлигига доимий эътиборни талаб қиласиди. «Зоро, Инсон Ўғли ҳам Ўзига хизмат қилдириш учун эмас, балки Ўзи хизмат қилиш ва Ўз жонини фидо қилиб, кўпларни қутқариш учун келган» (Мат. 20:28). Бу хизмат уйда, оилада, агар биз оиласи бўлсак, энг аввало турмуш ўртоғимизга йўналтирилган бўлиши керак. Худо аёлнинг олдига ўз эрининг ёрдамчиси бўлиш вазифасини қўйди. Шунинг учун художўй хотин бўлиш йўлидаги биринчи қадамим — бу *Худо менга эримнинг ёрдамчиси бўлишини амр қилганини тушунганим бўлди*.

Ибтидонинг 2-боб 18-оятида учрайдиган «ёрдамчи» сўзи остида нима назарда тутилган? Жимдан вақтинча Муқаддас Китобни ўрганиш бўйича кўлланмаларни олдим ва уларни ўқиб чиқдим.

Шунда мен бундай вазиятта эри билан унинг масъулиятини баҳам кўрадиган, унинг муҳтоҷикларига севги ва ишонч билан жавоб берадиган, эрининг Худо фикрларини бажаришдаги ҳаракатларида у билан бирлашадиган одам аёл киши эканлигини билдим¹. Энн Ортланд бизни, эрларингиз билан бир команда бўлинглар, деб чорлайди. Бундай муносабатлар эр-хотинлар орасидаги ҳар қандай рақобатга йўл қўймаслигини у бизга кўрсатади. Энн Ортланд бундай ҳамкорлик ҳақида гапириб, хотин доимо эрига ёрдам кўрсатиш учун ундан бироз орқада бўлиши кераклигини таъкидлайди. Аёл шундай деб ёзади: «Мен Рейни югуриш йўлкасидан сиқиб чиқариш ниятида у билан мусобақалашиб, у билан ёнма-ён югуришни хоҳламайман. Мен унга далда ва ишонч, ғайрат бериб ундан кейинда юришни афзал биламан»².

Мен яхши ёрдамчи бўлганимдагина, яхши рафиқа ва яхши масиҳий аёл бўлганимни рўйи-рост айта оламан. Менга *Худо томонидан эримнинг ёрдамчиси бўлиши вазифаси берилганлигини тушуниш менинг кўзимни очди*. Худонинг мақсадларига мувофиқ мен Жим билан рақобатлашмаслигим керак. Мен доимо ундан орқада бўлишим ва уни қўллаб-кувватлашим керак. У ғалаба қозониши керак, мен эса унга ғалаба қилишда ёрдам беришим лозим.

Америка Кўшма Штатлари Президенти Дуайт Эйзенхауэрнинг рафиқаси ҳақида ўқиб, ёрдамчи бўлиш нима эканлигини тушундим. Джулія Никсон Эйзенхауэр шундай деб эслайди: «Мейми, менинг вазифам эримни руҳан қўллаб-кувватлашда, деб биларди... У ўзи олдинга чиқишига қизиқмас эди. У энг аввало доимо ўз эрининг орқасида турадиган аёл, «Менинг мавқеъим — бу Айк» деб гурур билан айта оладиган аёл бўлган эди»³.

Одамнинг ўзида хизмат қилиш руҳи бўлиши, айниқса, менинг рафиқалик вазифамда, қанчалар мухим эканлигини тушунганимда, ваъда ибодатини ёздим. Юрагимда биринчи ўринни Жимга бериш, ўзим эса доимо унга ёрдам бериш мақсадида тайёр туришим учун бир қадам орқага чекиндим. Ўша кундан ва ўша ибодатдан бошлаб мен ҳаётимни Жимга хизмат қилишга бағишлиладим. Бу ҳаёт йигирма йилдан бўён давом қилиб келмоқда. Ҳа, менинг ишим жуда кўп. Аммо менинг асосий ва кундалик ишим — Жимга ёрдам бериш, у билан масъулиятни ўртоқлашиш, унинг муҳтоҷикларига жавоб бериш, биргаликдаги ҳаётимизга тааллуқли Худо мақсадларини бажаришга интилишида бутун юрагим билан унга қўшилишдир. Ана шундай нуқтаи назар бўйича хизмат қилиш, хизматнинг шундай руҳи, худди Масиҳ бошқаларга хизмат қилгандай — уларни Ўзидан юқори қўйга-

ни сингари (қаранг: Флп. 2:3), мен ҳам ўзимни одамларга, айниқса, ўз эримга, хизмат учун бағишлишимга ёрдам беради.

Ҳа, аммо қандай қилиб?

Биз ўзимизда қандай қилиб хизмат қилишга бағишиланган, одамларга хизмат қилишда Масихга тақлид қилишга қодир юракни тарбиялашимиз мүмкін? Худо аёлнинг юрагида эрига содиқлик билан хизмат құлувчи юракни тарбиялаши учун рафиқа нима қилиши керак? Қуйидаги маслаҳатларни күриб чиқайлик.

Эрингизга ёрдам бериш мажбуриятини зыммангизга олинг. Сиз ёрдамчи бўлишни хоҳлайсизми? Эрингизга хизмат қилиб, ўзингизга мартаба орттиришни истайсизми? Буни ўзингиз ҳал қилишингиз мүмкин. Агар сиз шунга қарор қилсангиз, сиз, эҳтимол, ўз ваъда ибодатингизни ёзишни хоҳларсиз. Шу ибодатнинг сўзлари сизнинг эрингизга ёрдам бериш, у билан бир командада бўлиш ва эрингизга ёрдами ни ҳаётингиз мазмунига айлантириш истагингизни акс эттирасин.

Худога манзур бир аёл ўз эрига ёрдамчи бўлиш қарорини елка-сидаги эски хатолар юкини улоқтириш билан ҳаётига татбиқ қила бошлади: «Мен эримдан, Худодан кечирим сўрашим кераклигини тушундим. Мен Худо Каломини бизнинг никоҳимизда қўллашдан бошлашим керак эди». Шуни англаб, у ўз юрагида хизмат қилишга содиқликни тарбиялай бошлади.

Бутун эътиборингизни эрингизга қаратинг. Худо биз, хотинлар, ўз кучимизни эримизга — унинг машгулотларига, унинг мақсадларига, унинг мажбуриятларига қаратишимизни хоҳлайди. Мен бунинг қийинлигини биламан, чунки бизнинг маънавий табиатимиз доимо: «Мен биринчиман!» деб қичқиради. Аммо Худо эримизга: «Сен биринчисан!» дейишимизни биздан истайди. Шундай қилиб, вақти-вақти билан ўзингиздан: «Ким биринчи?» деб сўраб туринг.

Мана, бир амалий усул эътиборимни Джимга ва унинг мажбуриятларига қаратишим учун менга ёрдам беради. Бу усул шундан иборатки, эримга ҳар куни қуйидаги иккита саволни бераман: «Мен сен учун нима қилай?» ва «Мен қандай қилиб бугун сенга ўз вақtingдан мазмунли фойдаланишинг учун ёрдам бера оламан?» Эҳтимол, сизни (бошида худди мени ҳам) эрингизнинг талаблари ҳаддан ортиқ бўлиши ва уларни бажариш кўп вақтни олиши хавотирга солар. Аммо бу саволни мен биринчи бор Жимга

берганимда, у мендан ўзининг яхши кўрган спорт костюмiga тугма тикиб беришимни сўради. Фақат шугина холос! Нина ва ип олиб, бу тумани тикиш ва Жимни биринчи рақамли одам қилиш мен учун ҳеч ҳам қийин эмас эди.

Аммо баъзида илтимослар анча катта бўлади. Жим қутқариш Армияси отряди билан Германияга кетишидан бир ҳафта олдин, мен эримдан жуда кўп худди шундай жиддий талабларни эшитдим. Кунларим шошилинчда, югур-югур билан ўтарди: архивга бориб васиятномани, туғилганлик ва никоҳ тўғрисидаги гувоҳномаларни олиб келишим, тиш докторига боришим, кон гурухини аниқлашим, электрон почтани улашим, уйни тартибга келтиришим, гаров хатлари ва паспортларни расмийлаштиришим керак эди. Буларнинг ҳаммасини китобимни топширишим муддати яқинлашганда қилишим керак эди! Лекин менинг икки саволимга Жим берган жавоблар ёқмаса ҳам (бу саволлар менинг бутун кун тартибимни ўзгартириб юборишлари мумкин эди!), мен барибир ҳаётимда Худодан кейинги асосий ўринни эрим эгаллашини ва у бу ҳақда билишини хоҳлардим. Охир-оқибатда Худо белгилаган менинг вазифам — эримга ёрдам бериб, унинг ҳаётини енгиллаштириш бўлди.

Агар сиз турмушга чиқмаган бўлсангиз, унда ўзингизда Масих мисолидаги хизмат қилиш руҳини яқинларингизга ёрдам бериб тарбиялашингиз мумкин. Одамларга хизмат қилганингизда, сиз Худога манзур бўлишга уринасиз ва атрофингиздаги одамларга Масих сиймосини кўрсатасиз.

Ўзингиздан: «Бу менинг эримга ёрдам берадими ёки халақит қиласими?» деб сўранг. Бунга оддий бир мисол келтиришимга рухсат беринг. Эрингизнинг бошлиғи уни хизмат сафарига жўнатяпти. Сиз эса уни кетишини истамай, норозилик билдирасиз ва аразлайтисиз. Сиз унга ёрдам беряпсизми ёки халақит беряпсизми? Эрингиз орқали ўз қилмишларингизни аниқ кўра оладиган заррабин (лупа) бўлиб ана шу оддий савол сиз учун хизмат қиласи.

Менинг қаҳрамонларимдан бири — Рут Грэм воиз Билл Грэмнинг хотинидир. Менинг эрим семинария талабаси ва жамоат бошқарувининг тўла ҳуқуқли аъзоси бўлганда, бунинг устига, миссиямиз қавмбошиси билан кўп саёҳатлар қилганда, мен кўлимга тушган Руфь Грэм ҳақидаги китобларнинг барчасини ўқий бошладим. Унинг машҳур эри йилда ўн ойлаб уйда бўлмаганлиги сабабли, мен уйда тез-тез бир ўзи қоладиган бу аёлдан кўп нарсани ўргандим. Унинг оқилона маслаҳатига қулоқ тутинг: «Биз ўзимиз маҳрум бўлган

нарсалар учун қайғурмасликка ва бор нарсаларимиздан самарали фойдаланишга ўрганишимиз керак⁴. Худди менга ўхшаган бу аёлнинг насиҳати мени Жим сафарга тайёргарлик вақтида унинг энг яхши ёрдамчиси бўлишимга (шу жумладан, Германияга саёҳатга!), камроқ норозилик билдириш ва аразламасликка ўргатди.

Яна бир мисолни келтираман. Эрингиз сизга оилавий бюджетингизнинг танг аҳволда эканлигини айтди. Аммо ҳозироқ сиз ниманидир сотиб олмоқчисиз ва ўз фикрингизда қатъий турибсиз. Менга ҳам бундай вазият таниш. Ўн йилдан ортикроқ вақт давомида биз кичик уйда яшадик (ўша бўёқлари кўчган ва шифтлари кўкариб кетган уйда) ва ниҳоят, уни таъмирлаш вақти келди. Мен жуда хурсанд эдим! Шу йиллар давомида менга ажойиб камин етишмас эди. Мана энди уни қуриш вақти келганди. Аммо Жим олинганд қарз камин ўрнатишга етишмаслигини менга тушунтириди. Мен эса уйимизда камин бўлишини жуда хоҳлардим. Шунинг учун мен: «Камин олдида қандай ажойиб кечаларни ўтказган бўлар эдик!» — ва яна: «Сен фақат тасаввур қилиб кўр! Агар бизда камин бўлганда эди, биз унинг ичига бир нечта тарашани ташлаб, унинг ёнида кечки овқатни ердик!» деганга ўхшаган гапларни айтдим. Аммо кейин мен ўзимдан сўрадим: «Лиз, сен ҳозир эрингга ёрдам беряпсанми ёки ҳалақит беряпсанми?» — ва шу заҳотиёқ жавоб бердим. Ўша куни Худо менинг қандай жанжалкаш хотин эканлигимни ўзимга кўрсатди. Шундан сўнг мен энди ҳеч қачон эrimга камин ҳақида эслатмасликка Худо олдида сўз бердим. Мен бу ваъдани ибодат орқали Худога айтдим. Ва Худога шукурлар бўлсинки, бундан сўнг ҳеч қачон ўз истагим ҳақида гапирмадим!

Бошқа бир мисол. Эрингиз, агар бошқа жойга кўчиб борсак, оиласмини яхшироқ таъминлай оламан, деб ҳисоблайди. Бироқ сиз кўчишни умуман хоҳламайсиз ёки қатъий тарзда: «Фақат у ёққа эмас!» дейсиз. Бир куни Жим қавмбоши сифатида шундай вазиятга тушиб қолган эр-хотинларга маслаҳат берди. Юк машина ҳайдовчиси бўлган эр дарз кетган эр-хотинлик муносабатларини тиклаш учун касбини ўзгартирмоқчи бўлган (айнан худди шу масала юзасида улар Жимга мурожаат қилишган). Ниҳоят, унинг олдида касбини ўзгартириш имкони пайдо бўлди. Бироқ бунинг учун улар штатнинг бошқа томонига кўчиб боришлари керак эди. Улар у ерда уй сотиб олишлари ва ўз оилавий ҳаётларини қайтадан қура олишлари мумкин эди. Лекин Шарон кўчишни хоҳламасди. Аёл ўз ишини яхши кўрар, хизмат лавозимида у юқори пофонага кўтарилишини кутаётган эди. Аммо Худо унга оиланинг молиявий аҳволини ва

унинг руҳий ҳолатини яхшилашга уринаётган эрига ёрдам бериш вазифасини юклаганини тушуниб, эрига тўсқинлик қилмаслика, аксинча, унга ёрдам беришга қарор қилди. Улар бошқа жойга кўчиб ўтишди. Бу оилани янги уйларида қанчалар мўл-кўл Худо марҳаматлари кутарди!

Яна бир мисол. Сиз ҳар куни оилангиз билан Муқаддас Китобни ўқишингизни эрингиз хоҳлади. Лекин сиз ҳамма билан ўқишини истамайсиз ёки эрингиз таклиф қилаётган нарсани ўрганиш сизни қизиқтирамайди. Ёки сиз жуда вақтли туриб нонушта тайёрлашга ва бу билан бутун оилангизга эрталаб Худо Каломи атрофига йигилишга имкон беришга қодир эмассиз. Жуда кўп оилаларда эрталабки тартибни айнан хотин белгилайди. Унинг ўзи бу тартибни белгилагани сабабли, ўзи оиласда ибодат соатларининг ўтказилиши ёки ўтказилмаслигини таъминлай олади. Агар унинг юраги хизмат қилишга бағишланган бўлса, хотин эрига у ёки бошқа мақсадни амалга оширишига ёрдам беради. Шундай қилиб, сиз ўз юрагингизни хизмат қилишга, айниқса, ўз эрингизга хизмат қилишга бағишладингизми?

СИЗНИНГ ЮРАГИНГИЗ ЖАВОБИ

Ёрдамчи бўлиш. Бу оддий, лекин ажойиб вазифа. Буни амалга оширган ҳар қандай аёл сахийлик билан мукофотга сазовор бўлади. Бу вазифанинг амалга оширилиши, албатта, сизнинг эрингизга ва сиз хизмат қилаётган барча одамларга катта фойда келтиради. Агар сиз Масиҳ хизмат қилгандай хизмат қилишини ўргансангиз, ўзингиз ҳам совғасиз қолмайсиз. Хизмат қилиш қобилияти — бу масиҳийнинг етуклик аломати, бу Ўзини одамларга тўла баҳш этганликнинг (қаранг: Мат. 20:28), Масиҳнинг фарқли белгисидир (қаранг: Флп. 2:7). Шундай қилиб, сиз ўзингиздаги ёрдам бериш қобилиятингизни қандай баҳолайсиз? Сиз эр-хотинлик ҳаётида ўзингизни команда сафидаги ҳаракатларда, фикрларда, истакларда ҳар қандай рақобатдан холи ўйинчиси каби кўра оласизми? Эрингиз сизнинг ҳаёtingизда биринчи ўринда турадими? Сиз унга ёрдам бериш ҳақида кўпроқ қайгурасизми? Бу ишга барча куч-гайратингизни қаратса оласизми? Юрагингизни, ҳаёtingизни Худонинг эрингизга халақит бериш учун эмас, балки ёрдам беришдан иборат мақсадларини бажаришга бағишладингизми? Турмуш ўртоғимизнинг, шунингдек, бизга Худо дуч келтирган бошқа одамларнинг равнақ топишларига ёрдам бериб, биз ўз хизматимиз билан Раббийни шарафлаймиз!

6

ИТОАТ ЭТУВЧИ ЮРАК

Эй хотинлар, сиз эрларингизга бўйсунинглар...

Эф. 5:22

Эримга яхши ёрдамчи бўлишга қарор қилиб, мен Муқаддас Китобни ўқий бошладим. Мен ўзимнинг хотинлик вазифам ҳақида борган сайин қўпроқ нарса билиб олдим ва Худо кўнглидагидай хотин бўлиш учун ўзимда етишмайдиган бошқа хусусиятларни ҳам кўрдим. Пушти ранг маркерим билан қилинган белгилар миқдори мен ҳали кўп меҳнат қилишимга тўғри келишини кўрсатади. Мен белгилаган навбатдаги фикр — бу эримга итоат қилишимни Худонинг Ўзи белгилаганидир.

Масижийликни энди қабул қилган барча аёллар каби менга итоаткорлик ҳақидаги фикр бегона эди ва мен бу муаммони ўрганишим керак эди. Ўрганиш жараёнида мен шуни билдимки, Муқаддас Китобда «итоат қилиш» (*hypotasso*) сўзи асосан «кимдантир пастроқ ҳолатни эгаллаш» маъносини билдирувчи ҳарбий атама сифатида ишлатилади. Бу сўзда юрагимизнинг бўйсуниш ва итоат қилиш¹ тамойили бўйича, бошқаларга танлаш хуқуқини, ёки хукмронликни, нималарнингдир муҳокамасини топшириб яшашга тайёргарлиги тасвиранади².

Ҳали айтиб ўтганимдек, бу фикр менга бегона эди, мен бу фикрни қабул қилишга шошилмасдим. Лекин мен бу масалани ўрганишда давом этдим (Худога манзур аёл ва хотин бўлиш учун ибодат қилиб). Шунда Худо Ўз Каломи орқали менинг юрагимга итоат қилиш истагини, Худо Ўзининг издошлари бўлмиш аёлларда кўришни хоҳлаган истакни солди.

Итоат этишининг моҳияти

Биринчидан, итоаткорлик — бу ҳам эркакларнинг, ҳам аёлларнинг масиҳийча ҳаёт тарзидир. Худо бизни бир-бири мизга бўйсунишга ундаиди (қаранг: Эф. 5:21). Худо, биз никоҳдамизми ёки йўқми, ёшмизми ёки қаримизми — бир-бири мизни ҳурмат қилишимизни, бир-бири мизга хизмат қўрсатишимизни ва итоат қилишимизни хоҳладиди. Биз худбинликдан халос бўлганимизда, бошқага ҳурмат кўрсатиб, унга ён босганимизда, Масих ҳулқини акс эттирамиз. Итоат қилишга, ён беришга ва бошқаларни ҳурмат қилишга тайёр юрак — мана, Худо ҳалқининг, Унинг жамоатининг юраги.

Энди эр-хотинлик муносабатларига келсак, оиладаги *тузум* учун Худо эрга бошқаришни, хотинга эса итоат қилишни амр қиласди. Оилада хотиржамлик ҳукм суриши учун, Худо қуидагича тартибни ўрнатади: «...ҳар бир эркакнинг бошлиғи Масих, хотиннинг бошлиғи эркак, Масиҳнинг бошлиғи эса Худодир» (1 Кор. 11:3).

Хавотир олманг. Эрнинг бошлиқлиги — биз, хотинлар учун уларга оқилона маслаҳат бера олишга (қаранг: Ҳикм. 31:26), ёки бирон бир қарорни муҳокама қилаётган пайтда савол беришга ҳуқуқимиз йўқ дегани эмас. Эрнинг бошлиқлиги — ҳал қилувчи овоз учун у жавобгар эканлигини билдиради. Ёзувчи Элизабет Эллиот ўз отасининг оиладаги бошчилик вазифаси ҳақида шундай деб ёзади: «Отамнинг оилада бошлиқ бўлгандиги умуман унинг бошқаларга бақириши, бизнинг ҳуқуқларимизни поймол қилиши ва хотинидан, итоат эт, деб талаб қилиши дегани эмас эди. Бу фақат ҳал қилувчи қарорни у амалга оширишини билдиради»³. Пировардида эр Худо олдида қабул қилган қарорлари учун, хотин эса Худо олдида у бу қарорга қандай итоат қилиши учун жавобгардир. Эр Худо олдида ўз бошлиқлиги учун, хотин эса ўз итоаткорлиги учун жавоб беради. Шундай қилиб, энди мен сиздан сўрамоқчиман: сиз нима учун жавоб беришни афзал кўрасиз??!

Эркакнинг бошқариши, аёлнинг эса итоат этиши кераклиги ҳақидаги Худо амри ўз олдига мақсад қилиб нафақат тартиб-интизомни, балки *гўзалликни* ҳам қўяди. Болалигимда мен музейда икки бошли эчкининг тулумини кўрганман. Бу файритабиий, мажруҳ ва бемаъни ҳолат бўлиб туюлганди. Икки «бошли» оила ҳам худди шундай кўринишга эга бўлади. Аммо Худо, Муқаммал Рассом баркамол ва гўзал никоҳни чизишни режалаштирган ҳамда унга

битта «бошни» — эрни берган. Эй Раббий, бу никоҳ — Сенинг ижодинг бўлгани учун, Сенга шукроналар айтаман!

Итоат этиши қарори

Пушти ранг маркер билан белгиланган бошқа парча — эримга итоаткорлигим учун хавотирлигимни менга кўрсатади. Унда шундай дейилган: «Хотинлар, эрларингизга худди Худовандга итоат қилгандай итоат қилинглар...» (Эф. 5:22)⁴.

Бўйсуниш — бу хотиннинг танловидир. У ўз эрига бўйсунадими, ёки йўқми — буни ўзи ҳал қиласади. Ундан бошқа ҳеч ким бу ишни қила олмайди ва ҳеч ким — на эр, на жамоат, на қавмбоши, на қандайдир маслаҳатчи уни бўйсунишга мажбур қила олмайди.

Мен худди сиз ва менга ўхшаган, бир хафтада бир марта Мұқаддас Китобни ўрганиш учун учрашадиган тўрт аёл ҳақида ўқиганимда, ҳайрон бўлдим. Бу ҳикоя менинг масиҳий хотин сифатида ўсишимга ёрдам берди. Бир куни улар эрнинг оиласада бошлиқ эканлиги ҳақидаги оятни — 1 Кор. 11:3 муҳокама қилишган экан. Биз сиз билан ҳозиргина кўриб чиққан бу оятда шундай дейилган: «Ҳар бир эрнинг бошлиғи Масих, хотиннинг бошлиғи — эр, Масиҳнинг бошлиғи эса Худодир». Ушбу сўзлар улардан бир қарорга келишларини талаб қиласади.

Ўша кеч Ёзувни ўрганишни бошқараётган аёл бу оятни ўқиди, бирпас кутиб турди ва яна бир марта ўқиди. Ўша ерда ҳозир бўлган ҳар бир аёл ўз оиласида бошлиқ эди ва улар буни билишар эди...

Кимдир секингина сўради: «Ҳаворий Павлус бу ҳақда бошқа ҳеч нарса демаганими?» Улар манбаларга қарашди ва Павлуснинг бошқа айтганларини ўқишиди (қаранг: Кол. 3:18; Эф. 5:22; 1 Тим. 2:11). Бу парчаларни ҳам муҳокама қилишиди. Охирида бошқариб турган аёл шундай деди: «Хўш, энди нима қиласиз?» Кимдир қўйидагича жавоб берди: «Биз бу амрларга риоя қилишга мажбурмиз».

Кейин мўъжиза юз берди. Орадан бир йил ўтар-ўтмас бу тўрт аёллар ҳайрат ва завқ билан бир-бирларига, шунингдек, бошқа аёлларга нима воқеалар юз берганини айтиб беришди. Бу аёлларнинг эрлари — тўртталови ҳам оила бошқарувини тўла ўз қўлларига олдиilar... ва кутилганидан ҳам ортиқроқ, бу аёлларнинг ҳар бири ўз никоҳларининг янада баҳтилироқ ва қувончилироқ эканлигининг гувоҳи бўлдилар. *Тақвадорлар*.

Аёлларнинг биронтаси ҳам имкони бор деб ўйламаган ва инсонни ҳайратга солувчи нарсаларни кўриб, улар кунларнинг бирида бошқа

бир ажойиб ҳақиқатни ҳам тушунишди: уларнинг эрлари ҳеч қачон улардан пешқадамликни талаб қилмаганлар. Бу уларнинг ихтиёрий ҳадяси бўлиши мумкин эди, холос⁵.

Сиз эса ўз юрагингизни эрингизга бўйсундиришга мойил қилиб, унга шундай ҳадяни бердингизми? Сизнинг никоҳингиз эру хотинлик муносабатларида Худо фикрига риоя қилиш қарорингиз туфайли солих бўлдими?

Кимга итоат этиши керак?

Ҳаворий Павлус Эфесликларга Мактубида (қаранг: Эф. 5:22) биз кимга бўйсунишимиз кераклигини аниқ ёзган: «Хотинлар, ўз эрларингизга бўйсунинглар...» (курсив меники. — Э. Дж.). Биз ўзимиз ҳурмат қиласидиган ва завқланадиган бирон бошқа кишига эмас, ўз эрларимизга бўйсунишимиз керак. Ва бу жуда муҳим.

Кунларнинг бирида менинг ҳузуримга маслаҳат учун эри тақвадор бўлмаган масиҳий аёл келди. У ишидан бўшаб, тўрт йил давомида Муқаддас Китоб коллежида ўқимоқчи экан. Кейинчалик ўзини батамом масиҳийлик хизматига бағишлишни хоҳлабди. Аёл менга ўз истагини баён қиласидан сўнг, мен ундан сўрадим:

— Сью, бу тўғрида эрингизнинг фикри қандай?

У дарҳол жавоб берди:

— Э-э, у қарши.

— Ахир эрга бўйсунишни, — хитоб қилдим мен, — бизга Худонинг Ўзи буюрган-ку!

Худо бу вазифани ҳар бир хотинга берганини ўзингиз биласиз. Сью ўз хоҳиши ҳақида қавмбошига ва уни хизматга жалб қилишга ваъда берган одамга айтиб берганда, уларнинг иккалови ҳам Сьюга ўз режалари бўйича иш тутишни маслаҳат беришди. У эса бошқаларга бўйсунишга тайёр эди. Бироқ Муқаддас Китобда аниқ айтилган: биз жамоат фаолларига эмас, ўзимиз ҳурмат қиласидан одаларга, ҳаттоқи ўз отамизга ҳам эмас, фақат эримизгагина бўйсунишимиз керак.

Баъзида биз: «Менинг эрим масиҳий эмас, шунинг учун мен унга бўйсунишим шарт эмас», ёки «Менинг эрим масиҳийча яшамайди, шунинг учун мен унга бўйсунишим керак эмас», деб Худонинг амрини бузмоқчи бўламиш. Ҳаворий Бутруслар масиҳий бўлмаган ёки масиҳийча яшамайдиган ана шундай хотинларга қаратса шундай деб ёзади: «Масиҳдан ибрат олиб, сиз, хотинлар

хам ўз эрларингизга бўйсунинглар. Худо каломига ишонмайдиган баъзи кишилар сиз, аёлларнинг ор-номусли, покдомон хулкавторингизни кўриб, имон ҳақида бирон сўз айтилмасданоқ қойил қолсинлар» (1 Бут. 3:1–2). Бошқача қилиб айтганда, бизнинг эримизга итоаткорлигимиз — у масиҳими ёки йўқми, Худога бўйсунадими ёки йўқми — бу бошқа ваъзларга қараганда ишончлироқ ва кучлироқ ваъздири!

Бу ерда биз бир истисно тўғрисида эслатиб ўтишимиз керак: агар эрингиз сизга Масиҳ таълимотига қарши бирон нима қилишни айтса, сиз унинг айтганини қиласлигиниз керак. Мабодо, у сиздан қонунга қарши ёки ахлоқ меъёрларига тўғри келмайдиган ишни қилишни сўраса, қавмбошингиз олдига боринг ва у билан маслаҳатлашиб, унинг маслаҳатига амал қилинг.

Қандай итоат этиши керак?

Ҳаворий Павлус нафақат бизнинг кимга бўйсунишнимиз ҳақида (Эф. 5:22) гапиради, балки у буни қандай қилишнимиз кераклигини ҳам изоҳлаб беради: «Хотинлар, ўз эрларингизга, худди Худога бўйсунгандай, бўйсунинг» (курсив меники. — Э. Дж.). Мен Жимга бўйсуниш ҳақида ўйлашни тўхтатиб, Худога бўйсуниш ҳақида фикр юрита бошлаганим заҳоти, бу амрга қаршилигим аста-секин заифлаша бошлади. Фикран мен Жимни бироз четга суриб қўйдим, бу менга шундоққина рўпарамда Худонинг чехрасини кўришга имкон берди. Тўсатдан қандай бўйсуниш ҳақидаги савол анча оддийлашди! Менинг бўйсунишэм энг аввало Жимга эмас, Худога тааллуқли эди. Муқаддас Ёзувнинг барчага машҳур парчасида айтилганидай: «Қиладиган ҳар бир ишни инсонлар учун эмас, Раббингиз учун қилаётгандай, чин қалдан бажаринглар...» (Кол. 3:23, курсив меники. — Э. Дж.). Менинг Жим билан биргалиқдаги ҳаётимда бу амрга бўйсуниш — мен учун қанчалар баҳт!

Итоат этишининг чегаралари

Бизнинг эримизга бўйсунишнимиз чегаралари қанақа? Қандай масалаларда, қарорларда ва вазиятларда биз уларга бўйсунишнимиз керак? Агар қисқача қилиб жавоб берадиган бўлсак, ҳаммасида! «Масиҳнинг уммати Масиҳга қандай тобе бўлса, хотинлар ҳам ҳар нарсада ўз эрларига шундай тобе бўладилар» (Эф. 5:24, курсив меники. — Э. Дж.). Муқаддас Ёзувда аниқ айтилган: «Ҳар нарсада»!

Шундай қилиб, ҳар сафар мен: «Ҳа, аммо...» — ёки: «Агарда...», демоқчи бўлганимда, мен ушбу сўзларни эслайман: «ҳар нарсада». Бу икки сўз ҳам жиддий, ҳам аҳамиятсиз масалаларни ўз ичига олади. Шу ерда қуидаги воқеани эслаш ўринли бўлади.

1994 йилда Калифорния штатидаги жуда кучли зилзиладан кейин биз Жим билан синган лампаларни алмаштириш учун магазинга бордик. Биз унча қиммат бўлмаган газ абажурли стол лампасини топганимиздан жуда хурсанд эдик. Уйга келиб, кутини очдим. Шунда юрагим орқасига тортиб кетди: мен хира, ўнгиган бўёқларни кўрдим. Нафис яшил ва пушти ранглар кутубхонамизнинг тўқ яшил ранглари орасида йўқолиб кетарди. Аммо Жим ҳаммасини ажойиб деб ҳисоблади ва харид қилган лампамизни қайта магазинга топширишнинг ҳожати йўқлигини айтди. Индамай туришим анча қийин бўлса-да, мен бу воқеага ўз эримга... Масиҳга тобе бўлгани сингари... ҳар нарсада... бўйсунишнинг яна бир имконияти деб қарадим ва ҳеч нарса демадим.

Албатта, чироқ — бу арзимаган нарса, аммо бундай арзимас нарсалар — «ҳар нарсада» бўйсунишни бошламоқчи бўлганлар учун яхши асосдир. Кейинчалик сиз кўпроқ нарсага эришасиз. Аммо ҳозирча йўлингизда яна бир шундай арзимас нарса пайдо бўлганда, эрингизга бўйсуниш учун Худодан муруваттаги сўранг.

Итоат этишининг кучи

Биз, хотинлар, ўз эрларимизга бўйсунмаслигимизнинг асосий сабаби нимада эканлигини сиз биласизми? Худонинг айтишича, бу қўрқувдир. Биз қўрқамиз: агар бизнинг эрларимиз биз хоҳлаганимиздай эмас, ўз билганларича иш қилсалар, қандайдир нохушлик юз бериб қолса-чи. Шубҳасиз, аёлларнинг ўз эрларига тобе бўлишлари ҳакидаги Худонинг амри остида Унга ишонч билан яшаш тўғрисидаги жиддий даъват яширинган. Қачонлардир Худога умид боғлаган Муқаддас Китобдаги авлиё хотинлар ўз эрларига бўйсунар эдилар. Сизлар ҳам шу йўсинда яхшилик қилишда қунт қилиб, ҳеч қандай қўрқувдан гулгулага тушманлар (қаранг: 1 Бут. 3:5–6).

Бу ерда ҳаворий қўрқувга ишончни қарши қўяди (қаранг: Мк. 4:40). Лекин қандай қилиб ишонч бўйсуниш билан ўзаро муносабатда бўлади? Айнан ишонч туфайли Худо бизнинг ҳаётимизда эрларимиз орқали ҳаракат қилаётганлигини тушуниб етамиз. Айнан қодир Худога ишонч билан биз Унинг қарорларини ва шу

қарорларнинг якуний натижасини қабул қиласиз, Худо уларни хаётга татбиқ қилишига ва уларнинг бажарилишини бошқариб туришига умид қиласиз. Шундай қилиб, Худога ишонч бизни қўркувлардан халос қиласди. Биз итоат қилиш кучига эга бўлласиз. Энди, сизлар эрларингизга бўйсуниш ҳақида кўп нарсаларни билиб олганингизда, Масихнинг шогирдлари Худодан имон сўраганлари каби, имонингизга имон қўшилишини нега сўрамайсизлар (қаранг: Лк. 17:5)? Худога ишонч бизга ўз эрларимизга итоат этиш қудратини беради.

Итоат этиши учун асос

Эҳтимол, Худонинг итоат этиши тўғрисидаги даъвати менинг юрагимда илдиз отганда, Муқаддас Ёзувнинг юрагимга кучли таъсир қилган жойи қуидагича бўлгандир: «...кампирлар ёш хотинларга таълим-тарбия берсинлар. *Худонинг Каломи қоралан-маслиги* учун, улар ўз эрлари ва болалари севадиган, рўзгорга жон-куяр, вазмин, иффатли, хушфеъл, эрларига бўйсунадиган бўлсинлар» (Тит. 2:4–5, курсив менини. — Э. Дж.). Мен бу оят тўғрисида фикр юритганимда, эримга итоат қилиш гояси мени руҳий муҳитга юксалтириди. Шунда бу руҳий муҳит Жимга бўйсунмаслик хошишимнинг барча дунёвий, шаҳроний, худбинларча сабабларидан юқорига кўтарилди.

Менга шу нарса аён бўлдики, Жимга итоат қилиб мен энг аввало Худога итоат қиласман. Худо шундай тартиб ўрнатди ва хотинларга, эрларингизга бўйсунинглар, деб амр қилди. Мен итоат этишим ва шу билан Уни шарафлашшим учун У менга Худога бўлган ишончи берди. Эримга бўйсунишим Худо Каломи ва Унинг йўллари адолатли эканлигидан бизнинг атрофимиздаги барча одамларга гувоҳлик беради! Ҳақиқатдан ҳам, итоат этиши бизнинг энг олий вазифамиздир!

Ҳа, аммо қандай қилиб?

Хотин қандай қилиб ўз эрига бўйсуниши керак? Мана, мен ўзим босиб ўтган бир нечта босқичлар.

Эрингизни чин юракдан ҳурмат қилинг. Ҳар қандай ўзгариш ўз ечимини талаб қиласди. Албатта, эрга бўйсуниш ҳақида ҳам қарор қабул қилиш керак. Биз эрларимизга бўйсуниш учун, бўйсуниши

амалда қўллаш ва юрагимизни Худони шарафлашга ва эрни ҳурматлашга мойил этиш учун қарор қилишимиз керак.

Хурмат ҳақида унутманг. Итоат қилиш ҳурматдан келиб чиқади. Худо: «...хотин ўз эридан қўрқсин»* (Эф. 5:33, курсив меники. — Э. Дж.), деб қарор қилган. Худо бизга ҳурматни ҳис қилишини буюргаган. У бизга ҳурмат кўрсатишни, ҳурмат билан иш қилишини буюрган. Сиз эрингизни қай даражада ҳурмат қилишингизни билишининг яхши йўли, бу: «Мен Раббийга қандай бўйсунган бўлсан, ўз эримга ҳам шундай бўйсунтмани?» деб сўрашингиздир.

Ҳаётнинг кундалик майдада-чўйдалари орқали ҳам эрингизга ҳурмат кўрсатасизми? Масалан, ундан бирон юмушни бажариши илтимос қиласизми ёки буйруқ берасизми? Сиз у ҳақда ҳурмат билан гапирасизми?

Эрнинг сўзлари ва қилмишларига ижобий жавоб беринг. Оҳ, мен учун итоат қилиш жуда қийин эди! 1960-йилларда, ҳар қандай ҳукмронликка қаршилик бўлган йилларда мен талаба эдим. 1970-йилларда эса — аёллар озодлиги ҳаракатларида қатнашганман. Шунинг учун мен тақвodor бўлган вақтларимда, Худодан ва жамоатда учратган ўша ёқимтой аёллардан кўп нарсаларни ўрганишимга тўғри келди.

Аммо эски одатлар таслим бўлишни хоҳламасди. Мен жаҳл қилардим, қаршилик кўрсатардим, ҳар қандай сабаб юзасидан Жим билан баҳслашар эдим: қайси йўлдан юриш ҳақида, жамоатга боришда йўл-йўлакай пармуда булкалар харид қилиш учун дўконга кириш ёки кирмаслик ҳақида, болаларни тарбиялаш усуслари ҳақида, у ўз хизматини қандай олиб бориши ҳақида баҳслашар эдим. Кураш сира тўхтамас эди. Мен Муқаддас Ёзууда нима дейилганини билсан ҳам (ҳатто сиз билан ҳозиргина кўриб чиқсан оятни ёдлаб ҳам олган эдим), барибир мен эримга бўйсuna олмасдим. Мен унинг гаплари ва қилмишларига ижобий жавоб беришни ўрганганимда, олдинга қараб катта қадам ташладим. Мен машқ қилардим, ҳа, Жим гапираётган ва қилаётган ҳамма нарсага ижобий жавоб беришни машқ қилардим. Бу машқ икки босқичда ўтарди.

* Янги Аҳднинг рус тилига «Хушхабар» номли янги таржимасида бу парча қўйидагича ифодаланади: «Хотин ҳам эрини ҳурмат қилсан». Шунингдек, замонавий инглиз таржималарида бу ерда хотиннинг эрга нисбатан иззат-ҳурмати тўғрисида айтилади. — Изоҳ ред.

Биринчи босқич: ҳеч нима демаслик. Эрини хурмат қилмайдиган аёлни кузатганимисиз? Хотин эрнинг ҳар бир ишидан камчилик топади, унинг гапларига кўшилмайди, унга танбех беради, буларнинг ҳаммаси бегоналар кўзи ўнгида юз беради. Хотин бўлар-бўлмас гапларга аралашаверарди, эр билан арзимас нарсалар юзасидан баҳслашарди («Йўқ, Гарри, бу саккиз йил эмас, етти йил олдин бўлган эди»). У эрининг сўзини бўлади, ёки ундан ҳам ёмонроғи, унинг бошлаган гапини ўзи тутатади.

Албатта, бундай аёл учун оддийгина жим туриш, ҳеч нарса демаслик жуда катта ютуқ бўлади. Сукут сақлаш — бўйсуниш томон қўйилган жиддий қадамдир. Ижобий жавоб бериш учун сиздан талаб қилинадиган нарса — жим туриш ва ҳеч нарса демаслиқдир! Менга бунинг учун бироз вақт керак бўлди. Бироқ мен охир-оқибатда тилимни тийиб юришим кераклигини тушундим. Доим ҳам мен ўз фикримни ифодаламаслигим керак, айниқса, Жим бир қарорни қабул қилиб бўлгандан кейин. Сўнг пушаймон қилишинг мумкин бўлган нарсани гапириш шартми?

Иккинчи босқич: ўз розилигингизни бир сўз билан ифодалаш. Сиз биринчи босқичдан ўтиб, жим туришни ўрганганингиздан сўнг иккинчи босқичга ўтасиз. Ўз розилигингизни ифодалаб, бир сўз билан жавоб беришни бошланг. Мен «албатта» сўзини танладим (бу сўз ундов оҳангда ва жуда ёқимли товуш билан талаффуз қилинади). Мен барча саволларга «албатта» деб, биргина сўз билан жавоб бера бошладим.

Ўзи ҳам «албатта» сўзини танлаган азиз дугонам Дикси, менга бунинг натижасида уларнинг оиласида нималар юз берганини сўзлаб беришимга ижозат берди. Унинг эри нархи арzonлаштирилган нарсалар сотиладиган гавжум ва сершовқин «Прайс клаб» магазинига бориб туришни яхши кўрарди. Кўпинча кечки овқатдан сўнг у: «Юринглар, «Прайс клаб»га борамиз», деб таклиф қиласди. Дикси уч боласи билан — болаларининг бири ҳали ёш эди — эрининг бундай таклифига қарши чиқиб, ўз фикрини айтиши мумкин эди. Чунки кечаси, қоронғуда, бутун оилани ўша магазинга судраб бориши — ақлга унча тўғри ҳам келмасди. Аммо Дикси бундай қилмасди. Аёл ҳеч қачон болаларининг кўз ўнгида оила бошлигининг, яъни эрининг гапини қайтармас ва оила бошқаришда жиловни ўз қўлига олишни истамас эди. Бунинг ўрнига у жилмайиб: «Албатта!» деб жавоб берарди. Болаларни машинага ўтказиб, Дикси эри билан бирга «Прайс клаб»га жўнарди.

Орадан кўп йиллар ўтиб, Диксининг оиласи навбатдаги Шукроналик кунида дастурхон атрофида жам бўлишди. Оила аъзолари болалиқда нима билан шуғулланишини яхши кўрганлари ҳақида бирин-кетин сўзлаб беришарди. Диксининг катта ўғилларидан бири шундай деди: «Прайс клаб»га боришни!» Оилавий иноқлик, қувонч ва ёқимли хотиралар бу оила учун Диксининг раҳмдил, итоаткор юраги ва унинг бўйсунини ифодалайдиган ягона «Албатта!» сўзи туфайлигина рўёбга чиқди.

Сиз арзимас нарсаларга ижобий жавоб беришни ўрганган заҳотингиз, бундан жиддийроқ нарсаларга ҳам худди шундай осонлик ва табиийлик билан муносабатда бўла олишингизни тушуниб етасиз. Кунларнинг бирида эрталаб соат беш яримда телефон жиринглади, мен ҳайрон бўлдим. Бу Сингапурдан қўнғироқ қилаётган Жим экан. Эрим у ерга бизнинг миссиямиз қавмбошиси билан кетган эди. Йўқ, у менга: «Алло, ишларинг қалай? Болалар яхшими? Менга сен етишмаяпсан! Мен сени жуда яхши кўраман. Сен билан учрашиш онларини кўзларим тўрт бўлиб кутяпман!» демади. Бунинг ўрнига Жим шундай деб сўради: «Сен озгина ишлаш учун Сингапурга келишни хоҳламасмидинг?» Шунда мен: «Албатта!» деб юбордим.Faқат кейингина «Қаерга?» деб сўрадим.

Эҳтимол, бунинг сабабини турлича тушунтириш мумкинdir: ҳали жуда эрта бўлганлигидир, ёки мен Жимни соғинганимдир, ёки телефон тўсатдан жиринглаганидир... Балки кейинги ўн йилда итоат этишни ўрганганим учун шундай бўлгандир. Лекин бунинг сабаби, қандай бўлмасин, бўйсунини ва эримнинг сўзларига ижобий жавоб беришни ўрганишим учун қилган уринишларим зое кетмаганидан дарак берарди. Худо менга «Албатта!» дейиш учун куч берди. (Биз Сингапурга бордик ва у ерда бир йил давомида меҳнат қилдик. Бу менинг ўн яшар ва ўн бир яшар қизларим учун, Жим учун, қолаверса, мен учун жуда ажойиб вақт бўлди. Биз ҳаммамиз у ерда доимий қолишини истардик!)

Ҳар бир сўзингизни, ҳаракатингизни ва туйгунгизни текширинг: «Мен итоат этяпманми ёки қаршилик кўрсатяпманми?» Ҳар сафар юрагингизда норозилик пайдо бўлганда ва эрингизнинг кўрсатмаларига қаршилик қилганингизда, ёки ундан шубҳаланганингизда, ўзингиздан сўранг: «Мен итоат этяпманми ёки қаршилик кўрсатяпманми?» Жавобингиз сизга муаммони кўрсатади. Шундай қилиб, энди бу ҳақда етарлича айтилди!

СИЗНИНГ ЮРАГИНГИЗ ЖАВОБИ

Эй азизим, Худонинг эру хотинлик ҳаётига оид буйруқларнинг бажарилиши ироди ва ақлнинг шафқатсиз машқи бўлиб қолишига йўл қўйманг! Биз, энг аввало, *юрак* ҳақида гапиряпмиз! Сизнинг эрингиз — бу сизнинг умр йўлдошингиз. Эрингиз қандай бўлишидан қатъий назар, у сиз учун Худонинг мукаммал ҳадяси, Худонинг сизга тегишли бўлган мақсадининг бир бўлаги. У сизга шахсингизни шакллантириш учун ва яна ҳам муҳимроғи, руҳий мукаммаллашувингиз учун ато қилинган. Сизнинг масиҳийлик характеристерингиз ҳар гал эрингизга чин юракдан бўйсунишга, ён беришга ва итоат этишга қарор қилганингизда намоён бўлади. Шундай йўл тутиб, сиз Худо кўнглидагидай аёл сифатида Уни шарафлайсиз. Шунинг учун ўйлаб кўринг: худди мен қилганимдай, эрга бўйсуниш ғоясини инсонийлик ўзаро муносабатлари доирасидан сизнинг Худо билан муносабатларингиз доирасига ўтказиш тўғри бўлмасмикан? Худонинг ажойиб чехрасига тикилиб қаранг. Кейин эса эрингизга худди Худога бўйсунгандай, бўйсунинг.

Сизнинг эрингиз йўқми? Худо ҳар биримизга ҳар куни бошқа одамларга ҳурмат билан муносабатда бўлиб, характеристеримизни мукаммаллаштишимиз учун жуда кўп имкониятларни беради. Худони иззат-хурмат қилиб, сиз бир-бирингизни иззат-хурмат қилишида ўзишгандай ҳаракат қиласизлар (қаранг: Рим. 12:10). Одамларни ҳурмат қилиб, сиз Худони улуглайсиз, ҳаёtingизни Худовандга манзур юрагингиз акс этадиган гўзаллик билан тўлдирасиз.





СЕВУВЧИ ЮРАК

I ҚИСМ

*...Ёш хотинларга ҳам ўз эрларини севишида
таълим-тарбия берсинглар...*

Тит. 2:4

Янги Аҳднинг охирига яқинлашар эканмиз, Худо мен учун асрар қўйган ва мени энг кўп ҳаяжонга солган Унинг ҳақиқатини хаёлимга ҳам келтирмаганман. Бу — хотиннинг вазифаси ҳақидаги сўнгги ҳақиқат эди. Титусга қисқа Мактубдан мен ўзим учун шуни ҳам билиб олдимки, юрагимдаги *Худодан кейинги биринчи жой* эримни бўлиши керак экан. Кампирлар ёш хотинларга Худо кўнглидагидай аёл бўлишлари учун таълим-тарбия беришлари керак, соғлом таълимот тўғрисидаги Худо амрининг маъноси ана шундай эди. Турмушга чиққан аёл ўрганиши керак бўлган биринчي таълимот — бу аёлнинг ўз эрини севиши ва бу севгини ўз ҳаётларида акс эттиришлари керак эди (қаранг: Тит. 2:3–4-оятлар).

Севги — дўстлик

Ушбу оятни ўқиб мен: «Албатта, мен эримни севаман!» деб ўйладим. Бироқ Худо нимани назарда тутганини аниқ билиш учун мен яна Жимнинг китоб жавонига саёҳат қилдим. У ердан топганим Худонинг мен учун белгилаган вазифасининг бошқа қирраларини ўзимга аён қилди. Ижозат беринг, буни тушунтириб берай.

Камчиликларимизга қарамай, Худо бизни севади (юонон тилида бундай севги «агапе» сўзи билан белгиланади). Албатта, биз, аёллар ўз эрларимизни ана шундай шартсиз севги билан севишимиз керак. Аммо Титусга Мактубда (2:4) «филио» севгиси, яъни

ўз ичига ғамхүрликни, қувончни ва садоқатни қамраб олувчи севги-дүстлик ҳақида сўз боради. Биз эрларимизни қадрлашимиз ва у билан дўстлашишимиз керак¹. Биз уни энг яхши дўстимиз деб ҳисоблашимиз, бошқалардан кўра у билан кўпроқ вақтимизни ўтказишимиз керак.

Ҳа, аммо қандай қилиб?

Хотин қандай қилиб ўзида севувчи юракни, то ўлим уларни ажратмагунча эрини дўстона кўллаб-кувватлашга тайёр юракни тарбиялаши мумкин?

Эрингизни биринчи рақамли одам этишига қарор қилинг. Эрингиз билан ўзаро муносабатларингиз бошқа одамлар — ҳамкасбларингиз, дўстларингиз, қўшиниларингиз, акаларингиз ёки опаларингиз, энг яхши дугонангиз, ҳатто ўз фарзандларингиз билан ўзаро муносабатларингизга қараганда, сиз учун муҳимроқ бўлиши керак. Сиз вақтингиздан фойдаланганингизда, қадриятларнинг ана шундай иерархиясини акс эттириши керак.

Мен Жилл Бриски ва Жуди Гольц — она ва унинг турмушга чиққан қизи — ёзган китобни ўқиб, кўп нарсаларни билиб олдим. Жилл бевосита қизининг тўйидан олдин Жудини ёнига ўтқазиб, унга бир нечта маслаҳат берди. Бу маслаҳатларга кўра, Жуди турмушга чиққандан кейин маслаҳат олиш учун ҳадеб ота уйига югуравермаслиги, ҳеч бир нарсада ота-онасига тобе бўлмаслиги керак эди.

Кейинчалик қизи шундай деб ёзади: «Тўйдан кейинги кунларда, хар гал муаммо туғилганда ёки биронта яхши янгилик пайдо бўлиб қолганда, кўлим ўз-ўзидан телефон гўшагига узатиларди. Лекин, ойижон, сизнинг телефон рақамингизни теришдан олдин мен нима қилаётганимни англаб етардим. Энг аввало, сизга айтмоқчи бўлган гапим Грэгга маълумми ё йўқми, шуни текшириб кўрадим».

Жуди онасидан сўрарди: «Ойи, тўйдан кейин эрим билан бўлган биринчи жанжалимни эслайсизми. Мен ўшанда йиглаб сизга қўнгироқ қилганимда, биринчи айтган гапингиз қўйидагича бўлган эди: «Жуди, менга қўнгироқ қилаётганингни Грэг биладими?»²

Мен ана шундай онага «Тасанно!» дейман. Чунки у қизи юрагидаги ўзига тегишли бўлган биринчи ўринни куёвига (қизининг эрига) бўшнатиб берди. Пировардида, биз нимани ташлашимиз ва нимага ёпишишимиз ҳақида Худо гапирган: биз ота-онадан бошқа

бўлиб чиқиб, эримизга боғланишимиз керак (қаранг: Иbt. 2:24). Ота-оналар оила қурган фарзандларининг ҳаётларига аралашсалар, Худо ўрнаттган тартиб бажарилмаса ва қариндошлар ўртасида У белгилаган ўзаро муносабатлар қоидаларига риоя қилинмаса, ана шунда муаммолар пайдо бўлади.

Муқаддас Китоб ўқитувчиси Энн Ортланд ўзининг «Building a Great Marriage» номли китобида эру хотинларга ота-оналар ва уларнинг турмуш қурган фарзандлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солиб турувчи битим тузишни таклиф қиласди. Бундай хужжатларнинг мазмуни қўйидагича бўлиши мумкин: «Мен бундан сўнг ота-онамга бўйсунишга мажбур эмасман. Мен ўз умр йўлдошим билан мустаҳкам ва баҳтли ришталар билан боғланиш учун уларнинг ҳукмронликларидан ўзимни халос қиласман»³. Бизнинг жамоатимиз қавмбошиси никоҳ маросимига кўёв ва келиннинг ота-оналари ичишлари керак бўлган қасамни ҳам қўшиди: улар ўз фарзандларининг оиласи ҳаётларига аралашмасликка вайда берадилар.

Ҳар сафар мен ёш аёлларга маслаҳат берганимда, уларга, она-ларингиз билан ҳамма нарса тўгрисида — рецептлар, каштачилик, умумий қизиқишлир, Муқаддас Китоб ҳақида, руҳий ўсиш тўгрисида гаплашишларнинг мумкин, аммо сизлар эрларингиз ҳақида гапиришларнинг асло мумкин эмас, деб ишонтиришга ҳаракат қиласман. (Худди шу гап эрларини келинлари ва қизлари билан муҳокама қиласликлари керак бўлган оналар ва қайноналарга ҳам тааллуқли.)

Агар ота-онангиз (ёки эрингизнинг ота-онаси) сизникига тез-тез келиб туришса, унда эрингизни биринчи рақамли одам қилиш учун жуда кўп куч сарфлашингизга тўғри келади. Энг аввало, отангиз билан ҳеч қандай режани (то уни эрингиз билан келишиб олмагунингизча) келишмасликка ўрганинг ва ҳар қандай келишувлардан ўзингизни олиб қочинг («Сиз, албатта, Янги йилни биз билан кутасизми?», «Сиз, шубҳасиз, ҳар якшанба бизникига келасизми?», «Сиз бизга ҳар куни телефон қилиб турасизми?»). Эрингиз сиз учун биринчи рақамли одам бўлиши керак ва у бу ҳақда у билиши керак. Бошқалар ҳам.

Аёл ўз эрини мулоқотда бўладиган барча бошқа одамлардан афзал кўриши лозим. Ҳатто фарзандларидан ҳам. Руҳшунослар шундай деб таъкидлайдилар: «Кўплаб эр-хотинлар ўз фарзандларига ҳаддан ортиқ эътибор қаратиб, бир-бирларига етарлича муносабат-

да бўлмасдан ёлғон йўлга тушиб оладилар»⁴. Бу борада мен ўзим қайта-қайта ўқиб турадиган ва чиндан ҳам бўлиб ўтган бир воқеани келтирмоқчиман.

«ЖУДА КЕЧ»

Бугунги мактуб жуда қайгуидир. Мен сизга болаларини ўз эридан устун кўядиган аёл ҳақида ҳикоя қилиб бермоқчиман...

Кейинги икки йилда у айниқса ниҳоятда ғамгин эди. Нега? Унинг хотини кичик қизига деярли ёпишиб қолган эди. Она ўзларининг бебаҳо фарзандлари учун жонини ҳам фидо қиласидиган аёллар тоифасидан эди. Бу йил эса, кенжатой қизи университетга кирганда, она ўзини ёлғизланиб қолгандай ҳис қилди... Ва мана энди бу хоним ўз эътиборини эрига қаратди, у умид қиласиди...

Улар охирги марта қачон бирга бўлишган эди? Эр бу ҳақда эслай олмайди ҳам, у алам туйгусидан халос бўла олмасди. Ўз уйида иккинчи ўринда турган эр шу йиллар ичида ўзи билан ўзи овора бўлиб яшади. Керак... Йўқ, нотўгри. Албатта, нотўгри. Аммо... йиллар давомида доимо хотини нималардир дерди — унга, унинг ёнида, аммо факат у билан эмас... Уларни агар дўстлик ришталари боғлаб турганда эди, эру хотин ҳозирда қандай баҳтли бўлган бўлардилар!

Оилаларида фарзандлар пайдо бўлиши биланоқ, шу заҳоти ёлғизланиб қолган эркакларни мен кўплаб биламан. Сиз жуда узоқ вақт ёлғиз яшаганингиздан сўнг, яна қайтадан бирга бўлиш жуда қийин. Ёлғизликда шунча кўп воқеалар бўлиб ўтганки, «Энди жуда кеч...» деб айтиш осонроқ бўларди.

Сиз ўзингиз учун ким биринчи ўринда эканлигини англашга етарлича даражада ақёллисиз. Сиз ҳам она, ҳам хотин бўлишингиз мумкин. Аммо оқила аёл ўзининг энг аввало хотин эканлигини эсдан чиқармайди⁵.

Ҳаётингиз ҳақида ўйлаб кўринг: сиз эрингизни баҳтсиз қилмайпсизми? Эрингизни сева туриб, сиз эҳтимол, уни азоб чекишига мажбур қилаётгандирсиз. Эрингизга севги-дўстликни ҳадя қилиш санъатининг синаб кўрилган тўққизта усулини мен сизга таклиф қилмоқчиман.

#1. Ҳар куни эрингиз учун ибодат қилинг

Ҳаворий Ёқуб шундай днб ёзади: «...шифо топишингиз учун, бир-бирингиз олдида қилган гуноҳларингизга иқор бўлинглар ва бир-бирингиз учун ибодат қилинглар. Солиҳ одамнинг зўр бериб

қылган илтижоси кучли таъсирга эгадир» (Ёкуб. 5:16). Албатта, бу тақводор хотиннинг эри ҳақидаги ибодатига нисбатан ҳам адолатлидир. Ўз эрингиз ҳақида мунтазам ва муваффақиятли ибодат қилиш мақсадида ибодат кундалигингизда эрингизга бағишиланган саҳифа очинг. Саҳифа тепасига унинг исмини ёзинг. Кейин эса турмуш ўртоғингиз ҳаётининг ўзингиз ибодат қилмоқчи бўлган барча томонларини — руҳий ҳадяларни, хизматдаги қийинчиликларни, иш лойиҳаларини, руҳий ўсишни, кундалик иш тартибини санаб ўтинг.

Агар эрингиз масихий бўлмаса, унда сизнинг асосий ибодатигиз Худо эрингиз юрагига Ўз қутқарувчилик марҳаматини солиши учун бўлади. Ибодатларингиз Муқаддас Ёзув ҳақиқатларига асосланган бўлиши керак: «Баъзилар ўйлагандай, Раббимиз берган ваъдасини амалга оширишга имилламаяпти. Аксинча, У ҳеч кимнинг ҳалок бўлишини истамай, ҳамма тавба қилсин, деб сабр-тоқат билан кутиб турибди» (2 Бут. 3:9), «У бутун инсонлар ҳақиқатни билиб олиб, нажот топишини истайди» (1 Тим. 2:4). Худонинг вазифаси — эрингизни қутқариш, сизники эса — у учун ибодат қилиш, унга итоат этиш ва уни севишдир (қаранг: 1 Бут. 3:1–6).

Агар сиз вақтингизни, юрагингизни, ҳаётингизни эрингиз учун ибодатга бағишиласангиз, унда ажойиб кунларнинг бирида сиз энди у билан баҳслашишни хоҳламаслигингизни, юрагингиз юмшаганини, ҳатто унга раҳмингиз келаётганини билиб қоласиз. Ҳақиқатдан ҳам, сиз ўзингиз ибодат қилаётган одамни ёмон кўриши ва уни назарга илмаслик мумкин эмас.

Ундан ташқари, Исо бизга шундай насиҳат қиласиди: «Хазина-нгиз қаерда бўлса, юрагингиз ҳам ўша ерда бўлур» (Мат. 6:21). Агар сиз ибодатларингизда эрингизга эътиборингизни қаратсангиз, шунда унга юрагингизни, фикрларингизни ва ҳаракатларингизни қаратишингиз ҳам осон бўлади. Сиз бу ибодатнинг ўз ҳаётингиздаги хосилидан ҳайратга тушасиз: сиз тушунишни, қувончни, сабр-тоқатни, қўллаб-қувватлашни ва хотиржамликни қўлга киритасиз. Ўз эрингиз учун ибодат қила бошлаганингизда, Худо сизнинг юрагингизни ҳам ўзгартиради.

2. Уни ҳар куни ҳайратга солинг

Ҳеч нарса ўз-ўзидан пайдо бўлмайди, шу жумладан, соғлом оила ҳам. Биз ўз эрларимизга қўлимиздан келгунча ёрдам беришимиз мумкин. Бундай ёрдам фақат режали иш олиб борилгандагина мум-

кин бўлади. Муқаддас Китоб таъкидлаганидек: «Меҳнаткашнинг режаси фақат мўл-кўлчилик келтиради, шошқалоқ камбагалликка учрайди» (Ҳикм. 21:5)⁶. Мана, сиз учун эрингизнинг асосий одам эканлигини атрофдагиларга, эрингизга, яқинларингизга кўрсатишига ёрдам берувчи баъзи бир фикрлар.

Муайян эзгу ишларни режалаштиринг. Мен ҳар куни эрталаб Худодан сўрайман: «Мен бугун Жимга ёрдам бериш — уни текиклантириш, юкини енгиллатиш, ўзининг ўзгача эканлигини сезишига имкон бериш учун нима қила оламан?» Бу саволга жавобнинг ичига ўша тугманинг тикилиши ҳам, унинг рўйхатидаги қандайдир ишнинг бажарилиши ҳам, янги пайпоқ сотиб олиш ҳам киради. Бу йўлда Худо сизни ҳам бошқарсин!

Ҳар кундагидан ўзгача кечки овқат тайёрланг. Бу — кечки овқатга унинг севимли таомини тайёрлаш деганидир. Яқинда оиласи билан эрининг ватани — Оклахомага кўчиб ўтган дугонам Луизадан ибрат олинг. Яқинда у менга ўша ердан кўйидаги мазмундаги хат юборган эди:

Бир куни мен ошхона столи кутисидаги эски рецептларимни тартибга солаётган эдим. Барча рецептларни мен икки дастага ажратдим — биттасини ташлаб юбормоқчи эдим, иккincinnisinи олиб қўймоқчи эдим. Шу пайт Эрл (умр йўлдошим) кириб қолди ва ёнимга ўтириди. У кўлига рецептлар дастасини олиб, кўздан кечира бошлади.

«О, мана бу қандай мазали таом, мен бу таомни жуда яхши кўраман!.. Буниси эса менинг энг севимли овқатим... Луиза, сен қачондан бери уни тайёрламаяпсан... Сен бу таомни охирги маротаба тайёрлаганинг хануз менинг эсимда... Мен ҳар доим, сен нега уни пиширмайсан, деб ўйлар эдим». Эрл ҳамон эски рецептларни кўришни давом эттиради...

Элизабет, эрим мен ташлаб юбормоқчи бўлган рецептларни кўярди! Қачонлардир мен оиласи учун мол гўштидан овқат тайёрламасликка қарор қилган эдим. Аммо мен энди «гўшт ва картошка» ишлатиладиган барча рецептларимни олдим ва ҳафтасига бир марта гўшти овқат пиширишга қарор қилдим.

Ўз вақтингизни шундай режалаштиринги, фақат иккалангиз учун ҳам вақт ажратинг. Буни ҳам, албатта, режалаштириш керак. Ҳали болаларим ёш бўлган пайтларда мен озиқ-овқатга ажратилган пулдан тежаб, ҳафтасига икки соатга энага ёллар эдим. Ана шу

икки соатни биз эрим билан иккаламиз бирга ўтказар эдик. Мана шу икки соатлик учрашувлар вақтида биз «Макдональдс» кафесида борардик. Ўзимизга икки кружка қаҳва олиб, бир доллар тўлардик ва икки соат юрак-юракдан суҳбатлашар эдик.

Фарзандларимиз катта бўлганда, биз Жим билан ҳар қандай қулай вазиятдан бирга бўлиши учун фойдаланардик. Бу имкониятлардан фойдаланмаслик ва шу вақтни севги байрамига айлантириш имконини бой бериш осон эди.

Бундан ташқари, ҳар уч ойда биз фақат иккаламиз учун сафарларни режалаштириб қўярдик. Бу одатимиз ҳозиргача ҳам — аллақачон уйимиз бўшаб қолган бўлса-да, сақланиб қолган. Ушбу сафарлар биздан жуда кўп меҳнат, тежамкорликни, ташкилотчилик қобилиятини талаб қиласади (биз дўстларимиз билан энагаларимизни алмаштирадик). Аммо иккаламиз биргаликда ўтказган қимматбахо вақтимиз шу чиқим ва меҳнатларимизга арзирди. Биз уйга 24 соатдан кейин янги кучга тўлиб, бир-биримизга ва оиласизга янада содик бўлиб қайтардик.

Фақат иккалангиз учун кечки овқат ташкил қилинг. Яна гап режалаштириш ҳақида боряпти. Қўшним Терри шундай ҳодисаларни амалга ошириш борасида ибрат олса бўладиган ажойиб на-мунадир. Ҳар пайшанба у учала ўғли учун хот-доглар базмини ташкил қиласди. Бутун ҳафта давомида у бу кечани зўр бериб мақтайди. Шунинг учун унинг ўғиллари пайшанба кунини кўзлари тўрт бўлиб кутишади. Шу куни болалар ўз хот-догларини соат тўрт яримда ейишлари мумкин. Хот-догларни паққос тушириб, улар беш яримдаёқ ваннага кириб қолганларини сезмай қоладилар. Соат олти яримда аллақачон ҳикоя ўқилган, ибодат ўқилган ва чироқлар ўчирилган бўлади. Шундан сўнг Терри ўзининг севимли полотнодан тикилган дастурхонини, қўл сочиқларини, хитой чиннисидан икки кишилик идишларни, кумуш ва билур идишларни олади. Стол устида ўзи тайёрлаган таом пайдо бўлганда, у каминга ўтин қалайди ва олов ёқади. Чироқлар ўчирилади ва шамлар ёқилади. Икки кишилик кечки овқат тайёр.

Болаларингизни вақтлироқ ухлатишига ҳаракат қилинг. Ҳар куни кечқурун маълум бир вақтни эрингиз билан ёлғиз ўтказиш учун, болаларингизни вақтлироқ ухлатинг. Шу тарзда кичкинтойларсиз сизнинг эрингиз билан бирга бўлиш истагингиз амалга ошади. Агар сиз мулоқотнинг шундай қимматли ва ёқимли дақиқаларидан

ўзингизни четга олсангиз, ўзингиздан бунинг сабабини сўранг ва вазиятни тузатишга ҳаракат қилинг.

Эрингиз билан бир вақтда ётишга ҳаракат қилинг. «Бойқушлар» «тўргайлар»га турмушга чиққан ҳодисалар менга маълум. Аммо барибир, агар имкони бўлса, кун тартибингизни эрингизнинг кун тартиби билан мослаштиринг. Бу сизга ягона команда бўлишга, ҳар куни эрталаб эрингизни ишга кузатишга, умумий кун тартибига риоя қилишга ва эр-хотинлик муносабатларини асраб қолишга имкон беради.

Мен шу бобнинг бошида айтиб ўтганимдай, сиз эрингизни энг яхши дўстингиз деб билишингиз зарур, у билан дўстона муносабатларни мустаҳкамлашга ҳаракат қилишингиз керак. Бундай меҳнат режалаштиришни талаб қиласди. Лекин оладиган мукофотингиз шу меҳнатларингизга арзиди, айниқса, агар сизнинг ҳаракатларингизни севги бошқарса.



СЕВУВЧИ ЮРАК

II ҚИСМ

*...Ёш хотингларга ҳам ўз эрларини
севишида таълим-тарбия берсинглар...*

Тит. 2:4

Ўз эрларимизга ўзимизнинг меҳрибон ва ғамхўр севги-дўстлигимизни кўрсатиш учун биз нима қила олами? Мен сизга тўққизта маслаҳат беришни вайда қилган эдим. Энди ушбу бобда шуларнинг қолганини ҳам бермоқчиман. Эрингиз ҳақидаги ғамхўрлигинизни унга кўрсатишга имкон берувчи нарсалар ҳақида фикр юритаётганингизда, у учун ибодат қилинг.

3. Эрингизнинг қайтишига тайёрланинг

Ҳар куни эрингизнинг уйга қайтишига тайёрланинг. Шундай қиласангиз, эрингизга у сиз учун ҳаммадан муҳимроқ эканини ва сиз уни яхши кўришингизни кўрсатган бўласиз.

Уйингизни тайёрланг. Эрингиз ишдан келиш вақтига уйингиз тартибли бўлиши учун бир неча дақиқани сарфланг. Болалар ҳам сизга ёрдам беришсин, ўйинчоқларини йиғиштиришсин. Бундай йиғиштиришнинг мақсади мутлақо тозалик эмас, фақат тартиб ва озодаликнинг таассуротидир. Кўпчилик дугоналарим каминни ва муатттар ҳидли шамларни ёкишарди, гулларни кесиб, гулдонларга солиб қўйишарди. Бундан ташқари, ҳатто духовкага бирор бир лаззатли пишириқни ҳам солиб қўйарди, токи уйга қайтган эрингизга: «Сизни бу ерда кўришдан ҳамма хурсанд», деб айтuvчи туйгуларнинг турли-туманлигини у ҳис қилсин.

Ўзингиз тайёрланинг. Ахир, уйингизга меҳмон келганда, сиз ўзингизни тартибга келтирмайсизми? Сиз учун бошқа одамлардан муҳимроқ бўлган эрингиз ўзига алоҳида муносабатни талаб қиласди. Сочингизни таранг, пардозингизни янгиланг, кийимингизни алмаштиринг, токи у сизни эрталаб ишга қузататган спорт кийимида кўрмасин. Юзингизга қизил суринг, лабингизни бўяңг ва духи сепиб олинг («хушбўй ёғ ва муаттар атир кўнгилни шод қиласди» — қаранг: Ҳикм. 27:9)! Пировардида, ҳозир эшикдан ҳаётингизда сиз учун энг муҳим одам кириб келади.

Болаларни тайёрланг. «What Is a Family?» номли Китобида Эдит Шеффер шундай деб ёзади: «Болаларнинг исқирилт кўриниши одамларнинг фашига тегади. Агар оиланинг барча аъзолари вазиятга қараб, кийинган бўлсалар, улар бир-бирларига бошқача муносабатда бўлишларини тушуниш керак»¹. Болаларнинг исқирилт юzlари, мишиқли бурунлари, тўзғиган соchlари бу оилада оталарини кўришга хурсанд эканликларидан дарак бермайди.

Телевизор ўчирилганлигига ишонч ҳосил қилинг. Болаларнинг кичкиналари кечки овқатни кутиб, инжиқлик қилмасликлари учун уларга енгилроқ бир нарса беринг. Бунда менинг севимли мультфильмим қаҳрамонларидан ўrnak олсак бўлади: она қўлида бир варақ оқ қоғоз ва икки боласи билан меҳмонхонада турибди. Она шундай дейди: «Отангиз ҳар бир дақиқада уйга келиб қолиши мумкин. Қани, келинглар, рўйхатни кўриб чиқамиз: телевизор ўчирилганми, белгилаймиз; қулай ёстиқлар тайёрланганми, белгилаймиз; тушлик тайёрми, белгилаймиз; меҳрибон оила аъзолар йигилдими, белгилаймиз!» Сизнинг севги бўлимингизда-чи, у ерда ишлар қандай?

Саломлашишини тайёрланг. Шубҳасиз, сиз ҳар куни эрингиз ишдан тахминан соат нечиларда келишини билсангиз керак. Уни кутиб олишга тайёрланинг. Масалан: агар қоронгу тушиб қолган бўлса, кираверишдаги чироқни ёқиб қўйинг. Мен Жимнинг машинасини кўрмагунимча, уни дераза олдида кутавераман. Кейин мен: «Дадангиз уйда!» дейишим биланоқ, қизларим чинқиришиб, дадасини кутиб олишга эшик томон югуришади.

Шунингдек, албатта, уни кутиб олиш учун нима дейишингизни ҳам ўйлаб қўйинг. «Солиҳ ўйлаб жавоб беради» (Ҳикм. 15:28) ва «ширин сўз эса юракни шод этади» (Ҳикм. 12:25). Эрингиз уйга қайтганда, ундан: «Қаерда эдингиз? Нега бунча кеч қайтдингиз? Нега телефон қилиб қўймадингиз? Сут олиб келдингизми?» деб

сўрашнинг вақти эмас. Шунингдек, кун бўйи юз берган қўнгилсиз воқеаларни ҳам санаб ўтишнинг мавруди эмас. Демак, Худо сизга керакли сўзларни — ўзингиз ҳақингизда эмас, эрингиз ҳақида, ўзингизнинг кайфиятингиз тўғрисида эмас, эрингизга ғамхўрлигингиз ҳақидаги, эрингизнинг ташвишларини енгиллатувчи ёқимли ва юракдан чиқсан сўзларни топишингизга ёрдам бериши учун, Раббийнинг ёрдамини сўранг. Эрингиз уйга қайтганда, биринчи айтган гапингизга шу кечанинг қандай бўлиши боғлиқdir.

Дастурхон тузанг. Имкони борича тушликка тайёргарликни тугатишга ҳаракат қилинг. Агар улгурмаган бўлсангиз ҳам иложи борича чиройли қилиб дастурхонни тузанг, токи безатилган дастурхон ўз кўриниши билан гаройиб тушликдан дарак бериб турсин.

«Қирол қасрда!» Монархия давлатларида қирол саройда бўлсагина, сарой устида байроқ кўтарилади. Шунда бутун саройда хизматкорларнинг эҳтиёткорлик ва қўрқув билан қўйилган қадамлари эшишиб туради. Шу одатга сиз ҳам риоя қилинг (сизга болалар ҳам қўшилишсин). *«Қирол»*ингиз уйга келганда, сиз ҳам уни ана шундай эътибор ва муҳаббат билан қуршаб олинг.

«Байрам!» Холливуд жуфтлиги Мел Брукс ва Энн Бэнкрофтдан олинган бир интервьюда уларнинг ўттиз йиллик биргалиқдаги ҳаётлари муҳокама қилинди. Бу интервьюда Энн Бэнкрофт эри уйга келганда, уни қандай кутиб олиши ҳақида сўзлаб берган. Ҳар куни аёл ўзининг яхши кўрган ором курсисида ўтириб эрини кутади. Энн автомобил овозини, унинг ғилдираклари остидаги тошлар овозини, моторнинг ўчганини, машина эшигининг очилиб ёпилишини, қулфга тиқилган калитнинг шақир-шукурини эшишиб туради. Очилаётган қулфнинг овозини эшиганида, у фикран: «Оҳ, байрам бошланяпти!» деб хитоб қиласди.

Биз Мэл Брукснинг хотини бўлмасак-да, бироқ биз ҳам эрга ана шундай муносабатда бўлишни ўргана оламиз. Худди Энн Бэнкрофт сингари биз ҳам эrimiz уйга келиши билан куннинг энг яхши қисми бошланяётганига, байрам бошланяётганига қувонишимиз мумкин!

Уйдан барча меҳмонларни кузатиб юборинг. Эрингиз уйга келишидан олдин барча меҳмонларни кузатиб юборишга ҳаракат қилинг. Эрингиз шовқин-суронли, бегона оналар ва болалар тўла уйга қайта олмайди. Охир-оқибатда, у — сизнинг қиролингиз-ку!

Телефондаги ҳар қандай суҳбатларни бас қилинг. Агар эрингиз уйга келган вақтда сиз телефонда гаплашиб ўтирангиз, албатта кимнидир хафа қиласиз. Ёки ҳар хил қилиқлар, белгилар ва имоишоралар билан эрингизга гап тушунтиришга ҳаракат қилиб, уни ёки: «Вой, бўпти! Эрим ишдан келди», — деб тўсатдан телефон гўшагини кўйиб, гаплашаётган одамингизни ҳам хафа қилиб қўйишингиз мумкин. Одатда, эрингиз қачон ишдан келишини биласиз. Шунинг учун ўз вақтида телефондаги барча суҳбатларингизни тўхтатинг.

Биз юраклари Худога ва ўз эрларига севги билан тўлиб-тошган аёллар бўлиб, уларнинг уйга келишларига тайёргарлик қўришимиз ва уларга севгимизни ҳадя қилишимиз мумкин. Эрингиз остонодан уйга кирганда, унга юрагингизни тўлиб-тоширган Худо севгисини ёғдиришингиз керак (қаранг: Рим. 5:5). Мартин Лютер айтганидай, «Хотин эрининг уйга қайтиб келишини байрамга айлантириши керак».

Эрингизни уйда қайидаги мисраларни ёзган эркак каби кутиб олмасликлари учун, қўлингиздан келган ҳамма нарсани қилинг:

УЙГА ҚАЙТИШ

Биласизми, мен уйга қайтганимда, мени кутиб оладиган ягона жонзод — бу менинг итимидир. У чиндан ҳам мени кўришдан жуда хурсанд ва бу ҳақда менга билдиришга ҳаракат қиласди... Мен доимо уйга орқа эшикдан кирадим, чунки Дорис бу вақтда одатда ошхонада бўлади... Аммо ҳар гал, хотиним ўз ишидан бошини кўтарганда, у кўркув билан хитоб қиласди: «Вой, сиз ишдан қайдингизми?» У қандайдир тарзда мен уйга қайтиб, ёмон иш қилганини билдиради. Одатда, бу менинг ғашимга тегади. Илгари мен болаларим билан саломлашардим, аммо ҳозир бундай қилмайман. Менимча, улар билан телевизор экрани ўртасида мен энг ноқулай пайтда пайдо бўлмаман. Шунинг учун мен қўлимга кичкина кучукчамни оламанда, ховлига чиқиб кетаман. Мен ўзимни, гўёки уларнинг қандай кутиб олаётганилларининг менга аҳамияти йўқдай тутаман. Эҳтимол, мен ҳақиқатдан ҳам бунга эътибор қилмаслигим керакдир, аммо мен эътибор қиласман. Менда шундай бир туйгу бўладики, мен бу уйда фақат ҳисоб қоғозларини тўлаш ва уйни тартибга солиб туриш учун керақдайман. Биласизми, ўйлашимча, бу уйда хеч нарса синмаса ва ҳисоб-китоб қағозларини тўлаш керак бўлмаса, мен ҳафталаб уйга келмасам ҳам ҳеч ким буни сезмаса керак².

Мен, баъзи бир оилаларда, хотинлар эрларидан кейинроқ уйга қайтишларини биламан. Эҳтимол, бу гап сизга ҳам тааллуқлидир.

Агар шундай бўлса, сиз қандай қилиб эрингизнинг келишига тайёр гарлик кўра оласиз?

Эрингизнинг қайтишига тайёрланинг. Лабингиздаги лаб бўёғини янгиланг, сочингизни таранг. Ишдан уйга қайтаётганингизда, йўл-йўлакай қайфиятни кўтарувчи саломлашиш сўзларини ўйлаб олинг. Токи сиз уларни албатта, ишдан қайтган эрингизни қучоқлаб, ўпид ва юзингизда табассум билан айтасиз. Вақтни шундай режалаштирингки, ҳеч бўлмаганда бир неча дақиқа эрингиз билан ёлғиз ўтириб, кун давомида бўлиб ўтган воқеаларни мухокама қилишга вақтингиз қолсин. Кечки овқат ҳақида ўйлаб кўйинг. Сизда эрингиз билан мулоқот қилишга кучингиз қолиши учун кечки овқат оддийроқ бўлиши керак. Ҳатто жуда чарчаган бўлсангиз ҳам, сиз барибир шамларни ва каминни ёқишига, эҳтимол, қандайдир қўшиқни хиргойи қилиб, табассум қилишга албатта куч топишингиз керак.

Ибодат қилинг. Ибодат — бу эрингиз билан учрашувга юрагингизнинг энг муҳим тайёргарлиги. Ибодат пайтида бутун дик-қатингизни тўлалигича кундузги воқеаларни ва кун давомида учрашган одамларни вақтингича унутиб, эрингизга, уйингизга қаратинг. Эрингизни қандай кутиб олиш ҳақида, унга нималар дейишингиз ҳақида ибодат қилинг, кечки овқат ҳақида, у билан ўтказадиган кечқурунги вақтингиз ҳақида ибодат қилинг. Худодан жисмоний куч-куват тиланг. Эрингиздан ёрдам кутманг. Агар у сизга нимададир ёрдам берса, Худога шукр қилинг. Аммо эрингизни кутаётганда, ундан ҳеч нарса олмасдан беришга тайёр туринг (қаранг: Лк. 6:35). Худога ибодатингизда сиз учун биринчи рақамли одам эрингиз эканлигини тасдиқланг ва Ундан эрингизга қувонч ила хизмат қила олиш учун ёрдам сўранг.

4. Эрингизнинг кўнглини топинг

Агар эрингиз — ўз саройида қирол бўлса, унда унинг кўнглини топиш сиз учун ёқимли бўлади. Эрингиз кўнглини топиш — бу унинг эҳтиёжлари ҳақида ғамхўрлик қилиш, унга нима ёқиши ва нима ёқмаслигини билиш демакдир. Буларнинг бари унчалик кўп куч талаб қилмайди.

Дугонам Гейлнинг эри спорт билан шуғулланишга ружу қўйган. У ҳар шанбада телевизор экрани олдида ўтириб спорт кўрсатувларини кўриш одатига қарши кўп йиллик баҳслардан сўнг,

Гейлнинг ўзи ҳам эрининг бу қизиқишига қўшилишга қарор қилди. Шунда қилиб, Олимпиада ўйинлариға бир ҳафта қолганда, Гейл «Los Angeles Dodger» бейсбол командасининг номи ёзилган иккита майка ва бейсбол кепкаларини сотиб олди. Шанба куни у телевизор олдига — полга эски оқ-қизил дастурхонни ёзди, майка ва кепкани кийди, эрига ҳам худди шу кийимни берди. Тушликка эса «Dodger» сосискаларини пиширди.

Бошқа дугонам Сьюзи эрининг кўнглини топишда анча қийналди. Гари ўт ўчирувчи бўлиб ишларди. У бекон, тухум, сабзавотли гўшт ва тостлардан иборат фермерлар нонуштасини яхши кўрарди. Шундай қилиб, аzonда соат бешда ишга кетадиган эри учун бундай нонуштани тайёрлаш учун Сьюзи соат тўртда турарди!

Менинг эrim Жим доимо столнинг устида туз ва мурчдон туришига ўрганиб қолган эди. Мониканинг эри эрталаб ишга кетишидан илгари газета ўқишини язши кўрарди. Элленнинг эри дам олиш учун уйга келганда, агар хонада ўйинчоқлар тартибсиз сочилиб ётган бўлса, бу унинг ғашига тегарди. Кэтининг эри музлатгичнинг усти чанг бўлиб ётишини ёмон кўради — бу у уйда эътибор берадиган деярли ягона нарса! Сизнинг эрингиз-чи? У нимани ёқтиради? Нимани ёқтирамайди? Сиз унинг кўнглини топиш учун нима қиласиз?

5. Эрингиз билан танҳоликда ўтказадиган вақтингизни қадрланг

Сиз эрингиздан энага сифатида фойдаланиш, ёки у эшиқдан кириб келиши билан магазинга жўнатиш ўрнига, у билан бирга бўлиш имкониятларини қадрлай бошласангиз, ўзингиз учун эрингизни энг муҳим одам қиласиз.

Бир аёл бу ҳақда шундай деб ҳикоя қиласиди: «Бу ҳафтада эримнинг ҳурматини жойига қўйиш учун, кун тартибимни озроқ ўзгартиришимга тўғри келди. Одатда мен бир ҳафтага етадиган озиқ-овқатларни кечкурун сотиб олардим. Эrim эса бу пайтда икки яшар ўғлим билан уйда ўтиради. Мен ўғлим билан магазинга бормаслигимнинг сабаби — унинг бўйи ўсиб қолганди ва магазин пештахталаридағи ёки саватдаги маҳсулотларни бемалол олиб ташларди. Магазинда боласиз юрганимда, саватдан олиб ташланган нарсаларни қидиришимга тўғри келмайди, ҳеч ким бурнини тортиб, менинг асабимга тегмайди. Бундан ташқари, ўзим бўлсан керакли нарсаларни тезроқ харид қилиб чиқаман ва вақтни тежайман. Аммо бу ҳафта мен эримни болам билан қолдириб, унинг вақтидан

фойдаланиш яхши усули эмаслигини тушундим. Шунинг учун энди магазинга кундузлари боришга қарор қилдим. Барча нарсани харид қилишимга вақт кўпроқ кетарди, аммо эрим буни тушунди ва қадрига етди деб ўйлайман».

Қуйидаги сўзларга худди асосий томойилга қарагандай муносабатда бўлинг: «*Агар эрим уйда бўлса, демак, мен ҳам уйда бўлишиим керак*». Бунинг устига, сиз эрингиз билан неча йил яшаганингиз муҳим эмас. Дугонам Дебби ибодат қилиб, бу кунни эри билан ўтказишга қарор қилди. Эри билан ўзаро муносабатларни яхшилаш учун хизмат қиласиган тўгри қарор қабул қилиб, у ўша пайтдан бери чоршанба кунлари эрталабки машғулотларга бормай кўйди.

Шунингдек, оқшомларни уйда — эрингиз билан биргалиқда ўтказиш жуда муҳим. Бу вақтни ҳар хил ёқимли машғулотлар билан тўлдириш ва энг хузурли нарсадан — эрингиз билан мулоқотдан баҳра олишингиз имкониятини қўлдан бой бермаслик қийин эмас. Бир аёл, эрим оқшомларни қаерда ўтказишини асло билмайман, деб айтарди. Бир куни кечқурун у уйда бир ўзи қолибди. Тасаввур қилинг-а, эри ҳам ўша куни уйда экан³!

Билли Грэмнинг хотини эри билан биргалиқда ўтказган вақтинг қадрига етади. Рут Грэм билан унинг уйида суҳбатлашган бир журналист шундай деб ҳикоя қиласи: «Билли уйда бўлган пайтда, ҳамма нарса унга боғлиқ бўлади. Рут одатдаги кун тартибини бузади... Барча ишлар эрининг режаларидан келиб чиқсан ҳолда режалаштирилади...»⁴ Уларнинг қўшиниси шундай деб ёзган эди: «Билли уйда бўлган пайтда, Рут ҳеч қаерга чиқмаганлиги учун унинг дўстлари Биллини Жазо деб аташарди»⁵. Аёл нега бундай қиласарди?

6. Эрингизни севинг

1 Коринфликларга мактубининг 7:3–5-оятларини ўқиб чиқинг. Никоҳнинг энг муҳим тамойили — бу хотиннинг ўз турмуш ўртоғига бўлган севгисидир. «Сулаймоннинг гўзал Кўшиғи» Китобида эру хотинлар орасидаги жисмоний севги ҳакида кўп гапирилган. Ҳикматлар китобининг 5:1-оятида, эркак хотиннинг севгисидан лаззатланиши керак, дейилган.

Эндинга масиҳийликни қабул қилган пайтларимда, мен бир семинарга бордим. У ерда жисмоний севгига бўлган Худонинг муносабати ҳакида билдим. Мен шунчалар ҳайратга тушган эдимики, ўша заҳотиёқ уйга бордим ва Жимга, шу кундан бошлаб, то биргалиқдаги ҳаётимизнинг охиригача мен сиз билан ҳар қандай

вақтда жинсий алоқага розиман, деб айтдим. Эҳтимол, мен ҳистайғуларга жуда күпроқ берилгандирман, аммо мен Худо Сўзига биноан иш қилишни хоҳлардим. Жим мени тушунди.

7. Эрингизга қаршилик қилманг

Биз сизнинг розилигингизни ифодаловчи сўзларни қандай танлаш кераклигини муҳокама қилдик. Бу «албатта», «жуда яхши», «казизим, сен учун ҳамма нарса мумкин», «ҳеч қандай муаммо йўқ», «савол бўлиши мумкин эмас», «яхши», «зўр», «шубҳасиз», «ажойиб» (ҳаммаси ундов белгиси билан) каби сўзлар ва ифодалардир. Тасаввур қилинг-а, эринг сўзлари, режалари ва қарорлари танқид, қаршилик ёки танбеҳлар билан эмас, балки шундай ифодалар билан қарши олинганда уйда қандай дўстона муҳит хукм суради.

Сизнинг тез ва меҳрибон жавобингиз сұхбат учун хотиржам муҳитни пайдо қиласди, сизга баъзи бир ойдинлаштирувчи саволларни беришга имкон яратади. Масалан: «Биз қачон бу нарсани муҳокама қила оламиз?», «Биз бунга қандай қилиб тўлай оламиз?», «Бу болаларимизга қандай таъсир қиласди?», «Бизга керакли яна қандайдир маълумот борми?» Сиз жавоб берәётиб, ўзингизни сандвич тайёрлаётгандай тасаввур қилинг. Ноннинг биринчи бўллаги — сизнинг биринчи жавобингиз — бу ижобий «албатта». Нон бўллаклари орасидаги масаллиқ (гўшт, салат, помидор...) — бу ойдинлаштирувчи саволлар, масалан, мен ҳозиргина айтиб ўтгандарим. Сўнгги нон бўллаги — сизнинг итоатингиз, яна битта «албатта». Ижозат берсангиз, мен қандай қилиб шундай «сандвич» тайёрлаганимни сўзлаб берай.

Эрта тонг пайти эди. Соchlаримни фен билан қутилардим. Жим мендан ниманидир топишга ёрдам беришимни сўради. Менинг биринчи (ва жон-жаҳдим билан айтган) жавобим қуидагича эди: «Эшиitmаяпсизми? Мен соchlаримни қутияпман-ку!» Камроқ заҳарли ва эътиборга лойиқроқ жавобим — фен шовқинини босишига уриниб қилган қичқириғим бўлди: «Албатта! Ҳозир сочимни қутилиб олай, сизга ёрдам бераман». Аммо Худо менга энг яхши қарорни қабул қилишим учун ақл берди — мен: «Хўп!» дедим (бу биринчи нон бўллаги эди) ва фенни ў chirдим. Кейин мен Жимдан сўрадим (бу нон бўллаклари орасидаги масаллиқ): «Сизга бошқа ҳеч нарса керак эмасми? Энди мен сочимни қутилаверсам бўладими?» Шу пайтда мен Жим нимани илтимос қилса, шуни бажаришга тайёр эдим (бу иккинчи нон бўллаги — бўйсуниш). Мен Жимга

жавоб қилиш учун сочимни қуритишни түхтатдим. Бу менинг унга хизмат қилишга тайёрлигимдан дарак берарди. Албатта, у менга бошлаган ишимни тугатишга ижозат берди, аммо мұхими — унинг илтимосига жавоб беришга истагим ва тайёрлигимдир. Менинг оддий, лекин ижобий жавобим ранж-аламни, кескин сўзларни, баланд овозни истисно қилди ва янги куннинг яхши бошланишига сабаб бўлди.

8. Эрингизни мақтанд

Мен камдан-кам «ҳеч қачон» сўзини ишлатаман. Аммо менинг энг мұхим «ҳеч қачоним» — ҳеч қачон ўз эрим ҳақида ёмон гапирмаслик. Мен жамоатимиздаги художўй бир хотиннинг оқилона маслаҳатига риоя қилишга ҳаракат қиласман. Юзида жилмайиш ва меҳрли оҳанг билан Лоретта бизга шундай дейди: «Хонимлар, ҳеч қачон бегоналар ёнида эрингизни мақташ имкониятини бой берманг!» (Мен бунга қўшимча қилган бўлардим: «Эрингизни ўзига ҳам мақташни унутманг».)

Агар сиз эрингизни танқид қилаётганингизни сезиб қолсангиз, ўша захотиёқ оғзингизни ёпинг ва қуйидагича йўл туting:

- Юрагингизни текширинг. «Нафрат жанжал қўзгайди, севги-муҳабbat эса ҳамма гуноҳларни беркитади» (Ҳикм. 10:12). Сизнинг юрагингиз ҳақ эмас. Шунинг учун «севувчи юрак камчиликларни ва бошқаларнинг қилмишларини сирли парда билан ёпди... Муҳабbat ҳеч қачон гийбат қилмайди»⁶.
- Масалани ҳал қилиш йўлларини изланг. Агар эрингиз билан сизнинг муносабатларингизда эътибор талаб қиласидан муаммолар пайдо бўлса, уни камситишдан кўра, яхшироқ нарса ўйлаб топинг! У учун ибодат қилинг. Агар керак бўлса, у билан очиқасига гаплашинг. Аммо бу суҳбатга яхшилаб тайёрланинг ва юмшоқ, хотиржам овозда гапиринг (қаранг: Эф. 4:29; Ҳикм. 16:21–24). Эҳтимол, сиз консультант билан маслаҳатлашиши хоҳларсиз. Бироқ шуни эсда туting: сиз эрингиз ҳақида нималарни ўйлашингизни унга айтиш учун эмас, балки ўзингизга ёрдам олиш учун ва пайдо бўлган қийинчиликларни тўғри ҳал қилиш учун у билан суҳбатлашасиз.
- Ўз олдингизга мақсад қўйинг. Эрингиз ҳақида ёмон гапирмасликка, аксинча, уни, имкон бўлганда, мақташга қарор қилинг.

Ҳамманинг олдида эрингизни мақтасангиз, сиз ўз юрагингизга унга нисбатан севги уругини сепган бўласиз.

9. Доимо ибодат қилинг

Шундай қилиб, биз айлана доирани батамом тугатдик. Биз ибодатдан бошлаган эдик, ибодат билан тугатяпмиз. Худога манзур аёл — бу ибодат қиласиган аёл. Ибодат қачон ўзгаришлар содир қиласиди? Куйидаги соатларда ибодат қилишга ҳаракат қилинг:

- Эрталаб, биронтаси билан гаплашишдан олдин.
- Доимо, эрингиз уйдалигига.
- У уйга келишидан олдин.
- Бутун оқшом давомида.
- Телефондаги қўнғироққа жавоб беришдан илгари (эҳтимол, эрингиз телефон қилаётгандир).
- Уйга келган пайтингизда, у уйда бўлганда.

Бутун кун давомида Худодан севувчи ва ўз эрини қўллаб-куватловчи, Раббий сизни қандай кўришни хоҳласа — шундай бўлиш қобилиятини бериши учун сўрашнинг ҳар қандай имкониятидан фойдаланинг.

СИЗНИНГ ЮРАГИНГИЗ ЖАВОБИ

Албатта, турмушга чиққан аёл ҳаётидаги энг муҳим ўзаро муносабатлар жиддий эътиборга лойиқдир. Бу ва бундан олдинги боб сизга Муқаддас Ёзуудан, китоблардан, менинг шахсий тажрибамдан, бошқа аёлларнинг ва ҳатто баъзи эрларнинг тажрибалиридан олинган амалий маслаҳатларни таклиф қиласи. Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, эрини севувчи аёл — бу ибодат қилувчи, режалаштирувчи, тайёрланувчи, эрига ёқишга ҳаракат қилувчи, севувчи, ҳамма нарсага ижобий муносабат билдирувчи ва яна ибодат қилувчи аёлдир! Ушбу маслаҳатлардан фойдаланинг! Шунда эрингизни сиз нафақат оғизда, балки амалда ҳам яхши кўришингиздан у хабардор бўлади. Шуни эсдан чиқармангки, севувчи аёл — бу ўз эри билан ҳар қандай янги учрашувга тайёрланадиган аёлдир. Жиддий ўйлаб кўринг, эрингизга юрагингизда яширинган севгини кўрсатиш учун ҳаракат қилишни бошланг.

ОНАЛИК МАРТАБАСИНИ ҚАДРЛОВЧИ ЮРАК

...Онанг ўгитларини радиэттама...

Хикм. 1:8

«Она бўлиш — бу энг буюк хизмат, онага жуда катта имкониятлар берилган, у энг катта ҳокимиятга эга»¹. Мен бу сатрларни Худога эътиқод қўйган пайтларимда ўқиганимдан хурсандман. Ўшанда Раббий менга ҳали бу ҳақиқатни очмаган эди. Мен бу гапга эътибор қилмай кетишим мумкин эди. Худо бизнинг уйимиз юраги ва қалбига айланганда, икки қизим бор эди. Бири — бир ярим ёшда, иккинчиси — икки ярим ёшда эди. Кэтрин ва Картни зеҳни ўткир қизлар эди. Аммо мен ҳеч қачон уларни тарбияламаганман ва уларга насиҳат қиласмаганман. Баъзида биз биргаликда вақт ўтказардик, кувнаб шодланардик. Лекин улар баъзида ўзларини ёмон тутғанларида, улар нотўғри иш қилаётганликларини айтардим, тўғри йўлга бошлашга ҳаракат қиласдик, ҳатто уларни жазо билан кўрқитардим. Бунақа пайтларда уйда кескин вазият ҳукм сурарди.

Икки кичкина фарзандларим бўлишига қарамай, мен уйда кам бўлардим. Оила ва никоҳ масалалари бўйича маслаҳатнинг мағистрлик дастури бўйича таълим олиб, мен бутун кучимни бошиша оиласларга ёрдам бериш мақсадида лицензия олишга қаратган эдим. Айни пайтда ўз оиласмга эътибор бермасдим. Узоқ вақтга болаларимни турли энагаларга ёки ҳар хил болалар марказларига ташлаб кетардим. Якшанба кунлари бирга қолганимизда эса оқшомлари биз аранг бир-биримизга бардош қиласдик. Оналик қилиш — хизмат эканлиги ёки аёлга ҳукмронлик берувчи олий шараф бўлиши ҳақидаги фикр менга бегона эди. Мен 1970—йиллар

бошларидаги аёллар озодлиги ҳаракати тамойиллариға риоя қилиб яшардим.

Лекин Худо — бизнинг доимо садоқатли Худомиз — күзларимни очди, менинг оналик ҳақидаги фикрларимни Ўзининг оқил ва мукаммал йўлларига йўналтириди. Мен масиҳий аёл бўлганимдан сўнг ҳафтасига бир марта Муқаддас Китобни ўрганиш машғулотлариға борардим. У ерда мен илгари ҳеч қачон эшитмаган нарсаларимни эшитдим — оналикнинг буюк шарафи, Худо олдида бола тарбиясининг жуда катта жавобгарлиги ҳақида, болаларни тарбиялаш ва уларга насиҳат қилишда онанинг роли ҳақида билиб олдим.

Устоз доимо бизнинг эътиборимизни Муқаддас Китобга қаратарди. Шунинг учун мен яна қўлимга пушти ранг маркерни олдим ва Муқаддас Ёзувнинг менга она сифатида таалуқли жойларини белгилай бошладим. Белгилаган парчаларимни ўрганиб, мен оналик мартабасини қадрловчи қалбга хос тўртта қизғин интилиш ҳақида билиб олдим. Улардан иккитасини биз шу бобда, иккитасини эса кейинги бобда кўриб чиқамиз.

Худонинг Каломини ўргатишга интилиши

Худо кўнглидагидай аёл — юрагининг қаърида Худо Каломига доимий интилиш билан яшайдиган аёлдир. Унинг болалари — на унинг жамоатининг, на дўстларининг, на таниш-билишларининг, на қўни-қўшниларининг, на бошқа бироннинг болалари эмас, балки айнан унинг болалари, биринчи навбатда, онасининг Муқаддас Ёзувга бўлган сўнмас севгиси ҳосилидан фойдаланишлари керак. Муқаддас Китобда оналик «қонуни» ёки насиҳатлари ҳақида икки маротаба гапирилган (қаранг: Ҳикм. 1:8; 6:20). Бу оятларда бизга она сифатида *Худодан* ўз болаларимизни ўқитиш вазифаси юклатилганлиги кўрсатилган. Биз ўз болаларимиз учун жуда кўп нарса қилишимиз мумкин. Аммо уларга Худо Каломини ўргатиш учун насиҳат қилиш бизнинг энг асосий вазифамиз бўлиши керак. Нега? Чунки Худо Каломи (ибронийча *Tora*, яъни Илоҳий қонун) қутулиш ва мангулик учун жуда муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўз Каломи воситасида Худо одамларни Ўзига жалб қиласиди. Ҳаворий Павлуснинг айтишича: «...имон — эшитишдан, эшитиш эса *Masix қаломини* ваъз қилишдан ҳосил бўлади» (Рим. 10:17, курсив менини. — Э. Дж.); «Сен болалигинданоқ Муқаддас Ёзувларни ўргангансан. Бу ёзулар сени Исо Масиҳга ишониш орқали доно қилмоқ ва најсот йўлини кўрсатмоқча қодир» (2 Тим. 3:15,

курсив меники. — Э. Дж.). Бундан ташқари, Худо Каломи ҳеч қа-чон Худонинг мақсадларини бажармасдан туриб, Унга бўй-бўш қайтиб келмайди (қаранг: Ишаё 55:11). Худо Каломининг ана шу хусусиятидан келиб чиқиб, болаларимиз билишлари керак бўлган нарсаларнинг рўйхатини қилишимиз керак ва Муқаддас Китоб биринчи ўринда бизнинг юракларимиздан жой олиши керак. Энг аввало, Худо Каломини ўзимиз яхши кўришимиз керак, токи кейинчалик шу севгини ўз болаларимиз билан баҳам кўра олайлик.

Худо донишмандлигидан таълим беришга интилиш

Биз болаларимизни Худо Каломига ўргатиш вазифамиз билан бир қаторда, уларга Худо донишмандлигидан таълим бериш вазифаси ҳам туради. Ибронийча *тора* сўзининг иккинчи маъноси — «донишмандлик»дир. Бу таъриф ўз ичига тамойилларни, насиҳатларни, афсоналарни, мақтов намуналарини, қарор қабул қилиш учун қўлланмаларни ва Худо Каломига асосланган тақводорлик ҳаёт тасвирини олади. Шу маънода ишлатиладиган *тора* бизнинг кундалик ҳаётимиз учун зарур бўлган амалий ва руҳий донишмандликни беради.

Ҳикматларнинг 31:1–9-оятларида оналик мартабасини қадрлаган, ўз ўғлини ҳам, Худо донишмандлигини ҳам кўз қорачигидай асраган аёл ҳақида сўз юритилади. Бу бобда унинг ўғли шоҳ Лемуил «онаси унга ўргатган ва берган панд-насиҳатларни ёзади» (1-оят, курсив меники. — Э. Дж.). Оилавий сахнани кўз олдингизга келтиринг: ёш шахзода онасининг оқилона сўзларини дикқат билан тинглаб, ҳаттоки ёзиб, унинг оёқлари ёнида ўтирибди. Йигит бу сўзларни бутун ҳаёти давомида эсда сақлади, ўз шоҳлигини бошқаришда онасининг насиҳатларидан фойдаланди. Кейин эса, ниҳоят, уларни Ҳикматлар Китобига ёзиб қўйди. Она юрагидан ўғил юрагига ва сиз билан бизнинг юрагимизга...

Болаларимизга амалий донишмандликдан дарс беришга даъват ҳақида фикр юритиб, мен ҳар гал туз тўғрисида ўйлайман. Муқаддас Китобга мувофиқ, бизнинг «сўзимиз ҳамиша файзли ва мазали бўлсин» (Кол. 4:6). Бу ажойиб оят бизга болаларимизни доимий равища Худо донишмандлиги билан «мазали қилиб туришга» имкон беради. Оғзимиздан имкони борича файзли ва мазали сўзлар чиқиши керак. Худо донишмандлиги сўзлари, Муқаддас Китоб парчалари, Муқаддас Ёзув таълимотини қўллаш, Худонинг мавжудлиги ва Унинг қудрати ҳақида эслатиш ана шундай «туз» бўлиши мумкин.

Иккинчи амрларнинг 6:6–7-оятларида Худо ота-оналарга шундай дейди: «Бугун мен сизларга берган бу амрларни юрагингизда сақланг. Буларни болаларингизга ҳам ўргатинглар, уйда ўтирганда ҳам, йўлда юрганда ҳам, ётганингизда, турганингизда ҳам шулар ҳақида гапиринглар» (курсив меники. — Э. Дж.). Олдинига ота-оналар Худо Каломи билан ўз юракларини тўлдирадилар (қаранг: 6-оят). Сўнгра ота-оналар ҳар куни, ҳар дақиқада зўр ғайрат ва мақсадга интилиб, уларни болаларига берадилар (қаранг: 7-оят).

Худо менинг олдимга Кэтрин ва Кортнига Худо Каломини ўргатиш вазифасини кўйғанлигини — уларнинг ҳаётларини Худо ҳақиқатининг тузи билан мазали қилиб туришим кераклигини билдим. Мен бунинг учун ҳар қандай имкониятдан фойдаланишга ўргана бошладим. Уйда ўтирибмизми, пиёда ёки машинада кетяпмизми — мен вазифамни унутмасдим. Мен доимо бедор турувчи, кутувчи, кундалик ҳаётнинг ҳар бир дақиқасида ўз қизларини Худо ҳақиқатига ўргатишга тайёр она бўлишга қарор қилдим.

Бунда Раббий ҳақида гапиришга қарор қабул қилиши керак бўлган, машхур воиз Билли Грэмнинг ўrnаги менга ёрдам берди. У Худо ҳақиқатларини тарқатиш учун имкониятлар яратиш зарурлигини тушунди. Шунинг учун Билли Грэм хизматининг бошида, ҳар гал дастхат бераётганда Раббий ҳақида гапиришга қарор қилди. Шунингдек, у ҳар бир интервьюсида Инжилни ҳам тарғиб этишга қарор қилди. Хотинига йўллаган хатида Билли шундай деб ёзади: «Мен ҳар гал тадбиркорлар билан нонушта қилаётганимда, уларга Масих ҳақида айтиб бериш учун ҳар қандай имкониятдан фойдаланишга қарор қилдим. Мен улар билан дунё воқеаларини муҳокама қилмоқчи эмасман, ёки уларга илтифот кўрсатмоқчи ҳам эмасман»².

Ўз фарзандларини Худо кўнглидагидай қилиб тарбиялашни истайдиган оналар каби биз ҳам, ҳатто энг аҳамиятсиз воқеани ҳам Худо билан боғлаш учун «ҳар қандай имкониятдан фойдаланишга» қарор қилишимиз керак. Биз болаларимизга, уларга ёқадими ёки йўқми, бундан қатъий назар, Худо ҳақида гапиришимиз керак. Охир-оқибатда одамлар ўзлари учун муҳим нарсалар ҳақида гапирадилар. Биз Худо ҳақида гапирганимизда, У биз учун жуда муҳим эканлигини атрофдагиларга кўрсатамиз. Агар телевизор ўчирилган бўлса, болаларингизга Худо йўллари ҳақида гапиришга имкониятларингиз кўпроқ бўлишини (улар сизни яхшироқ эшитишади) эсингизга солиб қўйишишга рухсат беринг. Бу ҳам сиздан қарор қабул қилишингизни талаб этади.

Шунингдек, Худонинг амалий донишмандлигига икки усул орқали ўргатиш мумкинлигини тушуниш керак. Биринчиси — бу хақда биз гапириб ўтдик: биз сўзларимиз, сұхбатларимиз орқали ўргатамиз. Лекин биз хулқимиз, ҳаёт тарзимиз орқали ҳам ўргатишимиш керак. Бизнинг хулқимиз, Худо олдида юришимиз қиласидиган ишларимизни, айтадиган гапларимизни ва қилмайдиган, гапирмайдиган нарсаларимизни ҳам ўз ичига олади. Фарзандларимиз бизни тинмай кузатишади. Биз доимо уларни нималаргадир — ё яхшиликка, ёки ёмонликка ўргатамиз. Бир қизча менга шундай деб хат ёзибди: «Азизим Эбби, мен ўн ёшдаман, мен онамдан жуда уялман. У телефонда ниҳоятда кўп гаплашади, кўпинча ёлғон гапиради. У бирон аёл билан телефонда гаплашганда, аслида уни ёмон кўрса ҳам, ўзини унинг энг яхши дугонасидай қилиб кўрсатишга ҳаракат қиласи. Қандай қилиб инсон ана шундай иккисизламачи бўла олади?! Мабодо, мен ёлғон гапирадиган бўлсан, онам, сени Худо жазолайди, деб айтади»³. Сиз ўзингизни қандай тутяпсиз? Болаларингиз сизнинг ҳаётингизда Худо борлигини кўришяптими? Сиз уларни нималарга ўргатяпсиз?

Ҳа, аммо қандай қилиб?

Ўз болаларини асраб-авайлайдиган, эҳтиёткорлик билан муносабатда бўладиган, Худо Каломини, Унинг донишмандлигини юқори қадрлайдиган она ўз болаларини ҳақиқатга қандай қилиб ўргатиши мумкин?

Бир нечта жиiddий қарорлар қабул қилинг. Кортни ва Кэтринга Худо ҳақиқатларини ўргатиш кераклигини тушунганимдан сўнг, мен бир нечта муҳим қарорлар қабул қилишим кераклигини тушундим. Болаларимга Худо Каломини ўргатмоқчиманми? Кун тартибимдан Муқаддас Китобни ўрганиш учун вақт ажратаманми? Мен доимо Раббий ҳақида гапираманми? Бу саволларга ижобий жавоб бошқа бир муҳим қарорга боғлиқ эканлигини мен билардим. Мен телевизорни ўчираманми (бу ерда биз яна шунга қайтяпмиз!), қўлимга Муқаддас Китобни ёки Муқаддас Китоб ҳикоялари тўпламини оламанми?

Фарзандларимиз неча ўшда эканликларидан қаттий назар, 16 кунликми, 16 ўшлими ёки 26 ўшлими, биз уларга Худо ҳақида гапиришимиз ва уларни Худо Каломига ўргатишимиш керак. Бу хукуқ ва мажбурият бизнинг Худо кўнглидагидай она сифатидаги вазифамиздан бир қисмидир. Худо Каломи ҳақидаги насиҳатларимиз

Худо учун қурадиган уйимиздаги ҳаётимизнинг бир қисми бўлиши керак (қаранг: Ҳикм. 14:1). Бу уйда Раббимизни ҳурмат қилишимиз керак. Бундан ташқари, айнан шундай таълимга, болаларимиз розими ёки йўқми, бундан қатъий назар, улар муҳтождирлар. Биз, оналар, ўз фарзандларимизга улар хоҳлайдиган нарсаларни эмас, балки улар муҳтож бўлган нарсаларни беришимиз кераклигини биламиш.

Ўзингизнинг устозлик вазифангизни англаб етинг. Билли ва Рут Грэмлар болаларини қандай тарбиялаганликлари билан танишганимдан кейин, Худо Каломини ўз болаларимга етказиш истаги менга янада кучайди. Рутдан унинг она сифатидаги, уй бекаси сифатидаги ўрни ҳақида сўрашганда, у шундай жавоб берган экан: «Мен учун бу дунёдаги энг ажойиб ва энг эътиборга лойиқ ишдир. Муҳимлиги жиҳатидан у бошқа ҳеч бир ишдан, ҳатто ваъздан ҳам қолишмайди». Сўнг у қўшиб қўйди: «Эҳтимол, бу ҳам ваъздир!»⁴ Сиз ўз вазифангизни фарзандларингиз юракларига имкони бўлган вақтда Муқаддас Китоб ҳақиқатларини сингдириш, уларга насиҳат қилиш ва ваъз ўқишида деб биласизми?

Қўйидаги намуналарни кўриб чиқинг. Биз, Худо она бўлиш вазифасини юклаган аёллар, эрта ёшидан бошлаб фарзандларимизнинг (ва набираларимизнинг) юракларига, онгига Худо ҳақиқатини экишнинг муҳимлигини тан олмай иложимиз йўқ. Биз Муқаддас Китобда ўқиган ўша ажойиб оналар ўз болаларининг юракларига Худо севгиси уруғини экиш имкониятини қўлдан бой берсалар, нима юз берган бўларди?

- Иохаведа Мусони, чамаси, бор-йўғи уч йил тарбиялаган бўлса керак, кейин эса Мусо бутпараст фиръяннинг саройида яшаган (қаранг: Чиқ. 2). Гарчанд Иохаведа Худони, Унинг Каломини қаттиқ яхши кўргани учун мана шу қисқа фурсат ичида у Мусога Худо ҳақиқатини етказиб бера олди. Шунинг ўзи кейинчалик Мусога Худо хизматини қилиш фойдасига ҳал бўлган жиддий танловни қабул қилиш имконини берди (қаранг: Ибр. 11:24–29).
- Худдї шундай вазифа Ханнанинг олдида ҳам турарди. Иохаведага ўхшаб у ҳам Шомуилни тахминан уч йилча тарбия қилди. Шундан сўнг уни Худо уйига берди. Бу ерда Шомуилни бошқа бирор тарбиялаши керак эди (қаранг: 1 Шоҳ, 1:2). Ханна ҳам ўғлини Худонинг қонунларига ўргатган эди.. Шунинг учун кейинчалик у кучли пайғамбар ва Худо халқининг йўлбошчиси бўла олди.

- Худо Ўз Ўғли Исони тарбиялаш учун Марямни танлади. Марям, шубҳасиз, ўз вазифасига жиддий ёндашди ва Унинг кичкина юракчасини Худо ҳақиқатлари билан озиқлантириди. Худо Ўз азиз Ўғли учун мос уйни ва мос онани тинлади: Исо 12 ёшида-ёк Ўз билимлари билан Қуддус ибодатхонасида муаллимларни ҳайрон қолдиради. У Ўз Отасининг ишини давом эттириш учун аллақачон тайёр эди (қаранг: Лк. 2:46–49).

Сиз болаларингиз юракларига Худо севгиси ва ҳақиқати уруғларини сочяпсизми? Бу ишни бошлаш учун ҳеч қаочон жуда эрта ёки жуда кеч бўлмайди, бирон бир нарса бўлгани ҳеч нима бўлмаганидан яхшироқ. Ўзингизга намуна қилиб ана шу оналарни олинг, доимо самимий ва изчил бўлинг.

Фарзандларингиз билан биргаликда Муқаддас Китобни ўқинг ва ундан парчаларни ёд олинг. Корри ТенBoomнинг, ёзувчи, ваъзхон ва нацист концлагери Асирасининг таржима холи бизга ўз болаларининг юракларига Худо Каломини жо қилган ота-оналарнинг замонавийроқ намунасини намоён қиласди. Коррининг отаси фарзандлари ёшлигиданоқ уларга Муқаддас Ёзувдан парчалар ёдлаш муҳимлигини уқтириб берган. Болалар буни оналари вафотидан кейин ҳам давом эттиришган. Муқаддас Китоб оятларидан ёд олганликлари уларга Иккинчи жаҳон уруши пайтида — деярли ҳамма болалар азоб-уқубатда қолган ва ўлган (эҳтимол, ўз эътиқодлари учун) вақтларида ёрдам берди. Худо Каломидан йиққан бойликлари туфайли Корри нацистлар концлагерларида тирик қолди. Отаси унга шундай дерди: «Қизим, Муқаддас Китобдан сенинг ёд олган ҳар бир сўзинг — керак пайтда Худо фойдаланиши мумкин бўлган қимматбаҳо қурол эканлигини эсингдан чиқарма»⁵. Чиндан ҳам Худонинг Каломи Коррини қуроллантириди, у концлагер қўйноқларини ва азбларини енгизига ёрдам берди. Шунингдек, Худо Коррининг юрагида сақланган лагерда хушхабарни тарқатишнинг қудратли куроли сифатида ҳам Каломдан фойдаланди. Бу ерда Корри азоб чекаётган асиirlарга кутулиш, умид ва тасалли топиши йўлларини таклиф қиласди.

Биз Муқаддас Китобни ҳар куни ўқиш муҳимлигини назаримиздан четда қолдира олмаймиз. Бу ҳам Муқаддас Китобдан алоҳида парчаларни ёдлаб олишдан кам эмас. Коррининг отаси болаларини Муқаддас Китобдан оятлар ёдлашга ундаш билан бирга, ҳар куни эрталаб нонуштадан сўнг уларга Эски Аҳддан, кечки овқатдан кейин эса — Янги Аҳддан бир бобини ўқиб берарди.

Элизабет Эллиотнинг ота-онаси ҳам болаларини Худо қонунларига ўргатиш вазифаларига жиддий муносабатда бўлганлар. Эллиот хоним (унинг биринчи эри миссионерлик хизмати пайтида шафқатсизларча ўлдирилган, иккинчиси эса узоқ давом этган азобли касалликдан кейин вафот этган) эрта ёшданоқ Муқаддас Китоб ўқишининг муҳимлиги ҳақида гувоҳлик беради. У шундай деб ёзади: «Кучли кечинмалар пайтида мен оилавий ибодат соатлари вақтида ўзим ёд олган Забур оятларидан куч олар эдим... Муқаддас Китобни ўқиганимиздан сўнг биз санолар куйлардик. Отам Муқаддас Ёзувни мунтазам ўқишининг зарурлигига ишонарди (у биз учун кунига икки марта овоз чиқариб ўқирди)»⁶.

Хитойда ўз эътиқоди учун қатл қилинган миссионер Жон Стэм ўз ота-онаси уйидаги ҳаётини қуийдагича тасвирлайди: «Тушлик қилиш учун дастурхон безашганда, ҳар бир идиш ёнида Муқаддас Китоб турарди. Таом тортилишидан илгари ибодат қилинарди, кейин Муқаддас Китобдан боб ўқиларди, бундай ўқишда ҳамма иштирок этарди... Шундай қилиб, Муқаддас Китоб ота-она ва фарзандлар ўртасидаги кундалик мулоқотда биринчи ўринни эгаллар эди. У бизнинг умумий йигилишларимизнинг пойдевори, асоси эди, у барча фикрларимизни синовдан ўтказар ва уларга баҳо берарди. У бизнинг юракларимизни ёгаллаб олган эди, юракларимизни озиқлантирарди»⁷.

Худо ота-оналар олдига фарзандларининг юракларига Каломни олиб кириш вазифасини қўйғанлигини сиз тушундингиз, деб умид қиласман. Аммо сизда бу ишни қилиш истаги пайдо бўлдими? Бу меҳнат ҳеч қачон тамом бўлмайди. Элизабет Эллиотнинг эри ўлдирилганда, унинг онаси Элизабетга Муқаддас Ёзув оятларидан ташкил топган хат ёзди. Ҳатто Элизабет вояга етиб, турмушга чиққанда, ўзи она бўлганда ҳам, онаси қизининг юрагини Худо Каломи билан озиқлантиришни давом эттирди⁸.

Бошқа аёллардан ўrnak олинг. Худо менга ҳар бир аъзоси Каломни жуда севган ажойиб оила билан танишишимга имкон берди. Оилада биринчи фарзанд пайдо бўлганда, она ҳар куни кечкурун кичкинтойни ухлатишдан олдин унга Муқаддас Ёзувдан ўзи ёд биладиган оятларни ўқиб беришга қарор қилди. Унинг қизларидан бири — коллеж талабаси менга шундай деган эди: «Жорж хоним, мен ҳатто қандай қилиб Муқаддас Ёзувдан шунча кўп оятларни ёдлаб олганимни билмайман ҳам. Ўйлашимча, уларни онам ўқиб бераётганда эшитганман. Онам буни тез-тез қilarди, шунинг учун бу оятлар менинг хотирамда қолган!»

Ўзининг оналиқ номини қадрлаган ва Худо Каломини худди қимматбаҳо хазинадай асраган она фарзандларига уйкудан олдин узундан-узоқ парчаларни, бутун бошли Забурни ва Муқаддас Ёзув китобларини ёддан айтиб берган. Унинг ўғли — коллеж талабаси баскетбол ўйнаганда, она одатда спортзалга ўйин бошланишидан олдин келарди ва трибунада ўтириб асабларини тинчлантириш, Худога диққат-эътиборини қаратиш мақсадида Римликларга Мактубнинг 6-бобидан 8-бобигача тақрорларди. Таътил пайтида унинг уйинга ташриф буюрадиган келинининг ҳикоя қилишича, бу тақводор аёл уйкудан олдин вояга етган фарзандларининг ётоқхоналарига уларнинг кўрпаларини тўғрилаб қўйиш, Муқаддас Ёзувдан парчалар ўқиш ва бирга ибодат қилиш учун бир-бир кириб чиқарди. Шу жумладан, она менинг ҳам — йигирма икки ёшли қизнинг ҳам ёнига шу мақсадда кирав эди. Онасининг изидан борган бошқа қизи эри билан Янги йил байрамида онасиникига келганини, байрам совғаси сифатида Бутруснинг биринчи мактубини ёддан тутилмасдан айтиб берганда, онасининг йиглаганларини эслайди!

Ҳар куни фарзандларимиз юракларига ва онгига Худо Каломини экиш учун жуда кўп имкониятлари биз, оналарда мавжуд. Бизга фарзандларимизни тўғри йўлга бошлаш ва уларни Раббимизнинг таълим-тарбияси билан ўтириш мажбурияти юкланган (қаранг: Эф. 6:4). Лекин олдин биз болаларимиз ва набираларимизнинг Худо бизга ишониб топширган жажжи юракчалари ҳақиқий хазина эканлигини тушуниб етишимиз керак. Кейин биз юрагимизда Худо Каломига шунчалар қизғин иштиёқ уйғотишимиз керакки, токи бизнинг қизиқишимиз ўзимиз севган одамларга ўтсин.

СИЗНИНГ ЮРАГИНГИЗ ЖАВОБИ

Аммо биз ўзимизда йўқ нарсани бошқа бирорвга бера олмаймиз. Шунинг учун бизнинг юракларимиз Худо Каломига ва Унинг до-нишмандлигига тўла севги билан ёниши жуда муҳим. Сиз Унинг Каломини юрагингизда сақляяпсизми (қаранг: Заб. 118:11)? Сиз ҳар куни ўз юрагингизни, онгингизни, шунингдек, фарзандларингизнинг юраклари ва онгини Унинг ҳақиқатлари билан тўйинтиряпсизми? Оилангизда ва уйингизда ҳукмронлик ҳолатини Худо Каломига беришга қарор қилдингизми? Муқаддас Китобни ўқиш, ўрганиш, муҳокама қилиш, ёд олиш, ундан парчалар келтириш учун мунтазам вақт ажратиш мақсадида нима ишлар қилмоқчисиз?

ИБОДАТ ҚИЛУВЧИ ЮРАК

Ўглим, нима десам экан?..
 Нима дейин, эй жигарбандим?
Худодан тилаб олган ўглим, сенга не айтай?
 Хикм. 31:2

«Бўшлиқни нишонга ол, сен ҳеч қачон хато қилмайсан». Бу мақол ҳали болалар тарбияси ҳақида Худо кўрсатмаларини билмаган пайтларимда она сифатида менга жуда мос келар эди. Илгари мен бу мавзуда тўхталиб ҳам ўтирмас эдим. Аммо Муқаддас Китобдан Худонинг амрларини топган заҳотим, бутун кучим билан олға интилдим. Худодан менга берилган ва ўзим энди билган «ваъз қилиш учун гувоҳнома» (лицензия)га жуда жиддий муносабатда бўлдим. Тез орада биз оиласиз билан Худо Каломини ўрганиш орқали юракларимизни озиқлантира бошладик. Биз ёд олиш учун оятларни бирга танлар эдик. Кэтрин ва Кортнида оиласиз ибодат соатларидан ташқари, ўзларининг ибодат соатлари пайдо бўлди. Биз кун давомида бир-биримиз билан ўртоқлашадиган ажойиб Муқаддас Китоб ҳикояларини севиб қолдик. Бу — Худо бизнинг уйимиз ва сұхбатларимиз марказига айланганидан дарак берар эди.

Лекин менинг пушти ранг маркерим яна бир оятга белги қўйди. Бу сафар Ҳикматларнинг 31:2-оятини ажратди: «Ўғлим, нима десам экан? Нима дейин, жигарбандим? Худодан тилаб олган ўглим, сенга не айтай?» Бу онанинг сўзлари, демак, улар менга ҳам ниманидир айта олади. Аммо мен бу нима маъно англатиши мумкин эканлигини тасаввур ҳам қила олмас эдим! (*Сиз нима деб ўйлайсиз, бу сўзлар нимани англатади?*) Охир-оқибатда шундай бўлиб чиқдики, бу оят Худо томондан мен учун белгиланган вазифанинг энг муҳим жиҳати экан. Шу кунгача мен учун энг муҳим ана шу оят бўлиб қоляпти.

Шундай қилиб, мен Жимнинг барча китобларини кўриб чиқдим, бу оятда яширинган ҳақиқатни тушуниб олгунимча ва бу оятнинг менга она сифатида қандай алоқаси борлигини билиб олиш учун бир нечта семинариялар кутубхоналарига бордим. Бу оятда она юрагининг яна иккита интилиши ҳақида сўз боради. Биринчидан, бу ерда *Худо белгилаган менинг вазифам* — ўз болаларим учун ибодат қилиши эканлиги айтилган.

Ибодатга интилиш

Ҳикматларнинг 31:2-оятида ўз боласининг баҳти ҳақида она нинг тинимсиз ғамхўрлиги бизга аён бўлади. Фарзанд она ваъдаларининг, яъни ибодат орқали у Худодан сўраган ва Худога багишлаган ваъдаларининг ўғли (1 Шоҳ. 1-бобдаги Шомуил сингари), шунингдек, «Менинг тилаб олган ўғлим» (курсив меники. — Э. Дж.) сўzlари — онанинг ўғли ўзининг кундалик тилаклари ва ибодатларининг обьекти¹, «қўплаб ибодатларнинг фарзанди»² эканлиги на зарда тутилади. Бир шарҳловчи айтиб ўтганидек, «она насиҳатлари ва багишлов... — боласи Худога хизмат қилиши учун биринчи руҳий насиҳат ва тантанали багишлов, фарзанди тўғрисидаги доимий ва самимий ибодатларидир. Онанинг ўғли нафақат унинг фарзанди, балки «у она ваъдаларининг ўғлидир», ўғил — ўзига нисбатан она нинг чинакам эътиқодини намоён қиласидиган одамдир»³.

Сахий ва оташқалб юрак билан фикрлайдиган, севадиган, ҳаракат қиласидиган, гапирадиган ва ибодат қиласидиган она сиймоси нақадар гўзал! Она чинакам эътиқоди билан Худога ўғли учун ибодат қиласиди, ўғлини Раббийга багишлади. Кейин эса ўз фарзандига Худо йўлларини ўргатади. Биз бу ҳақда олдинги бобда айтиб ўтган эдик.

Лекин Худога интилиш ва ўз ўғлини Худо йўлларидан бориши учун ундашга бўлган қизғин истак фақат насиҳатлар билангина чекланиб қолмайди. Шунингдек, она *Худо олдида* фарзанди учун илтижо қиласиди. Унинг оналиқ юраги илтижоси — умумий насиҳатлардан кўра, олий ва теран ишлар қилишдир. У она сифатида ўз ўғли учун ибодат қиласар экан, ибодатларини Худо эшитиши учун бор кучи билан Худо олдида гуноҳ қиласликка ҳаракат қиласиди. Худо кўнглидагидай аёл сифатида у хушёрлик билан ўз хулқини кузатади, муқаддас Худо билан юзма-юз келиб, ўзининг севимли фарзанди учун илтимос қилаётганда, барча гуноҳлари учун тавба қиласиди (биз яна ўзимизнинг энг муҳим вазифамизга қайтдик).

Мен Худонинг иродасига мувофиқ яшашни қандай бошлаганимни сизга айтиб беришимга рухсат беринг: Худо йўлларидан юриб, Унга ибодат қилишни бошладим. Масиҳий она сифатида (сиз ҳам шундайсиз деб умид қиласман) болаларим Кутқарувчига ишонишларини мен жуда хоҳлардим. Менинг энг кучли хоҳишим Кэтрин ва Кортнининг масиҳий бўлганликларини кўриш эди. Бироқ мен буни амалга оширолмасдим. Буни фақат Худо қила оларди. Ўзимнинг бу хоҳишим билан мен фақат Худога мурожаат қила олардим.

Ҳар куни эрталаб уйқудан уйгониб ибодат пайтида Худодан, қизларимнинг юракларига таъсир ўтказ, улар учун Исони кўрсат, деб илтижо қилишимни билардим. Шунингдек, Худо Каломи: «Дилимда терслик бўлсайди гар, Раббим мени тингламас эди» (Заб. 65:18) дейишини ҳам мен билардим. Менинг гуноҳларим ва камчиликларим қизларим ҳақидаги ибодатларимни Худо эшишига имкон бермаслигини хоҳламасдим. Бир дақиқалик ҳузурхаловати бор ҳар қандай гуноҳ болаларимнинг абадий нажот тошиларига тенг эмас эди. Мен фикримни айтиётганимда, ғазабими ифодалаётганимда, оиласизга нисбатан эримнинг режаларига халақит бераётганимда оладиган қисқа ҳаловатдан кўра кўпрогини хоҳлардим. Мен одамга бир дақиқалик ҳузур бағишлайдиган яна кўп гуноҳларни санаб беришим мумкин. Мен яна икки қалбнинг Худога тегишли бўлишини хоҳлардим! Мен қизларимнинг абадий хаёти учун тавакkal қилаётгандим.

Забурнинг 31:2-оятидаги эътиқодли она ўз ваъдаларининг ўғли ҳақида гапирганда, унинг истаги ҳам шундай эди. Бизда ҳам фарзандларимизга нисбатан худди шундай мақсадлар бўлиши керак. Биз имонли ҳаёт кечиришга қарор қилишимиз керак, зеро, гап болаларимизнинг қалблари ҳақида боряпти. Албатта, фарзандларимиз ҳақидаги ибодатларимизни У эшитиши учун биз жон-жаҳдимиз билан ҳаракат қиласимиз.

Мен, шунингдек, қизларимнинг эрлари ҳам имонли бўлишларини хоҳлайман. Бу ҳам менга боғлиқ эмаслигини англаб, мен яна самимий ибодат орқали Худога мурожаат қилдим. Ва мен тўғри йўл тутдим. Охир-оқибатда менинг оналик вазифам — Худонинг йўлларидан юриш ва қизларим учун ибодат қилиш, зеро, фарзандларим Худони билишлари ва Унинг кетидан боришлари лозим, чунки Раббий қизларимнинг масиҳий умр йўлдошлари билан бўлган оиласвий ришталарини марҳаматласин.

Қўйидаги фикрлар, албатта, шак-шубҳасиздир. Аммо мен барibir улар ҳақида гапириб ўтмоқчиман. Биринчидан, мен Кортни ва

Кэтрин ҳақида ҳар куни ибодат құлмайман. Аммо мени ҳеч қачон уларнинг руҳий ўсишлари ҳақидаги самимий истак тарк этмайди. Мен доимо қизларимга ғамхўрлик қилиб келдим, охиригача ҳам улар ҳақида — уларнинг эрлари ва бўлажак болалари ҳақида ғамхўрлик қилиб келяпман.

Иккинчидан, ҳаётимда мен гуноҳ қилмаган бир кун ҳам йўқ. Аммо гуноҳ қилмаслик учун мен бор кучимни сарфладим (ҳозир ҳам сарфлаяпман). Чунки Кортни ва Кэтрин Худо йўлларидан боришларини хоҳлайман. Мен гуноҳ билан курашдим (ҳозир ҳам курашияпман). Мен бу дунё талабларига ёки ўз эҳтиёжларимга мувофиқ эмас, Худо талабларига мувофиқ гуноҳсиз яшашга ҳаракат қилдим (ҳозир ҳам ҳаракат қилиб келяпман). Мен дунёга Масихни намоён қилиш учун Худонинг гуноҳли ҳаёт тарзидан воз кечиш амрини бажариб, фақат Унинг кўнглидагидай ишларни қилиш ҳақидаги амрларини жиддий қабул қилдим (ҳозир ҳам жиддий қабул қилияпман). Мана шу ҳаракатларим мени болаларим учун ибодат қилишга тайёрлади. Фарзандларга Худо Каломини ўргатиш ва Унинг йўлларидан юриш ҳақидаги насиҳатлардан ташқари (биз бу ҳақда кейинги бобда гаплашамиз), биз қиладиган энг муҳим хизмат — бу ибодат қилишdir!

Ҳа, аммо қандай қилиб?

Худо кўнглидаги аёл ўзида болалари учун ибодат қилишга муҳаббатни ва бу ишга садоқатни қандай тарбиялай олади? Ўғилларимиз ва қизларимиз учун ибодат қилиб, биз қай тарзда Худо белгилаган вазифаларни амалга ошира оламиз?

Имонли, эътиқодли ва ибодатгүй оналар ва бувилардан ўрганинг. Ҳақиқий ҳаётдан олинган мисоллар сизнинг ҳаракатларингизни тақдирлайди, сизга ибодат қилувчи онанинг вазифасини кўрсатиб беради.

- Билли Грэм Масихга эътиқод қила бошлагандан сўнг, орадан кўп вақт ўтмай унинг онаси фақат у учун ва ўзи ишонадиган унинг вазифаси учун кундалик ибодат вақтини белгилади То ўғли воиз ва хушхабар тарқатувчи бўлмагунга қадар етти йил давомида бир кун ҳам канда қилмай она бу ибодатларни давом эттириди. Ўз ибодатларида она 2 Тим. 2:15-оятга асосланиб, Худодан ўғлининг Унга мақбул, ҳалол бир ишчи сифатида бўлишини сўрарди⁴.

- «Навигаторлар» масиҳийлик ташкилотининг аъзоси Лерой Эймснинг тақвадор дўсти бор эди. Шу дўстининг онаси ўғли туғилгандан буён ҳар куни бир соат давомида ўғли учун ибодат қиласарди.
 - Далласдаги Илоҳиёт семинариясининг профессори Ховард Хендрискнинг рафиқаси Джин Хендрикс ўз ўсмири ўғли учун астойдил ибодат қиласарди. Ўғли ҳозир, Джиннинг таъбири билан айтганда, «тутилиш» даврини бошидан кечиряпти. Бола суст⁵ ғамгин ва руҳан тушкни ҳолатда эди, ҳар қандай саволга бир ҳил ва қисқа жавоб берарди. «Бу менинг ҳаётимдаги энг оғир дамлар эди, — деб ҳикоя қиласарди Джин. — У Худодан, биздан жуда узоқ эди! Шайтоннинг ўзи боламга қарши курашаётгандай бўлиб туюларди. Мен у ҳақда шундай ибодат қилдимки, илгари ҳеч қачон бундай ибодат қилмаган эдим»⁶. Мен Хендрикс хоним Худога берган ваъдаси ҳақида ҳикоя қилган аёллар анжуманида қатнашдим. Хендрикс хонимнинг ҳикоя қилишича, то вазият ўзгармагунча ярим йил давомида риоя қилинган бу ваъдага кўра, у ҳар куни бир марталик овқатдан воз кечган эди. Шундай қилиб Джин Хендрикс, то Худо унинг ўғли юрагига таъсир қилмагунча, ҳар куни рўза тутган ва бир соат давомида ибодат қилган.
 - Доктор Джеймс Добсон ўз фарзандлари учун ҳафтасига бир марта рўза тутган.
 - Чикагодаги Moody Жамоатининг собиқ қавмбошиси Гарри Айронсайднинг онаси ўғлининг нажот топиши учун ибодатини ҳеч қачон тўхтатмаган. Бутун ҳаёти давомида Гарри онасининг ибодатини эслаб юрди: «Самовий Отажоним, тезроқ менинг ўғлимга нажот бер. Унинг юрагини Сен учун яшаш истагидан ташқари барча истаклардан асра... Парвардигорим, унга Масиҳ номи учун ҳалок бўлиш, камситилиш ва шарманда бўлиш истагини бер»⁶.
 - «World Vision»нинг асосчиси Боб Пирснинг қизи ўз бобоси ва бувиси ҳақида ҳикоя қилиб шундай дейди: «Гремми вафот қилгандан сўнг икки йил давомида дадам ва бувим қазо қилдилар. Улар менинг ота-онам учун ибодат қилган, уларга руҳий химоя кўрсатган, ҳақиқий ибодат жангчилари бўлганлар. Улар ота-онам учун, улар бошларидан кечирган турли мушкул вазиятлар учун ибодат қилишарди. Шуни айтиб ўтиш керакки, бу ибодатлар тўхтаган заҳоти, менга дўзахнинг ўзи озодликка чиққандай бўлиб туюла бошлади»⁷.
- Энди бу ҳафтада сиз кимдан ўрнак ола бошлайсиз?

Худодан болаларингизга нисбатан Унинг фикрларини сўранг. Муқаддас Ёзувдаги эътиқодли оналар ҳақида ва уларнинг болалари Худо учун нималар қилганлари ҳақида ўқиб, сиз болаларингизга нисбатан Парвардигор фикрларини билишингиз мумкин. Худо танлаган оналардан бири Ханна эди. Унинг ўғли Шомуил ўсмирлигида Худога хизмат қилишни бошлади. Кейинроқ эса Исройл халқига пайғамбар ва руҳоний сифатида бошчилик қилди (қаранг: 1 Шоҳ. 3:1). Мўмин ва итоаткор Елисабета ўз ўғлининг қалбида Худога севгини уйғотди. Кейинчалик эса Яҳё Пайғамбар ваъз ўқигандага ва Раббий Исо учун йўл тайёрлагандага, унинг хизмати одамларнинг юракларига таъсир қилди (қаранг: Лк. 3:4). Биз доимо Марямни — аёллар ичра муборак бўлган, Худо ёрлақаган (қаранг: Лк. 1:28) ёш онани мақташдан чарчамаймиз. Зоро, Марям ўз фарзандини, Худо Ўғлини, бизнинг Раббимиз Исо Масиҳни тарбиялаш ва севиш учун Худодан иноят топган (қаранг: Лк. 1:30)!

Фарзандларни эътиқодга ўргатишига интилиши

Бизнинг болаларимиз ҳақидаги — уларнинг нажот топишлари ва ҳаётдаги художўй ҳамроҳлари учун *ибодатларимиз* қанчалар муҳим бўлмасин, биз фақат улар билан чекланиб қолмаслигимиз керак. Уларга Худога бағищланган ҳаётни кўрсатишимиз ва болаларни Унинг йўлларидан юришга ўргатишимиз зарур. Кўпчилик аёллар яхши бошлишади: турмушга чиқишидаи, фарзанд кўришни исташади, у ҳақда ибодат қилишидаи, фарзанд туғишидаи ва Худога бағищлашади. Аммо кейин фарзанд ибодат қилмасликларига сабабчи бўлиб қолади.

Ёш она Нэнси — бизнинг жамоатимиз аъзоси — худди шундай вазиятга тушиб қолди: ҳар гал у фарзандини жамоатга олиб келгандага, бола шамоллаб қоларди. Боласи ҳам, ўзи ҳам, қолаверса, бутун оила аъзолари ҳам ҳар якшанбада жамоатда бўлиб ўтадиган йигинда бўлишлари кераклигини Нэнси яхши тушунарди. Шунинг учун она бу вазиятдан чиқиши йўлини изларди. Биз билан бўлган сухбат пайтида аёл йўлини топди. Нэнси боласини ўзи билан жамоатга олиб келади ва ибодат пайтида у билан энг охирги қатордаги ўриндиқقا ўтиради. Агар бола инжиқлик қила бошласа, Нэнси коридорга чиқади, вазъни ички радиодан эшитаверади. Агарда бола барибир тинчланмаса, у боласини аравачага ўтказиб, жамоат ҳовлисида сайр қилдиради. Шундай қилиб, бутун оила яна жамоатга қатнай олади. Нэнси бундан жуда хурсанд эди.

Бошқа бир она, руҳонийларимиздан бирининг хотини, ибодат пайтларида жамоат залида ўтиради. Чунки у ўзи билан учта боласини ҳам олиб келган эди. Улардан бири ҳали чақалоқ, иккинчиси эса эндигина юра бошлаган эди. Онаси Хейди ваъзларни ички радио орқали тинглаётганда, болалар сон-саноқсиз якшанба соатларини жамоат зинасида гоҳ пастга, гоҳ тепага тирманиши чиқиб маза қилиб ўтказарди. Бу болалар ҳеч қачон якшанбани жамоатдан ташқарида ўтказиш нима эканлигини билишмасди.

Бу қандай қилиб жамоатга қатнаш ҳақидаги маъруза эмас. Аммо ибодатларга мунтазам равишда қатнаш — болаларимиз ҳётида муҳим одатни шакллантиради ва уларнинг қалбларида бир нарсани — бошқа ҳеч нарса бера олмайдиган туйғуни тарбиялади. Болалар туғилган вақтларидан бошлаб уларни ўзингиз билан жамоатга олиб бориш қарорингиз йиғилишларни ягона Танада (қаранг: Ибр. 10:25) ўтказиш муҳим эканлигини англашни уқтиради. У жуда катта фойда келтиради. Сизнинг болаларингиз бошқача вақт ўтказиш нима эканлигини билмайдилар, холос.

Болаларимизни — катталарини ҳам, кичкиналарини ҳам ўзимиз билан жамоат йиғилишларига олиб боришимиз кераклигининг бошқа бир сабаби — бу якшанба мактаблариридир. Гап якшанба мактаби ўқитувчилари Худо ҳақиқатларини тўғри ўқитишлирида эмас. Гап сиз уйда болаларингизни нимага ўргатсангиз, ўзингиз нима қилсангиз — буларнинг бари жамоатда ўз тасдифини олишидадир. Якшанба мактаблари дарслари ўзни тутиш, хулқ-автор, мақсадлар ва Масиҳ орқали халос бўлиш ҳақида сиз берадиган сабоқларингизни тақрорлайди ва тўлдиради. Яна бу дарслар фарзандингиз вояга етганда қабул қилиши керак бўлган қарорларнинг муҳимлигини англашига ёрдам беради. Ва ниҳоят, сиз болангизни Худога ўз кўнглингизда, ибодатда ёки расмий жамоат маросимида бағишлийсизми — бундан қатъий назар, якшанба мактаби — бу бағишивовнинг амалий томондан рўёбга ошиш йўлидир.

Лекин мен бутун оила билан жамоатга келиш осон эмаслигини биламан. Кўп оиласларда хотинлар ва оналар зиммасида якшанба кунлари бутун оилани жамоатга олиб бориш мажбурияти туради. Оиласиз истар-истамаслик билан эмас, ўз хоҳиши билан якшанба кунлари жамоатга келишлари учун биз нима қила оламиш? Энг аввало, бутун ҳафта давомида катта сабрсизлик билан якшанбадаги йиғилиш ҳақида гапиринг. Сиз якшанбани сабрсизлик билан кутаётганингизни болаларингиз кўрсинлар. Бундан ташқари, шанбаданоқ Худо кунига тайёрланишни бошланг. Якшанба куни кийиладиган

кийимларингизни тайёрланг. Кечқурун ҳаммомга тушинг ва якшанба кунги тушликни тайёрлай бошланг. Яна бир нарса: якшанба тонги тинч ўтиши учун шанбада эртароқ ётинг.

Болаларингизни Худо йўлларида туришга имкон берадиган яна бир йўл — бу уларни иложи борича фаолроқ Худо халқига ва жамоат фаолиятига яқинлаштиришдир. Якшанба мактабига ва эрталабки йиғилишларга боришни канда қилманг, кечқурунги ибодатларни ўтказиб юборманг. Жамоат одатда чоршанба кунлари кечқурун ёшлар ва талабалар учун гурухлар, эҳтимол, ҳар қандай ёшдаги болалар учун ҳам қандайдир тадбирлар ташкил қиласади. Жамоат ҳаётида болаларнинг иштирок қилиши жуда муҳим, айниқса, агар болаларингиз Худони билишларини ва Унга хизмат қилишларини сиз хоҳласангиз.

Айтайлик, бу имкониятларнинг ҳар бири алоҳида кўп нарса бера олмайди, аммо Худо Каломига ва Унинг халқига доимий равишда аралашиб — болаларингизга энг муҳим нарсаларни ва сиз Кимга хизмат қилаётганингизни кўрсатади. Якшанбадаги хизмат — эрталабки ибодатларда шунчаки анъанавий қатнашиб эмас (балки бу ҳам катта ютуқ бўлиши мумкин), балки жамоат ҳаётида фаол иштирок этиш бўлиб, художўйлик тарбиясининг муҳим жиҳатидир.

Қизларимиз катта бўлғанлари сари, биз доимо уларга, сизлар учун биринчи ўринда — оила, иккинчи ўринда — жамоат, учинчи ўринда эса — мактаб бўлиши керак, деб эслатиб турардик. Ҳар гал мактабда қандайдир тадбир белгиланганда, биз уларга шундай дердик: «Бу жуда ажойиб, аммо сизнинг мактабдаги тадбирингиз қандайдир оиласавий ёки жамоат тадбирига тўғри келиб қолмаса, эҳтимол, сиз у тадбирга бораrsиз». Албатта, биз қизларимизга, жамоат фаолиятига мактабдош дугоналарингизни ҳам жалб қилинглар, деб ундардик. Лекин биз Жим билан ўз ҳаётимизда «яхши, яхшироқ, аъло» тамойилига амал қилиб яшардик ва қизларимизни ўзимиз билан жамоатга олиб борганимизда, биринчи ўринга оиласавий манфаатларни қўярдик.

Ва, албатта, болаларнинг жамоат ҳаётидаги иштироки — бу сон-саноқсиз сафарлар деганидир! Қайси она ўз боласини мактабга, баскетболга, футболга, чўмилиш ховузларига, балет мактабига, магазинларга, дўстларникига олиб бормаган дейсиз (мен фақат ҳаммага маълум жойларнигина санаб ўтдим)? Ушбу рўйхатга мен жамоатни, ёшлар гуруҳини ва жамоатдаги дўстларни ҳам қўшиб қўйдим — бу нақадар ажойиб эди.

Кўпинча жума куни кечқурунлари биз қизларимизни жамоат гуруҳи билан музда учиш учун қолдирардик. Ўзимиз эса уйга ухлагани кетардик ва вақтида уйғониб, уларни олиб келиш учун соатни кечаси 12 га қўяр эдик. Ёки ёшлар гурухи бутун тунни жамоатда ўтказган вақтларда, биз эрталаб соат 7.00 да уларни уйга олиб келиш учун соат 6.30 да (шанбада!) турадик. Булар маълум бир бой беришлар эди. Албатта, агар қизларимиз уйда қолганларида бизга осонроқ бўларди. Аммо бу ишларнинг натижалари (соглом фаоллик, бехавотирлик, қувонч, Худо Каломини ўрганиш, художўй болалар ва ёш масиҳий фаоллар билан танишиш ва Масихга эътиқод қилиш) барча нокулайликларни енгиб кетарди.

СИЗНИНГ ЮРАГИНГИЗ ЖАВОБИ

Бу ерда заминда, биз ҳеч қачон фарзандларимиз учун қилган ибодатларимиз нималарни амалга оширганини билмаймиз! Ҳакиқатдан ҳам художўй онанинг қизгин ва зўр бериб қилган илтижоси жуда кўп нарсага қодирdir (қаранг: Ёқуб. 5:16)! Худо болаларимиз юраклари устида жуда кўп меҳнат қиласи. Аммо биз ҳам Худо тамойиллари уларнинг тамойиллари бўлиши учун, фарзандлар шу тамойилларга мувофиқ яшашлари учун уларни тарбия қилишимиз керак. Ҳаётингизнинг қайси жиҳатлари Худо мезонларига мос келмаслиги ҳақида ўйлаб кўринг. Мен яна бир марта такрорлайман: менинг китобим қандай қилиб Худога манзур аёл бўлиш кераклиги ҳақида. Биз Худо Каломи, Унинг донишмандлиги билан бойишимиз, Унинг ўйларидан юришимиз учун ўзим учун ва сиз учун илтижо қиласман, шунга умид боғлайман. Зеро биз болаларимиз учун илоҳий марҳаматга ноил бўлиш ва керак бўлганда иноят ва ёрдам олиш учун Худонинг иноят тахтига жасорат билан яқинлашайлик (қаранг: Ибр. 4:16)!

Муқаддас Китоб ўзимизни текширишга ўргатади ва биз буни тез-тез қилиб туришимиз лозим: биринчидан, Худо хоҳлаганидай яшашимиз учун; иккинчидан, болаларимизни художўй қилиб тарбиялаш истагимиз камаймаслиги учун. Фарзандларни Худо иродасига мувофиқ равишда тарбиялаш кўп вақтни ва жуда кўп ишлашни талаб қиласи. Баъзида эса, айниқса сиз енгиб бўлмас чарчоқни ва ташаббусни сезган вақtingизда. Сиз нима бўлишидан қатъий назар, болаларингизни улар ҳақиқатни билишлари мумкин бўлган жамоатга олиб боришга тайёрмисиз? Сиз ҳар қандай бой

беришларга қарамай, болаларнан Худога ва Унинг халқига яна ҳам яқинлашишлари учун фарзандларингизни у ерга олиб боришига тайёрмисиз? Сиз келажакка қарашга ва фарзандларингиз ҳётида сизнинг бугунги кундаги уларни художўй қилиб тарбиялаш қарорингиз қандай акс этишини кўра олишга қодирмисиз? Ҳеч қаҷон болаларнинг тарбиясидаги камчиликларни ва қалбингизни тўғри йўлга солиш учун кеч бўлмайди. Ҳаммаси сиздан — сизнинг Худо кўнглидагидай юрагингиздан бошланади! Бироқ, баҳтимизга, тамом бўлмайди. Болаларимиз Худони англашлари, Уни севишлари ва Унга хизмат қилишлари учун уларни тарбиялашда бизга Худонинг Ўзи ёрдам беришни хоҳлайди ва ёрдам бера олади ҳам.



ОНАЛИК СЕВГИСИ БИЛАН ТҮЛГАН ЮРАК

I КИСМ

...Ёшларга... болаларни севишини ўргатсингилар...

Тит. 2:4

Биз ҳозиргина кўриб чиққан Худо амрлари масиҳий оналар учун эканини билганимдан кейин, мен дарҳол уларга амал қилишни бошлидим. Уйимдаги тартибсизликлар аста-секин тартибга тушди, итоатсизлик итоаткорликка айланди. Биз кун тартибига риоя қила бошлаганимизда эса, ҳаммаси жой-жойига туша бошлади. Аммо мен ўзимни она эмас, ўз аскарларини машқ қилдираётган қандайдир сержантдай, бир вақтнинг ўзида ҳам талончи, ҳам миршаблар зобитидай сезардим. «Шу ҳам художўй онами?» — деб ўйлардим. Нимадир менга етишмаётганини сезардим.

Мен жон-жаҳдим билан Муқаддас Китобдан оналик мавзусига тааллуқли жойларини қидирадим. Худога шукурлар бўлсинки, У менга етишмаётган нарсани кўрсатди. Жавоб Титусга Мактубда (2:4) тошилди. Мен оналар ўз фарзандларини севишлари кераклигини билдим. Бир қараашда бу амрда ҳеч қандай янгилик йўқдай туюлади. Аммо мен яна бир марта эримнинг китобларини олиб, шу тўртта сўзни синчилаб таҳлил қила бошлаганимда, руҳимда енгиллик ва озодликни сездим. Мен оналар меҳрли бўлишлари кераклигини, улар ўз болаларига юмшоқ муносабатда бўлишлари кераклигини билиб олдим. Хуллас, улар ўз фарзандларини чин дилдан севишлари керак экан¹.

Ва яна нимадир менга зобитдан юрак тафти муҳаббатига тўлиб-тошган онага айланишимга ёрдам берди. Биз билганимиздай, юнон тилида *севгини* англатувчи бир нечта сўз мавжуд. *Agape* — Худонинг бизга, Унинг бандаларига бўлган севгиси: У гуноҳларимизга

қарамай бизни севади, ҳеч қандай шартларсиз севади, ҳеч нарсага қарамасдан севади. Биз, оналар ҳам, албатта, ўз болаларимизни худди шундай севги билан севишимиз керак.

Лекин Титусга Мактубда (2:4) Худо оналиқ севгиси ҳақида *филео* сўзи билан айтишни афзал билди. Бу сўз юмшоқ ва ғамхўр севгини англатади. Бу дўстона севги, болаларни хурсанд қиласиган ва ёқадиган севги. Худо ота-оналарни оилани Муқаддас Китоб таълимоти, насиҳатлари ва тарбияси асосида қуришга чорлайди. Аммо ота-оналар ўз фарзандларини нафақат *севганларида*, балки уларни *шодлантирганларида* оила қалбга эга бўлади.

Мен ўзим учун Худонинг болаларни шодлантириш ҳақидаги даъватини очганимдан сўнг, хонадонимиз маълум даражада ўзгарди. О, ибодатлар ва насиҳатлар давом этаверди, аммо мен байрамга ҳам жой қолдирдим. Мен Худонинг амрига итоат қилган заҳотим У менинг юрагим устида меҳнат қила бошлади ва юрагимни ўзгarterди. Мен болаларимнинг тарбиясига, таълимига ва насиҳатларига чин юракдан муносабатда бўла бошлаганимдан сўнг, улар менга янада азизроқ бўлганларини сездим. Илгари мен уларга фақат бурч нуқтаи назаридан қарапдим. Энди эса улар мен учун ёnlарида бўлишни хоҳлаган, бирга шодланишни ва бирга ўйнашни истаган, Жимдан кейин мен учун энг азиз одамлар бўлишди. Сизга ана шундай севгини ҳаётга татбиқ қилишда ёрдам берадиган баъзи бир маслаҳатларни кўрсатишга ижозат этинг. Тан оламан, севувчи она юрагининг ана шу ўнта хусусиятини қўлга киритиш учун мен ҳам ҳозиргача жон куйдириб келяпман.

1. *Ибодат қилувчи юрак*

Биз болаларимизга беришимиз мумкин бўлган севгининг энг буюк инъоми — бу ибодатdir. Эндинга Масихга келганимда, но маълум бир шоиранинг шеърини ўқиган эдим. Мен унинг фикrlа-рига тўла қўшиламан:

Кимнингдир авлодида бордир шоҳлар,
Ва уларга иззат-икром кўрсатарлар.
Менинг эса бой меросим йўқ,
Лек ибодат қилувчи онагинам бор.

Мен учун ибодат қилувчи онагинам бор.
У қунда мен учун Худога илтижо килар.

Ох, нақадар баҳтлидурман мен,
Чунки ибодат қилувчи онагинам бор.

Кимдир оламшумул зафарга эга
Ва ўз бойлигидан лаззат олар у,
Мен учун эса энг катта бойлик —
Ибодат қилгувчи онаизорим.

Онамнинг ибодатлари мени қутқара олмас,
Фақат менинг ибодатларим бунга қодирдир.
Аммо онам мени Унга топширди,
У менга ҳеч қачон қилмас хиёнат.

Эх, ҳа... мен учун ибодат қилувчи онагинам бор,
У кунда мен учун Худога илтижо қиласар.
Ох, нақадар баҳтлидурман мен,
Чунки ибодат қилувчи онагинам бор.

Ҳар кунингизни болаларингиз ҳақидаги ибодатдан бошланг.
Ибодат фарзандларингизнинг барча ҳаёт йўлларида уларга баҳт
келтиради ва уларни сиз учун янада азизроқ қиласади.

2. *Famxўр юрак*

Она севгисига тўла меҳрли юрак ўзи учун азиз оиласнинг эҳтиёжлари — яхши озиқланиши, озода кийимлари ва бехавотир уйи ҳақида ғамхўрлик қиласади. Гарчанд уйни яна тартибга келтириш, кир ювиш, овқат пишириш ҳақида фикрлар сизга ёқмаса-да, лекин сизнинг юрагингизда севги яшайтган бўлса, сиз буларни албатта қиласиз. Севувчи юрак ўзини унутади ва яқинларининг эҳтиёжларини қондириб, улар ҳақида ғамхўрлик қиласади. Ўз оиласи ҳақида қайғурмаслик, бу унга эътиборсизлик қилиш деганидир. (Бепарволик АҚШ суд тизими томонидан боланинг жисмоний эҳтиёжларини қасддан қондирмаслик деб баҳоланади².)

Кўпчилик оналар болалари ўзларини ёмон тутаётгандарига, гап қайтаришларига, жаҳлдорликларига, нима учун уларни тез-тез жазолаб туришга тўғри келишига ҳайрон бўладилар. Эҳтимол, бу она уларнинг зарур эҳтиёжларини — вақтида овқатлантириш, тоза кийим-кечак билан таъминлаш, озодалик, вақтида дам олиш ва ухлаш ҳақидаги талабларини қондирмаганлиги учун бўлса керак.

3. Бахтли юрак

Фарзандларимиз (ва эрларимиз) бизни бахтли күрган вақтларида, уйимиздаги оиласый бахтимиз янада қувончилоқ ва ёрқинроқ бўлади. Эрталаб соат кўнгироғи жирингладими, болаларни мактабдан олиб келдингизми ёки оғир иш кунидан кейин сиз уйга қайтасизми — барибир, улар сизнинг бахтли эканлигингизни билишлари керак. Мен Забурнинг 112:9 (пушти ранг маркер билан белгиланган яна бир оят): «Туғмас аёлни У уйидა ўрнаштирас, уни фарзандлар онаси қилиб қувонтирас» (курсив меники. — Э. Дж.) оятни ўқиганимдан сўнг ўзимда, доимо бахтиёрман, деган ақидани шакллантирдим³.

Шундай қилиб, мен ибодат қила бошладим, жуда кўп ибодат килдим! Эрталаб қизларим уйғонгандаридан далолат берувчи соқин товушларни эшиганимда, уларнинг хоналари томон йўл олаётганимда, ибодат қиласадим. Кейинроқ, мен уларнинг кетларидан мактабга бораётганимда, ибодат қиласадиган бўлдим. Қизларим кун бўйи мактабда бўлганларидан сўнг, мен уларни кўришдан жуда хурсанд эканлигимни улар билишларини хоҳлардим. (Элизабет Эллиот семинарда айтгандек: «Ўз кайфиятингиз билан сиз уйда муҳит яратасиз». Мен ҳеч қачон бу тўғрида унутмайман!)

Шунингдек, кунларнинг бирида бир ёш йигитнинг ўз отаси ҳақидаги хотиралари тўғрисида ўқиб, мен «нур таратиш»ни ўргандим.

Отамдаги нимадир мени ўзига худди оҳанрабо каби тортарди. Мактабдан сўнг мен ўртоқларим билан кетиш ўрнига тез-тез отамнинг дўконига югурадим. Мени унга нима тортарди? Нега мен баъзи севимли машғулотларимдан кўра унинг дўконига боришини афзал кўрадим? Мен дўкон остонасида пайдо бўлишим биланоқ, отам нур таратади. Отамнинг кўзлари чакнар, кулгуси ёруғлик таратар, унинг юз ифодаси эса мени кўрганидан хурсандлигини айтиб турарди. Отамнинг: «Ҳаммангиз қаранг, бу менинг ўғлим!» — деб айтишини мен эшитишга тайёр турардим. Менга бу жуда ёқарди. Аммо ўша пайтда мени отамга айнан шу юз ифодаси тортганлигини тушунмас эканман.

Одамлар бир-бирларига 93% маълумотни сўзсиз етказа оладилар. Ҳар сафар сиз болангизни кўрганда қувончдан «нур сочасиз», уни юз ифодангиз ва оҳангингиз билан кўрсатинг. Бу ёруғлик, болангиз сиз учун жуда азизлигидан далолат беради⁴.

Биз, оналар, болаларимиз ҳаётига бошқалардан кўпроқ таъсир кўрсатамиз. Биз уларни кўрганимизда қувонишимиз ва юрагимиздаги бахтимизни улашишимиз мумкин. Бу бахт юқумлидир.

4. Сахий юрак

Муқаддас Китобда биз масиҳийларга қаратилган фидо қилыш ҳақида даъватни жуда кўп учратамиз. Бизнинг Нажоткоримиз ҳам худди шундай қилган: «Чунки Инсон Ўғли ҳам Ўзига хизмат қилдириш учун эмас, балки Ўзи хизмат қилиш ва Ўз жонини фидо қилиб, кўпларни кутқариш учун келган» (Мк. 10:45). Мен сизга бир нечта маслаҳатларни таклиф қилмоқчиман: маслаҳатларим сизга ўз болаларига хизмат қила оладиган, буни севги ва меҳр билан қила-диган она бўлишга ёрдам беради.

Беринг, чунки бу сизнинг вазифангизdir. Худонинг Ўз моҳиятидан келиб чиқсак, унда Худо кўнглидаги аёл — бу бера оладиган аёлдир. Масиҳий аёллар сифатида биз фидо бўлишимиз керак, хотинлар сифатида фидо бўлишимиз керак, биз оналар сифатида фидо бўлишимиз керак ва ҳатто, агар ёлғиз бўлсак ҳам, биз барибир фидо бўлишимиз керак. Бизнинг ишимиз ана шундан иборат. Худо бизга ўз бандалари сифатида ана шуни белгилаб берган. Биз ўз жилмайишимишни, қувончли жилмайишимишни, мақтовимизни, озиқовқатни, вақтни, дикқатимизни... ҳадя қиласиз. Биз бу рўйхатни узоқ давом эттиришимиз мумкин.

Эдит Шеффер ўзининг «What Is a Family?»⁵ номли китобида ёзишича, *кимdir* оилани гўзал, ажойиб бир нарсага айлантириб, оилавий хотираларни сақлаши керак. Кимdir уйда дизайннер вазифасини бажариб, шинамликни яратиши керак. Кимdir ибодат қилиши ва ҳар қандай тасодифларни олдиндан кўра билиши учун вақт топиши керак.. Кимdir оиласа нисбатан курашиш учун сабаб бўла оладиган, ҳар қандай лавозимга лойиқ нарсадай, кимdir болаларни художўлийка тарбиялашда мушкул меҳнатга арзийдиган, уй тутишда сусаймайдиган ҳаракатларга teng нарсадай муносабатда бўлиши керак. Муаллиф қайта-қайта бу «кимdir» — у хоҳ рафиқа, хоҳ она, хоҳ бека бўлсин, у шу тарзда доимо беришга тайёр туриши кераклигини такрорлайди. Онанинг вазифаси ана шундай.

Сахийлик билан беринг. Янги Аҳдда келтирилган экиш ва йигиб олиш ҳақидаги икки фикрга эътибор қилинг: «...Шуни унумангки, қизғаниб эккан қизғаниб ўриб олади; мўл эккан эса мўл ўриб олади» (2 Кор. 9:6) ва «...Инсон нима экса, шуни ўради» (Гал. 6:7). Экиш ва йигим-теримнинг бу қонунларини ўрганиб мен шуни тушундим: мен ҳар куни болаларимнинг юрагига нимани эксан — сабр-тоқат

ёки чидамсизлик, ишонч ёки ишончсизлик, раҳмдиллик ёки худбиник уруғини, — келажакда шуни ўраман.

Эвазига ҳеч нарса кутмай беринг. Шунингдек, экиш ва йиғим-терим қонунларини ўрганиб шуни унутмаслик керакки, оналар яширин худбинлик мақсадлари билан бермасликлари керак. Биз болаларимизга хизмат қиласиз, чунки Раббий шундай деб амр қилган. Худди биз эрларимизга хизмат қилганимиздай, болаларимизга ҳам — ҳеч нарса кутмасдан хизмат қилишимиз зарур (қаранг: 6:35). Биз оналик севгисини унинг эвазига мақтov, миннатдорчилик, ташаккур, яхши хулққа эришиш, олиш учун бермаслигимиз лозим. (Биз ҳеч қаңон бунга эришмаслигимиз ҳам мумкин!) Худо онадан буни кутаётгани учун биз ўз севгимизни берамиз, холос. Ўз болаларини севиш ҳақидаги Худо амри ҳеч қандай шартлар, истиснолар, изоҳлар билан ҳамроҳ бўлмайди (қаранг: Тит. 2:4).

5. Қувончли юрак

Уйингиздаги ҳаёт оиланинг ҳар бир аъзоси учун байрам бўлиши керак. Бу байрамни чинакам байрамга айлантириш учун мен ҳазил-мутойибамни ишга солдим. Мен тез-тез жилмайишни ва кулишни ўргандим. Масалан, кутубхонадан топишмоқли содда китобларни олардим, уларни қизлар билан ўқиб роса кулишардик.

Ва энг асосийси, мен «Яхши кўраман» сўзларини тез-тез айта бошладим. Мен бу сўзларни ҳар гал ҳаётимиздаги яхши ва ёқимли нарсага эътибор қарататётганда айтар эдим: «Мен шанбани... якшанбани... чоршанбани... бизнинг оилавий ибодат соатларини... сиз билан ибодат қилишни... сиз учун ибодат қилишни... сиз билан сайр қилишни... бирга мусиқа эшитишни... дўстларимизни уйга таклиф қилишни... бирга овқатланишга ўтиришни яхши кўраман. Мен буларнинг ҳаммасини яхши кўраман, айниқса, сизни яхши кўраман». Мен ҳозиргача Кортни ва Кэтринни (ва, албатта, Жимни ҳам) кўрган вақтимда, уларга хайрли тун тилаганимда ёки телефонда гаплашганимда, ўз севгим ҳақида гапираман.

Бундан ташқари, агар сиз оилангизни баҳтли қилишни истасангиз, энг аввало, бутун оилангиз билан овқатланадиган вақтингизни қувончли қилинг. Мана, оилавий тушликлар ва кечки овқатлар шодлик бағишлиамайдиган қиз ўз дугонасига нималарни ёзибди:

Азизим Эбби!

Ахир, тушлик дастурхони норозиликлар ва турли муаммоларни хал қилиш жойими? Мен 12 ёшдаман, ҳар бир тушлик ёқимсиз суҳбатлар билан бузилиши жонимга тегди. Ота-оналар гаплашиб олишлари кераклигини мен тушунаман, аммо нега тушлик вақтида?.. Биз улардан фаяқтада бир нарсани сўраймиз — овқат пайтида бирон ёқимли нарса ҳақида гапирсалар.

Сенинг жуда Тўйиб кетган дугонанг.

Эбби бу қизга оқилона маслаҳат беради:

Тўйиб кетган азиз дугонам!

Бу хатим сенинг ота-онангга тушлик вақти ёқимли вақт бўлиши кераклигини эслатади, деб ўйлайман. Ахир, диққат эътиборингни сени ейдиган нарсага эмас, ўзинг ейдиган нарсага қаратишинг керак-ку!⁶

Биз қайта тирилган Раббийнинг Ундан уч марта тонган Бутруслар билан сухбати ҳақида ҳикоя қилувчи парчадан ўзимиз учун хулоса чиқаришмиз мумкин. Тушликкача ёки тушлик пайтида Бутруслар тўғридан-тўғри, бунинг устига, уни хижолат қилувчи савол бериш ўрнига, Исо улар нонушта қилиб бўлишларини кутди. У шогирдларининг иштаҳасини бузмади, улар ёқимли дўстона муҳитда овқатланишларига имкон берди (қаранг: Юҳ. 21:15). Сиз ҳам уйингизда худди шундай йўл тутасизми?

СИЗНИНГ ЮРАГИНГИЗ ЖАВОБИ

Биз севгувчи она юрагининг ўнта хусусиятидан бештаси билан танишдик. Умид қиласманки, Худо сиз билан болаларингизнинг ўзаро муносабатлари қандай бўлиши кераклигини, сиз уларни ўз севгингиз билан қандай тақдирлашингиз лозимлигини хоҳлашини тушундингиз. Биз масиҳий оналар сифатида болаларимиз учун ибодат қиласиз, уларга ўз муҳаббатимизни берамиз, улар билан ўйнаймиз. Энди эса ибодат қилинг. Юрагингизни болаларингизга нисбатан янада кучлироқ севги — сизни улар учун ибодат қилишга ва уларга ғамхўрлик қилишга, уларни ўқитишга ва тарбиялашга, улар билан қувонишга ва бирга ўйнашга ундейдиган севги билан тўлдиришини Худодан сўранг.

ОНАЛИК СЕВГИСИ БИЛАН ТҮЛГАН ЮРАК

П ҚИСМ

...Ёшларга... болаларни севишини ўргатсингелар...

Тит. 2:4

Агар биз Худо амрларини бажариш учун муҳтож бўлган ҳамма нарсани У бизга Ўз қудрати ва марҳамати билан ҳадя қилганини унутсанак, оналар учун Худо белгилаган вазифалар амалга ошмайдиган бўлиб туюлиши мумкин. У бизга марҳамат қилиб берган болалар ҳақида ғамхўрлик қилиш ва уларни Худо учун ўстириш қандай баҳт! Мана, севувчи она юрагининг яна бир нечта хусусиятлари.

6. Байрам яратадиган юрак

Мен Худо Каломидан топган яна бир қоида — бу «иккинчи фаолият» қоидасидир. Раббимиз шундай дейди: «Ким сени бир чақирим йўл юришга мажбур қилса, у билан икки чақирим юр» (Мат. 5:41). Ана шу қоидани кўриб чиқайлик. Биз она бўлишишимиз *керак*, биз ўз мажбуриятларимизни бажаришимиз *керак*. Бу биринчий фаолият. Шундай қилиб... нега яна бир соҳага ўтиб, қандайдир ўзига хос иш қилиб бўлмас экан? Нега биз оддий иш кунларини байрамга айлантира олмаймиз?

Мисол учун кечки овқатни олсак. Биз кечки овқатни тайёрлашимиз *керак* — нега уни ўзига хос равишда қилсанак бўлмайди? Оддийгина қилиб шамлар ёқинг, боғдан гуллар узиб келинг, дастурхонни ва салфеткаларни алмаштиринг, бошқача тарелкалар қўйинг. Менинг қизларимга арzon нархда сотиладиган моллар дўконидан сотиб олинган гулли, четлари зарҳал сопол идишлар жуда ёқарди. Дугонам

Жуди қирғоғыда «Фақат сен учун» деган ёзуви бор қизил тарелка сотиб олди. Ҳар сафар тушликка йигилишганды, у оила айзоларидан кимнингдир кайфияти ёмонлигини пайқаб қолса, ёки кимдир қийин ахволда эканлигини кўрса, ўзининг «максус қизил тарелка»сини олади ва ўша одамнинг олдига қўяди.

Сиз оиласини қандайдир алоҳида бир жойда овқатлантиришиңгиз мумкин! Масалан, ҳовлида, боғда ўтириш ташкил қилинг. Ёки дастурхонни бошқа хонада туркчасига ерда ўтириб овқатланадиган қилинг. Нафақат қаерда тамадди қилишдагина эмас, балки қачон ва нима ейишда ҳам топқирроқ бўлинг. Тушликни «охиридан олдинга» қараб ташкил қилиш, яъни шириналикдан бошлиш мумкин. Ёки бўлмаса тайёрланган ҳар бир таомни рақамлаш мумкин, кейин эса оила айзоларнинг ҳар бирига биттадан рақам тортишни таклиф қилиш керак. Таомларни ўша танлаб олинган рақамлар тартибида дастурхонга тортиш мумкин. Ёки тушликни «хазина излаш» ўйинига айлантириш мумкин: стрелкалар уйда ёки ҳовлиниң қаеригадир яширинган ҳар бир таомнинг жойини кўрсатиб туради. Сиз унча кўп куч сарфламасдан «иккинчи соҳадан ўтишингиз» мумкин.

Нима учун сиз якшанбани ҳафтанинг энг ажойиб кунига айлантира олмайсиз? Рут Грэм «якшанбани энг зўр кунга айлантиради». Шу куни улар доимо «қандайдир оиласи тадбирлар уюштиришарди ёки болаларни жуда хурсанд қилиб, тушдан сўнг шаҳардан ташқарига чиқиб кетишарди...» Бу Раббий куни, қувонч ва шукроналик куни бўларди¹. «Иккинчи соҳадан ўтишингиз» ва якшанба кунини байрамга айлантиришингиз учун барча зарур нарсаларни қилинг.

Ниҳоят, агар оиласиздан кимдир бетоб бўлиб қолса, максус патнис олинг, унинг устига овқатни ўзгача ликопчаларда қўйинг. Патнисни гуллар ва шамлар билан безанг. Касалнинг кровати ёнига қўнғироқча қўйишни унутманг, чунки беморга бирор нарса керак бўлиб қолгудек бўлса, у қўнғироқчани жиринглатсан! Сизнинг кундалик ҳаётингизнинг ердаги ташвишларига, — биринчи соҳа, сизга чиройли байрам яратишга эса иккинчи соҳа ажойиб имконият яратади!

7. Ўз оиласини афзал кўрадиган юрак

Ҳаворий Павлус Титусга Мактубида (қаранг: 2:4) эримизни ва болаларимизни ўзимиз мулокоғ қиласидиган бошқа барча одамлардан устун қўйишимиз кераклигини бизга ўргатади. Мана, нима сабабдан мен оналик юрагим ўзи учун кўрсатма қилиб олган тамойилни

ишлиб чиқдим: *ўз оила аъзоларимга бермаган нарсани бошқаларга ҳам бермаслик*. Бу тамойил қандай пайдо бўлганини сизга айтиб берай.

Бир куни кечкурун кичкинтойларимни, тезроқ машинага ўти-ринглар, деб шоширдим. Биз яқинда чақалоқли бўлган қандайдир «Х хонимга» овқат олиб боришимиз керак эди. Ёрдамга муҳтож, аммо ўзим танимайдиган бу аёлга мен кун бўйи овқат тайёрладим. Соң гўштини пиширдим, чиройли идишчаларга турлича салат тайёрладим, янги, турли рангдаги сабзавотларни бугда димладим. Энг сўнгида ўзим яхши кўрадиган ширинлигимни тайёрладим. Биз уйдан чиқаётганимизда, Кэтрин ва Кортни бу егуликлар кимга аталганини сўрашди. Мен чиройли безатилган патнисни қизларимнинг бурунлари тагида олиб бордим ва пайтдан фойдаланиб уларда масиҳийча сахийликни тарбияламоқчи бўлдим. Мен уларга шундай деб жавоб қилдим: «Х хонимнинг қўзи ёриди. У тутгруқхонадан яқинда чиқди. Шунинг учун биз унга овқат олиб боряпмиз!»

Ҳаммаси жуда яхши эди, аммо қизларимдан бири шундай савол бериб қолди: «Биз бугун тушлиқда нима овқат еймиз?» Мен унга бугун тушлиқда ўзимиз пишлоқ ва сосиска билан макарон ейишимиизни айтган заҳотимоқ нотўғри иш қилганимни сезиб, виждан азоби мени қийнаётганини пайқадим. Мен бошқа бирорвни — хозир айнан Х хонимни ўз оиласдан устун қўйдим. Ўзим танимаган одам учун овқат тайёрлаб, мен кўп ортиқча «соҳалардан» ўтдим, ўз болаларим учун эса тез тайёр бўладиган енгил-елпи овқатни пиширдим. Қискаси, мен ўзимнинг энг яқин одамларимга бермаган нарсани бегона га бердим!

Ўша кундан бошлаб мен — ҳомийлик мақсадида ўзгаларга нима тайёрлайдиган бўлсам, ўзимга дунёда энг азиз бўлган — оила аъзоларим учун ҳам шуни пишира бошладим. Агар бир ликобда салат тайёрлаш керак бўлса, мен ўзимникларни ҳам назарда тутиб икки ликоб салат тайёрлайдиган бўлдим. Агар бирон учрашув учун ширинлик тайёрласам, ўз яқинларим учун албатта икки ёки уч бўлак қолдирар эдим.

Ушбу тамойил — энг аввало ўз яқинларимга бермагани, бошқаларга ҳам бермаслик — нафақат овқатга тааллуқли. Масалан, биз телефонда турли одамлар билан гаплашамиз. Аммо ўз фарзандларимиз билан бамайлихотир гаплашишга ўзимизда вақт топа олмаймиз. Биз бошқаларни диққат билан тинглаймиз, аммо болаларимизнинг гапларига қулоқ тутмаймиз. Биз вақтимизни бошқа одамлар билан ўтказамиз, аммо болаларимизга вақт сарфламаймиз.

Биз бошқа одамларга жилмайиб бокамиз ва хурсанд бўламиз, аммо ўз яқинларимизга доим ҳам жилмаявермаймиз.

Кунларнинг бирида бир аёл шундай деган экан: «Сиз дўстларингизга гапирадиган гап оҳангни билан оиласизга гапирадиган гап оҳангининг фарқини ҳеч сезганмисиз? Бу жуда осон: энг яххисини бегона одамларга берасиз, қолдиқларни эса ўз оиласизга ташлайсиз». Сўнгра у гапини давом эттирди: «Бир аёл, саккиз фарзанднинг онаси, бир куни уйга кириб, болаларининг жанжаллашаётганини кўриб қолибди. Она болаларига юмшоқлик билан насиҳат қила бошлабди: «Болаларим, ахир, Муқаддас Китоб бир-бирингиз билан инок, раҳмдил бўлишни бизга буюрганини билмайсизми?» Унинг тўққиз ёшли тўнгич ўғли атрофга кўз ташлаб, шундай деб хитоб қилди: «Аммо, ойижон, бу ерда бегоналар йўқ-ку, ахир!»².

8. Эътиборли юрак

Мен Исонинг: «Ҳеч ким икки хўжайнга хизмат қилолмайди...» (Мат. 6:24), деган сўзларини ўқиганимда, менда бошқа бир тамоилил пайдо бўлди: *кучингиз ва диққатингиз парчаланиб кетишидан эҳтиёт бўлинг*. Бундай деганимда мен, бир вақтнинг ўзида диққат-эътиборни ҳам ўз болаларига, ҳам бошқаларга қаратишни назарда туяпман. Мана бунга мисол.

Бир куни мен ўсмир қизи билан муносабатлари кескинлашиб қолган бир онага телефон орқали маслаҳат берадиган эдим. Чамаси, 20 дақиқача гаплашганимиздан сўнг, аёл кимгадир: «О, салом, азизам» деган гапларни телефон орқали тўсатдан эшишиб қолдим. «Бу ким?» деган саволимга, она хотиржамлик билан шундай жавоб берди: «Ҳа, қизим, холос». Соат миллари уч яримни кўрсатиб турар эди. «Ҳа, бу унинг қизи, холос» дегани эрталаб соат етти яримда уйдан чиқиб кетган. Она уни саккиз соатдан ортиқ кўрмади. Энди эса она бор-йўғи: «О, салом, азизам» деди, холос. Мана, куч ва диққат-эътиборнинг парчаланиб кетишига ёрқин мисол. Она айни қизи уйга келадиган вақтда, мен билан телефонда узундан-узоқ гаплашди (ушбу вазиятда мен ўша «Х хоним» эдим). Она қизининг уйга ҳозир келиб қолишини била туриб, ўз эътиборини ва кучини менга сарфлаётган эди. Бу аёл ўз хулқи билан у учун қизидан кўра муҳимроқ мен эканлигимни билдириди.

Энди эса дугонам Беверли ва бошқа бир аёл ҳақидаги ҳикояни сўзлаб берай. У аёл масиҳий, хотин ва она сифатида одамнинг жуда ҳавасини келтиради. Биз Беверли билан олдиндан белгиланган

учрашувга келганимизда, у бизни жуда мазали тушлик билан меҳмон қилди. Ошхонада ўтириб биз ички ҳовлида турган столни кўриб турардик. Стол устига зигир толасидан тўқилган дастурхон ёзилган, дастурхон устига оҳорланган сочиқчалар, иккита кумуш қошиқ, янги узилган гуллар солинган гулдон, иккита тарелка ва музли сув учун иккита биллур стакан кўйилганди. Бу чиройли стол мактабдан келадиган ўсмири қизи шарафига безатилган эди. Бу оқила ва дилбар аёлнинг музлаткичидаги ширинликлар солинган яна иккита катта биллур идишлар турарди. Она шунга ўхшаш тайёргарликни *ҳар куни қилас экан!* (Аёл қизи келадиган пайтда бирор ёққа кетиши керак бўлиб қолса ва қиз онаси уйда йўқлигига келадиган бўлса, она унинг келишигача ўзгача тушлик тайёрлаб музлаткичга солади ва стол устида қизига хат қолдиради.)

Ҳаётда нима энг муҳим эканлигини яхши билиб олган бу доно аёл соат икки яримларда бизни кузатиб кўйишга ҳаракат қила бошлиди, чунки у ўзи учун биздан азизроқ бўлган инсонни кутарди. Аёл хушмуомалалик билан шундай деди: «Афсуски, биз энди суҳбатимизни тугатишимиз керак. 15 дақиқадан кейин қизим мактабдан келиб қолади, бу вақтни эса биз у билан бирга ўтказамиз». Она бу қимматли вақтнинг бир дақиқасини ҳам йўқотишни хоҳламас эди! У бизга вақт ажратди — менинг ва Беверлининг ҳаётини тубдан ўзгартирган жуда мазмунли вақт. Гарчанд бизнинг бекамиз ҳаётда нима энг муҳим эканлигини тушуниб олгани учун, у нималарга эътиборини қаратишни биларди. (Биз унивидан кетганимиздан сўнг, мен зўрға уйга киришга, стол устига дастурхонни ёзишга ва бегона машинада уйга қайтган Кэтрин ва Кортнининг олдига тарелка кўйишга улгурдим!)

9. Доимо ёнма-ён юрак

Уйда бизнинг борлигимиз жуда муҳим. Болаларимиз мактабдан қайтганларида, кечқурунлари, тунлари, дам олиш кунларида ва таътилда ҳар қанча пул бизнинг ўрнимизни боса олмайди. Дугоналар билан ўтказилган ҳар қандай базмлар бутун оила билан қилинадиган кечки овқатга, болаларни ухлататеётганда, уларнинг кўрпаларини тузатганда, уларга китоб ўқиб бераётганда, бирга ибодат қилаётганда ва уларга хайрли тун тилаб, уларни ўпаётгандаги лаззат билан тенглаша олмайди. *Ҳеч нарса* оила қувончлари билан тенглаша олмайди.

Мени ибодатда қатнашишга таклиф қилишганда, қизларимдан, сизлар бу ҳақда қандай фикрдасизлар, деб сўрадим. Улар менинг

юрагимда биринчи ўринда эканликларига ва мен учун улар ҳар қандай одамдан ва машғулотдан азизроқ эканликларига уларни ишонтириши хоҳлардим. Кейин эрим ва қизларимнинг розиликларини олиб, ибодат қилиш тўғрисидаги таклифга рози бўлдим. Мен уйимда ҳамма нарса яхши эканлигини билардим. Мени оиласам тўла қўллаб-қувватларди, улар менинг ибодатда қатнашишимни хоҳлашарди, уйда қолиб, мен учун ибодат қилишарди. 25 йиллик оналиқ амалиётимда фақат бир марта битта қизим (ўша вақтда у олтинчи синф ўқувчиси эди) менга шундай деди: «Мен сизнинг уйдан кетишингизни хоҳламайман». Шу сўзларнинг ўзи менинг уйда кераклигимни тушунишим учун етарли эди!

10. Хотиржам юрак

Эрларимизни муҳокама қиласликка қандай ўрганганимиз эсин-гиздами? Бу қоидани болаларимизга ҳам қўллаш мумкин. Ҳикматларнинг 31-бобида фаросатли аёл ҳақида сўз боради. У аёл бизга хотиржамлик тўғрисида сабоқ беради: «Донолик билан сўзланг, меҳр билан насиҳат қилинг» (26-оят). Севувчи онанинг оғзидан чиқаётган бу сўзлар оқилона ва раҳмдил сўзлардир. Бундай хусусиятга эга аёл эса асло ўз болалари ҳақида ёмон гап айтмайди. Охир оқибатда, «...севги-муҳаббат ҳамма гуноҳларни беркитади» (Ҳикм. 10:12). Юраги хотиржам севгувчи она ҳеч қаҷон ўз болалари ҳақида танқидий гапларни айтмайди, фарзандлари ҳақида умуман ҳам, қисман ҳам ёмон сўз гапирмайди. Бир дугонам ёшроқ оналарни огоҳлантираётганда, ўзининг уйида (ва унинг юрагида) ахвол қанақа эканлигини жуда яхши тушунириб бера олади: «Шошмай туринглар! Бу ўсмирлар қанчалар даҳшат эканлигини сиз кейинроқ биласиз!»

Ўша дугонамга тўла қарши бўлган дугонам Бетти учун мен Худодан миннатдорман. Бетти ҳеч қаҷон улғайиб келаётган болалар ҳақида яхши гап айтиш имкониятини қўлдан бермайди. Одатда у мендан «Хозир қизларинг неча ёшда?» деб сўрарди. Мен эса: «Улар тўққиз ва ўн ёшда» деб жавоб берганимда, у шундай деб хитоб қиласди: «О, менинг ўғилларим тўққиз ва ўн ёшда экан пайтларини эслайман! Нақадар ажойиб ёш!» Орадан йиллар ўтди. Мен энди: «Қизларим ўн уч ва ўн тўрт ёшда» деб жавоб берардим. Шунда Бетти яна хитоб қиласди: «О, менинг ўғилларим ўн уч ва ўн тўрт ёшда экан пайтларини эслайман! Нақадар ажойиб ёш!» Кэтрин ва Кортни неча ёшда эканликлари муҳим эмас — ҳар қандай ёшни Бетти

ажойиб деб ҳисобларди. Унинг ҳам одатдаги қийинчиликларга дуч келганига ишончим комил эди, аммо унинг юраги ўз ўғилларига нисбатан муҳаббатга тўла эди. Унинг уйи ҳам қувончга тўла, чунки унинг юраги Худо белгилаган вазифани қабул қилди, унинг тили эса қийинчиликлар ҳақида оқилона равишда индамасди.

Болаларни (бизга Худо берган болаларни ва фақат Унга маълум муаммоларни) тарбиялашда дуч келадиган муаммоларни Худо йўли билан ҳал қилишга мисол Титусга Мактубдаги (2:3) «кампирлар»дир. Шундай қилиб, мен сизга ёрдам бера оладиган ва руҳингизни кўтарадиган Беттига ўхшаган «кампирлар» билан мулоқотда бўлишни маслаҳат бераман. Ана шундай оқила аёлга ва Худога ўз қийинчиликларингиз ҳақида айтиб беринг. Аёлдан ва Раббийдан, сиз қандай қилиб ўз оналик мажбуриятларингизни бажара олишингизни ва ўз болаларини меҳр билан севгувчи юракли онанинг марҳаматланган ҳукуқларидан қандай фойдаланишни сўранг.

СИЗНИНГ ЮРАГИНГИЗ ЖАВОБИ

Биз Муқаддас Ёзув сахифаларига саёҳат қилдик, Худога манзур аёл бўлиш нима эканлигини билдик. Биз ўзимизни болаларимиз учун ибодат қилишга бағишлишимиз керак. Уларни Худо йўлларига йўналтириш — қандай мушкул вазифа! Ўз уйингизда севги, шодлик ва қувонч муҳитини яратишингиз нақадар ёқимли! Сизнинг юрагингиз оналик меҳрига тўлами? Сиз болаларингизни эъзозлайсизми? Улар буни сезадиларми? Сиз ўз болаларингиздан қувонасизми? Улар билан бирга вақт ўтказишни яхши кўрасисизми? Худо кўнглидагидай аёл бўлиш учун ибодат қилиш керак. Айнан У бизнинг юрагимизни шод, сахий, қурбонлик берадиган, баҳтили ва хотиржам қила олади. Фақат У бизга энг муҳим нарсаларга мувофиқ яшаш қобилиятини бера олади. У бизга ортиқча соҳалардан ўтиш учун куч ва Худо хоҳлаганидай оналар бўлишимиз учун барча зарур нарсаларни бера олади. Бизнинг вазифамиз осон эмас. Аммо уни бизга куч-қувват ато қилувчи Масиҳ билан амалга ошира оламиз (қаранг: Флп. 4:13).



УЙДА ЯХШИ МУҲИТНИ ЯРАТАДИГАН ЮРАК

Доно хотин ўз оиласини мустаҳкамлайди...

Ҳикм. 14:1

Бир куни кечқурун кроватда ётиб, мен АҚШ сенатининг собиқ капеллани Питер Маршаллинг китобини ўқиётган эдим. Эндиғина китобни ёпиб, чироқни ўчираман деб турган эдим, китобдаги бир уйнинг ажойиб тасвирига дуч келдим. Эҳтимол, у сизнинг кўзингизни очар, худди менинг юрагимга таъсир кўрсатгандай, сизнинг юрагингизга ҳам таъсир қилас.

Баҳорда мен учун — ва ўйлайманки, бу уйда яшовчилар учун ҳам — осмоннинг кичкинагина оролчаси бўлган уйни кўриш менга насиб қилди. Ундаги ҳамма нарсалар мўъжизавий эди. Бу уйда ажойиб гўзаллик туйгуси пайдо бўларди, унда ҳукмрон бўлган муҳит беихтиёр сизни Худо ҳақида ўйлашга мажбур қиласарди.

Хона ёруғ, оппоқ, тоза ва шинам эди. Унинг бир нечта деразаси бор эди. Туваклардаги ва гулдонлардаги ранг-баранг гуллар уй муҳитига янада гўзаллик кўшиб чирой қўшиб турарди. Китоб полкаларида қатор-қатор китоблар саф тортиб турибди. Ушбу китоблар чинакам илҳом баҳш этувчи ва таълим берувчи китоблардир. Яхши китоблар эса яхши дўстлардир. Бу гўзал қадамжонинг ёғдуси ва бўёклари орасида учта сайроқи қушлар қафаси турарди. Ушбу сайроқи қушлар уй эгаларига бўлган миннатдорчиликларини шундай баланд овозда ифодалашар эди-ки, худди ҳозироқ уларнинг жажжи томоқлари йиртилиб кетадигандай туюларди.

Табиат мусиқаси, табиат гўзалиги, табиат дунёси... Менга бу уй худди осмондан ерга тушган ажойиб водий — жаннатдай бўлиб туюлди¹.

Бу тасвирнинг гўзаллигидан ташқари, мени бир фикр ҳайрон қолдириди: менинг уйим (сизнинг уйингиз ҳам) осмоннинг кичкина оролчаси, азиз оиласи ва бу муқаддас қадамжога кирадиган ҳамма учун ўзига хос жаннат бўлиши мумкин. Ўша кеча мен ўз уйимни тушимда кўрдим. Бу уйда Худо ҳақида ўйламаслик мумкин эмас эди.

Эрталаб, соатнинг жиринглаган қўнғироғи мени ҳақиқатга қайтарганда, тушим ниҳоясига етганини тушундим. Агар мен тушимни ҳақиқатга айлантиришни истасам, ҳаракат қилиш вақти келган эди. *Аммо, қандай қилиб?* Бу савол тинимсиз равишда миямда айланарди. Яна менга Худонинг Каломи ёрдамга келди. Мен ундан жавоб топдим.

Қурилиши шиши

Ҳикматларнинг 14:1-оятида биз қуидагиларни ўқиймиз: «Доно хотин ўз оиласини мустаҳкамлади...». Ўз оиласини мустаҳкамлаш учун қўлланмаларга муҳтож бўлганлигим сабабли, мен бу оятни қисмларга бўлдим ва унинг ижобий қисмини — мустаҳкамлашни ўргана бошладим. Бу ерда қўлланган ибронийча сўзнинг биринчи маъноси — «тиклаш»² демакдир. Аммо ушбу оят фақаттинга уйни бино сифатида тиклаш ва қуриш ҳақида эмас, балки шунингдек, оила мустаҳкамланиши ҳақида ҳам гапиради. Уй — фақат яшаш жойи эмас, балки унда яшовчи инсонларнинг ҳаётидир ҳам.

Бир илоҳиётчи бу оятни шундай шарҳлайди:

Иброний тилида гарчанд «бино» ва «уй» тушунчалари бир сўз орқали ифодаланса ҳам, у иккинчи маъносида кўпроқ қўлланади. Бино — доим ҳам уй бўлавермайди. Бу оят эса бинонинг қурилиши — ғишт териш ва дурадгорлик ишлари тўғрисида эмас, балки уйнинг тузилиши ҳақида — оиласининг ҳаёти, бу оила баҳти яшashi учун шинам ва қулай шароитни яратиш учун қилинадиган кундалик ишларни назарда тутади³.

Бу уйдаги ҳаётнинг сифати учун ким жавоб беради? Албатта, аёл! Айнан аёл уйдаги кайфият ва муҳитни яратади. Ҳақиқатда эса, оқила аёл ўз уйида бутун вужуди билан мақсад сари интилиб, яхши муҳит яратиши ҳақида шу ҳикмат гапиради. Бу ишлар ўз-ўзидан амалга ошишига аёл ишонмайди ва бунга умид ҳам қилмайди.

Муҳит яратиши. Шинам оилавий муҳитини яратишни уйда термостат ёрдамида керакли ҳароратни ўрнатишга қиёслаш мумкин.

Үйингизда энг яхши ҳарорат қандай бўлиши кераклигини ўзингиз хал қиласиз, шунга мос ҳолда регуляторни қўясиз. Кейин эса термостатни қўясиз, у үйингизда сиз истаган ҳароратни ушлаб туради. Агар жуда иссиқ бўлса, термостат автоматик равишда ҳароратни туширади, хонани салқинроқ қиласди. Агар ҳаво совиб кетгудек бўлса, термостат сигнални қабул қиласди ва уйни исита бошлади.

Шундай қилиб, мен ўз уйимда ана шундай термостат эканлигимни тушундим. Мен уйимдаги муҳит илик, қувончли, меҳр-муҳаббатга тўла, эзгу ва яратувчи бўлишини хоҳлайман. Шунинг учун ҳар куни эрталаб мен Худо Каломига мурожаат қиласман (биринчи ўринда — Худо эканлигини эсингиздан чиқарманг) ва менинг юрагимда ҳам Унинг юрагидаги ҳароратга мос ҳароратни белгилаш имкониятини Худодан сўраб, ибодат қиласман.

Кейин мен уйимда қулай муҳитни сақлаб қолишга ҳаракат қиласман. Агар вазият кескинлаша бошласа (ғазабли сўзлар, жаҳл чиқиши, ўзини тута билмаслик) мен уни юмшоқ («Юмшоқ жавоб ғазабни қайтаради...», Ҳикм. 15:1) ва яраштирувчи («Шу тариқа солиҳлик уруғи сепилиб, тинчликларварлар учун осойишталик барпо бўлади», Ёқуб. 3:18) сўзлар билан тинчлантиришга ҳаракат қиласман.

Худди шу сингари, агар оила аъзолари орасида бегоналashiш бошланса (совуқ юраклар, бефарқ чехралар, меҳрсиз қўллар) мен уларга юракни шод этувчи ширин сўзларни (қаранг: Ҳикм. 12:25) айтаман. Мен «Кимнинг юрагида шодлик бўлса доимо байрамлигини» (Ҳикм. 15:15), ва «Кимнинг юраги шод бўлса, чехраси очиқ бўлишини» (Ҳикм. 15:13) доимо эсдан чиқармасдим. Бу осон эмас, лекин менинг кўп сонли ибодатларимга жавобан Худо менга уйимда соғлом муҳит яратишм учун куч, донишмандлик ва керакли сўзларни беради. Сиз ҳам агар ўз үйингизда шундай муҳит яратишни бошласангиз, У сизга ҳам ёрдам беради.

Бошпана яратиш. Уй, оилавий ҳаётнинг маркази сифатида, сизнинг оила аъзоларингиз учун сиз ўйлаганингиздан кўра, кўпроқ аҳамиятга эга. Эрим менга бунинг шундай эканлигини очиқ тушунтириб берган вақтни эслайман. Эрим қаттиқ чарчаган кунларнинг бири эди. Ўшанда Жим семинария талабаси эди. У ўз вақтида машғулотларга ва битирувчи ваъзини айтиб улгуриши учун эрталаб соат бешда машина тўхташ жойига чиқиб кетган эди. У Лос-Анжелес марказидан ўтиб, ибодатхонага қайтиб келгандан сўнг, Жим бир аёлнинг илтимосига кўра, унинг эри дафни маросимини ва ибобатни тушундиганни ўйлаганингиздан кўра, кўпроқ аҳамиятга эга.

дат хизматини ўтказган. Чунки ўша куни Жим навбатчи қавмбоши эди. Жимнинг иш куни кечкурун жамоатда ўтказилган йифин билан тугади.

Жимни кутиб, эшик тепасидаги чирокни ёқдим ва ошхона ойнасидан қараб турдим. Мана, ниҳоят у эшик олдида пайдо бўлди. Эшик очилди, лекин Жим уйга шахдам қадам ташлаб кирмади. У оёғида аранг турар, йиқилгудай бўлиб, остоидан зўрға судралиб ўтди. Сўнг ҳолсизланган эрим оғир нафас олди ва зўр-базўр шундай деди: «О, Лиза, мен кун бўйи ўзимга ўзим қуйидаги сўзларни тақрор-тақрор айтдим: «Агарда мен бир амаллаб уйимга етиб олсам, ҳаммаси яхши бўлади».

«Агарда мен бир амаллаб уйимга етиб олсам, ҳаммаси яхши бўлади». Агар ҳаммамизнинг оиласиз аъзолари ер юзида унга жуда яхши бўладиган жой мавжудлигини билса, қандай яхши бўлар эди. Уйимиз биз учун сокин бандаргоҳ ва бошпана, Эдитт Шеффернинг таъкидлашича, «шифохона»⁴ бўлиши керак. Оиласизнинг ҳар бир аъзоси ўзи учун ҳимоя ва мадад оладиган шундай уйни яратиши — қанчалар олий мақсад. Президент Эйзенхауэрнинг хотинида ҳам худди шундай мақсад бўлган: аёл ўз эри учун «эри факат унинг дунёсига, оиласинг баҳтли дунёсига тааллуқли бўладиган, ҳар қандай жанжаллардан холи бўлган, мустаҳкам»⁵ уй яратмоқчи эди. Шундай бошпанани бир тасаввур қилиб кўринг-а!

Бизнинг болаларимиз, худди эрларимиз каби, хонадон яратишидаги меҳнатларимиз ҳосилидан баҳраманд бўладилар. Бир масла-ҳатчи шундай деган эди: «Хотиржам оиласивий муҳит — бола бошидан кечиришига тўғри келган кўнгилсизликларни ва таҳликани юмшатади, унга қийинчиликларни енгиб ўтишига ёрдам беради»⁶. Биз ўз уйимизни мустаҳкамлаш билан машғул бўлганимизда, бу фарзандларимизга берадиган яна бир афзалликдир.

Одамнинг болалик пайтидаги ҳаётида унинг уйи аҳамияти қанчалар муҳим бўлса, ҳаётининг сўнгида ҳам уйи шунчалар муҳимдир. Саратон касаллигининг охирги босқичини бошидан ўтказаётган Фрэнсис Шеффер Швейцариядаги севимли Лябрисини ташлаб, Америкага кўчиб боришга мажбур бўлган. Фрэнсис у ердаги малакали шифокорларнинг ёрдамига муҳтоҷ эди. Бу пайтда Шеффернинг хотини уйдаги муҳитни янада яхшилаш ва шинамликни яратиш ташвишида елиб югурди. «Сиз нега уй ҳақида шунчалик қайғуряпсиз?» деган саволга, Эдит қуйидагича жавоб берган: «Уй касал одамнинг тузалиб кетишига ёрдам беради, шунингдек, кимдир ўлаётганида, уй оила аъзоларининг бир жойда йиғилиши учун ҳам муҳимдир.

Хар қандай вазиятда ҳам қулай ва одатий уй шароити инсоннинг жисмоний, рухий ва ҳатто, маънавий ҳолатига таъсир қиласди⁷. Мана ҳақиқий эътиборга лойик қурилиш лойиҳаси: уйимизни оила учун бошпана қилиш. «Бошпана» сўзининг ўзиёқ одамнинг юраги ва қалбини хотиржам қиласди.

Барча салбий нарсаларни йўқ қилиши. «Доно хотин ўз оиласини мустаҳкамлайди...» — айнан шу сўзлар билан Ҳикматлар Китобининг 14-боби бошланади. Лекин ушбу оятнинг иккинчи қисми ҳам жуда муҳим: «...нодон хотин эса оиласини ўзи бузади». Уйни бузиш — бу синдириш, вайрон қилиш, харобага айлантириш, ёки йўқ қилиш деганидир⁸. Аёл қандай қилиб ўз оиласини бузиши мумкин? Умуман, қандай қилиб аёл бузгунчи бўлиши мумкин? Ушбу саволга менинг ўз тажрибам иккита жавоб беради.

Аввалам бор, аёл ўз ҳаракатлари билан ҳақиқий ва жиддий зарар етказиши мумкин. Масалан, ғазаб назорат остидан чиқса, нима ишлар қилиши мумкин? Газабланган одам идиш-товоқларни отади, эшикларни тарақлатади, мебелларни синдиради. У худди қоидани бузгани каби, буюмларни ҳам чилпарчин қиласди. Бундан ташқари, унга шундай бузғунчилик ҳаракатлари камдай туюлиб, у кўнгилни яралайдиган, қалбни синдирадиган ва ҳатто, одамни ўлдирадиган сўзларни ҳам айтади.

Молли Уэсли — Методик жамоат асосчиси Джон Уэслининг рафиқаси — худди шунақалардан, яъни ўз уйини, оиласини бузувчи аёл бўлган. Джон хотинига хат ёзган. Хатида у хотинига ўнта айб қўйган. Бу айблар орасида «эркак уйга бир пиёла чойга дўстларини таклиф қила олмаслиги, ўз уйида у асирга айланганлиги, эрининг ҳар бир ҳаракати учун ҳисобот талаб қилиши, унинг шкафидан нарсаларни ўғирлаши, рухсатсиз эрининг шахсий хатларини ўқиши ва хужжатларини кўриши, хизматкорлар билан гаплашганда одоблиз ифодаларни кўлаши, гийбат қилиши» бор эди⁹. Аёл ўз уйини бузишининг энг тўғри йўли — шудир!

Уйни бузишининг иккинчи йўли — бу сусткашлик: ҳеч нарса қилмасликнинг ўзи кифоя. Биз дангасалигимиз, беларволигимиз, ҳисобларни тўлашни унтишимиз, уйда узоқ вақт бўлмаслигимиз, ишни ноаниқ муддатларга чўзишимиз ва бунга ҳеч қайтмаслигимиз билан уйимиз пойdevорини аста-секин емиришимиз мумкин (бу ҳар қандай «иш» бўлиши мумкин). Сўнгра иккита сўз билан ифодалаш мумкин бўлган иборанинг мавжудлиги: «жуда кўп» — телевизорни жуда кўп кўриш, жуда кўп китоб ўқиш, магазинларни жуда кўп

айланиш, жуда күп вақтни дүйстлар билан ўтказиш, жуда күп телефонда гаплашиш ва ва жуда күп Интернетга кириш.

Сизнинг юрагингиз Худо йўлларидан юрмоқчи эканлигини мен биламан. Мана унинг учун ҳам сиз ушбу китобни ўқияпсиз. Шунинг учун ҳам сиз ўз уйингизни мустаҳкамламоқчи бўляпсиз. Ана шундай истакнинг ўзи ҳам — олдинга ташланган катта қадамдир. Оилангиз яшаётган жойни ҳақиқий уйга айлантириш — бу сизнинг юрагингиз истаги бўлиши керак.

Ҳа, аммо қандай қилиб?

Ўз яшаш жойини уйга айлантироқчи бўлган аёл бу яратувчилик жараёнини қандай қилиб амалга ошириши мумкин? Худо бизнинг оиласиз учун режалаштирган ана шундай уйни қуришда биздан фойдаланиши учун биз нима қила оламиз?

Донишмандлик яратувчи эканлигини тушунинг. Доно аёл Худо белгилаган вазифаларни бажариши кераклигини тушунади ва уйни қуриш — бу унинг ҳаётидаги энг муҳим иш эканлигини билади. Муқаддас Китоб таълимоти доно ва аҳмоқ аёл ўртасидаги қарама-қаршиликни аниқ кўрсатиб беради. Доно аёл яратувчи бўлмаган ҳар қандай кайфиятдан ёки ҳаракатдан ўзини олиб қочиб қуради. Ва ана шундай ҳаракатлар унинг донолигидан дарак беради — ўзи учунми, эри ёки болалари учун уй қуряптими, бундай қатъий назар. Энди буни изоҳлаб берай.

Қизларим катта бўлаётганларида — боғча ёшидан катта аёл бўлгунларига қадар — улар ўзларининг «кичкина уйларини», яъни хоналарини «қурдилар». Мен уйни йиғишираётганимда, Кэтрин ва Кортни ҳам ўз хоналарини тартибга солардилар. Мен чанг артардим — улар ҳам чанг артардилар. Уларнинг ҳар бирида кир нарсалар солинадиган сават бор эди. Улар ўз стулчалари устига чиқа оладиган ва кир ювиш машинасининг тугмачасини боса оладиган бўлгунларидан бўён ўз кирларини ўzlари ювардилар, нарсаларини тахлаб шкафларга қўядилар. (Кисқа изоҳ. Бугунги кунда уй ишлари менинг қизларим учун муаммо эмас. Улар бундай ишни йиллаб қилганлар. Уларнинг етарлича малакалари бор. Кортнининг ҳатто қўшимча даромади ҳам бор. У ҳам Ҳикматларнинг 31-бобидаги яхши аёл каби, бирорларнинг уйини йиғишириб оила бюджетига ўз хиссасини қўшяпти.)

Ҳаттоқи агар хонангизда кимдир яшаса ҳам, сиз яратишингиз керак бўлган ўз «уйингиз» — ўз бошпанангиз бор. Бир куни мен

тўрт қизнинг кашфиётчи онаси билан суҳбатлашдим. Қизларнинг тўрталаси ҳам бир хонада ухлашаркан. Ҳар бир қизнинг ўз кровати, ўз полкалари ва шкафда ўз кутилари бор эди. Бу нарсалардаги тартиб учун уларнинг ўzlари жавоб берардилар. Махсус ёпишириладиган қофозлар ёрдамида она хонани тўрт қисмга бўлиб берганди. Ҳар бир қиз ўз ҳудуди учун масъул эди.

Мен доимо Кортни ва Кэтринга (ўзимга ҳам) «улар уйда қандай бўлсалар, аслида ҳам шундай эканликларини» эслатиб турардим. Биз ё уйимизни тузиш, унданги яхши муҳитни ва тартибни яратиш билан, ёки ўз бузгунчилигимиз ва бепарволигимиз билан уни вайрон қилиш билан машғул бўламиз. Уйимиз, оиласиз ва чек дафтарчаларимиз (!), кийим-кечагимиз ва бошқа нарсалар ҳақида ғамхўрлик қилишимиз жуда кўп нарсадан дарак беради. Донолик яратади. Сиз-чи?

Ўз уйингизни қура бошланг. Ҳеч қачон ўз уйини қуриш ёки уни янгидан қуриш учун кеч бўлмайди. Фақат душманимиз шайтон бизни бошқача ўйлашимизни хоҳлайди. Биз ҳар қачон, ҳатто бугун ҳам бошлашимиз мумкин.

Менинг «Худога манзур аёл» гуруҳимнинг талабаси уй вазифасида шундай деб ёзиби «Мен Муқаддас Китобдан Худо Каломини ўқиган пайтимда, у мени фош қилди. Менда дарҳол ўз уйимни қуриш истаги пайдо бўлди. Менинг оиласив ҳаётимда Худо тамойилларига риоя қилиш шундай тез ва муҳим ўзгаришлар қилдикি, кеча эрим менга шундай деди: «Жуда яхши, Кэт, сен Элизабет Джоржнинг маъruzаларига бораётганингдан хурсандман».

Үйингиз ва оиласигиз билан боғлиқ бўлган ишларни «хурсандлик билан» (Ҳикм. 31:13) ва «чин дилдан» (Кол. 3:23) қилиш ҳақидаги ижобий қарорни қабул қилишдан бошланг (ёки бошлаган ишингизни давом эттиринг). Юрагингизнинг кайфияти жуда муҳим аҳамиятга эга. Яна бир қарор қабул қилишни унутманг: ўз яқинларингиз учун яратмоқчи бўлаётган ўша кичкина осмон оролчани бузадиган барча заарли одатларни дарҳол ташланг.

Ҳар куни уйингизни қуриши учун нимадир қилинг. Мен «Лос-Анджелес Таймс» газетасидан қирқиб олган «Кроватни тўғрилашнинг ўнта муҳим сабаби» номли мақолани ўқиганимдан сўнг ўз уйимни қуриш учун ҳар куни нимадир қила бошладим. Бу борада мен ўзим тузалишим кераклигини тан оламан, кўрганингиздай, ҳар куни кроватларни тўғрилаб қўя бошладим. Чунки биринчи сабаб куйидагича эди: «Модомики, кроват хонангизнинг анча қисмини эгаллаб турар

экан, агар унинг усти тартибли қилиб қўйилса, у хонанинг умумий кўриниши 80% яхшиланади»¹⁰.

Яшаш жойингизни ташқи ва ички томондан қараб чиқинг. Уйингиз бошпанага янада кўпроқ ўхшаши учун сотиб олинадиган, таъмирланадиган ва қўйиладиган нарсаларнинг рўйхатини тузинг. Кейин ҳар куни ёки хеч бўлмаганда ҳар ҳафтада шу рўйхатнинг бир пунктини бажаринг.

Эҳтимол, агар Худо сизнинг юрагингизни ўзгартирса, уйингиздаги мухитни яхшилай оладиган юрагингизнинг ҳолатига эътибор қаратмоқчидирсиз. Масалан, мен сергарлигимдан қутулиш учун ибодат кундалигим ёрдамига мурожаат қилдим. 21 кунда ёмон одатдан қутулиб, яхисига эга бўлиш мумкинлиги ҳақида ўқиб, мен: «О, мен ўз сергаплигимдан қутулишим мумкин» деб ўйладим. Бу учун менга жуда кўп вақт (ойлар!) кетганлигини қисқа қилиб айтиб ўтаман. Аммо ҳар кун ва ҳар бир ҳаракат уйимда, ердаги оиласи жаннатимда яхши ўзгаришлар содир қилди.

СИЗНИНГ ЮРАГИНГИЗ ЖАВОБИ

Муқаддас Ёзувдаги бир оят (қаранг: Ҳикм. 14:1) бизнинг бутун ҳаётимизга етадиган донолик беради: «Доно хотин ўз оиласини мустаҳкамлайди, нодон хотин эса оиласини ўзи бузади». Ўз юрагингизни ўрганинг, уйингизни текширинг. Сиз шу икки аёлдан қай бирига ўхшайсиз? Сиз кучингизни ва қувватингизни нимага қаратмоқчисизу, уларни нимага сарфлаяпсиз? Овқат қилаётганингизда ва уйингизни йиғиштираётганингизда юрагингизни кузатинг.

Яна бир марта такрорлайман: бу китоб ўз юрагини Худо йўлларига солиш ва уни Худо донолигига ўргатиш ҳақида. Худо хоҳлаган нарсани сиз ҳам хоҳлашингизни биламан. Ҳудонинг даъватига жавоб беринг, Уни тасдиқланг: «Зеро, Худованднинг каломи — ҳақиқатдир... <...> Худованднинг нияти эса боқий туради, наслдан-наслга жорий бўлади Унинг дил муроди» (Заб. 32:4, 11). Бизни яратган ва бизни ҳаммадан ҳам яхши биладиган Худо уйимизни куришимизни хоҳлайди. У бизга бу ишда ёрдам беради.



ҮЗ УЙНИИ КУЗАТАДИГАН ЮРАК

Үй ахлига у яхши қарайды...

Хикм. 31:27

Сиз масиҳий бўлган пайтларингизнинг биринчи кунларини, хафталарини ва ойларини эслай оласизми? Менинг ўша пайдаги энг ёқимсиз хотираларимдан бири — оёқларимни тагимга буқлаб ўтириб, қўлимга тушган нарсани ўқиш — ўз уйимга бепарволигим эди. Мен ўқишига жуда ўч бўлганман. Бу оддий қизиқишдан анча кучли эди. Мен китоб ўқиётган вақтларимда ҳали жуда ёш бўлган Кэтрин ва Кортни ҳеч қандай назоратсиз, уйда ўз ҳолларича юришарди.

Лекин Худога минг шукурлар бўлсин ки, Масиҳ уйимизга кириб келганида У Ўзининг ўзгартирувчилик фаолиятини амалга ошира бошлади! Мен эндиғина турмушга чиқсан уй бекалари учун Муқаддас Китобни ўрганиш машғулотларига бора бошладим. Бу машғулотлар жамоатимизда чоршанба кунлари кечқурун ўтказилар эди. У ерда Худо Каломининг қудратли ҳақиқати менинг никоҳ ҳақидаги тасаввурларимни ўзгартириб юборди. Ўша машғулотларда уйимни ва юрагимни тубдан ўзгартирган «The Happy Home Handbook»¹ китобини ўргана бошладим.

Ана шу машғулотлар пайтида мен ҳар доимги одатимга кўра оромкурси бурчагида ўтириб олиб, уй ишларини қиласдирдим. Бир дарснинг мавзуси (менинг назаримда) жуда ғалати эди: «Нега ишлаш керак?» Мана, мен эрим ва болаларимни унуглиб, меҳнат ҳақида ва нега Худо меҳнатни жуда муҳим деб ҳисоблаши ҳақида сўз кетган жойларини топиш мақсадида, Муқаддас Китобни синчиклаб

ўрганиб ўтирап эдим. Тез орада мен пушти ранг маркерни олдим ва менга Худо уй бекаси сифатида берган яна бир амрни белгиладим.

Кузатиш ва меҳнат

Бу амр Ҳикматларнинг 31-бобида ҳикоя қилинган фаросатли хотин тасвирида айтилган. 27-оятда айтилишича: »У уй аҳлига яхши қарайди, дангасалик қилмайди«. Бу сўзларни ўқиб мен кутилмаганда ўзимнинг оромкурсида ўтирадиган кунларим тугаганлигини англадим. Аммо мен шу оромкурсида яна бир охирги ишни қилишим керак эди. Мен «қарааш» сўзининг маъносини топиш учун Жимнинг бир нечта маълумотнома китобларини олдим.

Мен бу оятда ушбу сўздан худди қушлар ёки ҳайвонлар ўз болаларини ҳимоя қилиш учун уяларини ёки инларини тиканаклар билан чегараганлари каби, «атрофини ўраб қўймоқ» маъносида қўлланилаётганлигини билдим. Бу сўз қараётган одам учун жуда азиз ҳисобланмиш инсонларнинг фаол ҳимоясини, қўриқлашни ва ғамхўрлик қилишини англатади. Бундай қарааш кузатишни ва ҳимоя қилишни ифодалайди. «Ўз уй аҳлига яхши қарайдиган аёл», — бу ўзининг севикили уйига яхши қарайдиган аёлдир². Бу мен учун Худо белгилаган вазифанинг яна бир жиҳатидир. *У менга ўз уйимга ва унинг аҳлига яхши қараашини буюрганини мен тушундим.*

«Қарааш» сўзининг маъносини яхшироқ тушуниш учун ушбу сўз Забурнинг 5-боб 4-оятида қандай қўлланганини кўриб чиқайлик: «Тонг чоги овозимни эшитасан, эй Худованд, тонг чоги Сенинг олдингда ҳозир бўламан, интизорлик-ла кўз тутаман Сен томон...»*. Иброний тилида «кўз тутиш» ва «кузатиш» ҳаракатлари бир сўз билан белгиланган. Забурчи эрталаб Худовандга ибодат қиласиди. Кеинин эса Худо қачон унинг ибодатига жавоб беришини интизорлик билан кутиб, кузатувчига айланади³.

Яна «кузатмоқ» сўзи Муқаддас Китобда қилинган ибодатга Худо жавобининг биринчи белгиларида хабар бериш учун кузатиб турган одамлар ҳақида сўз борганда учрайди⁴. Пайгамбар Элишай Кормил тоғининг чўққисига чиқди, ерга эгилиб ибодат қила бошлиди. Сўнгги уч ярим йил давомида ерга бир томчи ҳам ёмғир тушмаган эди. Пайгамбар Худодан ёмғир сўраб ибодат қилди. То Элишай ибодат қилгунига қадар, унинг хизматкори уфқда булут

* Кўрсатилган оятларнинг (Ҳикм. 31:27 ва Заб. 5:4) ибронийча матнида битта сўз қўлланган. — Изоҳ ред.

пайдо бўлдими ёки йўқми — Худо пайгамбарнинг ибодатига жавоб берадиганликнинг аниқ белгисини билиш учун, денгизга югуриб бориб келарди. Элишай Худодан ёмғирни сўраб етти марта ибодат қилди, унинг хизматкори эса, то Худодан пайгамбарнинг илтижосига жавоб келмагунча, етти марта қирғоққа бориб келди (қаранг: З Шоҳ. 18:41–44). Биз Элишайнинг тиришқоқлиги ва содиклиги билан ўз уйимизни кузатиб ибодат қилишимиз керак. Элишай пайгамбар, барча унга ўхшаган пайгамбарлар каби, бутун ҳаётлари давомида ўзлари айтишган, Худо берган ваъдаларини бажарилишини кутиш ва кузатиш билан банд бўлганлар. Биз ҳам худди шундай тиришқоқлик билан ўз уйимизни яратишимиш ва у ҳақда қайғуришимиз керак. Шундагина биз Худо меҳнатининг ўз қисмини бажараётганлигини кўриб кувонамиз, Ундан ўз ибодатларимизга жавоб оламиз. Биз Унинг марҳаматларини, У амалга ошираётган ўзгаришларни кўрамиз.

Шундай қилиб, биз ўз уйимизда аниқ нимани кузатишимиш керак? Эҳтимол, сизда ҳам худди меникига ўхшаган рўйхат бўлар. Мен уйимиздаги бехавотирилкка, оила аъзоларининг соғликларига ва тозаликка қараб турадиган одамман. (Уйдан кетаётиб мен албатта музлаткичнинг устида уйда қолаётган Жим, Кортни, Кэтринларга, кечаси уй эшигини ёпиб олинглар, деб эслатиб хат қолдирман. Одатда мен уйдалигимда буни ўзим қиласман.) Кейин рўйхатимдан пул жой олган: сарф-харажатлар, кирим-чиқим, тежаш, тежагандан ҳам ҳаддан зиёд тежаш, нимадандир воз кечиш ва учма-уч қилиш.

Мен яна кийим-кечак сотиб олиш ва уни таъмирлаш ҳақида, кафолат муддатлари ва шартномалар тузиш ҳақида, таомнома тузиш ва овқат тайёрлаш тўғрисида ҳам қайғураман. Мен озиқ-овқатлар сотиб олиб, омборхона ва музлаткични тўлдиришим керак бўлганлиги сабабли ҳам ўз уйимдаги ичимликлар ва озиқ-овқатларнинг сифати, калорияси ва кўриниши ҳақида ўйлаш ҳам менинг зиммамдадир. Шунингдек, мен тақвимда белгиланган саналарни ўтказиб юбормаслик ва керак бўладиган эҳтиёжларни кўра билиш учун уни кузатиб тураман. Шу билан мен бир қаторда ўз оиласини қанчалар вижданан кузатганига бир мисол. Кунларнинг бирида эр ўз

XVIII асрдаги воиз Джонатан Эдвардснинг хотини уйининг назоратчиси ҳам эди. У барча ишда хотинига суянарди, унга тўла ишонарди. Мана Джонатаннинг хотини ўз оиласини қанчалар вижданан кузатганига бир мисол. Кунларнинг бирида эр ўз

машғулотларини тўхтатиб, хотини Сорадан шундай деб сўради: «Пичан ғамлаш вақти етмадимикан?» Сора оила ва уйни бошқараётганлиги, меҳнат қилаётганлиги ва ўзи учун азиз бўлган нарсалар ҳақида қайгураётганлиги сабабли у: «Пичанни ғамлаб қўйганимга икки ҳафта бўлди. Уни омборга босиб қўйганман», — деб жавоб берди.

Агар сиз уйингиз ва оиласигиз ҳаётини бошқариб борсангиз, сиз оила аъзоларингиз учун қанчалар марҳамат кўрсатган бўласиз. Ўз эрига яхши ёрдамчи бўлишнинг қандай ажойиб имконияти сизнинг олдингизда очилади. Эрингиз бирон иш ҳақида ўйлашга улгурмайди, сиз аллақачон бу ишни дўндириб қўйган бўласиз!

Ҳа, аммо қандай қилиб?

Худо бизда ўз уйимизни бошқара олишга қодир юракни шакллантира бошлаши учун биз Унинг олдида шундай вазиятни қандай эгаллашимиз мумкин? Худо сизда шундай юракни яратса бошлаши учун сиз қўйишингиз керак бўлган бир нечта қадамлар мана буладир.

1-қадам: Ҳудонинг йўзи бизга уйимизга яхши қарашимизни ва эримизга ёрдамчи бўлишишимизни буюрганини тушунинг. Ҳикматларнинг 31-боб 10–31-оятларида айтилганидек, Худо кўнглидаги аёл — у турмушга чиққанми ёки йўқми, бундан қатъий назар, уй аҳлига яхши қарайди, дангасалик қилмайди (қаранг: Ҳикм. 31:27). Бу буйруқлар онадан, эрдан ёки гурух муаллимидан эмас, балки Худодан эканлигини англаб, ўзим эҳтиёж сезган ҳақиқатдан ҳайрон бўлдим. Уйдаги тартиб-интизомни бошқариш ва уй аҳлига яхши муносабатда бўлиш нималарни ўз ичига олишини билганимда, зиммамга Худо қўйган жуда катта жавобгарликдан лол қолган эдим.

Бундан ташқари, Худо мени (сизни ҳам) «фаросатли хотин» бўлишга чорлайди (қаранг: Ҳикм. 31:10). Шунда у уйдаги вазифамга яна битта талаб қўяди. «Фаросатли» сўзи иродада кучини ва ахлоқий мукаммалликни ҳам кўзда тутади. Лекин бу сўзнинг иккинчи маъноси жисмоний куч, жисмоний қобилияtlар ҳақида сўзлайди. Ҳикматларнинг 31-бобида фазилатли аёл ҳақида гап кетганда, бу сўзнинг иккала маъноси ҳам кўзда тутилади. Бу таъриф бизга аёлнинг жисмоний кучи билан бир қаторда — унинг меҳнатсеварлигини, чаққонлигини, эпчиллигини, аёл ўз уй аҳлига яхши қарашини, дан-

гасалик қымаслигини, ирода кучини ва ажойиб ахлоқий хусусиятларини ҳам очиб беради.

Бундай ажойиб аёлни бутун улуғворлиги билан қабул қилиб, мен унинг фазилатларидағи ахлоқий томонларга катта эътибор берганимни, жисмоний фазилатларнинг аҳамиятини эса пасайтирганимни тушундим. Биз ўз уйимизга яхши қарашибиздаги меҳнат — бу Худо бизни фаросатли хотинлар қилаётганда амалга оширадиган режаларининг бир қисмидир. Агар биз ана шуни яхши тушуниб олсак, тўғри йўлдан борамиз.

2-қадам: Ўз уй аҳлингизга (дангасалик қымасдан) яхши қарашини бошланг. «Кузатмоқ» сўзининг маъносини аниқлаб олгач, мен жуда бўлмагандан, ўз уйимга яхши қараб туриши кераклигини тушундим. Менинг барча ҳаракатларим Ҳикматларнинг 31-бобида айтилганлар билан солиширилганда, ҳеч нима эмас экан! Шунинг учун мен аниқ ва қийин қарор қабул қилдим: ўз уй аҳлимга яхши қарааш ва дангасалик қымаслик.

Мен кейинроқ сизга вақтни бошқаришнинг бир қанча фойдали тамойиллари ҳақида айтиб бераман. Ҳозир эса фақат *бир нарса* — ҳар соат ва бутун ҳаётимнинг ҳар бир дақиқасида амал қиладиган нарса ҳақида айтиб бермоқчиман. «Ҳар бир меҳнатдан фойда бор...» (Ҳикм. 14:23). Доноликнинг бу заррачаси менга ўз уйимни яхшироқ бошқаришимга ва дангасалик қымаслигимга ёрдам беради. Мана, қандай қилиб мен бу тамойилни ҳаёта татбиқ қила бошладим.

Бутун кун давомида мен ўзимга ўзим шундай дейман: «Лиза, ҳар бир меҳнатдан фойда бор. Ишларни — «А иш», «Б иш» ёки «В иш» деб чиройли бойламларга тахлаб қўйиш, албатта, ажойиб. Шунинг учун мен кун бўйи ҳаракат киламан. Менда ишлар рўйхати ва кун тартиби бор (унда қисқа дам олиш ва уйқу учун вақт ажратилган). Мен Муқаддас Китобни ўқиши ва ибодат учун белгиланган вақтни айтмагандан, куни бўйи ҳаракат киламан (Худо билан бизнинг мулоқотимиз биринчи ўринда туриши керак).

Кейинчалик қизларим мен курашган нарсалар билан курашмасликлари учун, улар ҳали кичкиналиклариданоқ мен бу тамойилларни қизларимга сингдира бошладим. Масалан, улар то у ёки бу ишни килмагунларича телевизор кўришга ўтирасидилар. Агар улар телевизор кўраётган бўлсалар, шу пайтда дафтарларини тартибга келтирадилар, дарсликларини ўрадилар, шкаф қутисидаги нарсаларини тахлаб қўярдилар, шоколадли печенье тайёрлардилар, тирноқларини бўярдилар. Шундай қилиб, улар телевизор кўраётган-

ларида ҳам бирор бир иш билан машғул бўлардилар. Чунки ҳар бир меҳнатдан фойда бор.

Улар телевизор олдида ўз ишлари билан машғул бўлганларида, мен ҳам ўз ишларим билан шугууланаар эдим. Одатда, мен рецептларни кўриб чиқардим, кейинги ҳафта таомномасини тузардим, мақолалар ўқирдим, газетадан купонлар қирқиб олардим, журналларни варақлардим, баъзида, мен ҳам тирноқларимни бўярдим.

Ана шундай тарбиянинг натижаларидан бири шу бўлдики, ҳеч қайсимиз телевизорга боғланиб қолмасдик. Биз телевизорни кўришимиз ҳам, кўрмаслигимиз ҳам мумкин эди. Биз унинг олдида кўл қовуштириб, тамомила ундаги кўрсатувларга боғланиб ўтира олмасдик. Яъни, биз дангасалик қилмасдик. Телевизор биз учун мазали эмасди. Биз кўп ишларни бажариш учун қандай улгуриш кераклигини билардик.

Ушбу намуна кўрсатганидек, Ўз тамойиллари ёрдамида Худо менинг муаммоларимни — тартибсизлигим ва ношуслигимни ҳал қилди. Мен 180 градусга ўзгаришим керак эди. Аммо мен (умид қиласманки, менинг қизларим ҳам) Муқаддас Китобдан топилган амрлар туфайли тўғри йўлга тушдик. Худо Каломи менинг юрагимни Ўзининг иродаси ва йўлларига мос қилиб, менга ёрдам берди. Худо содиқdir, У сиз учун ҳам худди шундай қилади.

З-қадам: Бекорчиликни ташланг. Жим менга берган «вақт ўғрилари» рўйхатини қаердан топганини билмайману, лекин мен уни сизга ҳам таклиф қилмоқчиман. Ўз қимматли вақтингиздан тўғри фойдаланиши, шу вақтда ўз оиласигизни бошқариш учун вақт «ўғриларини» шу рўйхатдан ўқиб билинг, вақтингизни қайтариб олинг. Асосий «вақт ўғрилари» қуйидагилардир:

- Ҳаяллаш.
- Шахсий вақтни нотўғри режалаштириш.
- Ўзга одамларнинг тўсатдан аралашуви билан қилинган танаффуслар. (Бунга телефондаги суҳбатлар ҳам киради. Ва илтимос, бу болаларга тааллуқли эмаслигини унутманглар. Фарзандлар — сиз ўз вақтингизни сарфлашингиз мумкин бўлган энг асосий ва энг эзгу ишингиздир.)
- Топшириқларни бера олмаслик.
- Кераксиз нарсаларни ўқиши.
- Вақтни нотўғри бошқариш.
- Энг муҳим нарсалардан нотўғри фойдаланиши.

Сиз янада сергакроқ ва ўз уйингизнинг энг яхши қоровули бў-
лиш учун қандай вақт «ўғриларини» тутасиз?

СИЗНИНГ ЮРАГИНГИЗ ЖАВОБИ

Эй азиз синглим, дугонам! Биз Худодан юрагимизга ва севим-ли оиламизга тааллуқли Унинг мақсадини кўра олиш қобилиятини сўрашимиз керак. Бу оиламизда бўлиб ўтадиган барча воқеалар У учун қанчалар муҳим эканлигини тушуниш учун керак. Афсуски, Худо бизнинг бошпанамизни чиройли ва оқилона тузилганлигини кўриш ҳақидаги истакларига улар жуда кам жавоб берга олади.

Сиз ўз оиласи ҳаётингизда Худо орзусини кўрятпизми? Ўзи-нгиз тайёрлаган ҳар бир таомнинг, тозаланган гиламчанинг, ҳар бир артилган полканинг, ювилган полнинг, ювилган, дазмолланган ва тартиб билан тахланган нарсанинг қадрига етасизми? Ўз оиласи ғизни бошқариш ва уйингизда меҳнат қилишингиз учун бирон нарсадан воз кечишига тайёрмисиз?

Сиз уй деб аталадиган қадрли жойга қандай муносабатда экан-лигинизни текшириб кўринг. Сиз олдин ибодат қилиб, сўнгра Худо жавобини кутасизми? Менинг дугонам Джинжер яқинда ўз оиласи учун ибодат қила бошлади. Кулоқ солинг-а, у нима деб ҳикоя қи-лади: «Мен ҳар куни эрталаб ўз уйимни айланиб чиқаман, ҳар бир хона учун ибодат қиласман. Ошхона учун ибодат қиласман, токи у ерда қиладиган ишларим оиласи менинг муҳаббатимни кўрсатсан. (Менинг барча рецепсларим синалган ва уларнинг ҳар бирига Руҳ самараси — бир чимдим севги, бир ҳовуч чидам ва (бошқалар) қў-шилган.) Мен ҳар бир хона учун ибодат қиласман, токи у Худо сев-гисига тўлсин ва Унинг ҳимояси остида бўлсин. Шундай қилиб, мен ўзимда уй ишларига янгича қарашни шакллантиридим. Бу энди иш ҳисобланмайди. Ҳозир эса мен ванна хонани тозалаётганимда ҳам, қўшиқ айта оламан!»

Худодан, менинг юрагимда операция ўтказгин, деб сўранг: уни Ўз истакларига тўлғазиш, шунингдек, куч ва интилиш билан ушбу истакларни бажариш.



ТАРТИБСИЗЛИКДАН ТАРТИБ ЯРАТАДИГАН ЮРАК

*Шу сабабдан ёш туллар... рўзгорни
бошқаришиларини истайман...*

1 Тим. 5:14

Мен бир неча марта вақтни ташкил қилиш ва уни бошқариш ҳақида эшитганман. Аммо ҳеч қачон бу муаммога жиддий эътибор бермаганман. Мен супермаркетда кассага навбатда турганимда, журналларни варақлайман: албатта бу мақолалар менга вақтни бошқариш муаммосини ечишни ваъда беради. Ўқишни жуда яхши кўрганим учун мен кўп вақтимни китоб дўконларида ўтказаман. Китоб дўконларидан вақтни ташкил қилиш ва бошқариш муаммоларига бағишланган жуда кўп китобларни топаман. Аммо узоқ вақт давомида мени бу муаммо умуман қизиқтирмасди.

Масъулият ва тобелик

Охир-оқибатда бу муаммо билан шуғулланишимга нима сабаб бўлди? На журналдаги мақолалар, эримнинг илтимослари, балки факат Худо Каломи сабаб бўлди! Муқаддас Китобни ўқишида давом қилиб, менга аёл сифатида тааллуқли жойларини пушти ранг маркер билан белгилаб, ўзимнинг тартибсизлигимни кўрсатадиган оятни учратдим. Мен ўқиётганимда, «бошқариш» сўзига эътибор қаратмасдан иложим йўқ эди. «Шу сабабдан ёш туллар ... рўзгор бошқаришини истайман...» (1 Тим. 5:14). Бошқа таржимада биз қуйидагиларни ўқиимиз: «...уйларини кузатсинлар ва ўз уйларида бека бўлсинлар»¹. Ҳар иккала ҳолатда ҳам амр аниқ эди.

Павлусни шундай кўрсатма беришга ундаған сабаб ҳам аниқ: Тимотий хизмат қилган жамоатда ёш тул хотинлар «уйма-уй кезиб, саёқ юришни ҳам ўрганадилар. Ва саёқ юрибгина қолмасдан, гап сотиб, бошқаларнинг ишига аралашиб, лозим бўлмаган нарсаларни гапирадилар» (1 Тим. 5:13). Уларнинг эркин ва нотўғри хулқи шунга олиб келдики, жамоатга ҳеч қандай алокалари йўқ кишилар масиҳийликни гийбат қила бошладилар (қаранг: 14-оят). Эҳтимол, бошқариш керак бўлган уйнинг борлиги бу аёлларнинг ҳаётига ижобий таъсир қиласи, ҳеч бўлмаганда, ана шундай нолойик хулқларига барҳам беради.

Худо менга мурожаат қилди! Мен ғирт бекорчи эдим. Бундан ташқари, ушбу парчада эслатилган бошқа нуқсонларда ҳам айборд эдим. Демак, мен ҳаракат қилишни бошлашим, ҳаётимни ўзгартиришим керак эди. Аммо бошида тўғри йўлдан бораётганимга ишонч ҳосил қилиш учун мен «бошқармоқ» сўзининг маъносини аниқлаб олишга қарор қилдим.

«Уйни бошқариш» оила билан машгул бўлишни, уни бошқаришни, шунингдек, хўжаликни бошқаришни билдиради. Уйни бошқарадиган одам уйнинг хўжайини, уй бошқарувчиси ҳам бўлади². Аммо бундай бошқарув тобеликни кўзда тутади: хизматкорлар ва уй бошқарувчилар ўз ишлари ҳақида шундай ҳисобот берадилар. Ўз уйини бошқараётган аёл уйнинг бошлиги эмас (агар аёл турмушга чиққан бўлса, уйнинг бошлиги эр ҳисобланади, агар турмушга чиқмаган бўлса, Худо бошлиқ). Аёл факат уй бекаси, уй бошқарувчисидир.

Исо ҳикоя қилган ҳизматларнинг кўпчилиги бизни бошқарувнинг ана шундай кўриниши билан таништиради. Худо Шоҳлиги ҳақида сўзлаб берувчи бундай ҳикояларда Исо одатда бизга уйни ташлаб кетмоқчи бўлиб, ишни ва мулкни хизматкорларга, бошқарувчига омонатга топширган бир одамни тасвирлайди. Улардан энг машҳури — бу қобилият ҳақидаги масалдир (қаранг: Мат. 25:14–30). Анча вақтдан сўнг бояги хизматкорларнинг хўжайини қайтиб келиб, улардан ҳисобот сўрабди. Хизматкорларга топширилган омонат пулни улар қандай қилиб бошқардилар?

Биз англадикми ёки йўқми, масал уйимизда нима қилишимиз ҳақида ҳикоя қиласи. Бизнинг вазифамиз Худо берган нарсаларни — эримизнинг ва ўзимизнинг ҳаракатларимиз орқали берган нарсаларни ҳар куни бошқаришдир. У эса биздан ҳисобот талаб қиласи. Агар Унга бошқарувчи сифатида виждан билан хизмат қилсан, биз қанчалар марҳаматлар оламиз! Агар ўз уйимизни етарли тарзда

бошқарсак, ўз оиласиз учун қандай марҳамат қилган бўламиз! Мартин Лютер шундай деб ёзган: «Энг катта марҳамат... бу бирон бир ишни ишониб топшира оладиган хотининг бўлишидир»³. Мана, уйни бошқариш нимани билдиради!

Ҳа, аммо қандай қилиб?

Худо нимани хоҳласа шуни хоҳлайдиган аёл, тартибсизликлардан тартиб ўрнатишга интиладиган аёл, Худо кўнглидаги аёл ўз уйини қандай бошқариши керак? Мен қандай қилиб ўз уйимни бошқара бошлаганим ҳақида айтиб берайди.

Биринчиси: уйни бошқариши — бу Худо биз учун тайёрлаган ўша энг яхши нарса эканлигини тушуниш. Худо биздан уйни бошқариш сизга ёқадими ёки йўқми деб сўрамайди (гарчанд вақт ўтган сайин биз муваффақиятлироқ бошқарувнинг янада мўлроқ самарасини татиган пайтимизда, бу ишга муҳаббат уйғонса ҳам). Шунингдек, У биздан уйимизни бошқаришни хоҳлаймизми ёки йўқми — буни ҳам сўраб ўтирумайди. У бизни бу ишни бажаришга даъват этади, холос. Уйни бошқариш Унинг режаларига киради. Бу — Унинг йўли. Бу — Унинг яхши, манзур, комил ва мукаммал иродасидир (қаранг: Рим. 12:2). Бу — У биздан кутаётган ўша «энг яхши» нарса. (Бизга қарор қабул қилишга ёрдам берадиган ифода эсингиздами? «Яхши, яхшироқ, олий. То сизнинг яхшингиз яхшироқ бўлмагунча, яхшироғингиз олийга айланмагунча ҳеч қачон тўхтаманг».) Уйни бошқаришни танлаб, сиз олийсини танлаган бўласиз.

Иккинчиси: уйни бошқариши масаласига жуда жиiddий муносабатда бўлишига қарор қилиши. Нима учун? Чунки Худо уйни бошқаришдан жамоатдаги хизматга тайёргарлик учун машғулот майдони сифатида фойдаланади. Биз ўзимизнинг Худо билан ўзаро муносабатларимизни қанчалар яхши ривожлантиришимиз, болаларимизни ва эримизни қанчалар садоқат билан севишимиз, ўз уйимизни қанчалар яхши бошқаришимиз — бизга топширилган хизматни қанчалар яхши бажаришимизни кўрсатади. Биз уйда қандай бўлсак, аслида ҳам шундаймиз!

Агар, масалан, мен уйимдаги мажбуриятларимни ёмон бажарсам, жамоатда ҳам шундай ёмон хизмат қиласман. Агар уйда мен энг қисқа йўлни танласам, жамоатда ҳам худди шундай йўл тутаман. Агар мен уй ишларига лоқайд бўлсам, мен жамоатда ҳам худди

шундай бепарво бўламан. Ана шундай одатлар ҳаёт мазмунига айланниб қолади.

Аммо шунингдек, бунинг акси ҳам ҳақиқатdir: агар мен уйда тартибли бўлсам, унда албатта жамоат хизматида ҳам тартибли бўламан. Агар мен яхши уй бошқарувчиси бўлсам, унда уйдан ташқаридағи хизматда ҳам яхши бошқарувчи бўла оламан. Исо шундай деган: «Кичик ишда садоқатли бўлган буюк ишда ҳам садоқатлидири. Кичик ишда садоқатсиз бўлган буюк ишда ҳам садоқатсиздири» (Лк. 16:10)

Мен уйимдаги тартибсизликларни қолдирган ҳолда, хизматни ўташ учун жамоатга бора олмаслигимни тушундим. Худо менинг зиммамга ўз уйимни бошқариш мажбуриятини юклаганини, хизматнинг бу биринчи босқичидан мени хизматнинг бошқа турлариға тайёрлаш учун фойдаланишини тушундим. Уйда Каломдан топаётган Худо амрларига мувофиқ яшашга ҳаракат қилиб, мен содиқликка эришаман, Унинг амрларига аниқ риоя қилишга ўрганаман. Уйда мен садоқатли уй курувчисига айланаман (қаранг: 1 Кор. 4:2).

Ўз уйимда садоқатли бошқарувчи бўлиб, мен уйимдан ташқарида ҳам хизмат қила оламан. Уйда ҳамма ишлар жойида. Ҳаммаси назорат остида. Мен ўз яқинларимнинг ташвишини қилдим. Уйни бошқариш бўйича менинг мажбуриятларим бажарилди.

Энди изоҳлаб берай: мен болаларимнинг катта бўлишларини ва қўлимиз қаҷон бўшашини кутиб уйда ўтказилган беҳуда йиллар, ўн йилликлар ҳақида гапирмаяпман. Бундай қарор бизнинг фарзандларимизни Масих Танасининг, Унинг Жамоатининг аъзолари бўлишга ўргатмайди. Лекин агар биз ўз уйимизни унумли бошқарсак (бу ҳақда сиз китобнинг якунловчи қисмида ўқийсиз), унда жамоат хизматида бизнинг кимдир бўлиб қатнашишимизга вақт топилади.

Уйимни бошқаришга ва буни ҳар куни қилишга менга режа ёрдам беради. Муайян бир соатда мен уй ишлари режасини тузиб оламан. Бунда мен доимо болаларим ва эрим билан мулокот қилиш учун вақтни ҳам инобатга оламан. Мен жамоатда ўзим хоҳлаганимдек хизматнинг барча турларида хизмат қила олмасам-да, аммо мен доимо ибодатхонада нимадир қиласман. Тартибсизликдан биз энг муҳимини ажратиб олганимизда, тартиб пайдо бўлади.

Учинчи: худди сиз уйингизнинг ҳолати ва сарфланган вақтингиз из учун жавоб бершишингиз керакдай яшаш, чунки ҳақиқатдан ҳам жавоб бершига тўғри келади. Эрингиз (ёки бошқа бирор) эшикдан

кириб келиб, яшаш жойингизга кўз ташласа, у Худонинг уйни бошқариш ҳақидаги чақириғига жавобан нима иш қилганингизни кўради. Сизнинг уйингизга кириб одамлар нимани кўришади? Тартибними ёки тартибсизликними? Хотиржамликними ёки хавотирними? Саройними ёки молхонаними? Ихчамлик белгисиними ёки шалвиралаганлик белгилариними?

Шундай қилиб, бир дақиқага сиз меҳмонхона номерига кирганингизда нималарни ҳис этишингизни тасаввур қилинг. Сиз у ерда нимани кўрасиз? Тартиб. Тозалик. Сокинлик. Гилам устида ҳали чантютикч изларини кўриш мумкин. Кроватнинг усти бежирим қилиб текисланган (эсингиздами, у хонанинг кўринадиган қисмининг 80% ини эгаллайди). Туалет қоғозининг очиқ томони учбурчак шаклида букланган. На телевизор, на магнитофонлар бақирган. Ҳамма жойда тартиб-интизом хукм суряпти. Кимdir ўз ишини жуда яхши бажариди, унинг ҳаракатлари туфайли хона қадамжога айланибди.

Бугун тушлиқда биз Жим билан худди ана шундай хона учун пул тўладик. Биз олти кун меҳмонхонада яшадик, чунки Жим Лос-Аламитосдаги армия штабига беш ойлик ҳарбий хизматни ўташ учун чақирилган эди. (Мен бу сатрларни ёзаётганимда Жим ҳарбий самолётда Форт-Беннингга (Джорджиния штати), кейин эса Вюрцбург (Германия)га учайтган бўлади. Джим жамоат хизматчиси, аммо коллеждаги ўқиши пайтида у АҚШ резерв армиясига зобит бўлиб тайинланган эди. Ўттиз йил ичида унинг қисми биринчи марта шаклланётган ва кенгайтирилаётган эди.) Нима бўлганда ҳам Лос-Аламитос бизнинг уйимиздан жуда узоқ масофада жойлашган бўлиб, Жим олти кун ичида у ёқقا бориб, қайтиб кела олмасди. Шунинг учун биз меҳмонхонада тўхтадик. Меҳмонхонада яшаган вақтимиз мобайнида, гарчанд бизнинг оиласиз учун бу вақт фоят тартибсизлик вақти бўлган бўлса-да, барибир, мени тартиб-интизом туйғуси тарқ этмади.

Бугун, биз меҳмонхонада яшаган кунларимиз ҳақини тўлаётганимизда, меҳмонхона хизматчиси менга саволномани тўлдиришни ва яшаш шароити ва меҳмонхона хизмати сифатини баҳолашни таклиф қилди. Мен саволноманинг барча бўлимлари бўйича юқори баҳо беришимдан хурсанд эдим. Бизга яхши хизмат кўрсатиши. Меҳмонхона хизматчилари хонани йиғиштириш ва таомнома бўйича бизнинг барча илтимосларимизни бажарди. Ҳатто бизга овқатланиш учун 30% арzonлаштирилган нарх белгиланди. Ушбу саволномани тўлдириб мен ўйланиб қолдим: қизиқ, Худо ва оиласиз менинг

мәхнатимни, менинг пазандалигимни, менинг бошқарувимни қандай баҳолар эканлар? Мен бир неча йиллар давомида эгаллаган бошқарув саңыатини ўзлаштириб, Худо марҳамати билан ўз уйимни яхшироқ бошқара бошладим. Худонинг йўллари — тўғри йўллар!

Қандай қилиб вақтдан тўғри фойдаланиш керак

Жим семинария талабаси бўлган вақтида мен ҳар чоршанбада талабалар шаҳарчасига борарадим, бутун вақтимни кутубхонада ўтказардим. Мен у ерда вақтимни қандай сарфлаш ҳақидаги бир бўлимни топдим. Кутубхонадаги барча китобларни ўқиб чиқдим, конспект қилиб олдим. Мана энди мен сизга вақтни тўғри сафрлашнинг ўн иккита тамойили тўғрисида айтиб ўтмоқчиман. Шу ўн иккита тамойил менинг уйимда жуда катта ўзгаришлар содир қилди, чунки ушбу тамойиллар менга тартибсизликлар орасидаги тартибни кўришга ёрдам берди.

1. *Батафсил режса тузинг.* Режа тузишни ва унга ҳамма нарсани киритишини бошланг. Мен шуни сездим: биз қанчалик ишимизни пухта режалаштирасак, шунчалик яхши қиласиз, кўпроқ улгурамиз. Бундан ташқари, режангиз қанчалик батафсил бўлса, шунчалик яхши. Кунига иккита режа тузишга ҳаракат қилинг — биринчиси эрталаб, иккинчиси кечқурун (бу ҳақда янада батафсилроқ 22-бобда билиб оласиз).

2. *Бир кунга режса тузинг.* Худо биздан талаб қиласиган нарса — бугунги куннинг, фақат бугунги куннинг ташвишини қилишдир. Исо шундай деган: «Бинобарин, эртанги кун ҳақида ташвиш тортманглар. Эртанинг ташвиши эртанинг ўзига тегишлидир. Ҳар бир куннинг дарди ўзига етар» (Мат. 6:34). Худо яна шундай дейди: «Худованднинг яратган кунидир бу, ундан шод бўлиб севи-найлик!» (Заб. 118:24, курсив менини. — Э. Дж.). Авлиё Августин Забурнинг 89:12-оятини ўзгартириб, шундай деган: «Ҳар кунингизни, худди охирги кунингиздай сананг».

Ҳар бир кун ўзича муҳим:

- Сен бугунги кунда қандай бўлсанг, эртага ҳам худди шундай бўласан.
- Сен қандай бўлган бўлсанг, бугун ҳам шундайсан.

- Ҳар куни — бу кичик ҳаёт, бизнинг бутун ҳаётимиз — бу жуда кўп марта тақорорланган кундир, холос.

3. *Ҳар бир дақиқанинг қадрига етинг.* Сизга ҳар бир уй ишини бажариш учун қанча вақт кетишини аниқланг. Сиз бу ишга икки дақиқа ёки йигирма дақиқа сарфлайсизми? Энди ўйлаб кўринг-чи: бу вақтдан кўпроқ фойдаланишнинг иложи йўқмикан? Бу ишга неча дақиқа сарфласа бўлади? Сиз ўз вақтингизни фойдали ёки фойда-сиз ўтказишингиз уни нимага сарфлашингизга боғлиқдир.

4. *Тўхтаманг.* Инерция қонунини эсланг: «Хотиржамлик ҳолатидаги жисм (инсон танаси ёки ҳар қандай бошқа жисм) тинчлик ҳолатини сақлашга интилади. Ҳаракат ҳолатидаги жисм эса ҳаракатни давом қилдиришга интилади». Физиканинг бу қонунидан фойдаланинг. Ўзингизга: «Яна бир марта... яна фақат беш дақиқа» деб айтинг. Ҳаракат қилинг, шундай қилиб, сиз ўз иш рўйхатингиздаги ҳамма ишларни ўчира оласиз.

5. *Кундан-кунга тақорорланадиган кун тартибини ишлаб чиқинг.* Мутахассислар буни «горизонтал» режалаштириш деб аташади. «Бир хил ишни ҳар куни бир вақтда бажаришга ҳаракат қилинг. Бу сизнинг кучингизни тежайди, сизга янги куч беради. Сиз ўйлаб ўтиришга вақт ва куч сарфламайсиз. Сиз ҳар кунги одатий ишларни беихтиёр қилаверасиз: телефонда қўнгироқ қилиш, таомнома тузиш, газета ўқиш, бир муайян вақтда машғулотга ёки мажлисга бориш. Бу сизга одат қилинганлиги сабабли янги куч беради»⁴. Ана шу ўзгармас тартибга иложи борича кўпроқ иш киритишига ҳаракат қилинг.

6. *Жисмоний тарбия ва парҳез.* Изланишлар шуну кўрсатадики, жисмоний машқлар моддалар алмашувини яхшилайди, организмга қувват беради, уйқуни яхшилайди ва инсон кайфиятига ижобий таъсир қилувчи хузур-халоват гармонларини ишлаб чиқаради, шодлик ва ҳаётга муҳаббат туйгуларини пайдо қиласди. Шунингдек, «парҳез» сўзидан ҳам қўрқманг. У фақат «ҳаёт тарзи»ни билдиради, холос. Шундай қилиб, Худо сиз учун белгилаган ишларни бажариш учун зарур бўлган куч ва соғлиқ билан ана шундай «ҳаёт тарзини» ишлаб чиқинг. Булар ҳаётингизни таъминлайди.

7. *Ўзингиздан сўранг:* буни икки марта тезроқ қилиши мўмкинмикан? «Агар менинг ҳаётим бу топшириқни режалаштирганимдан

икки марта тезроқ қилишимга боғлиқ бўлганда, мен нима қилардим?» Сўнг ана шуни қилаверинг.

8. *Вақтни ўлчайдиган асбоб — таймердан фойдаланинг.* Қандай иш билан шуғулланманг, барибир, таймердан фойдаланинг! (Мен ундан ҳозир ҳам фойдаланаман, унинг чиқиллаши мени тўхтамасликка ундаиди.) Паркинсон қонунида «Иш ўзи учун ажратилган вақтнинг ҳаммасини эгаллашга интилади», деб айтилган. Таймер сизга шу вақтни қисқартиришга ёрдам беради. Ундан ташқари, у сизнинг ҳаётингиздаги ўтиб кетаётган дақиқаларни чиқиллаб эслатиб турганини эшигтгач, сизда олдинга ҳаракат қилиш истаги пайдо бўлади.

9. *Энг ёқимсиз ишни биринчи навбатда қилинг.* Сиз бугунга энг ёқмайдиган қандай ишни режалаштиргансиз? Уни бажаринг, бу ишни бажарганингиздан кейин, кун бўйи кайфиятингиз бузилмайди. Ишни бошлишда сизга ёрдам берадиган таймердан фойдаланинг. Бу ишни тутатганингиз заҳотиёқ кайфиятингиз яхшиланади ва сизда қолган ишлар учун кўпроқ куч пайдо бўлади.

10. *Хар куни вақтни тўғри сарфлаш ҳақидаги адабиётларни ўқинг.* Бор-йўғи бир кунда беш дақиқа ана шундай адабиётларни ўқиш сизни илҳомлантиради. Агар сизнинг яхшироқ китобингиз бўлмаса, унда мана шу ўн иккита маслаҳатни ўқишдан бошланг.

11. *«Йўқ» деб айтинг.* Ўз режангизни тузинг. Майли бу «А» режаси бўлсин. Кейин бошқа нарсага чалғимасдан шу режага риоя қилинг. «В» режасига фақат агар Худо сизни ундасагина, ўтинг.

12. *Бундан олдинги қунгни кечқурун бошланг.* Олдинги кун кечқурун нима қилиш мумкинлигини текширинг.

Кейинги кунни режалаштириш.

Кейинги кунга таомнома тузиш.

Кейинги кунга кийим танлаш ва уни тайёрлаш.

Ошхонани тартибга келтириш.

Кир ювиш машинасига кирларни солиш.

Стол безаш.

Уйни тартибга келтириш.

Гүштни музлаткичдан чиқариш.
 Ювилган нарсаларни жойлаштириш.
 Кейинги кун ўзингиз билан олишингиз керак бўлган нарсаларни
 эшик ёнига қўйиш.

Бу майда-чуйда ишлар яхши натижа беради. Мен яна улар худди
 кор бўллагига ўхшашини сездим: бошласангиз бўлди, сизда яна
 нимадир қилиш истаги бўлаверади.

СИЗНИНГ ЮРАГИНГИЗ ЖАВОБИ

Бу мавзууни тугатишдан олдин ҳар қандай уйнинг юрагига, жумладан, сизнинг юрагингизга назар ташлайлик. Сиз ўз уйингизга ва унда яшайдиган уй аҳлига қандай муносабатдасиз? Сизнинг юрагингиз Худо юрагига мувофиқми? Сиз ўз уйингизни Худо хоҳлаганидай бошқаришни истайсизми? Сиз ўзингиз Худо кўнглидагидай уй бошқарувчиси бўлишни хоҳлайсизми? Уй юмушларини қилиш, хулқни яхшилашни... уйни бошқариш сиз билан яшайдиганларнинг ҳаётини яхшилашини... яхши ташкиллаштирилган уй Худога ва Унинг халқига яхши хизмат қилишига ёрдам беришини эътироф этасизми? Уйингизни яхшироқ бошқаришда Худодан ёрдам сўранг, аста-секин, аммо тўғри шахдам қадамлар билан олдинга интилинг!



ҮЗ УЙИ УЧУН ЖОН КҮЙДИРАДИГАН ЮРАК

...Ёш хотинларга ...рўзгорга жонқуяр
бўлишиларига таълим-тарбия берсинглар...

Тит. 2:4–5

Худо бизга, масиҳий аёлларга марҳаматланган топшириқ берди: ўз уйини гўзал қилиб, у ҳақда ғамхўрлик қилиш. Ўтмишдаги бир имонли ёзувчи аёл хотинларнинг олийжаноб вазифасини қуидагича таърифлайди: «уй бекаси ўз уйини одамлар учун жозибадор қилиб қўйиши керак; аввалам бор, уйда тартиб, озодалик ва шинамлик ҳукм сурини лозим; кейин эса уйнинг шодиёна мусиқасини бузувчи биронта нота ҳам бўлмаслиги учун, аёл тинчлик ва муҳаббатнинг уйғунлигини саклаб туриши даркор, шунингдек... Худо иродасининг амалга ошиши ҳақида ғамхўрлик қилиши ва оиладаги тартиб-интизомни ўрнатувчи аёлни шаррафлаши керак»¹. Айнан ана шунга Худо кўнглидаги аёл ўз вақтини сарфлайди! Аммо агарда биз ўз ҳаракатларимизда Худо йўлларидан бормоқчи бўлсак, олдин ўз юрагимизни Худо юраги билан мос қилишимиз керак.

Гўзаллик меҳнат орқали яратилади

Мен Муқаддас ёзувни ўрганишда давом этган пайтимда, Худо менда Унинг намунаси асосида яратилган уйим бўлиши истагини уйғотди. Бу уй чиройли бўлади, чунки ундаги одамлар Худога хизмат қиласидилар. Титусга мактубда мен қадрли бир нарсани топдим. Уни пушти ранг маркер билан белгиладим. Титус 2:4–5 да менинг уй бекаси сифатидаги вазифамнинг яна бир жиҳати намоён бўлади:

«...ёш хотинларга... рўзгорга жонкуяр... бўлишларига... ҳам таълим-тарбия берсинлар...».

Сизга қандай билмадим-у, аммо менга Худо нимани назарда тутаётганини англамагунимча, «жонкуяр» сўзи ёқмасди. Олдинига бу сўз менда зерикарли иш ва уйдаги югур-югурларни эслатарди. Аммо яна Жимнинг китобларига қараб (ўйлайманки, мен Жимнинг ўзидан кўра, унинг китобларидан кўпроқ фойдаланаман), мен жонкуяр бўлиш — бу оилавий ҳаётни севиш, яхши бекалик қилиш ва ўз оиласининг қўриқчиси бўлиш дегани эканлигини билдим². Яна бир манбада — аёл фаолиятининг асосий жабҳаси унинг уйи деб таъкидланади³, бошқасида эса — биз ўз оиласиз мажбуриятларини амалга оширишимиз кераклиги айтиб ўтилади⁴. Менинг юрагимга энг кўп таъсир қилган шарҳларда айтилишича, мен фақатгина «ўз уйимни севишим керак», холос экан⁵.

Доимо ўзининг «азиз уйи» ҳақидаги фикрлар билан яшаган аёл уйини яхши кўради. Ўз уйига муҳаббат — бу ҳаворий Павлус «рўзгорга жонкуяр» (Тит. 2:5) бўлиш кераклиги ҳақида гапирганида, у бизни ундейдиган юракнинг ҳолатидир. Лекин уйда гўзаллик яратиш учун ҳаракат қилиш ҳам керак. Худо ниятлари ва орзуларим амалга ошадиган уйни барпо қилиш учун мен ҳар куни меҳнат қилишим керак. Бунинг режасини тузишим, ранглар, иплар ва матолар танлашим керак. Мен пировардида уйим қанақа бўлишини хоҳлашимни билишим керак. Доимо майда-чуйдаларига ҳам эътибор беришим керак. Бу вазифалар ҳар куни куч ва вақт талаб қиласди. Менинг ҳаракатларим ва файратим — вақтим, меҳнатим, ташвишларим, маънавий ва жисмоний кучим — ажойиб асар яратилиши учун бирлашади. Мен Худо даъватига ва белгиланган вазифага мувофиқ ҳаракат қилганимда гўзаллик яратилади, мен меҳнатимдан ҳузур-ҳаловат топаман.

Ҳа, аммо қандай қилиб?

Ўз уйини чиройли кўришни бутун борлиғи билан истаган аёл ишни нимадан бошлиши керак?

Худо ниятларининг гўзаллиги ва баракали эканлигини тушунинг. Уйда жонкуяр бўлишга даъват қилиб, Худо бизга Ўз ниятини ва иродасини очади. Агар Худо мени ўз уйимда хизмат қилишга, рўзгордаги барча эҳтиёжлар ҳақида жон куйдиришга ва ўз меҳнатимнинг натижаларини кўришга ундуласа, мен шуни қи-

лишим кераклигини тушундим. Шунинг учун мен кўп вақтимни уйда ўтказишга қарор қилдим (эҳтимол, сиз ҳам шундай қилишни хоҳларсиз).

Энди, эътиқодимга кўра, жисм табиатидан фарқли ўлароқ уйда кўпроқ қолардим. Худо бу итоаткорлигимни марҳаматлашига умид қилиб, уй ишлари билан машғул эдим. Йўқ, мен кун бўйи уйда ўтирмасдим, аммо уйда олдингидан кўра кўпроқ бўлардим. Бу менга жуда кўп мурувватлар олиб келди. Уйда қолганимдан сўнг мен камроқ пул сарфлардим. Мен камроқ калория қабул қилишни, бирор жойга боришга кетадиган вақтни тежашни ўргандим. Мен учун олий мукофот — Худо буни юз беришини биларди — ўзим ҳис қилган фаровонлик туйғуси бўлди. Ўз уйимда ҳамма нарса жой жойида, ҳамма нарса яхши, ҳаммаси назоратим остида эканлигини билардим. Бу ажойиб ҳақиқат уйда кўп вақтимни ўтказишни ўрганганим учунгина намоён бўлди.

Менинг гурухимдаги бир аёл худди шундай йўл тутишни қарор қилганда, нима содир бўлди? Мана, эшитинг: «Илгари ҳар бир кун менга жуда кўп имкониятларни таклиф қиласарди: бориб кўришим керак бўлган жойларни, қилишим керак бўлган ишларни. Агар эрим уйга келгач, чироили қилиб безатилган кроватни кўрса, ўзини баҳтли ҳис қиласарди, аммо музлатилган озиқ-овқатлар унинг қувончини бир пул қиласарди. Кўпчилик ичидан бўлишни яхши кўрганим учун, мен бир ўзим уйда ўтиришни ёмон кўрардим, дўстларим мен учун оиласдан азизроқ эди.

Мен қувонч билан шуни айта оламанки, ўзим учун Худонинг ниятларини очганимда, Ў менинг ҳаётимни, мен учун муҳим нарсаларни очди. Энди уйқудан турган заҳотим мен кроватни тўғрилайман. Уйни тартибли ва озода сақлаш учун ўзимни ҳар куни уй ишларини қилишга ўргатаман. Мен икки ҳафта олдиндан таомнома тузаман. Албатта, эримнинг уйга келишига иссиқ овқат тайёр туради.

Ўз эрини, болаларини ва уйини ҳамма нарсадан устун қўйиш — қандай баҳт! Мен илгари ҳис қилмаган ҳақиқий хузур-ҳаловат менга ато қилинди». Ахир, бу зўр манзара эмасми?

Уйингиз ҳақида жонкуярлик қилишга ўрганиши мумкинлигини тушунинг. Афсуски, оиласи самарали бошқариш, биз масиҳий бўлганимиздан кейин тезлик ва осонлик билан эришиладиган марҳаматлардан эмас (масалан, мангу ҳаёт, биздаги Муқаддас Рухнинг мавжудлиги, гуноҳларимизнинг кечирилиши ва бошқалар). Лекин

биз уйимизга ғамхўрлик қилишни ўрганишимиз мумкин. Муқаддас Ёзувнинг айтишича, кампирлар ёш хотинларга рўзгорга жонкуяр бўлишни ўргатишлари керак.

Бу фикр менда умид уйготди, чунки мен рўзгоримни қандай бошқариш кераклигини умуман тушунмасдим. Шунинг учун мен Титусга Мактубнинг иккинчи бобида сўз юритилган, ўз ҳаракатларини фақат рўзгорига қаратган шундай аёлни қидира бошладим. Худога шукурлар бўлсинки, узоқ қидиришимга тўғри келмади: якшанба мактаби муаллимининг хотини ана шундай аёл бўлиб чиқди.

Джейн ажойиб аёл эди, шубҳасиз у Худо кўнглидаги аёл эди. Ёшимиз тенг бўлишига қарамай, унда мендан чорак аср катта аёлнинг донишмандлиги бор эди. У ўз эрига ёрдам берарди, унга итоат қиласди, уни ҳурмат қиласди, уни севарди. Унинг боғча ёшидаги икки фарзанди мўмин ва яхши тарбияланган болалар эдилар.

Мен бир қарорга келишимга ва Джейн билан учрашишим учун унга мурожат қилишимга Жим ёрдам берди. Аёл мамнуният билан учрашувга рози бўлди (мен буни унинг овозидан билдим). Джей қаерда учрашишни хоҳлаганини биласизми? Ўзининг уйида. Джейнинг уйида ҳамма нарса, худди уй бекаси сингари, озода, тартибли, қулай, шинам ва жой-жойида эди (эътибор қилинг-а, мен катта, дабдабали ва ҳашаматли уйни назарда тутганим йўқ).

Джейн учрашувга вакт ажратгани учун мен Худодан миннатдорман. Зоро, аёл менга йўл кўрсатди ва рўзгоримни бошқаришим учун ёрдам берди. Аввалига биз унинг ибодат ҳаёти ҳақида батафсил сухбатлашдик. Джейн нафақат нималарни ўрганишини, балки буни қандай амалга оширишини ҳам айтди. У менга Муқаддас Китобни қаерда ўқишини кўрсатди, ўзининг ибодат кундалигига назар ташлашга рұхсат берди.

Сўнгра биз никоҳ тўғрисида сухбатлашдик. У менга ўқиш учун яхши китоблар рўйхатини таклиф қилди, яна қандай қилиб эрини севишга ва унга хизмат қилишга интилишини сўзлаб берди. Худди шу нарсалар унинг ўғилларига ҳам таалтуқли эди. Джейн ўзининг Муқаддас Китобга асосланган тарбия, таълим ва севгиси таъмиллари билан мени таништириди.

Ва ниҳоят, сухбат уй рўзгорига ўтди. У мен учун жуда фойдали бўлди. Джейн менга ўзининг кичкина уйини, шкафларини, қутиларини, қазноқларини очиб кўрсатди. Мен биронта ҳам сўз айта олмадим: ҳамма кўрганларим уйимдаги нарсаларга умуман ўхшамас эди. Бу менинг ғуруримни асло камситмади. Джейн мақтамади, кеккаймади. У фақат йўл-йўриқ кўрсатди ва менга ўргатди (Муқад-

дас Китобда айтилган кекса аёллар қилишлари керак бўлган иш). У менга ўзига ишлайдиган тизимни, бутун уйни тартибли тутишга қандай қилиб жуда кам вақтда эришиш мумкинлигини кўрсатди.

Мен ҳозир ҳам Джейн ўз ошхонасида менга кўрсатмалар берадётганини эшитаман. У шкафнинг ғаладонига энгасиб, уни очди. У ерда идиш-товоқлар тахланган эди! Джейн шундай тушунтириди: «Мен қуидагича қоидага амал қиласман: ҳар қандай нарсага ҳар қандай жой тўғри келади. Мана бу жой тарелкалар ва салфеткалар учун. У идиш-товоқ ювадиган машинанинг ёнида. Ўғилларим идиш ювадиган машинанинг ичидағи идиш-товоқларни жойлашлари керак бўлса, улар бўйлари билан teng бўлган жойга тахлашарди. Кейин дастурхон безатилаётганда, улар осонгина идишларни ва сочиқларни олишади, дастурхонга қўйишади».

Бунга ўхшаш сабоқларга ортиқча баҳо бериш мумкинми? Мен ҳамма нарсани тушундим, ҳамма нарсани эшитдим, ҳаммасини кўрдим. Джейн билан ўтказган бир неча соат менинг ҳаётимни ўзгартириб юборди!

Бошқа дугонам менга уйни саранжом-саришта қилишни ўргатди. Ҳаммаси хизматга таклиф қилишдан бошланди. Мен бизнинг жамоат аёллар қўмитаси йиғилишини ташкил қилганимда, Беверли менга мурожаат қилиб шундай деди: «Бу учрашувни чоршанбага белгилама, чунки ўша куни мен уйимни тозалайман». Дугонам уйини тозалаши ҳақида шундай қувонч билан гапирдики, мен ундан чоршанба куни унинг хонадонига келиб, уйини қандай йигиширишини кўриш учун рухсат сўрадим.

Бу дугонамният хонадонида мен яна битта қимматбаҳо сабоқ олдим. Беверли уйни йигиширишни энг қийин ишдан — ванна хонасини тозалашдан бошлади. Мен унинг қилаётган ҳаракатларини кузатиб туар эканман, тозалаш учун у ишлатиб ўрнатишини кўрсатди: у ишни эшикнинг чап томонидан бошлади. Бутун хонани тозалаб бўлмагунча, шу тариқа ишлайверди. Бунга дугонамният атиги бир неча дақиқа вақти кетди, холос.

Энн Ортланднинг китобида мен у ўз уйига бир гуруҳ ўқувчиларни таклиф қилганлиги ҳақида ўқидим. Биринчи учрашув пайтида у ўқувчиларига барча хоналарни кўрсатди ва шундай деди: «Мана, менинг уйим. Менинг уйим — бу мен. Марҳамат, хоҳлаган ғаладонга, шкафга, хонага ёки кабинетга қарашингиз мумкин. Сиз у ердан мени топасиз. Мен ҳақиқатда қандай бўлсам, шундайлигимча кўрасиз»⁶.

Үйингизда күпроқ вақт бўлинг. Менинг азиз эрим Жим ўзи билмаган ҳолда уйимиз ўзгаришига катта ҳисса қўшди. Иккита ёш болали ва уй ҳақида ташвиш тортишим, ёш бўлганлигим сабаб, мен норозилик билдириб ғингший бошладим: «Нимагалигини билмайману, аммо ҳеч қаерга бора олмаяпман». Жим вақтни бошқариш бўйича мутахассис бўлгани учун, у арз қилиш мумкин бўлган одам эмас эди.

Олдинига Жим менга йилномани олиб келишни буюрди. Мен йилномани олиб ошхонадаги столнинг устига очиб қўйдим. Сўнг у мендан сўради: «Лиза, айт-чи, сен қачон уйдан ташқарида иш қўлмоқчисан?» Албатта, мен чоршанбани айтдим. Шу куни жамоатимизда аёллар учун Муқаддас Китобни ўрганиш машғулотлари ўтказилади. Мен, шубҳасиз, бу машғулотларда қатнашишни жуда хоҳлардим.

Кейин Жим шундай деди: «Жуда яхши, чоршанба — сенинг кунинг. Мен сени чоршанба куни шахсий ишларингни қилишингни, дугоналирингнига боришингни, ҳафтанинг бошқа кунлари эса уйда бўлишингни истайман».

Шундай қилиб, Жим очиқчасига айтмаса-да, мени уйда ўтиришга мажбур қилди. Аммо кейинчалик бундай бошқарув учун Худога ва эримга раҳматлар айтдим. Бу оддий маслаҳат менинг ҳаётимни ўзгартирди, уйимизни гўзал қилишга ёрдам берди.

Фақат кейинроқ Жим менга берган маслаҳатнинг қиммати ҳақида далил бўлувчи ҳикматни ўқидим: «Фахм-фаросатли инсон доноликка қарайди, нодоннинг кўзи эса дунёнинг нариги четида» (Ҳикм. 17:24). Бошқача қилиб айтганда, фаросатли инсон ўзининг олдида турган нарсаларга қарайди. Биздан бир қадамда, узоқда эмас — бизнинг уйимизда. Оқила аёл ўз уйида бўлиш қанчалар муҳимлигини тушунади. Аҳмоқ аёл эса (мен илгари шунаقا эдим) «уйдан ташқарида» (ҳиёбонда, дўконларда, дўстларининг уйида ва бошқа жойларда) ҳузур-ҳаловат, илҳом, мазмун ва иш қидиради. Менинг доно эрим ҳаётимни ўз уйимда — мангалик нуқтаи-назаридан аҳамиятга эга гўзал нарсаларга кучимни, вақтимни сарфлаб ўтказишмга ёрдам бергани учун, мен ундан жуда хурсандман. Ҳатто ҳозир ҳам мен аввалгидай шу ҳафталик режага риоя қиламан, чунки у менга ёрдам берди.

Қисқа қилиб айтганда, менинг ҳаётим жуда ранг-баранг бўлган. Мен бутун ҳафта давомида ишлайдиган ижрочи котиба ва муаллим бўлиб хизмат қилганман; кечки мактаб муаллими ва уйда болалари билан ўтирадиган она бўлганман; тўлиқсиз иш ҳафтасида ишлаган

муаллим, тўлиқсиз иш кунида ишлайдиган кутубхоначи бўлганман — буларнинг ҳаммаси ўз уйимда бўлиб ўтган.

Энди эса бутун ҳафта давомида ишлайман, бунинг устига, масиҳийлик ривожланиш Миссиясида барча хизмат қиласидиганларга ёрдам бераман, шу жумладан, эримга ҳам. Бундан ташқари, деярли ҳар ҳафта маърузалар ўқийман, ҳар қуни ёзишга ҳаракат қиласман. Менинг иш куним эрта бошланиб, тунгача давом этади. Чунки нафақат мен бажаришим керак бўлган вазифам бор, балки мен Худо латофатини уйимизга келтириш учун қўлимдан келган хизматни қилишим керак. Мен қандай ишни бажаришим керак бўлмасин, биринчи навбатда, мен учун эрим ва болаларим туради. Иш ва хизмат мен учун Худо рўйхатининг энг пастки қисмида турарди (бу ҳақда батафсилроқ қуида сўз кетади). Бу рўйхатнинг энг юқори-сида уйга севги ва у ҳақда ғамхўрлик қилиш туради.

Охир-оқибатда, мендан бошқа ҳеч ким Джорджлар уйининг васиyllиги ҳақида (уй ҳақида ва унда яшайдиган одамлар ҳақида) жон куйдирмайди-да. Шу сабабли мен уйда бўлишга етарлича вақт қолдириш учун «йўқ» дедим. Меҳмонга камдан-кам бораман. Керак нарсаларни почта орқали буюраман. Телефондаги кераксиз суҳбатларимга чек қўйдим. Фақат ҳақиқатдан ҳам керак бўлган нарсаларнигина ўқийдиган бўлдим. Буларнинг бари мен уйда кўп вақтимни ўтказишга қарор қилганимдан сўнг юз берди.

Мен сизга қитоб ўқишини жуда яхши кўрганим ҳақида айтган эдим. Уйни бошқариш ҳақидаги бир китобда мени жилмайишга мажбур қилган боб бор эди. Бобнинг номи — «Кичкина чўчка боласи уйда қолди!» Бобнинг номи мени қулишга ундади. Бу кўп нарса ҳақида гапирмайдими? Мен бу китобнинг муаллифларини — ёши ўтиб қолган иккита опа-сингилни NBC каналидаги «The Today Show» программасида кўрдим. Бу кўрсатувда улар ўз китобларида келтирилган тамойиллар ҳақида сўзлаб беришди. Китобдаги энг муҳим тамойил шундай эди: «Шу куни қилишингиз керак бўлган ҳамма ишни қилмасдан олдин уйдан кетманг». Агар сиз шу маслаҳатга риоя қиласангиз, уйингизда тартиб бўлишишга ҳеч нарса ҳалақит бермайди. Аммо бу учун бир нарса талаб қилинади: бир кунлик ишни қилиб улгuriшишга қанча вақт керак бўлса, сиз уйда шунча вақт бўлишингиз керак.

Иш билан боғлиқ сафарларингизни режалаштиринг. Мен фақат кимёвий усулда кийим тозалаш корхонасига боришим учун уйдан чиқмаслик кераклигини тушунишимга бир қанча вақт керак бўлди. У

ерга йўл-йўлакай кирсангиз яхшироқ бўлади. Мен ҳар хил ишларни «йўл-йўлакай» бажаришни одат қилдим: ҳам химчисткага, ҳам почтага, ҳам банкка, ҳам озиқ-овқат магазинига, ҳам... боришни.

Бир куни эрталаб химчисткада бўлганимда, мен бундай ишнинг ажойиб намунасини кўрдим. Бинога аста-секин (ёнғинга қарши томонидан!) «фольсваген» яқинлашиб келарди. Кўп ўтмай, ҳатто моторни ҳам ўчирмасдан, машинадан бир аёл тушди. У тозаланиши керак бўлган нарсалар солинган сумкани олиб, химчистка биносига кирди ва сумкани пештахтага қўйди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, хизматчи унга ювилган нарсалар солинган пакетни олиб келди. Аёл химчисткадан югуриб чиқди ва рўйхатидаги кейинги ишни бажаришга шошилиб кетди. Энди кўз олдингизга шундай манзарани келтиринг: аёлнинг эгнида ишбилармонларнинг кийими, оёғига теннис ўйнаганда кийиладиган, югуриб иш қилишга қулай оёқ кийими бор эди. Унинг соchlари эса бигуди орқали жингалак қилинган ва чиройлигина турмакланган. Соат 8 дан 15 дақиқа ўтган, демак, аёл ишга кетаётib йўл-йўлакай химчисткага кирган!

Мен (кўриниб турибдики, у аёл ҳам) ишлайдиган аёллар учун ёзилган жуда кўп китобларни ўқиганман. Уларнинг кўпчилиги шахсий ишларингизни бажаришингиз учун тушлик пайтидаги танаффусдан фойдаланишни маслаҳат беришади. Умуман олганда, бу пайт тушлик қилиш учун белгилаб қўйилган. Ишлайдиган аёл бу вақтни ўз дугоналари билан сухбат уюштириб, уларнинг турли миши-мишларини ва арз-додларини эшишиб ўтказиши мумкин. Ёки бўлмаса (китоб маслаҳат беришича), почтага, дўконга бориб шахсий ишларни битириш — ишдан кейин уйга вақтлироқ қайтиши имкониятини беради.

Агар сиз ишлайдиган аёл бўлсангиз, бу маслаҳатларни кўриб чиқинг. Ушбу маслаҳатлар сизга уйда кўпроқ бўлиш учун ўз вақтингизни яхшироқ режалаштиришингизга ёрдам беради: шахсий ишларингизни ишга кетаётганда, ёки тушлик вақтида қиласиз. Сиз оиласингизга қилган ишингиздан қониқиб, уйга шошиласиз ва рўзгорингизга Худо сизни кўришни истайдиган, ўзингиз хоҳлаганингиздек жонкуяр аёл бўлиб қайтасиз.

СИЗНИНГ ЮРАГИНГИЗ ЖАВОБИ

Шундай қилиб, азиз синглим, Худо насиҳатини қабул қилинг. Сиз ўз рўзгорингизга жонкуярлик қилдингизми? Сиз уйингиз ҳа-

қида «үйим, азиз үйим» дея оласизми, уйингиздан йироқда бўлган вақтларингизда уни согинасизми? Юрагингиз уйингизга қартилганми? Уйингизда яшайдиган хонадон ахлини ва рўзгорингизни ҳамма нарсадан азиз деб биласизми?

Бир неча йил илгари, мен Худо даъватига ва ушбу саволларга жавоб берганимда, ўз үйим учун қилишим керак бўлган ишлар рўйхатини туздим. (Бундан озгина олдин Забурни ўқиб чиққан эдим. Ўқиш жараёнида мен забурчининг ушбу китобда айтилган барча ниятларини ёзиб олдим.) Ўзимнинг Худо билан аҳдимни мен «үй бекасининг юраги» деб атадим. Эътибор беринг, унга биз муҳокама қилган масалаларнинг кўпич киритилган.

1. Руҳан ва жисмонан янги кунга тайёрланиш учун бошқа оила аъзоларимдан эртароқ туриш.
2. Ўз яқинларим учун нонушта тайёрлаш ва улар билан нонушта қилиш.
3. Оиласнинг ҳар бир аъзосининг ёмон кайфиятини яхшилаш учун кўлимдан келган нарсани қилиш.
4. Ҳар куни эримдан мен бугун у учун нима қила олишим мумкинлигини сўраш.
5. Үйни озода ва тартибли сақлаш.
6. Бўлиб ўтаётган воқеаларга ижобий муносабатда бўлиш.
7. Эримнинг барча эҳтиёжларини қондириш.
8. Эримни болаларимдан устун кўйиш.
9. Уйгакелаётганҳар бироила аъзосини кутибoliш ва унни кутлаш.
10. Ҳар доим қувноқ бўлиш.
11. Оиласн мазали таомлар билан сийлаш.
12. Тушлик вақтини қувончли ва ёқимли ўтказиш.
13. Ҳар куни Раббийга, эримга, оиласнга ва уйимга бўлган севгини янада ошириш.

Сизнинг юрагингиз — бу меҳрибон уй бекасининг юраги. Агар бундай бўлмаса, Худодан, юрагимни ўзгартир, деб сўранг. У сизнинг юрагингизни итоаткор қилганда, У сизни қилишга даъват этган меҳнатни қувонч билан амалга оширасиз. Сизнинг қўлларингиз туфайли уйингиз янада гўзалроқ бўлаверади.



ЭЪТИҚОДИ ЎСИБ БОРАЁТГАН ЮРАК

*...Раббимиз ва Ҳалоскоримиз Исо Масиҳнинг
иноятига таяниб, Уни таниб-билиб борган
сайин ривож топинглар.*

2 Бут. 3:18

Ишончим комилки, Ҳикматлар Китоби менга ёқишини сиз сездингиз. Яна мен Худонинг ҳаётбахш донишмандлигини яхши кўраман. Менга бу китобда тасвирланган аёл жуда ёқади (қаранг: Ҳикм. 31:10–31). Ҳар сафар мен бу парчани қайта ўқиётганимда, у менга ўз уйим ҳақида ғамхўрлик қилишимни эслатади. Қаҳрамон аёлнинг қўллари доимо ҳаракатда. 22-оятнинг ҳаммаси менга унинг куч-куввати, унинг ишлари ҳақида сўзлайди. Чунки хотин, она ва уй бекаси сифатида у Худо белгилаб кўйган вазифаларга мувофиқ яшайди. Аммо аёлнинг қалбида, юрагининг туб-тубида уни ҳаракат қилишга, унга куч беришга ва ҳаракатга ундашга мажбур қиласидан нимадир бор эди.

Биз Худо кўнглидаги аёл бўлишимиз учун, У бизга берадиган «ўша нарсага» муҳтожмиз. Агар биз Унинг истагини амалга ошироқчи бўлсақ, турмушга чиққанмизми ёки йўқми, фарзандларимиз борми ёки йўқми, юрагимизда доимо Ҳаракатлантирувчи Куч бўлиши керак. Агар қалбимиз бўш бўлса, агар у ерда Худо Рухи бўлмаса, биз доимо илгарига ҳаракат қила олмаймиз. Биз ўзимизда Худо Каломига риоя қилиш ва Унинг иродасини бажариш учун куч олмаймиз. Биз бошлаган йўлимизни охирига етказа олмаймиз.

Шундай қилиб, мен ўзимни тетик ва ишchan тутишимга ёрдам берадиган, менинг художўйлик ҳаракатларимни қўллаб-кувватлайдиган кучни билдим — бу эътиқодда ўсиб боришдир. Исо Масиҳда бизнинг руҳий ўсишимиз — Унга ўхашашга қилган ҳаракатлари-

миз — юрагимизни мустаҳкамлайди, уни тўлдиради ва Худо амрларини бажариш учун лаёқатли қиласди.

Руҳий ўсиши: у Исо Масиҳда бошлиданади

Сиз билан бизга икки ҳаёт тарзи таклиф қилинади: Масиҳ билан ва Масиҳсиз ҳаёт. Вазият аниқ кўрсатилган — оқ ёки қора. Муқаддас Китоб шундай дейди: «Худонинг гувоҳлиги шундан иборатки, Худо биларга абадий ҳаёт беради. Бу ҳаёт эса Унинг Ўғлида мужассамдир. Ким Худонинг Ўғлига эга бўлса, ҳаётга эгадир. Ким Худонинг Ўғлига эга бўлмаса, ҳаётга эга эмас» (1 Юх. 5:11–12). Ёзувлар бизга Исо Масиҳсиз ҳаёт йўқ дейди!

Айнан ана шундай хавфли ҳолатда мен 28 йил давомида яшадим. Мени жамоатга олиб борган, ҳар куни Худо Ҳақиқатлари билан таништирган, мени севувчи ота-онам билан ажойиб уйда катта бўлдим. Аммо мен бир нечта ҳақиқатни тушунмас эдим. Биринчидан, Исо Масиҳнинг ким бўлганлиги ҳақидаги маълумотларни мен билмасдим. Мен Уни яхши кўрардим, У Худонинг Ўғли эканлигини билардим, лекин ҳеч қаҷон Худонинг Ўғли бўлиш — демак, Худо бўлиши эканлигини тушунмасдим. Фақат орадан анча вақт ўтиб Калом шарҳларини ўқигач, бу дунёда яшаган ва гуноҳкорларни қутқариш (худди мен кабиларни) ва уларга мангу ҳаёт бериш учун хочда ўлан Исо Масиҳ тана бўйича Худо эканлигини тушундим.

Менинг руҳий таълимимда мавжуд бўлмаган иккинчи ҳалқа — бу Муқаддас Китоб талқинида гуноҳ нима эканлиги тўғрисидаги тушунчам эди. Мен ёшлик йилларимда Исони севганимни, Худони севганимни, Муқаддас Китобни севганимни, Муқаддас Руҳга ишонганимни, Инжил мўъжизаларига ишонганимни, ҳатто ибодат қилганимни ўйласам, ҳозир ҳам ҳайрон қоламан. Мен «яхши» одам бўлганман (ўғирлик қилмаганман, одам ўлдирмаганман) ва буни муҳим деб ҳисоблардим. Аммо ҳамманинг гуноҳ қилиши тўғрисидаги тушунча менга бегона эди (қаранг: Рим. 3:23). Аммо мен гуноҳ қилмасам, унда мантиққа асосан, мен Халоскорга муҳтож эмасман.

Мен сизга оилавий ҳаётимнинг биринчи йиллари ҳақида айтиб берганман: Жим иккаламиз турмушимизни Худосиз бошладик, мен эса эрим ва болаларимдан ўзимни узоққа олиб кетаётган йўлда эдим. Кунларнинг бирида ошхона ўртасида турганимда, кичкина Кэтрин бир оёғимга, Кортни эса — иккинчисига ёпишиб олишган эди. Ўша пайтда мен муштларимни юқорига кўтариб, шундай

деб хитоб қилдим: «Бу ҳаётда яна нимадир бўлиши керак-ку!» Бу умидсизлик ҳайқиригини эшитган Худо мени Ўзига яқинлаштира бошлади: Унинг хусусий моҳиятини, Ўзининг Ўғли моҳиятини тушунишимга *ва* менинг гуноҳкорлигимни англашга имкон яратди. Ниҳоят, мен *Халоскорга муҳтож эканлигимни* тушуна бошладим! Мен Исода, Халоскоримдан нима топдим?

Янгича бошланиши. Биз Исо Масиҳнинг халоскорлигини англашга яқинлашганимизда, бизга янгича бошланиш, янги старт, ўтмишдаги гуноҳларимиз кечирилиши, яшаш донишмандлиги ва ҳақиқатни яратиш кучи берилади. Ҳаворий Павлус бу ҳақда шундай дейди: «...ким Масиҳга тегишли бўлса, у янги ижоддир. Қадимги ҳолат ўтиб кетди, энди (ҳаммаси) янги бўлади» (2 Кор. 5:17).

Худонинг севгиси ва хайриҳоҳлиги. Ҳар сафар мен норози бўлсам, умидсизликка, шубҳага, фамга, кўркувга ва хавфга тушсан, ўзимни тўхтатиб, ўзимга ўзим эслатаман: «Нима бўлиб ўтгани муҳим эмас, ҳозир ҳаётинг нимага ўхшashi муҳим эмас, сен нимани ҳис қилаётганинг муҳим эмас. Худо сени Исо Масиҳда қабул қилгани муҳим, қолганларнинг барчаси аҳамиятсиз!» Ҳақиқатдан ҳам, Худо «...севикли Ўғлини юбориб, бизга иноят қилди...» (Эф. 1:6, курсив менини. — Э. Дж.).

Муқаддас Руҳдаги Худонинг кучи. Сиз ҳаётингизда Худонинг кучи ҳаракат қилишини тасаввур қила оласизми? Масиҳ сизнинг Халоскорингиз бўлганда, мана нима содир бўлади: Худо Муқаддас Руҳ воситасида бизга эзгулик яратишни, ўз ҳаётимизда ўзгаришларни амалга оширишни, уни мазмунли қилишни, бошқаларга ёрдам бериш ва Масиҳга хизмат қилиш қобилиятини беради. Исо шундай деган: «...Муқаддас Руҳ устингизга тушиб келганда, сизлар қувват оласизлар» (Ҳавор. 1:8).

Руҳий ўсиши: билимга интилиши

Исо бизнинг Халоскоримиз эканлигидан ташқари, У бизга Худога манзур ҳаёт намунасини беради. Унинг ҳаётини ўрганиб, биз «...Исо ҳам заковатда улғайиб борганлигини...» (Лк. 2:52) кўрамиз. Бир ҳикмат (менга доимий таъна) ана шундай ўсишнинг муҳимлигини акс эттиради: «Заковатли юрак илм қидиради, ақлсизликнинг

оғзи аҳмоқлик излайди» (Ҳикм. 15:14). Бошқача қилиб айтганда, ақлли одам адашмасдан илм излайди, аҳмоқ эса гоҳ у ёқдан, гоҳ бу ёқдан ҳеч қандай қадр-қимматсиз, мазмунсиз ва хунук ғояларни ва сўзларни мазмунсиз «ўзлаштиради».

Биз ўз онгимизни нима билан озиқлантирамиз? Биз Муқаддас Китобни ўқиётганимизда, бефарқлик хавфи ҳақидаги огоҳлантиришга диққат қиласизми? Билимларга аниқ бир мақсад билан интиlamизми, ўзимиз учун бефойда бўлган нарсаларга қимматбаҳо вақтимизни сарфлашдан эҳтиёт бўламиزمи? Бир оқила аёлнинг маслаҳати менга ақлимни эҳтиёт қилишга ёрдам берди, маърузалар, китоблар ва ўқув қўлланмалари ёзишга озуқа берди. У менга шундай деди: «Лиза, сен бешта папка тутишинг керак».

Бешта папка тутинг. Эҳтимол, сиз ўйланиб қолгандирсиз. Мен ҳам бу сўзларни эшиганимда, ўйланиб қолган эдим. Шунинг учун тушунтириб берай. Аммо, энг аввало, биринчи қадамни қўйиб, бешта папка сотиб олинг.

Билимлар соҳасини аниқлаб олинг. Кейин ўзингиз мутахассис бўлмоқчи бўлган соҳани танланг, ҳар бир папкага ёрлиқ ёпиштириб чиқинг. Сизни огоҳлантириб қўймоқчиман: руҳий соҳадаги билимларни танланг. Ҳикмат эсингиздами? Сиз қондирмайдиган нарсаларни қидирмаслигингиз керак. Руҳий мазмунга эга бўлган мавзуларни танланг. Сиз уларни аниқлашингиз осон бўлиши учун, қуидаги саволларга жавоб беринг: «Сиз нимани билишни хоҳлайсиз?», «Сизнинг номингиз қандай мавзулар билан боғлиқ бўлиши керак?»

Масалан, бир дугонам бор эди. Унинг номи инсонлар онгига ибодатни эслатади. Ҳар сафар бизга ибодат ҳақида бир нарса дейдиган, аёлларнинг ибодат йигилишларини бошқарадиган, ёки йигилишни ибодат билан очиб берадиган одам керак бўлганда, ҳамма ўша заҳоти уни эслайди. Бу аёл 20 йил давомида Муқаддас Китоб ибодат ҳақида нима деганини ўргангандиган, ибодат қилган, Муқаддас Китоб қаҳрамонларининг ҳаётлари билан танишган, ибодат ҳақидаги китобларни ўқиган ва ўзи ибодат қилган. Ибодат унинг билимлари соҳаси бўлган, унинг папкаларининг бири бўлган. Бошқа бир дугонам Муқаддас Китоб ҳақидаги билимлари билан машҳур эди. Жамоатимиздаги аёллар Муқаддас Китобни ўрганиш борасида машғулотлар ўтказадиган одамга ёки пайғамбарлик ҳақида билим берадиган кишига муҳтоҷ бўлганларида, Беттига

мурожаат қилишарди. Менинг яна бир дугонам имонлилар учун вақтдан түгри фойдаланиш ҳақида маъruzалар ўқирди. Бу уч аёл ўз соҳаларининг мутахассислари эдилар.

Бир неча йил давомида мен талабаларим ўрганадиган мавзулар рўйхатини туздим. Улардан баъзиларини сиз ўз мавзуингиз сифатида танлашингиз учун санаб ўтаман. Ўрганиладиган саволлар доираси жуда кенг эди — меҳмондўстлик, соғлик, болалар тарбияси, уй тутиш, Муқаддас Китобни ўрганиш усуллари каби амалий ишлардан тортиб, то илоҳий мавзуларгача, масалан, Худонинг фазилатлари, эътиқод, Муқаддас Рухнинг самараси. У ўз ичига ибодат қилиш масалаларини ҳам олади (маслаҳатлар, таълимот, ёрдам, аёллар ибодати), инсон хулқига ҳам тегишли эди (ибодат ҳаёти, эътиқод қаҳрамонлари, севги, тақвадорлик хусусиятлари). У ҳаёт тарзи атрофида (ёлғизлик, оналик ва оталик, бевалик, қавмбоши уйи, ма-сиҳийлик ташкилотлари) жамланарди ва шахсий хусусиятларга (солиҳлик, ўзи ўзини назорат қилиш, итоаткорлик, қоникиш) дахлдор бўларди. Аёллар ўн йил давомида ўқийдиган курсларда сиз шугулланишни хоҳламасмидингиз? Ахир, сизнинг руҳий ўсишингиз — бу хизмат қилишга тайёргарлик-ку. Сиз бошқа бирорга нимадир бера олишингиз учун, энг аввало, ўзликни тўлдириш керак.

Папкаларингизни тўлдириб боринг. Энди папкаларингизни маълумот билан тўлдириб боринг. Агар сиз «ўз масалангиз бўйича ҳаммасини... мақолаларни, китобларни, маҳсус журнallарни, газеталарни... ўқиш, семинарларга бориш... ўз мавзуингиз бўйича маъruzаларни тинглаш... бу масалада энг донишманд одамлар билан уларнинг билимларидан баҳраманд бўлиш учун мулоқот қилиш... ўз билимларингизни егаллаш ва мукаммаллаштириш» ҳақидаги даъватга риоя қиласангиз, папкалар шишиб бораверади¹.

Аммо энг асосийси — сизни қизиқтирадиган масалалар бўйича Худо нима деганини илк манбалардан билиш учун Муқаддас Китобни ўқинг. Унинг фикрлари — сиз энг муҳтоҷ бўлган нарсадир. Мен ўзимнинг Муқаддас Китобимга белгилар қўяман. Аёлларга тааллуқли жойларини мен пушти ранг маркер билан белгилашимни сиз биласиз. Шунинг учун сиз папкаларимдан бирида «аёллар» деган ёрлиқ ёпиштирилганлигини билсангиз, хайрон бўлмайсиз. Энди мен бу парчалар тўғрисидаги ҳошияга «а» ҳарфини ёзаман. Аёллар ҳақида — хотинлар, оналар, бекалар ёки бошқа Муқаддас Китоб қаҳрамонлари ҳақида сўз борадиган жойларини ҳам шу ҳарф билан белгилайман. Мен худди шундай таълимга, вақтни бошқаришга

ва бошқа нарсаларга тааллукли парчаларни ҳам мос ҳарфлар билан белгилайман. Мен ишонаманки, сиз ўзингизни қизиқтирган мавзуларни танлаганингиз, ўз кодингизни ишлаб чиққанингиз захоти сиз шунчалар илҳомланасизки, тонгда Худо Каломини очиш, қўлга қалам олиш ва ўзингиз донишмандликка эга бўлиши хоҳлаған барча соҳаларда Худонинг донишмандлигига тўлиш учун соат кўнфироғидан ҳам эртароқ турасиз.

Ўзингизни қизиқтирган саволлар бўйича маълумот тўплаётган-ингизда, шуни унутмангки, сиз бошқаларга хизмат қилиш мақсадида рухий ўсишингиз устида ишлайсиз. Мен ўзим учун абадийлик саволларига тааллукли янги билимларни Жимнинг онасини хотирлаш маросимида эшитганларимдан олдим. Айтиб ўтганимдай, Лоис қуидаги гапларни қайтаришни яхши кўрарди: «Бизнинг фақат битта ҳаётимиз бор, у ҳам тезда тамом бўлади, фақат Масиҳ учун қилинган ишлар қолади». Ҳар куни эрталаб Лоис ўз онгини Худо ҳақиқатлари билан тўлдиради, кейин эса кун бўйи ўзида бор нарсаларни бошқаларга улашарди. Биз хизмат қилиш учун халос бўлганмиз (2 Тим. 1:9). Хизмат эса биз ўз юрагимизни ва онгимизни абадий ва бошқалар билан баҳам кўрса бўладиган нарсалар билан тўлдиришимизни талаб қиласди.

Руҳий ўсиш: ўз баданимизга бўлган муносабат

Сиз, эҳтимол, бу масала эътибор қилмаслигимга умид қилгандирсиз, аммо Муқаддас Китобда айтилишича, бизнинг ўз баданимизга бўлган муносабатимиз хизматимизга, ҳаётимиз сифатига таъсир қилас экан. Ҳаворий Павлус бу ҳақда шундай дейди: «Баданимни турткилаб, ўзимга қул қилиб оламан, токи бошқаларга насиҳат қилиб туриб, ўзим ярамас бўлиб қолмайин» (1 Кор. 9:27).

Ҳаётимизнинг бу соҳасида биз интилишимиз керак бўлган мақсад — бу мулойимлик ва ибодир. Бу хислатлар Худо самарасининг инъомидир (қаранг: Гал. 5:23). Бизда яшайдиган Илоҳий Руҳ турли васвасаларга қарши туришга, бизнинг истакларимиз биздан устунлик қилмасликлари учун уларни жиловлаб туришга, ўз баданимизни итоаткорликда тутишга ёрдам беради.

Ҳар сафар фаол ҳаёт тарзини Худога хизмат қилиш билан бирга олиб борадиган аёллардан буни қандай амалга оширишларини сўраганимда, мен битта жавобни эшитишга тайёрман: *парҳез ва жисмоний машқлар*. Агар сизнинг мақсадингиз — ҳаётингизни тўлдириб турган Худога нисбатан тўлақонли хизматингиз бўлса,

бу ҳолда ўз баданингизга эътибор билан муносабатда бўлишингиз жуда муҳим.

Руҳий ўсиш: Исога ўхшаш

Исо нафақат заковат (ақлан) ва ёш (жисмонан) жиҳатидан комил инсон бўлган, балки Худони ва бандаларнинг ҳам меҳрини қозонар эди (қаранг: Лк. 2:52). О, агар биз ҳам Исо қандай бўлган бўлса, шундай бўлсак эдик! Биз қандай қилиб бу йўналишда ўсиб борамиз?

Билимларда ўсиб боринг. Айтиб ўтганимиздай, Исо — биз учун намунаидир. Биз Раббийга муносиб яшаб, Уни ҳар жиҳатдан мамнун қилишимизни, ҳар турли хайрли ишда самарали бўлишимизни, Уни таниб-билиб улғайишимишни (қаранг: Кол. 1:10), шунингдек, Раббимиз ва Халоскоримиз Исо Масиҳнинг иноятига таяниб, Уни билиб борган сайин ривож топишимишни (қаранг: 2 Бут. 3:18) Худо хоҳлади. Павлус Филиппиликлар жамоати учун ибодат қилгани каби, бизнинг «...муҳаббатимиз ҳам ҳар қандай билим ва сезгида такомиллашиб, яна кўпдан-кўп ортиб боришини Худодан сўраймиз» (Филипп. 1:9). Биз ўзимизни ўзимиз алдаб, Худо каломининг тингловчиларигина эмас, балки *ижроҷилари* бўлишимиз керак (қаранг: Ёкуб. 1:22)!

Режа тузинг. Билимларда ўсиб боришини кечки овқатни тайёрлаш билан қиёслаш мумкин. Биз режа тузишимиш керак. Кечки овқатни тайёрлаётганда, сиз қуидагиларни биласиз: оиласиз соат олтида дастурхон атрофида ўтира олиши учун, сиз маълум бир вақтда муайян ҳаракатларни амалга оширишингиз керак. Худди шу тариқа, сиз Худони англашдаги билимларингиз ошиб боришини истаганингизда ҳам, муайян ишни, маълум жойда (ёлғиз ўтириб) муайян (ручка, қофоз, ўқув режаси, қўлланмалар ва сиз муҳтоҷ бўлган бошқа) нарсалар билан маълум вақт (сизнинг вақтингиз)да қилишингиз мумкин. Буларни амалга ошириб, сиз Худо ва Унинг Каломи билан мулоқотга кириб, хузур-ҳаловатдан баҳра оласиз.

Бирон нарса бўлса-да қилинг. Шундай қилиб, режа тузинг ва бир нарсани эсдан чиқарманг: *бирон нарса ҳеч нимадан кўра яхшироқдир.* Ўзингизга ҳисобот бериш ва тетиклашишингиз учун Худо билан бўлган мулоқотдан олган таассуротларингизни кундада

лигингизга ёзиб боринг. Бир куни мен «орадан фақат бир неча кунгина ўтди» деб ўйлаб, ёзувларимни қараб чиқаётган эдим. Тўсатдан «нимадир» қилганимдан буён, ҳақиқатдан ҳам, икки ҳафтадан кўп вақт ўтганини аниқладим!

Рұхий үсиши: дилкашлик инъоми

Исо вояга етган сайин, У «...заковатда ҳам, ёшда ҳам улгайиб бориб, Худо ва бандаларининг меҳрини қозонар эди» (Лк. 2:52). Одамлар билан ўзаро муносабатларингизни яхшилаш учун қўйида келтирилган маслаҳатларга риоя қилинг.

Ўз фикрларингизга эътибор қилинг. Буни албатта қилиш керак. Қилган ҳаракатларингиз сизнинг одамларга муносабатингизни кўрсатади. Бу ҳақда бир ҳикматда мана нима дейилган: «...у кўнглида ўзининг фойдасини ҳисоблайди, ...унинг кўнгли сен билан эмас» (Ҳикм. 23:7). Танқидий, ёвуз, ҳасадгўй, ярамас фикрлар нафақат Худо Каломига қарши борадилар (қаранг: Флп. 4:8), балки худди шундай ҳаракатларни ҳам ҳосил қиласилар. Демак, одамлар ёнига бораётганда, ўзингизни улар ҳақида яхши, меҳр-муҳабbat билан ўйлашга ўргатинг.

Ўз тилингизга эътибор қилинг. Агарда биз Ҳикматларнинг 31:-26-оятида аёл ҳақида айтилганлардан ўrnak олсақ, бизнинг одамлар билан ўзаро муносабатларимиз яхшиланади: «Донолик билан сўзлайди, меҳр билан насиҳат қиласади». Мабодо аёлнинг фикрлари доно эмас, ёвуз бўлса, у сукут сақларди!

Ўз хулқингизга эътибор беринг. Худога ва одамларга ёқишининг энг яхши усули — бу ҳаммага хизмат қилишdir. Худо бизга, Ўз бандаларига бир-биrimizни ҳурмат қилишини, бир-биrimизга биродарларча муносабатда бўлишни буюрган (қаранг: Рим. 12:10). Биз фақатгина ўз манфаатларимизни эмас, балки бошқаларнинг ҳам манфаатларини кўзласак, Исо Масих қандай фикрга эга бўлса, биз ҳам ўзаро худди шундай фикрга эга бўламиз (қаранг: Флп. 2:4–5).

Биз эътиборимизни ўзимизга эмас, бошқаларга қаратишими, ўз ҳаётимизни яқинларимизни кига қараб мослаштиришимиз керак. Бунга эришиш учун, биз масалан (бу қанчалик дунёвий жарангламасада), ўз болаларимиз ҳақида эмас, балки ҳамсұхбатимизнинг ишлари ҳақида гапиришни ўрганишимиз керак. Шунингдек, биз яхши хулқ-

авторга ўрганишимиз мумкин, чунки севги бебошлиқ қилмас, худбийлик қилмас, аччиқланмас, кек сақламас (қаранг: 1 Кор. 13:5).

Менга Энн Ортланднинг айтганлари ёқади. У шундай дейди: «Икки тоифадаги одамлар мавжуд. Сиз улардан бирига тааллуқлизиз. Атрофдагилар сизнинг қайси тоифага киришингизни аниқлаб берадилар. Сиз хонада пайдо бўлишингиз заҳотиёқ, сизнинг бутун кўринишишингиз ё «мана мен», ёки «мана сиз» дейди. Қолаверса, у айтганларини қуидаги тарзда кўрсатиб беради: «Гавай оролларида яшовчи бир аёл ҳар якшанба куни эрталаб бирор аниқ кимсага алоқадор бўлмаган бир неча чақани рўймолчага тугади. Кейин у жамоатга бориб ибодат қиласди: «Раббий, бугун ким менинг пулимга муҳтож? Мусофири? Ҳамма нарсадан маҳрум одамми? Мени шу одам билан учраштири!»².

Сиз қандай одамлар тоифасига кирасиз? Худо севгиси билан бўла оладиган одамни қидиряпсизми? Агар Худога, мени Ўзингнинг кўнглингдагидай аёл қил, деб рухсат берсангиз, сиз буни қила оласиз.

СИЗНИНГ ЮРАГИНГИЗ ЖАВОБИ

Қандай баҳт! Биз, масиҳий аёлларга ҳар хил руҳий кут-баракалар ато этди (қаранг: Эф. 1:3). Биз Илоҳий Руҳнинг самараасига (қаранг: Гал. 5:22–23) ва Муқаддас Руҳга (қаранг: Гал. 4:6) тўлиб-тошганмиз. Хизмат қилиш учун бизга ҳадялар инъом қилинган (қаранг: 1 Кор. 12:7–11; Рим. 12:6–8). Энди биз турли инъомлар ва марҳаматларга тўла бўлганимизда, Худо биздан шу нарсаларни бошқалар билан баҳам кўришимизни, ўз руҳий кучларимизни беришимизни, Унинг марҳаматларини бошқаларга беришимизни кутади. Азиз дугонам, мана нима учун биз руҳан ўсишимиз керак.

Руҳий ўсиш Исо Масиҳдан бошланиши, Унинг Руҳи билан амалга ошиши сабабли мен сиздан: «Исо сизнинг Нажоткорингизми?» деб сўрашим керак. Пировардида, айнан Унинг борлиги сизни Худо кўнглидагидай аёл қиласди! Сиз абадий ҳаётга бўлган ишончдан хузур-ҳаловат оласизми? Худо «Уни қабул қилғанларга эса, барча Унинг номига имон келтирғанларга У Худонинг фарзанди бўлиш эркини беради» (Юҳ. 1:12), Үнга ишонувчи ҳар бир киши ҳалок бўлмай, балки абадий ҳаётга эришишини ваъда қиласди (қаранг: Юҳ. 3:16).

Сизга Худо оиласининг аъзоси сифатида, шунингдек, Масиҳ ақли ҳам берилган (қаранг: 1 Кор. 2:16). Сиз онгингизни Худо Каломининг

билими — бошқалар билан баҳам кўра оладиган билимлар билан озиқлантирасизми? Сизнинг танангиз Худога тегишлими? Сиз уни тайёрлаяпсизми? Уни жиловлай оласизми? У Худонинг шарафига энг кўп хизмат қила олиши учун у ҳақда ғамхўрлик қиласизми? Сиз юрагингизда худди Масиҳ ўйлагандай ўйлаб, У гапиргандай гапириб, У ҳаракат қилгандай ҳаракат қилиб, одамларга нисбатан севгингизни ривожлантира оласизми? Худо бизни биринчи навбатда Раббийни севишга, Уни бутун қалбдан севишга, шу севгини ўз яқинларимизнинг юрагига қуишишга даъват этади (қаранг: Лк. 10:27). Мана нима учун руҳий ўсиш шунчалар муҳим.



ХУДО ШОДЛИГИГА ТҮЛГАН ЮРАК

*...Сизлар Масиҳнинг ақл бовар қилмас
севгисини фаҳмлаб бориб, Худонинг бутун
камолотига эришинглар.*

Эф. 3:19

Кунларнинг бирида якшанба куни эрталаб, мен илгаригидан таниш бўлган бир аёл билан сұхбатлашиш учун жамоат ҳовлисида тўхтадим. 23 йил мобайнида мен ўша жамоатнинг аъзоси бўлганман. Шерон худди менга ўхшаган аёлларга шу йиллар давомида руҳий ўсиш учун, Худо устиворликларига мувофиқ, ҳар қандай хайрли ишда ибрат бўлиб, Титус 2:3-оятда айтилганидай, ёрдам бериб келадиган кекса аёл эди.

Ўша куни эрталаб, сұхбатимиз пайтида Шерон худди электр қувватига тўлганга ўхшарди — у нур сочарди, чақнаб турарди, ўзининг ҳаётбахш кучи билан куйдиради. Унинг бутун ташки кўриниши Исо Масиҳдаги ҳаётнинг тўлақонлигидан, Унда ўсиб боришни давом эттиришга бўлган қизғин интилишдан далолат бериб турарди. Мен ҳозир ҳам унинг жилмайишини — шўх, чараклаб турган қулгусини, ички бир ёғуддан нур сочиб турган кўзларини эслайман. Ўз туйғуларини ичига сиғдира олмай, Шерон сўзларга алоҳида ифода бериб беихтиёр қўллари билан имо-ишора қилиб гапиради.

Уни нима шунчалар ҳаяжонга солди? Шерон эртани ўйлаб, қувончи ичига сиғмасди — эртаси куни жамоатимизга бир ажойиб киши маъруза ўқишига келаётган эди. Шерон эртанинг тезроқ келишини ўйлаб, шодланарди. Агар унинг ҳаяжонига эътибор берсак, унинг тун бўйи ухламаганлигини билса бўларди. У якшанба куни шу маърузачи ўтказган семинарга борганида бу кун унинг ҳаётидағи энг ажойиб ва илҳомлантирувчи бўлганини гапиради. Бу одам

Шеронга Худо Каломининг янги қирраларини, Худо йўлларини тушиш ва унинг хизмати учун янги қирраларни очиб берган эди. Уни тинглар эканман, мен ҳам билимда, ҳам ўз Худосини севишида ўсаётган аёлни кўриб турганимни англадим. У шунчалар баҳти, серзавқ эканлигига ажабланмаса ҳам бўларди. Унинг бошқаларга кўп нарса бера олиши ҳам ажабланарли эмас эди. У билан бўлган сұхбат менга анча мурувват келтирганига ҳам ажабланмаса бўлади.

Шеронга жуда ўхшайдиган бошқа бир аёл ўқишини яхши кўрарди. Мен доимо унинг қўлида Муқаддас Китобни ва яна бошқа китобларни кўрардим. Ҳар учрашганимизда у мендан: «Лиза, бу китобни ўқидингизми? Сиз албатта бу китобни ўқиб чиқишингиз керак», — деб айтади. Биз унинг сўнгги китобини ва нима учун бу китоб биз, масиҳийлар учун муҳим эканлигини муҳокама қила бошлаймиз. Мен яна бу аёлнинг хизматидан ўзимга руҳий қувват берувчи фойда оламан.

Умид қиласанки, сиз мени шундай аёллар қандай илҳомлантиришини ва эътиқодда ўсишга ундашини тушундингиз. Бу икки аёл ҳам руҳан ўсишяпти, улар ҳаётбахш кучга тўладирлар. Уларнинг ҳаётларида ва юракларида қандайдир юқумли бир нарса — менга томон ҳаракат қиласидиган ва мени олдинга ҳаракат қиласидиган нарса бор. Улар билан сұхбатлашганимда, мен албатта ўзгараман. Улар Худода ўсиб қўлга киритган қувончларини атрофга таратадилар. Кимки уларга яқин келса, уларнинг куч-қувватидан баҳраманд бўлади.

Мен умид қиласанки, бундай аёллар сизга ҳам таниш. Аммо менинг энг катта истагим — бу учун ибодат ҳам қиласан — сизнинг ана шундай аёл бўлишингиздир. Худо сизни Ўзига манзур аёл қилганда, сиз на қувончда, на Унинг Шоҳлигига хизмат қилиш имкониятида камчилик сезмайсиз.

Олдинги бобда бизни бошқа одамлар учун хизмат қилишга олиб борадиган руҳий ўсишни тақозо қиласан ҳаётни режалаشتира бошладик. Агар биз одамларга самарали хизмат қилишни хоҳласак, унда олдин ўз юрагимизни тўлдиришимиз керак. Қандай қилиб Худо бизни Ўз хизматкорлари қилиши учун Унинг марҳамати билан тўла оламиз? Мана бир нечта таклифлар.

Руҳий ўсиш: таълим

Бизга — Ўз ўкувчиларига нисбатан Худонинг мукаммал мақсади ва бизнинг вазифамизнинг яна бир томони — бошқа аёлларни

ўзимиз ўрганган эзгуликка ўргатиш, уларга насиҳат қилиш, Худо бизга берган нарсаларни уларга беришdir (қаранг: Тит. 2:3–4).

«Таълим» сўзи бизда турли тасаввурларга сабаб бўлади. Кўпинча, бу сўзни эшитганимизда кўз ўнгимизга жуда узоқ вақт мобайнида бир одам билан бошқа одамнинг доимий учрашувлари келади. Бу жуда ажойиб, аммо кўп аёллар учун таълимнинг бу тури имкони йўқ. Аммо бизга бугунги кунда таълимнинг жуда кўп турлари таклиф қилинади. Фақатгина бу руҳий ўсишни чин дилдан хоҳласак.

Курслар. Ҳар қандай жамоат Муқаддас Китоб курсларини ва синкларини таклиф қиласди. Шунингдек, сиртқи таълим ҳам мавжуд¹. Биз ҳар биримиз ушбу курсларга ёзилишимиз, ўқишимиз ва руҳан ўсишнимиз мумкин.

Китоблар руҳий ўсиш учун бизга яна бир имконият беради. «Friedenship Evangelism» бизни Инжил нуқтаи назаридан дўстона муносабатларга ўргатади². «Discipleship Evangelism» одамларга ўз эътиқодлари ҳақида қандай гапиришни ҳикоя қиласди³. «Learning to Lead», семинария талабаларининг хотинлари учун ўқитиш курси, аёлларга хизмат учун зарур кўнкимларни эгаллашга ёрдам беради⁴. Менинг китобларим «Loving God with All Your Mind» ва «A Woman’s Walk With God» («Harvest House» нашриёти)да маҳсус машғулотлар, руҳий ўсиш ва устозлик учун қўлланмалар мавжуд⁵.

Бошқа масиҳий аёллар билан *маслаҳатлар* ҳам таълимнинг жуда муҳим шаклидир. Агар сизда қандайдир муаммо пайдо бўлса, тақводор ва ишончли одамга мурожаат қилинг. Шунда сиз Худо иродасини билиб оласиз, шунингдек, ибодатда қўллаб-куватлашга эга бўласиз. Ҳатто машғулотларга бориш ёки доимий равишида тажрибалироқ масиҳий аёл билан учрашишга имкониятингиз бўлмасида, сиз доимо маслаҳат сўраб мурожаат қилишингиз мумкин.

Бошқа масиҳий аёллар билан қилинадиган *сұхбатлар* — менинг энг севимли насиҳат олиш усусларимдан биридир. Худо бизнинг жамоатимизга бир тақводор аёлни олиб келганда (унинг ёши меникidan катта эди), илк учрашувданоқ у ҳеч қачон мен билан бир нечта машғулотлар ўтказишга кўнмаслигини тушундим. Шунинг учун мен унга бермоқчи бўлган саволлар рўйхатини туздим, у билан учрашув ҳақида келишиб олдим. Биз фақат бир маротаба учрашдик, аммо икки соатга чўзилган мана шу учрашув менинг бутун ҳаётим-

ни ўзгартириб юборди. Мен бугунги кунда ўзим риоя қиладиган ва бошқаларни ҳам шунга ўргатадиган хизмат тамойилларимдан кўпі уша аёл билан бўлган ягона, Худо марҳамат қилган учрашувнинг натижасидир.

Кузатии — биз ўсишимиз учун ёрдам берадиган Муқаддас Китобнинг яна бир усулидир. Чунки «Эшигадиган қулок, кўрадиган кўз — икковини ҳам Эгамиз яратган» (Ҳикм. 20:12). Шунинг учун албатта кузатинг, кузатинг, яна кузатинг! Бу қандай бўлишидан қатъий назар, ўрганишнинг жуда яхши йўли. Кэрол Мэйхолл — Муқаддас Китоб курслари ўқитувчиси эрга итоат қилишга, уни изат-хурмат қилишга ва уни қўллаб-қувватлашга ўрганишнинг усулларидан бири — бу ўзга аёлларни кузатиш, дейди. Масалан, сиз эрингиз қилган ишлардан қанчалар завқ олишингизни ифодалашни ўрганмоқчи бўлсангиз, «бошқа аёллар ўз эрларидан қандай завқ олишларини кузатинг»⁶. Кузатинг, эслаб қолинг, билиб олганларингизни ёзиб қўйинг. Кейин шуни амалда қўллашга ҳаракат қилинг.

Ўқии бизнинг руҳий ўсишимизда муҳим роль ўйнайди. Албатта, биринчи навбатда, биз Муқаддас Китобни ўқишимиз керак. Сиз факат ундан соф Худо таълимотини топасиз. Муқаддас Китобдан ташқари, мен шу китобимда эсга олган муаллифларнинг китобларини ҳам ўқинг: Элизабет Элиот, Эдит Шеффер, Энн Ортланд, Кэрол Мэйхолл. Уларнинг кўпчилиги ўзларининг ўқув дастурларини, маслаҳатларини ва кузатишларини нашр қилдирғанлар. Бундай китобларни ўқиб, биз ўрганамиз.

Агар мен сизни ҳали ишонтира олмаган бўлсам, қуйидаги ўқишининг фойдасига нисбатан айтилган гапларни ўқиб чиқинг:

- Билли Грэм хоним ўз қизларига шундай деган: «Ўқинглар, шундагина сиз маълумотли одамлар бўласизлар»⁷.
- Китоб танлаётганингизда, папкаларингиздаги мавзуларни на зарда тутишни эсдан чиқарманг! «Самарали ўқишининг энг муҳим тамойилини бир сўз билан ифодалаш мумкин: «танлаш қобилияти»⁸.
- «Ҳамма нарсани бир бошдан ўқиманг, фақат сизнинг ҳаётий мақсадларингизга тааллуқли бўлган нарсаларнигина ўқинг»⁹.
- «Ҳаётда муваффақиятларга эришган одамларнинг умумий хусусияти — бу уларнинг ўқишига бўлган муҳаббатидир»¹⁰.

- «Үқиши — бу билим олишнинг энг яхши усули... (Аммо) фақат 5% америкаликлар бу йил китоб сотиб олиб ўқишиди»¹¹.

Агар сиз: «Менинг китоб ўқишига *вақтим* йўқ! Қандай қилиб Худо мен учун белгилаган иш билан бирга ўқишини ҳам олиб бора оламан?» ёки: «Бир дақиқа сабр қилинг, китоб пулга сотилади-ку!» деб ўйласангиз, унда биринчи ақлли қадамингиз –ўз вақтингизни қандай ташкил қилганингизни жиддий баҳолаган бўлар эди. Сизга ўқиши учун вақтингиз йўқлигини айтиш жуда осон, лекин агар сиз ҳамма жойда ўзингиз билан китоб олиб юрсангиз, кўп нарсани ўқий оласиз. Мен одатда ўз таймеримни беш дақиқага қўяман, куннига шу беш дақиқани ўқишига кетказаман. Бундай усул менга кўп китоб ўқишига имкон беради.

Энди пулга келсақ, китоб сотиб олишга пулим йўқ, деб айтишингиз осонроқ. Лекин ҳар бир одамда жамоат кутубхонасидан китоб олиш имконияти бор. Ўзингиз ўйламаган ҳолда кутубхонангизни ташкил қилиш учун пул топишингиз мумкин. Биласизми, топиш тутиши ўртacha бўлган Америка оиласи ҳар ойда кабелли телевидение учун 30 доллар сарфлайди. Шу пулларни руҳий ўсишга ёрдам берадиган ва билим орттириш учун хизмат қиладиган масиҳийлик китобларига сарфлаган яхшироқ эмасми?! Шунда кабелли телевидениенинг дастури сизнинг руҳий ўсишингизга ёрдам берувчи китобларга қараганда, қизиқ бўлмайди.

Rуҳий ўсиш: мақсадни кўзлаш

Ҳозирги вақтда мен қандай қилиб ўз олдига мақсад қўйиш ва унга эришиш мумкинлиги ҳақидаги масалага бағишланган шанба кунги семинарга тайёрланяпман. Албатта, менга кундалик ҳаётимда ёрдам берадиган нарсалар ҳақида гапириш учун бу ташабусга тўламан! Мен ҳаётимнинг бирон кунини ҳам мақсадсиз тасаввур қила олмайман. Мақсад мен учун нишонга ўхшайди. Эрталаб турганимда, мен олдимга мақсад қўяман ва камондан ўқ отаман. У мақсаддан озроқ адашиши мумкин, аммо у барибири олдинга интилади! Ўқ нишоннинг ўртасига тегмаслиги, нарироққа тушиши, эҳтимол, ҳаттоқи мақсаддан узоқроққа тушиши ҳам мумкин. Аммо ҳеч бўлмаганда ўқ (мен ҳам!) олдинга қараб ҳаракат қилдик-ку. Кундалик ишларимизда ўз олдимишга мақсад қўйиш — бизга ёрдам бергани каби, у бизга руҳий ўсиш масалаларида ҳам ёрдам беради.

Мақсад эътиборни бир жойга жамлашга ёрдам беради. Ҳақиқатдан ҳам, агар сиз ҳеч нарсага интилмасангиз, ҳеч нарсага эришмайсиз. Шунинг учун, боғча ёшдаги икки қизнинг онаси сифатида мен ўз олдимга шундай мақсад қўйган эдим: бир йилда битта китобни ўқиши. Мен ўзимга ўзим савол бердим: «Агар мен бу йил битта китобни ўқисам, нима бўлади?» Мен Эдитт Шеффернинг »What is a Family?« китобини танладим. Бу китоб оиласман олиб юрмоқчи бўлган йўлни аниқлашим учун менга ёрдам берди. Мен ҳеч нимадан кўра нимадир яхши, деган гапга риоя қилиб китобни кичик-кичик парчаларга бўлиб ўқидим. Мен ўз олдимга мақсад қўйдим ва унга эришдим. Шу китобни ўқиш менинг мақсадим бўлди. У менинг юрагимга, ҳаётимга кирди.

Мақсад эришилган ютуқларни баҳолашга имкон беради. Ўз олдингизга мақсад қўйишингиз тўғри йўналишда ҳаракатланингизга ёрдам беради. Шундай қилиб, сиз ўз олдингизга мақсад қўйганингизда, ноаниқликдан сақланинг. Рози бўлинг: «Тақвodor аёл бўлиш» ёки «Худо йўлидан юриш» мақсадига қанчалар яқинлашганингизни тушуниш қийин. Янада аникроқ бўлиш яхшироқ. Мана бу саволга жавоб беринг: «Тақвodor аёл бўлиш нима дегани?» Бунда баҳолаш мумкин бўлган аниқ ҳаракатлар кўзда тутилади (масалан, Муқаддас Китобни ўрганиш, доим ибодат қилиш ва бошқалар). Ўз олдингизга қўйилган вазифани амалга ошириш учун нима ишлар қилмоқчи эканлигингизни ёзинг, олдинга ҳаракат қилганингиз сайин, уларни белгилааб боринг.

Мақсад илҳомлантиради. Одатда ҳафтанинг, ойнинг, йилнинг охирида сиз ўзингиздан сўрайсиз: «Мен нима қилдим? Нимага эришдим?» Ўтган йиллар давомида мен нимага эришганим ҳақида йўлаганимда, доимо хафа бўлардим. Аммо мен ўз олдимга аниқ мақсад қўйишига ва ютуқларимни белгилашга ўрганганимда, мен ривожланишни кўрдим, ўз муваффақиятларимдан қувондим, Худога шукроналар айта олдим.

Руҳий ўсиш қилингган танловга боғлиқ

Ўз олдингизга аниқ мақсадларни қўйиб, шу мақсадларга эришмоқчи бўлсангиз, сиз тўғри йўлни танлашингиз керак.

Сизнинг устуворлигингизга мувофиқ танлаш. Сизнинг руҳий ўсишингиз билан боғлиқ бўлган мақсадларга эришиш учун сиз

доимо Муқаддас Китоб курсларида ўқиши, илоҳиёт гурухларидаги машғулотларга қатнаш, китоблар ўқиши, бирон нарсаларни ўрганмоқчи бўлган бошқа аёллар билан учрашувлар ва зиёфатлар, дўконлар, телевизорлар, бошқа жамоатлар ўтказадиган учрашувлар ёки ишингиз орасида танлашингизга тўғри келади. Агар сизнинг ҳаётингиз кўплаб бошқа одамлар учун тириклик суви манбаи бўлиши учун руҳий марҳаматларга тўлиб тошмоқчи бўлсангиз, доимо бу қийин танловни бажаришингизга тўғри келади.

Кўйилган мақсадга мувофиқ танлов. Вақтингизни руҳий ўсишга бағишлишга қарор қилиб, сиз мақсадингизга жавоб бера оладиган нарсани танлашингиз керак. Сизга бунда ўша бешта папка ёрдам беради. Шунингдек, сиз ўз руҳий истеъдодингизни ҳам эътиборга олишингиз керак бўлади. Бу иккита белги сизга тўғри танлов ўтказишингизга имкон беради!

Руҳий ўсиши вақт талаб қиласди

Бизнинг Худони ўрганиш учун сарфлаган вақтимиз, руҳий ўсимишиз сабабли топган, ажратган, тежаган ва режалаштирган вақтимиз учун Худо бизни марҳаматлайди. Бунга мени Муқаддас Ёзуудаги сиймо ишонтиради: «...Худодан умид қилганлар янгидан куч олади, бургут сингари қанот қоқади...» (Ишаё 40:31). Муқаддас Китоб ва ибодат кундалигимиз билан танҳоликда ўтказадиган вақтимиз одамлар кўзидан яширин руҳий ҳаётимиз — бу Худони кутадиган вақтимиздир. Кейин вақт тўлалиги амалга ошганда, Худо белгилаган вақтда биз юксакларга кўтарилимиз ва худди бургутлар сингари парвоз қиласми. Биз юксакларда уча оламиз, чунки жуда кўп Муқаддас Китоб қаҳрамонларининг ҳаёти гувоҳлик беришича, биз Худо билан бўлганмиз.

- Мусо фиръавн қизининг асранди ўғли эди. 40 йил давомида у аслзодалар имтиёзларининг барчасидан фойдаланади. Аммо кейин Худо уни саҳрода олиб борди. Мусо 40 йил давомида чўпонлик қилиб, саҳрода қўй-эчкиларни боқиб юрди, яъни у ҳеч ким эди (қаранг: Чиқ. 3:1). Раббийнинг 40 йиллик тайёргарлигидан сўнг Мусо мўъжизалар кўрсатиб, халқ олдига чиқди. Худога садоқат билан хизмат қилди (қаранг: Чиқ. 3–14).
- Юсуф 10 йил давомида фиръавннинг аъёнларидан бири бўлган, кўриқчилар бошлиғи Пўтифарнинг уйида уй бошқарувчи бўй

либ хизмат қилди (қаранг: Иbt. 39). Аммо кунларнинг бирида у зиндонга ташланди, уни ҳамма унугтди. Орадан икки ёки уч йил ўтгач, шу йиллар мобайнида Худо Юсуфни Истроил халқининг йўлбошлигига тайёрлади, Юсуф яна саҳнага чиқди. У ўз халқини қутқариб, фиръавндан кейин юртда иккинчи одам бўлди (қаранг: Иbt. 41).

- Павлус ҳурматга сазовор, одамларда қўрқув уйготувчи ва масиҳийларни таъқиб қилувчи одам эди. Аммо кейин у ажойиб тарзда масиҳий бўлди. З йил Арабистон саҳроларида йўқ бўлиб кетди (қаранг: Гал. 1:17–18). Кўп йиллар ўтгандан сўнг — Худо уни шу вақт давомида шарафли хизматга тайёрлади — Павлус одамлар орасида пайдо бўлди, ваъзлар ўқиди, тўғри йўлга одамларни бошлади, мўъжизалар кўрсатди ва ваҳийлар содир қилди.
- Ва ниҳоят, Исо. У бадандаги Раббий бўлиб, ҳечқачон шунчаки шахс бўлмаган. Аммо У ҳам маълум вақт мавхумликда, одамлардан узокда, одатдаги заминий ишлар билан шуғулланиб юрган. Худонинг режаларига мувофиқ, Исо болалигида Жалилада дурадгор оиласида яшаган. Сўнгра Ўз отасининг устахонасида бир неча йилни ўтказди, Муқаддас Руҳ томонидан саҳрора олиб борилди. У кирқ кун ва қирқ кеча давомида саҳрода рўза тутди, ибодат қилди (қаранг: Мат. 4:1–11). Бир куни У халқ олдида Ўз мўъжизаси билан Худо кучини ва шарафини кўрсатиб, намоён бўлади. Бироқ ўттиз йиллик тайёргарлигидан сўнг, Унинг ердаги ҳаёти қисқагина уч йиллик хизмат билан тугайди.

Вақтга нисбатан Худонинг нуқтаи назари бизникидан фарқ қилади. Биз Унинг вақтдан фойдаланишидан норози бўлишимиз мумкин. Худо билан ёлғизликда ўтказадиган вақтимизнинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ, у бизга ҳеч нима бермайди, бунга эътибор бермасак ҳам бўлади, деган фикр бизни вассасага солиши мумкин. Ахир бу вақтда бизни ҳеч ким кўрмайди-ку! Бу Худони кутиш ҳафталари, ойлари ва йиллари на шараф, на машҳурлик, на диққат-эътибор келтиради. Биз қандай ўқиётганимизни, мустаҳкамловчи Худо Каломини ўрганишимизни ҳеч ким кўрмайди; биз қандай қилиб Муқаддас Ёзувдан парчалар ёдлашимизни ва ҳаётни ўзгартиришга қодир бўлган Худо ҳақиқатлари устида фикр юритишимишни ҳеч ким сезмайди. Биз тиз чўкиб ўтирганимизни, ибодат меҳнатимизни фақат Худо кўради. У бу меҳнатимиздан бизнинг хизматимизда фойдаланади.

Бир куни биз ҳам худди Муқаддас Китоб қаҳрамонлари ва Кутқарувчининг Ўзи каби, хизмат қилишга тайёр бўламиз. Бизнинг вақтимиз келганда, хизмат қилиш имконияти туғилганда, биз ҳам самоларга Худо меҳнатини амалга оширишни истаган бургут қанотларида парвоз қиласиз! Шунда бизнинг ҳаётимизга «тайёргарлик имконият билан учрашганда, муваффақият келади» ҳикматини қўлласа бўлади. Ана шундай имкониятнинг бизга ўз вақтида, жойида ва Унинг Ўзи белгилаган шаклда берилиши учун Худо бутун масъулиятни ўз зиммасига олади. Биз эса ўз навбатида хизматга тайёргарлик вақтида Худога ёрдам беришимиз керак.

Худо билан танҳоликда вақт ўтказиб, биз шу йўсинда хизматга тайёргарлик кўрамиз. Ана шундай ёлғизлик соатларида Худо бизга намоён бўлади. Худо билан танҳоликда ўтказилган вақтни «даҳолар мактаби» деб атаса ҳам бўлади. Маълумки, «жуда кўп дунёга маълум ва машҳур ютуқлар... ёлғизланиш натижасидир»¹². Шундай қилиб, йилномангизни текширинг. Худо сизни руҳан ўстира олиши учун У билан мулоқот қилиш учун вақт ажратинг. Маълум вақт ёлғиз бўлинг, Худони кутинг. У сизни бургут қанотларида учишга, Унинг халқига хизматни бошлашга тайёрласин!

Руҳий ўсиш: хизматдаги натижалар

Бизнинг руҳий ўсишимиз муҳимлиги (бу бобнинг муҳим мавзуси) қўйидагича фикр билан якунланади: *сиз ўзингизда ўйқ нарсани бера олмайсиз*. Хизматдаги иштирокингиз сизнинг тўла идиш бўлишингизни талаб қиласи. Мисол тариқасида мен сизга дугонам Каренни келтирмоқчиман.

Мен ишонаманки, баъзи бир маънода сиз ҳам Каренга ўхшайсиз. Худога манзур аёл сифатида, сиз шубҳасиз, Худони ва Унинг Ка-ломини англашни хоҳлайсиз. Сиз Унинг иродасига мувофиқ танлов ўтказишини хоҳлайсиз. Шунингдек, сиз ҳаётингизда Худо таъсири ва Унинг кучи аниқ кўринишини хоҳлайсиз. Сизнинг юрагингиз, худди Унинг юраги каби одамларнинг ташвишини қиласи. Сиз ҳаётингиз Худо мақсадларига жавоб берадигандай яшашни ҳам хоҳлайсиз. Карен ҳам шунга интиларди, шунинг учун у ўз идишини тўлдиришга қарор қилди.

Карен иккита кичкина ўғилнинг онаси сифатида тўла идиш бўлишини хоҳларди. Шунинг учун у Худони кута бошлади. У ўзига бешта папка тутди. Ўзи танлаган мавзуларнинг бирига — Болаларнинг руҳан ривожланишига асосан китоблар ўқий бошлади.

Хадемай, Каренниг катта ўғилчаси кунига уч соатдан болалар боғчасига бора бошлади. Йил охирида тарбиячи байрам уюштирмоқчи бўлди ва Карендан, руҳий ҳақиқатларни очиб бериши мавзусида менинг болаларимга, ота-оналарга маъруза ўқиб берсангиз, деб илтимос қилди. Бундай таклиф туфайли Карен билан кўплаб одамлар танишиши — унинг биринчи тингловчилари юзтacha одамдан иборат эди.

Карен садоқат билан Раббийни кутди, Унинг кўз ўнгида шундай ҳолат пайдо бўлдики, У аёл идишини тўлдира олиши мумкин эди. Шунинг учун ҳам Каренниг одамлар билан баҳам кўрадиган нарсаси бор эди. У қаерда бўлмасин, унинг оғзи ва юраги ёлғизликда қўлга киритган тўлаликдан дарак берарди. Каренниг сўзларида шунча самимилик ва куч мавжуд эдики, юраги уларга қуюлаётгандай туюларди. Аёлнинг юраги илоҳий манбалардан куч олганлиги сабабли, унда бошқаларнинг руҳини кўтарадиган, хизматда табиий тарзда намоён бўладиган кучга эга эди.

Руҳий ўсиш: Худо ҳузуридан қувонч

Сизнинг завқингизни келтирадиган аёлни тасаввур қилинг, кеян эса шу бобнинг бошида мен Шеронни тасвирилагандай, уни тасвириланг. Чамаси, бу қувноқ, ҳаракатчан, сизни ҳаракат қилишга ундовчи аёл бўлса керак. Унинг ўзи руҳан ўсади, бошқаларни ҳам мустаҳкамлайди. У илҳомланган ва илҳомлантирадиган, ўзи ўқиб ўрганадиган ва бошқалар билан ўз билимларини баҳам кўрадиган аёлдир. У сизни илҳомлантиради, сиз ҳам у билан мулоқотда бўлишини яхши қўрасиз. У ҳеч нарсадан қўрқмайди, сиз ҳеч қачон унинг оҳ-воҳларини эшитмайсиз, уни зерикаётган аҳволда кўрмайсиз. У учун ҳаёт ҳеч қачон ғам-ташвишли бўлмайди.

Бундай аёл, эҳтимол, руҳан ўсишни бошлаган ва давом эттираяпти. У вақтини Худо билан мулоқот қилиб ўтказади, Ундан баҳра олади. Шунинг учун одамлар орасида Исога бўлган севгини бўлишмасдан туролмайди. У Худони англаш, Унинг кетидан юриш қувончини бошқаларга улашади. Худо уни бошқаларга қувват беришга қодир қилиб, унинг юрагини тўлдирди. Ҳикматларнинг 31-бобида тасвириланган аёллар Худо билан мулоқотда бўлиш лаҳзаларидан тўлдирган хазиналаридан олаётгандарини кўрганингизда, улар ўз ҳаётлари ва Худо ҳақида завққа тўлиб гапираётгандарини эшитганингизда, сиз уларнинг чиндан ҳам Худо қувончини англашларини эътироф этишингиз керак бўлади. Ҳақиқий қувончни

бизга Худо билан мулоқотда ўтказилган дамлар, У бизни бойитган ва хизматга тайёрлаган соатлар беради.

СИЗНИНГ ЮРАГИНГИЗ ЖАВОБИ

Агар ана шундай Худо даъватига жавоб берган, руҳан бой аёллардан ҳеч бўлмаганды биттасини билсангиз, сиз чиндан ҳам баҳтлисиз. Аммо агар сиз ҳам худди улар қилган ишни қилсангиз, унда янада баҳтлироқ бўласиз. Шундай қилиб, шошманг, мана бу саволларга жавоб берәёттанингизда Раббийни кутинг: «Худо менга ҳадя қилган қимматбаҳо вақтимни ва кучимни нимага сарфлаяпман? Муҳимлик нуқтаи назаридан ҳеч қандай қимматга эга бўлмаган нарсаларни танлаб, вақтимни бекорга сарфламаяпманми? Ёки мен: яхши, яхшироқ, олий тамойилига асосан танлаяпманми? Хизматга тайёргарликда ўтказилган вақтнинг қимматлигини ва зарурлигини мен тан оламанми? Мени хизматга тайёрлашга Худо учун имкон бераманми? Ёки мен ўз вақтимни ва ҳаётимни абадийлик учун ҳеч нима қилмасдан ўтказяпманми?»

Худо Ўзи томонидан ҳамма нарсани қилди: У бизларни қутқарди (қаранг: 2 Тим. 1:9), бизга абадий ҳаёт берди (қаранг: 1 Юҳ. 5:11), бизга ҳар хил қут-баракалар ато этди (қаранг: Эф. 1:3), қобилиятларни ҳар кимга алоҳида тақсимлайди (қаранг: 1 Кор. 12:11) ва бизга самоларда маскан тайёрлаб қўйди (қаранг: Юҳ, 14:2). Энди эса У бизни ҳам хизмат қилишга даъват этяпти: Унинг мақсадларини тушуниш, ўз олдимизга мақсад қўйиш ва Унда ўсиш, Худо бизга Унинг ҳалқига хизмат қилиш имконини беради, деб умид қиласиз. Юрагимизда тўлиб-тошган қувончни, кучни Унинг ҳалқи билан баҳам кўришимизга ишониб, вақтимиз ва кучимизни хизматга тайёргарликка сарфлашни даъват қиляпти!



МЕХНАТ ҚИЛАЁТГАН ЮРАК

*...Эй севимли биродарларим, қаттиқ ва маҳкам
туринглар. Ҳамиша Раббимиз хизматида бўлиб,
янада гайратли бўлинглар. Шуни билингларки, Раббимиз
йўлида қўлган меҳнатингиз фойдасиз бўлмайди.*

1 Кор. 15:58

Қизим Кортни эри билан тўй саёҳатидан қайтганларидан сўнг, ҳаммамиз — Жим, Кэтрин ва мен — бир ҳафта давомида уларнинг нарсаларинитўплаб, жойлаштиришга ёрдам бердик. Улар ўзларининг тўйга тушган совгаларини бағажга топширишди ва Гавайи оролига жўнаб кетишиди. Гавайи Лос-Анжелесдан анча узоқда жойлашган, биз қаердадир — жуда узоқда бизнинг азиз кишиларимиз яшайди, деган фикрга кўникишимиз керак эди. «Нима бўпти, — деб ўйладик биз, қитъада қолганлар, — биз уларни бориб кўришимиз керак!» Шундай қилиб, мен, Джим, Кэтрин ва унинг эри Пол Гавайига саёҳатни режалаштира бошладик.

Беш ой ўтгандан сўнг биз, ниҳоят, ўзимиз учун азиз кишилар билан учрашиш учун Мауига учиб келдик. Учрашув амалга ошди. Бутун оиламиз учун шукrona Куни муносабати билан ажойиб таътил кунлари бошланди. Бир куни маҳаллий ёдгорликларни томоша қилиб, Ганага олиб борадиган машхур йўлга чиқиб қолдик. Бу йўлга бизни оролнинг энг катта йўли олиб чиққан эди. Ҳа, биз ўйламасдан иш қилиб кўйган эдик: йўл 30 миль узоқлиқда илон изи бўлиб кетарди (беш соатлик йўл!). Ҳаммамизнинг кўнглиминиз беҳузур бўлди. Аммо йўл охирида кишини ҳайратга солувчи манзарани кўрдик: еттита муқаддас ҳисобланмиш кўлни кўрдик.

Бу кўллар тоғ ён бағирларидан Тинч океанига оқиб тушадиган ёмғир сувларидан ҳосил бўлган. Инсон қўзидан нарида, ҳамиша осилиб турувчи булутлар билан беркитилган баландликда пайдо

бўладиган тоза сув оқими олдинига энг тепадаги кўлни тўлдиради, кейин ерга оқиб тушади. Юқоридан тушаётган сув оқими уни тўлдирган вақтда, бу кўлнинг суви қоянинг пастроғида жойлашган бошқа кўлга оқиб тушади. Ниҳоят чексиз Худо дengизига оқиб тушмагунча, у кўлдан бунисига оқиб келаверади.

Худо мақсадлари ҳақида фикр юритиб

Худо қўллари билан яратилган бу ажойиб мўъжизани томоша қилиб (ва уни расмга тушириб), мен Худога манзур аёллар сифатида яшашга интиладиган ҳаёт ҳақида ўйладим. Бу еттига кўл биз эга бўлган ўша тўлаликни, Худо мақсадларига мувофиқ яшаганимизда ўтказа оладиган ўша таъсирни намоён қилиб турарди.

Энди яна булутлар билан инсон кўзидан яширин, баланд тоғлар чўққисида жойлашган энг юқоридаги кўлни кўз олдингизга келтиринг. Худди шу кўл каби биз ҳам инсонлар кўзидан яширин Худо билан ҳаётимиздан — Худо озиқлантирадиган ҳаётимиздан хузурланамиз. Унинг хузурида пайдо бўлганимизда, Унинг Каломидан тўйганимизда, атрофдагиларга кўринмасдан Худо Рухи билан тўламиз. Бу муқаддас зимистонда У бизнинг чанқоқ қалбларимизни, то улар Раббийнинг баракаси билан тўлиб-тошмагунча, тўлдираверади. Сўнгра бу тўла рух кейинги кўлга — бизга энг яқин ва азиз одамимиз — эримиз юрагига қуюлади.

Сўнг ҳаммаси яна тақрорланади. Ҳали баланд тоғларда эканмиз, эримизни Худо билан мулоқотимиз орқали олган қувватимиз билан тўлдираверамиз. Бунда биз энг азиз инсоний муносабатлар ҳақида қайғурамиз, уларни ривожлантирамиз. Худо бизда, хотинлар сифатида кўрмоқчи бўлган хусусиятларни шакллантирамиз. Худо бизда хизмат қилиш руҳини ва шу одамга нисбатан намоён бўладиган севгига тўла юракни тарбиялайди. Тез орада севгининг бу ақиқдай соғ кўли тўлиб, фарзандларимиз юракларига қуюлади.

Ҳа, болаларимизнинг юраклари — бу бизнинг муҳаббатимиз ва кучимиз билан тўлиши керак бўлган навбатдаги кўлдир. Агар Худо бизга фарзандлар берса, У болаларни бизнинг қарамогимизга ва севгимизга топширади. Биз уларни ўқитишимиз, тарбиялашимиз ва уларга Худо ҳақидаги билимларни беришимиз керак. Худо бизни тўлдирган ҳамма нарса ва севги билан бирютирилган ва Масиҳ атрофига йигилган никоҳнинг барча роҳат-фароғатлари бизнинг азиз болажонларимизни озиқлантириш ва кучга тўлдириш учун уларнинг нозик юракларига қуюлади.

Худо, эримиз ва болаларимиз билан муносабатларимизнинг мўл-кўллиги кейин бизнинг уйимизни Худо севгиси ва оилавий муносабатларнинг гўзаллиги билан тўлдириб, навбатдаги кўлга қуилади. Худо севгиси ва ғамхўрлигининг булоги бизнинг бошпанамиздаги руҳий ҳаётни, оилавий ҳаётни, эр-хотинлик ҳаётини озиқлантиради. Тез орада бу кўл ҳам тўлиб-тошиб, қирғоқларидан оқиб тушади...

Кейин сув пастга, навбатдаги кўлга — бизнинг руҳий эҳтиёжларимизни қондириш кўлига қуюлади. Бу тез тўладиган сув ҳавзасидир. Биз бу ерда орзу қиласиз ва фикр юритамиз, бу ерда биз Худо У учун ва Унинг халқи учун қилишимиз керак бўлган ишларни билиб оламиз. Бу ерда биз ўз ҳаётимизни ҳақиқий мазмунга тўлдириш истагини сезамиз, бу ерда биз Худо мақсадларига мувофиқ бошқаларга хизмат қилишни истаймиз. Биз тог ён бағирларидан юқорироқда жойлашган кўлларнинг сувлари билан тўлган кўлга кирамиз. Биз бу тетиклантирувчи билимлар, итоаткорлик ва шогирдлик кўлига ўнгиймиз. Биз сув то тўлиб-тошмагунча ва чексиз хизмат қилиш уммонига қуюлиб ташқарига оқиб тушмагунча, сувга кирверамиз.

Худо биздан қандай фойдаланиши мумкинлиги ҳақида фикр юритиб, биз ғоят ҳурмат билан жим бўламиз. Биз энди тушунамиз! Унинг йўллари донондири, Унинг йўллари эътиқодлидир. Биз Унинг йўлларидан ўз ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасида Унинг амрларини бажариб юрганимизда, бизнинг бажарадиган хизматимиз жуда катта аҳамиятга эга.

Азиз синглим, кўряпсизми? Худо бизнинг ҳаётимиздан Ўз Шоҳлиги учун қандай қилиб катта муваффақият билан фойдалана олишини мана шу еттига кўл кўрсатади. Биз биринчи навбатда ўзимиз билан бирга яшайдиганларга яхши таъсир ўтказишимиznи У хоҳлайди. Бироқ У биз орқали жуда кўп одамларга таъсир ўтказиши мумкин. Шундай қилиб, биз руҳан ўсишнинг муҳимлигини муҳокама қилдик. Энди сиз бу кўлларнинг суви қандай қилиб Худонинг хизмат қилиш уммонига оқиб тушишини кўришингизни мен хоҳлайман. Қандай қилиб биз, масиҳий аёллар, бошқа аёлларнинг ҳаётларига, уларнинг мангаликдаги тақдирларига таъсир қила олишимизни кўриб чиқамиз.

Инсонларнинг юракларини забт этишини ўрганинг

Исо бизга қайта-қайта ҳар кимга беришни амр қиласиди (қаранг: Лк. 6:30); ҳеч нарсани тама қилмай беринглар (қаранг: 35-оят);

Худо сингари сахийлик билан беринглар, дейди. Чунки Унинг Ўзи ҳам ношукурлар билан ёмон ниятиларга нисбатан меҳрибон бўлган (қаранг: 35-оят); муҳаббат билан берган. Биз бошқалар хақидағи ғамхўрликка тўлган юрак билан беришни ўргана оламиз. Мана, шу борадаги бир нечта фикрлар.

Сизнинг мавжудлигингиз, баъзида эса бир мартагина қўл теккизишингиз мингта сўзга арзиди. Сиз кимнидир қўллаб-куватла-моқчи бўлган вақтингизда ибодатнинг шу тамойилини эсланг: сизнинг борлигингиз — бу тасалли манбаидир. Сиз керакли сўзларни ёки Муқаддас Ёзувдан вазиятга мос жойини топа олмаслигингиз мумкин. Аммо жуда кўп, агар ундан ҳам кўпроқ бўлмаса, сизнинг қўл текизишингиз, сўзларга қараганда, анча кўпроқ тасалли беради.

Ҳадя берувчи бўлинг. Биз нафақат болаларимиз ва эримизга, балки бошқа одамларга ҳам табассум, салом, ҳамдардликка йўғрилган тасалли, қўл текизиш, қучоқ очиб кутиб олишни ҳадя қилишимиз мумкин. Доимо ўз сухбатдошингизнинг исмини айтиб мурожаат қилинг.

Тўғри сўз ва самимий бўлинг. Одамлар билан самимий бўлинг ва уларга ўз юрагингиздан жой беринг. Агар сиз ўзингизни кимдандир четга олаётганингизни сезсангиз, Худодан нимагалигини сўранг. Аниқроғи, гуноҳ сизнинг юрагингизда ишлайди, яқинларингиз учун ғамхўрлик билан тўлиши керак бўлган юрагингиздаги гуноҳ сизга шу одам билан самимий бўлишингизга халақит беради. Шундай қилиб, юрагингизда нима бўлаётганини, сизнинг ибодатнингизга нима халақит бераётганини аниқлаб олинг. Кейин яна бир қадам кўйинг, кейинги учрашувда бу одам билан гаплашиб олишга қарор қилинг. Уни топинг, унга салом-алик ҳадя қилинг. Агар сизнинг юрагингиз Худо олдида пок бўлса, сиз ҳеч нарсани яширмасангиз, бекитмасангиз ҳам бўлади. Ўзингиз ҳар куни учрашадиган одамлар билан мулоқотда бўлишга ўрганинг.

Сахий бўлинг. Сиз нафақат беринг, балки мўл-кўл қилиб, кўнгилдан чиқариб, рози бўлиб беринг (қаранг: 2 Кор. 9:6–7)! Ҳикматларда шундай дейилган: «Сахийнинг бири икки бўлади, бошқаларга яхшилик қилганинг ўзи ҳам яхшилик кўради» (11:25). Лекин «сахийлик қилувчи қалб» бўлиш учун вақт керак бўлади. Менга бу

учун ўн йилликлар кетди. Менинг эрим Жим ажойиб сахий инсон, у ҳамма нарсаны тарқатади! У бизнинг машиналаримизни, жамгармаларимизни, ўз костюмларини, биз бирон жойга кетган вақтимизда, ҳатто уйимизни ҳам бошқаларга беради. Мен ҳам сахийроқ бўлишга ўрганяпман. Бир куни шу мавзуда ажойиб сабоқ олдим. Жамоатимиздаги бир эр-хотин совға оладиган одам қандай бўлишини менга сездиришди. Биз Сингапурда миссионерлик хизматини амалга ошираётганимизда, улар бизнига ташриф буюришди. Бир куни биз улар билан бу шаҳарчанинг дўкончаларини айландик. Билли ҳамма нарсаны иккитадан сотиб оларди. Кейин эса хайрлашаётганимизда бу нарсаларнинг иккидан бирини (кийим-кечакларни, Мавлуд сувенирларини, хитой чинни идишларини) менга совға қилди. Биз сиз билан бошқаларни ўз сахийлигимиздан шодлантира олишимиз қандай баҳт!

Ҳеч қачон яхшилик қилишдан бош тортманг. Ҳикматларда биз қуидагиларни ўқиймиз: «Яхшилик қилиш қўлингдан келса, муҳтоҷлардан ёрдамингни аяма» (3:27). Сизнинг қўлингиздан «қандай мурувват» қилиш келади? Мақташ, тасалли бериш, миннатдорчилик, ширин сўз, хайрли иш, эътироф этиш белгилари — мана биз кўп ҳолларда одамларга рад қиласиган мурувватларнинг баъзилари. Биз бу мурувватларни улашиш ёки улашмасликни танлаймиз.

Ўзим олган биринчи сахийлик сабоги ҳақидаги хотираларим менга далда беради. Кунларнинг бирида қавмбошимизнинг хотини менинг олдимга келди ва баъзи иккиланишлардан сўнг шундай деди: «Мен Эгамдан буни сизга айтишим керакми ёки йўқлигини сўрадим, чунки сизнинг гердайиб кетишингизни хоҳламасдим. Лекин барибири айтишга қарор қилдим: сиз яхши ўқитувчисиз!» Ишонинг, мен ўзимга ҳаддан ташқари бино қўйганимдан азобланмадим! Аксинча, мен ўзимнинг ўқитувчилик лавозимига мос келмаслигимдан ва бу хизматни қилишга қодир эмаслигимдан қайгуардим. Лекин бу ҳурматга сазовор аёл менга мурувват кўрсатишни — далда берувчи сўзларни айтишни афзал билди! Биз ҳам шундай қилайлик!

«Йўқолган қўйларни» қидиришни ўрганинг

Лука баён этган Муқаддас Хушхабарда Исо меҳрли юракка эга руҳоний ҳақида сўзлаб берган масални ўқишини яхши кўраман.

Унинг юзта қўйи бўлган. Биттаси йўқолиб қолганда, у тўқсон тўқ-қизтасини даштда қолдириб, йўқолган қўйни қидиришга жўнаган (қаранг: Лк. 15:3–6). Худо ҳам биз тўғримизда худди шундай ғамхўрлик қиласди. Биз ҳам бошқаларга шундай ғамхўрлик қилиши-мизни У истайди.

Мурувватли бўлинг. Сулаймон шундай дейди: «Сахий барака то-пади, чунки у ўз нонини камбағаллар билан баҳам кўради» (Ҳикм. 22:9). Менга мурувватни Худо табиатининг хусусияти сифатида ўйлаш ёқимли: «Эгамнинг кўзлари бутун ер юзини текшириб тура-ди» (2 Сол. 16:9). Одамлар орасида бўлиб мен атайлаб «яраланган қўйни» қидираман. Менга ишонинг, ҳамиша уни топаман! Мен аёл-лар ҳожатхоналарида, жамоат ҳовлисида, ибодат хоналарида йигла-ётган сингилларни топганман. Бир куни кечқурунги мажлис пайти-да бир ярим соат давомида тинимсиз йиглаётган аёл билан ёнма-ён ўтирдим. Мен ундан: «Сизга мен ёрдам бера оламанми? Эҳтимол, бирга ибодат қиласми? Мен сиз учун бирон нима қила оламанми? Суҳбатлашишни хоҳлайсизми?» деб сўраш учун қавмбоши ибодати тугашини жуда сабрсизлик билан кутдим. Бизнинг атрофимиздаги одамлар яхши сўзга ва фақат яхши сўзга муҳтождирлар. (Биз нима сабабдан ўзимизнинг худбинлик хусусиятларимизни енгишимиз кераклигини тушуняпсизми? Фақат шундагина биз бошқаларга ёр-дам бера оламиз.)

Яхшилик қилишидан бош тортманг. Ҳар гал бирон нимага муҳтож одамни кўрганингизда, ундан ўзингизни олиб қочманг. Шу «ярадор кўйнинг» ёнига боринг, у нимага муҳтож эканлигини, сиз унга қандай ёрдам бера олишингиз мумкинлигини билинг. Буни бошқа бирор қилишига умид боғламанг. Руҳонийни қидирманг. Худо уни айнан сизга учратишни лозим кўрди. Энди сиз ўз юрагингиз шу одам ҳақи-даги ташвишлар билан тўлишига имкон беришингиз керак.

Ўзингизни ҳеч бир қолдиқсиз бағишиланг

Миссионер ва жафокаш Джим Эллиот бир куни шундай деган: «Қаердадир бўлганингизда, ўша ерда бутун вужудингиз билан бў-линг. Ишонинг, Худо сизни солган барча вазиятларда ўзингизни тўла бағишиланг»¹. Ҳар сафар мен қайсиdir жамоатга борганимда ёки ибодатда иштирок қилаётганимда, мен шу сўзларни хотирамда тутаман. Худо мен орқали ҳаракат қилишини кутаман. Мана, мен-

инг усулим ҳақида қисқача маълумот. Мен сизга ҳам ундан фойдаланишни маслаҳат бераман.

Чалгиманг. Бирон жойга борищдан олдин ўзим учрашадиган одамларга ўзимни бағищашиб учун ибодат қиласман: хушмуомала бўлиш, ёрдамга муҳтож бўлган одамни қидириб топиш, ёрдам бера олишим мумкин бўлган одамларга яқинлашиш. Кейин қаергадир келиб, фикрларимни назорат қиласман. Муқаддас Китоб курслари машғулотларида ўтирганимда, мен бугун кечки овқатга нима пишириш кераклиги ҳақида ўйламаслигим керак. Руҳонийнинг ваъзини тинглаётганимда, кейинги ҳафтага режалар тузмаслигим керак. Мен илгари бўлиб ўтган ёки энди бўладиган нарсалар ҳақида ўйламаслигим керак. Мен бегона ўй-хаёлларимга эрк бермаслигим лозим.

Ўзингизни тамомила бағишиланг. Мен ўтирган жойимда нафақат бутун вужудим билан, балки машғул бўлган ишимга ва мен мулоқотда бўлаётган одамларга ўзимни тамомила бағищашиб лозим. Менга қавмбошининг хотини Энн Ортланднинг маслаҳати ёқади. У бизни ўз яқинларимиз учун тушунарли бўлишга даъват килади². Агар сиз мажлисда ёки бошқа жойда бўлсангиз, агар сиз шу воқеага эртани ёки кечни бағишлигар бўлсангиз, унда тамомила бағишиланг. Юрагингиз ҳароратини иложи борича кўпроқ одамга беришга ҳаракат қилинг. Кимга хизмат қила олсангиз, ўшанга қўлингиздан келган ҳамма ёрдамни беринг.

Сизнинг ёрдамингизга энг муҳтожларга хизмат қилинг. Ўз дугоналарингиз, онангиз, қизларингиз билан йигилишларда бир жойда ўтирасликка, кимникигadir бирга боришига келишиб олинг. Яхшиси, сиз билан мулоқотга зор одамлар билан мулоқот қилиш учун қарор қабул қилинг. Сиз бериш учун келдингиз, буни эсдан чиқарманг! Сиз доимо ўз яқинларингиз ва дўстларингиз учун тушунарлисиз. Улар билан кўпинча яккама-якка учрашасиз. Шундай экан, нима сабабдан улар сизнинг бошқа одамларга бағишиланган вақтингизни олишлари керак? Улар сиз билан кейинроқ гаплашишлари мумкин. Бир дугонам билан келишиб олдик: қачонки бирга бўлгимиз келса, биттамиз шундай деймиз: «Юр, биронта муҳтож юракка бирга ёрдам берайлик!»

Ва охиргиси. Худога ўзингиздан шу хизматда фойдаланишга имкон бериб, ўзингиз ҳам жуда кўп нарса олаётганингизни кўрасиз. Ўзингизни ҳар томонлама баҳтли инсондай сезазис!

Ўз ибодат ҳаётингизни мукаммаллаштиринг

Биз қайта-қайта бу китобда ибодатга эътибор қилаётганимизни сездингизми? Худога манзур аёл — бу ибодат қиласидиган аёлдир. Унинг юраги ибодатда ҳам, худди севгидаги каби, тўлиб-тошади. Модомики ибодат — бу ўзимиз яхши кўрган одамлар ҳақида ғамхўрлик қилишнинг энг яхши усули бўлганлиги сабабли, биз Худо билан ибодат хизматида — одамлар ҳаётида улкан ўзгаришлар содир қила оладиган ибодат орқали бирлашишимиз керак. Буни, мен каби, ибодат ҳаёти мукаммаллашишини қуидагича ҳикоя қилиб берган Дж. Сидлоу Бакстердан ўрганинг.

Мен, жисмимнинг бир қисми ибодат қилишни хоҳламаётганилигини сездим... бошқа қисми эса ибодат қилишга тайёр эди. Биринчи қисмга туйгуларим, иккинчи қисмга эса — ақлим ва иродам таалкуғи эди...

Мен иродамга шундай савол бердим: «Сен ибодат қилишга тайёрмисан?» «Мен шу ердаман, мен тайёрман», — деб жавоб берди иродам. Шунда мен унга дедим: «Юр, иродам, сен менга ибодат қилишга ёрдам берасан».

Шундай қилиб, мен иродам билан ибодат қилишга қарор қилдик. Аммо биз ибодат қилишга кетаётганимизда, туйгулар тилга кирди: «Биз бормаймиз, биз бормаймиз, биз бормаймиз!» Мен иродага мурожаат қилдим: «Ирода, сен уларни мажбур қила оласанми?» У шундай жавоб берди: «Сен нима десанг, шу». Шу тарзда бизга қаршилик қилаётган туйгуларимизни судраб кетдик ва бир соат давомида ибодат қилиб турдик.

Агар сиз мендан, бу ажойиб вақт эдими, деб сўрасангиз, мен ижобий жавоб бера олармидим, нима деб ўйлайсиз? Ажойиб вақтми? Йўқ, бу оғир кураш эди.

Билмадим, мен иродамнинг ёрдамисиз нима қиласар эдим. Ибодатнинг энг самимий пайтида, мен тўсатдан туйгуларимнинг бири кортга кетганини ва гольф ўйнаётганини сезиб қолдим. Мен кортга югуриб боришга ва: «Юр, орқага қайтамиз...» дейиштга мажбур эдим. Буни қилиш жуда қийин эди, аммо биз бунинг уддасидан чиқдик.

Мана, тонг ҳам отди. Мен соатга қарадим: ибодат қиласидиган вақт бўлибди. Мен иродага: «Ибодат қиласидиган вақт бўлибди», дейман. Барча туйгуларим мени бошқа томонга етаклай бошлади. Шунда мен дедим: «Ирода, сен уларни жиловлай оласанми?» Ирода шундай деб жавоб берди: «Ха, ўйлашимча, кечаги курашдан кейин мен янада кучлироқ бўлиб қолдим». Шундай қилиб, биз ирода билан яна ибодат қила бошладик.

Яна худди кечаги воқеа содир бўлди. Итоатсиз, исёнкор туйгулар! Агар мендан: «Сиз вақтингизни жуда яхши ўтказган бўлсангиз керак?» деб сўрасалар, мен кўзларимда ёш билан: «Йўқ, мен диққат-эъти-боримни жамлашга қийналдим. Мен туйгуларимга бас келишга жуда қийналдим» деб айтишга мажбур бўлардим.

Деярли икки ярим ҳафтача шундай давом этди. Бироқ биз ирода иккимиз орқага чекинмас эдик. Бир куни эрталаб, учинчи ҳафта охирлаб қолганда, мен соатимга қарадим ва шундай дедим: «Ирода, ибодат қи-ладиган вақт бўлди. Сен тайёрмисан?» Ирода жавоб берди: «Ҳа, мен тайёрман».

Биз ибодат қилишни бошлаганимизда, мен энг муҳим туйгуларимдан бирининг бошқасига гапираётганини эшидим: «Юр, кетдик, ўзимизни қийнашдан фойда йўқ. Биз нима қилсак ҳам, улар барибир ибодат қиласкерадилар...»

Кунларнинг бирида (бир ҳафта ўтгандан кейин) биз ирода билан осмон шарафи тахти олдида ибодат қилишга турганимизда, менинг туйгуларимдан бири шундай деди: «Аллилуиј!». Барча бошқа туйгалар ҳам кутилмаганд;: «Омин!» дейиши. Биринчи марта менинг бутун борлигим ибодатда иштирок этдилар³.

Ибодат — бу меҳнат, албаттa, тартиб ва интизом. Аммо шунингдек, юрак тўлалигидан пайдо бўладиган хизмат ҳамdir. Қуидаги учта қарорни қабул қилиб, сиз юрагингизни шундай бир ҳолга келтирасизки, бунда Худо юрагингизни яқинларингиз тўғрисидаги ғамхўрлик билан тўлдиришга имкон беради.

Ибодат қилиши учун вақт белгиланг. Жаноб Бакстер соатига қараб: «Ибодат қилиш вақти етди» дегандай, биз ҳам ибодат қилиш учун маълум бир вақтни белгилашимиз керак. Бу бизга ибодат хизматини амалга оширишга имкон беради. Ибодат қилиш учун вақтни белгиланг. Ибодат вақти келганда, телефонни ўчириб қўйинг, барча ишларингизни қўйиб, ибодат қилинг.

Ибодат қилиши учун жой белгиланг. «Осмон қудратининг тахти олдида ибодат қилиб туриш учун» бир ўзингиз ҳоли бўладиган сокин жойни танланг.

Режа тузинг. Сизга ўз ибодат хизматингизни ташкил қилишга ёрдам берадиган кундалик тутинг. Менинг кундалигимнинг биринчи бетида ким учун ибодат қилмоқчи бўлсам, ўшаларинг

исмлари ёзилган. Кейин мен ким учун неча марта ибодат қилишимни ёзиб қўйганман. Уларнинг баъзилари учун ҳар куни (шу жумладан, «сизга қарғиши ёғдиргандар») учун ҳам, қаранг: Лк. 6:27–28), бошқалар учун эса ҳар ҳафтада бир марта ибодат қилиш керак. Ниҳоят, мен ҳар бир тоифа аъзолари учун маҳсус кунни белгилайман. Шу жумладан, менда «алоҳида эҳтиёжлар» учун ва қариндошларим учун саҳифалар бор. Худо сизга ким тўғрисида ташвиш қилишни буюрган бўлса, шулардан ҳеч кимни унутмаслик учун етарли тоифаларни танланг ва ўз кундалигингизда шунча саҳифа очинг⁴.

Вақт белгилаб, жойни ҳозирлаб, режа тузиб, сиз ҳеч кимни ва ҳеч нимани унутмайсиз. Сиз ҳар бир нарса ва ҳар бир кимса тўғрисида ибодат қила оласиз! Бу амалий қадамлар сизга Худонинг «...ҳар доим... хушёр ва саботли бўлиб, барча Худонинг азизлари учун илтижо қилиб» (Эф. 6:18) ибодатда бўлиш амрини бажаришга ёрдам беради.

СИЗНИНГ ЮРАГИНГИЗ ЖАВОБИ

Худога юрагингизни тўлдиришга имкон берганингизда, Унинг борлигини сезасизми? Сиз Худога ёқишига ҳаракат қилаётган юрагингизнинг тўлаётганини сезасизми? Туйгулар уни тўлдириб-тошираётганини, сизнинг атрофингиздаги одамлар севгисиуммонига қуялаётганини ҳис қиласизми? Биз Худо севгисига лиммо-лим тўлаётган пайтимиз қандай ажойиб! Кейин эса У биздан ўз яқинларимизга хизмат қилишда фойдаланади.

Сиз орқали Худо Ўз севгиси билан жуда кўп одамларнинг қалбларига таъсир ўтказаётганини кўриб, юрагингиз хотиржам бўлади, чуқур ҳузур-ҳаловат ҳиссини туясиш деб умид қиласман. Биринчидан, Унинг севгиси сизнинг юрагингизга яқин бўлган барча одамларга, сизнинг қариндошларингизга қуялади. Кейин сизнинг ибодатингиз орқали у бошқаларни тетиклаштиради ва кучга тўлғазади. Бу юз берган пайтда бизнинг мурувватли ва саҳий Парвардигоримиз мўъжизавий тарзда сиз бошқалар учун қурбонлик сифатида берган барча нарсани қайта тиклаб, кўпайтириб, сизни яна тўлдиради.

Сиз бу жараён ҳақида ўқиб, руҳингиз тушиб кетмаслиги учун мен ибодат қиласман. Мен сизнинг бир марта қурбонлик қувончини ҳис қилиб, чуқур қониқиши ҳиссига тўлишингиз учун ибодат қиласман. Сизнинг Худо учун қилган меҳнатингиз ҳеч қачон зое кетмаслигини аниқ билинг. Бунга ҳеч ҳам шубҳа қиласманг (қаранг:

1 Кор. 15:58)! Яхшилик қилиб, ҳеч қачон ғамга ботманг, «Шундай экан, яхшилик қилишдан безмайлик. Агар бўшашибасак, ўз вақтида бунинг ҳосилини ўриб оламиз» (Гал. 6:9). Худодан ўзингиз учун Унга ва одамларга кўпроқ хизмат қилиш истагини беришни сўранг. Қаерда ва қандай ибодат қилишни ҳал қилаётганингизд, а сизга до- нишмандлик ато қилишини Худодан сўранг. Албатта, юрагингизни тўлдириш учун вақт топинг, токи кейин бошқа одамларга улаша- диган нарсангиз бўлсин. Ниҳоят, Унга ва Унинг халқига хизмат қилиш учун куч ва шу хизматнинг қадрини аниқ тушунишни ато қилишини Худодан сўраб, ибодат қилинг.



20

ДАЛДА БЕРУВЧИ ЮРАК

...Ширин сўз юракни шод этади.

Ҳикм. 12:25

Якшанба мактабимизнинг машғулотларида ўтириб, мен Жимнинг Янги Аҳд нуқтаи назаридан масиҳийлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар ҳақидаги навбатдаги маърузасини тинглаб, қисқача мазмунини ёзиб олар эдим. Бу маърузаларнинг ҳар бир қатори ҳар биримиз Масиҳдаги биродар ва сингилларимиз учун қилишимиз керак бўлган илтижога бағишланган эди. Бу якшанбадаги машғулотда Жим бир-бirimizга насиҳат қилишимиз, бир-бirimizга ёрдам беришимиз, яқинларимизга далда беришимиз, атрофдагилар ҳаётига ижобий таъсир қилишимиз, уларга ёрдам беришимиз ҳақида сўзлади.

Хулоса қилиб, Жим ўз дарсини амалда қўллаш ҳақида шундай дейди: «Ҳар бир одамга сиздан бир яхшилик бўлиши учун ўз олдингизга мақсад қўйинг. Сиз мулоқотда бўладиган одамга ҳар бир учрашувда нимадир беришга ҳаракат қилинг». Мен бу сўзларни ҳеч қачон унутмайман. Бошқа одамлар ҳаётига ижобий таъсир қилишнинг қандай содда ва ажойиб усули! Ҳар бир инсон далдага ва насиҳатга муҳтож. Биз юракларимизда Худо яшайдиганда ҳам насиҳатни, ҳам далдани бошқаларга бера оламиз. Мана Худо халқига далда бўлишда бизга ёрдам бера оладиган бир нечта маслаҳатлар.

Ўз юрагингизни тўлдириши учун вақт топинг

Агар сиз Муқаддас Ёзувни ўрганиб Исонинг оёғи томонида ўтиришга ва Илоҳий Рух билан тўлишга вақт топсангиз, бутун

эътиборингизни Худо ишини бажаришдаги ички тўсиқларни енг-ишга қаратсангиз, унда сизнинг ҳеч қачон хизматда камчилигин-гиз бўлмайди. Худо тўлалиги табиий тарзда бошқа одамларнинг юрагига қуюлади. Мен ўз тортинчоқлигини енгиб, олдингидан самаралироқ хизмат қилаётган иккита аёлни эслайман.

Хушхабар тарқатувчи Корри Тен Боом жуда тортинчоқ эди. У ўз камчилигини енгишга ва одамлар билан мулоқот қилишга қарор қилиб, Дейл Карнеганинг курсларига ёзилди. Агар Корри одамлар билан сўзлашишни ўрганса, уларга Масих тўгрисида гувоҳлик бера олади. Ўз устида ишлаш аёлга хизмат қилишга йўл очди.

Говард Хендрикс хоним ҳам жуда тортинчоқлигидан азоб чекарди. Худди Корри Тен Боом сингари, у ҳам Дейл Карнеганинг машғулотларига, шунингдек, катта гуруҳдаги одамлар билан гаплашишга ўрганиш ва норасмий сухбатларни ўтказа олиш учун нотиқлик санъати курсларига қатнай бошлади. Хендрикс хоним икки марта ва бирданига беш юз аёлга мурожаат қилиб, жамоатимиздаги аёллар йигилишида нутқ сўзлади. Ўз устида ишлаш Хендрикс хонимга ҳам мукаммалроқ хизмат қилиш учун йўл очди.

Биз қобилиятимизни ривожлантириш ва камчиликларни барта-раф қилиш учун вақт топганимизда, Худога ва Унинг ҳалқига яхшироқ хизмат қиласиз — айнан мана шунда мазмун ва маъно мавжуд. Охир-оқибатда, муаллим қанчалар яхши ўқита олади, маслаҳатчи маслаҳат бера олади, бошқарувчи бошқара олади? У ўз кўник-масини қанчага ривожлантирган бўлса, шунчага. Ҳар биримиз ўз камчиликларимизни бартараф қилиш ва янада яхшироқ хизмат қилиш учун ўзимизда қобилият ва куч топамиз, Исо Масихда улғаямиз. Исо шундай деган: «Раббинг бўлган Худовандни бутун қалбинг билан, бутун жонинг билан ва бутун онгинг билан севгин... Ўзгани ўзинг каби севгин» (Мат. 22:37–39). Агар сиз ҳамиша Худо олдида ҳозир бўлсангиз ва Унга сизни мукаммаллаштиришга, мустаҳкамлашга ва ўзgartиришга имкон берсангиз, унда сиз ўз яқинларингизга кўпроқ бера оласиз.

Муқаддас Ёзуевдан қалбга далда беруви парчаларни ёд олинг

Фарзандларимиз қалбларини ҳақиқат билан «мазали қилиши» ҳақидаги фикрларни эслайсизми? Болалар — бизнинг ҳаётимиздаги шу мазага муҳтоҷ бўлган ягона одамлар эмас. Биз ўзимиз учрашадиган ҳар бир одам учун бу «маза бериш» хизматини амалга

оширишимиз мүмкін. Агар «хар бир одамга қандай жавоб беріш лозимлігіни билсанғыз, сұзингиз ҳамиша файзли ва мазали бўлса» (Кол. 4:6), унда сиз ҳеч қаочон ўзингиз дуч келадиган ҳар бир одамга хизмат қилиш имкониятини бой бермайсиз. Сизнинг ҳаётингиз ва сизнинг лавзингиз одамларга далда олиб боради. Сиз Эгам Раббий каби «толиққанларга сўз билан мадад бера оласиз» (Ишаё 50:4).

Аммо илгари айтиб ўтганимиздек, биз ўзимизда йўқ нарсани бे-ра олмаймиз. Шунинг учун ёрдамга муҳтож одамларга Муқаддас Ёзувдан олинган парчалар билан далда бера олиш учун, уларни ёд-лаш керак. Муқаддас Ёзувни билиш сизга ўз вақтида ва вазиятга мос далда сўзларини айта олиш имкониятини беради.

Сиз эслаб қолган Муқаддас Ёзув парчаси — бу жарроҳлик асбоби деб тасаввур қилинг. Бундан бир неча йил илгари мени операция қи-лишган эди. Ўшанда мен операциядан олдин кўрган охирги нарса — бу жарроҳнинг иккала қўлида ушлаб турган асбоблар солинган ик-кита идиш эди. Уларни кўриб мен ўйладим: «Сиз бу асбобларга бир назар ташланг! Улар ҳажм жиҳатдан ҳам, шакл жиҳатдан ҳам турлича. Улар қондай кўп... Жарроҳнинг қўлида унга нима керак бўлса, ҳамма нарсаси бор!» Муқаддас Ёзувдан олинган ва сиз уларни ёдлаган оятлар ҳам худди шундай: Худо қўлида ҳар қандай ишни қилишга тайёр асбоб бўлиб хизмат қиласи. Эҳтиёж қандай бўлма-син (сизнинг ўзингизникими ёки суҳбатдошингизникими), сиз ёд-лаган ҳар бир оят — бу ўткир, керакли ва Худо сизнинг руҳингизни даволаш учун фойдаланадиган, Ўзи учун тайёрланган асбобдир.

Агар сиз Муқаддас Китобдан парчаларни ёд олиш қарорига содиқ бўлсанғыз, унда кутилмаганда улар сизнинг барча суҳбатларингизга ҳақиқий мазмун беришини кўрасиз. Бу сизнинг тўла юрагингиздан ушбу ҳолда Худо Каломи билан қўйиладиган яна бир моҳиятидир. Сиз хатларингиз ва телефондаги суҳбатларингизнинг мазмуни чуқур маъно кашф этганига ишонч ҳосил қиласиз. Агар сиз ўзингиз учрашадиган масихийларга Худо ҳақиқатларини, аҳдларини улашсанғыз, уларнига қилган ташрифларингиз фойдалироқ бўлади. Сизнинг юрагингизда Худо Каломи яшаётганлиги сабабли, сизни энди бекорчи суҳбатлар қониқтирмайди. Сиз Худо Каломини тарқатасиз, одамлар билан қилган суҳбатларингиз чуқур маънога эга бўлади.

Лекин сиз: «Мен Муқаддас Ёзувни ёдлай олмайман. Мен жуда чарчайман. Бу менинг қўлимдан келмайди», деб ўйласанғыз, унда мен сизга бир воқеани айтиб бермоқчиман. Яқинда мен бир дугонам-никига меҳмонга бордим. Унинг уйида тўтикуши бор. Ўша тўтикуш

менга «The Star Spangled Banner» қўшигини бошидан охиригача куйлаб берди. Мен тўтиқушнинг қўшигини завқ билан тингладим ва: «Ажабо, «The Star Spangled Banner» қўшигини агар тўтиқуш ёдлаб олган бўлса, биз, одамлар, нега Муқаддас Ёзувни ёдлай олмас эканмиз!» деб ўйладим. Ўйлаб кўринг-а, тўтиқуш ана шундай мураккаб қўшиқнинг мусиқасини ва барча оҳангларини ёдлаб олиши учун унга қанча вақт керак бўлгандир! Албатта, сиз Муқаддас Китобдан бир ёки иккита оятни ёдлай оласиз! Агар сиз шундай қилсангиз, сизнинг юрагингиз жуда кўп одамларга далда бера оладиган манбага айланади.

Одамларга телефон орқали далда беринг

Муқаддас Китоб бизга шундай дейди: «Юракдаги қайгу-алам юракни эзади, ширин сўз эса юракни шод этади» (Ҳикм. 12:25). Сиз ҳам, эҳтимол, буни ўз тажрибангиздан билган бўлсангиз керак. Одамнинг руҳини кўтаришнинг, унинг юрагини шодлантиришнинг энг осон усули — бу унга телефон қилиб, ҳол-аҳвол сўраш ва далда беришдир. Мен телефон қилиш керак бўлган одамларнинг жуда узун рўйхати ҳақида ёки телефондаги узундан-узоқ сухбатлар ҳақида гапирмаяпман. Телефон орқали қилинган қисқа ва содда сухбат сухбатдошингиз кўнглини қувонтира олади.

Мен одатда бундай сухбатларни кечки соат беш яримларда қиласман. Агар қизларим уйда бўлса, уларнинг ҳар бирига шундай дейман: «Мен учта танишимга қўнфироқ қилишим керак. Мен узоқ гаплашмайман, аммо телефон қилишимдан олдин, сизларга мендан бирон нарса керакми ёки йўқми, шуни билмоқчи эдим». Кэтрин ва Кортнини огоҳлантираман. Қизларим мен учун бошқа ҳар қандай одамлардан (шу жумладан, мен телефон қилмоқчи бўлган одамлардан ҳам) менга азизроқ эканликларини уларга маълум қиласман. Бу, шунингдек, менга телефондаги сухбатни бошлишимдан олдин қизларимга ғамхўрлик қилишимга, уларга мени бир неча дақиқа безовта қилмасликлари кераклигини эслатиб қўйишимга имкон беради.

Мен телефондаги сухбатимни тахминан мана бундай сўзлар билан бошлайман: «Сиз кечки овқатга тайёргарлик кўраётганингизни биламан. Биз ҳам шундай. Лекин мен сизни анчадан бери кўрмадим. Шунинг учун овозингизни эшилмоқчи, сизнинг соғлигингиз ва ишларингиз жойида эканлигига ишонч ҳосил қилмоқчи бўлдим». Агар сухбатдошимнинг қандайдир муаммолари мавжуд бўлса, биз

кейинроқ — узоқ ва жиддий сұхбат учун иккимизнинг ҳам вақтимиз бўлганда сұхбатлашишга келишиб оламиз. Шунингдек, телефон орқали биз эндиғина касалдан бош кўтарган одамлар билан ва қийинчилкларни бошидан кечираётгандар билан сұхбатлашишимиз мумкин. Телефон бизга кўп вақт ва куч сарфламасдан одамларга далда беришнинг ажойиб имконини беради. Бундай хизматда энг муҳими — ўз яқинлари ҳақида қайгураётган юракдир.

Жим жамоатимиз кекса аъзоларининг руҳий устози бўлган вақтда, мен телефондаги сұхбатлар — якшанба кундаги жамоат ибодатида қатнашмаган одамларга далда беришнинг энг оддий усули эканлигини билдим. Агар улар касал бўлсалар ёки якшанба куни қаергадир кетган бўлсалар, кимдир уларнинг йўқликларини сезганидан, уларни унутмаганидан ва улар ҳақида қайгуришидан хурсанд бўладилар. Мен шундай далдани дугонам Пэттидан оламан: у мени бир қанча вақт кўрмаса, автоматик жавоб берувчида хабар қолдиради. Мен доимо унинг хабаридан ва *кимдир* мен ҳақимдағамхўрлик қиласётганинидан мамнун бўламан. Сиз-чи, сиз ким билан телефонда қувончингизни бўлишасиз?

Далда берувчи қисқа мактублар ёзинг

Ёрдамга муҳтоjlарга қисқа мактублар ёзиш — бу юракни шод этувчи яхши сўз улашишнинг яна бир усулидир (қаранг: Ҳикм. 12:25). Биз Жим билан жамоатимизда васийлик қиласётганинг кекса аъзолар ҳақида гап кетганда, мен Худога қуйидагича ибодат қиласётганинг киласётганинида, мен бир қанча вақтдан буён Сенга эътиқод қилиб келаётган бу одамлар учун нима қила оламан? Улар Сени жуда яхши билишади!»

Худо менинг бу самимий ибодатимимга жавоб берди. У менга бу одамлар учун далда берувчи қисқа мактублар ёзишим мумкинлигини кўрсатди. Шунинг учун эрталабки якшанба ибодатида қатнашашётганимда, мен бугун келмаганларни — кетган ёки касал бўлиб қолганларни белгилай бошладим. Уйда, тушдан кейин қизларим ухлаганларида, биз Жим билан дам олардик. Мен эса ибодатга келмаганларнинг ҳар бирига далда берувчи қисқа хатчалар ёза бошладим. Биз улар ҳақида ўйлашимизни, хавотир олишимизни, доимо уларга ёрдам беришга тайёр эканлигимизни ва тез орада уларни яна кўришга умид қилишимизни улар билишларини мен хоҳлардим.

Мен ана шундай кичик мактублар ва хатлар ёзиш учун куннинг ёки ҳафтанинг алоҳида вақтини ажратадиган одамларга ҳавас қи-

ламан. Мана буни хизмат деса бўлади! Агар сизга яна: «Йўқ-йўқ, мен жуда бандман! Ўз зиммамга яна қандай қилиб бирон ишни ола оламан?» — деб ўйласангиз, унда менинг оддий усулимга ётибор беринг. Тоза оқ варакқа қараб, мен ўзимга ўзим шундай дейман: «Қани, бўлақол, Лиза, бор-йўғи учта гап!» Мен хастага хат ёзаманми ёки қандайдир йўқотишга дучор бўлган одамгами, жамоатнинг хурматли аъзосигами ёки ёш уй бекасига — бу учта сўз доимо менга хат ёзишни бошлишимга ёрдам беради. Биринчи гап қуйидагича хабарни етказади: менга сиз етишмаяпсиз, мен сизни жуда қадрлайман. Иккинчи рақамли гап хатни оловчи у мен учун азиз эканлигидан ва нима сабабдан азиз эканлигидан дарак беради. Учинчи рақамли гап мен у учун ибодат қилишимни айтади. Шу ерда вазиятга мувофиқ Муқаддас Ёзувдан оят ҳам бўлади. Агар сизнинг юрагингиз Худо севгисига тўла бўлса, ҳатто кроватда ёки диванда ўтириб ҳам одамларга далда бера оласиз. Сиздан хат оловчилар жуда хурсанд бўладилар!

Энди мен доимо ўзим билан битта папка олиб юраман. Унинг ичида жавоб ёзишим керак бўлган хатлар, миннатдорчилик билдиришим керак бўлган одамлар рўйхати, открыткалар, почта қоғозлари, маржалар ва конвертлар бўлади. Мен қаерда бўлмайин — самолётдами, меҳмонхонадами, аэропортнинг кутиш залидами, машинадами, кутубхонадами, кафедами ёки ибодат бошланишидан олдин жамоат курсисидами — одамларни ўз мактубларим билан руҳлантира оламан. Сиз ҳам шуни қила оласиз — бор йўғи учта гап билан!

Муқаддас Руҳ ҳадяларидан фойдаланиб, далда беринг

Илоҳиёт мутахассиси Чарлз Колдуэлл Райрининг «Balancing the Christian Life»ни ўқиб, сиз билан биз қилишимиз мумкин бўлган ибодатнинг яна уч тури ҳақида билдим. Ҳақиқатдан ҳам доктор Райрининг таъкидлашича, ибодатнинг бу уч тури нафақат руҳий инъомлардир, балки улар барча масиҳийларга амр этилган. Доктор Райри уларни: «Агар барча масиҳийлар хоҳласалар, эга бўлишлари мумкин бўлган уч (руҳий) инъомдир. Бу хизмат қилиш, хайр-саҳоват кўрсатиш ва эҳсон улашиш» (қаранг: Рим. 12:7–8) каби тасаввур киладиган воситалар, деб қарайди¹. Қаранг, уларни доктор Райри қандай тавсифлайди.

Хизмат қилишини баъзида ёрдам ёки васиийлик қилиш деб аташади: «Бу бошқа одамларга ёрдам беришнинг барчага баравар тааллуқли

қобилиятидир, ҳар қандай масиҳий бундай ҳадяга эга бўлмаслиги ва ундан фойдаланмаслиги учун ҳеч қандай сабаб йўқ».

Хайр-саоват: Хайр-саоват хизмат инъомига ўхшайди ва хасталарга ёки қайгураётганларга нисбатан ёрдамни кўзда тутади. «Отамиз Худога маъқул тушадиган дин-диёнат поклик ва бенуқсонликни талаб қиласди, яъни етим-есирларни ва беваларни қайфули кунларда йўқлаб боришимиз лозим...» (Ёқуб. 1:27).

Эҳсон берши — бу яна битта хизмат. Унда биз иштирок эта олишимиш керак ва иштирок этишимиз зарур. «Эҳсон — бу бирон-бир нарсани (масалан, пулни) беғаразлик билан бериш қобилиятидир, яъни эвазига ҳеч нарса кутмасдан ва ҳеч қандай фойдани кўзламасдан эҳсон беришдир»².

Хизмат қилиш, хайр-саоват кўрсатиш, эҳсон бериш — бу алоҳида рухий инъомлардир. Аммо шунингдек, бундай ҳаракат тарзи биз, масиҳийларга амр қилинади *ва* бизнинг азиз Кутқарувчимиз ҳам бизга намуна бўлиб шундай қилган. Биз ҳам Унинг изидан боришимиз керак. Демак, хизмат қилишга, хайр-саоват кўрсатишга ва эҳсон беришга сиз қарор қилдингиз — худди шу тарзда Худо қонунини бажаришингиз, Унинг халқини қўллаб-кувватлашингиз лозим!

Ўз устиворлигингида мувофиқ яшанг

Ўз устиворлигингида мувофиқ яшаб, сиз сўзсиз кўп аёлларга таълим берасиз, уларни тўғри йўлга бошлайсиз. Ўзгаларни устиворлигига мувофиқ яшашга ўргатишнинг энг яхши усули — шу устиворликларни ўз ҳаётингизда кўрсатишингиздир. Қолаверса, бу ҳам Худо кўнглидаги аёл учун яна бир тамойилдир — *тирик намуна минглаб сўздан афзалдир*. Сизга маълумки, бизга бундай намуна Ҳикматларнинг 31-боб 11–31-оятларида қолдирилган. Бу ерда кўз ўнгимизда ўз устиворлик қоидаларига мувофиқ яшайдиган аёл намоён бўлади. Бу парчада аёлнинг ўзи айтган биронта сўзи келтирилмаганлигига сиз қачон бўлса ҳам эътибор қилганмисиз? Фақатгина *унинг ишлари* ҳақидаги маълумотлар сақланиб қолган, холос.

Худонинг инояти ва Унинг кучига асосан сиз бошқа одамларни бу ажойиб аёл сизга далда бергани сингари руҳлантира оласиз. Фа-

қат Худо сизни қандай күришни хоҳласа, шундай бўлишга ҳаракат қилинг. Энг муҳим нарсаларни жой-жойига тўғри қўйишга эътибор қилинг. Сиз ўз фикрларингизни қандай ташкил қилиш ҳақида, дарсга тайёрланиш ҳақида ва бутун синф олдида чиқиш ҳақида хавотир олмасангиз ҳам бўлади. Сиз фақат жамоатингиздаги аёллар ва ўз қўшниларингиз билан мулоқотда бўласиз, нима қилишингиз керак бўлса, шуни қиласиз.

Ҳар бир масиҳий аёл мисол ва намуналарга муҳтож, мен ҳам бундан мустасно эмасман. Эсимда, эндиғина масиҳийликни қабул қилган вақтимда, мен ҳамиша жамоатга келиб, ўзим учун намуна қидирадим. Мен дикқат билан бошқа масиҳий аёлларни кузатар эдим. Улар жамоатда ўзларини қандай тутишларини, ҳатто ғенишларига нима кийғанликларини ҳам кузатар эдим. Аёллар гуруҳ бўлиб йигиладиларми? Улар овоз чиқариб ибодат қиляптиларми? Улар эрларига қандай муносабатда бўлишларига, уларга қандай хурмат кўрсатишларига, эрлари ёнида бўлғанларида ўзларини тутишларига эътибор берардим. Мен шунингдек, болали аёлларни, уларнинг фарзандларига насиҳат қилишларини, ўз болалари билан гаплашгандарида гап оҳангларини, ҳатто ўз болаларига қарангандарида юз ифодаларини ҳам кузатар эдим. Ҳеч нима менинг дикқат-эътиборимдан четда қолмас эди. Чунки мен ўзимнинг ёрдамга муҳтож эканлигимни тушунардим!

Тажрибали кузатувчи сифатида *нималарнидир қилишингиз нималарга ўргатиши, нималарнидир қымаслигингиз нималарнидир ўргатиши* менга маълум. Сергаплик арзимас камчилик бўлиб кўриниши мумкин. Бироқ агар сиз сергап бўлмасангиз, бошқа аёлларни итоаткорлик гўзаллигига ўргата оласиз. Сиз: «Мен бу ҳақда эримга айтишим керак» деганингизда, сиз бошқа аёлларга қандай қилиб эрингизни ўзингиз учун муҳим шахс қилиш мумкинлигини кўрсатиб берасиз. Фарзандларингизнинг кун тартибини ҳисобга олиб ўз кунингизни режалаштирсангиз, сиз бошқа аёлларда болаларга нисбатан бўладиган хурмат ва дикқат-эътиборни кўрсатасиз.

Агар ҳозирги аҳволингиз сизга расмий равишида ўқитишга, бошқаришга ёки аёллар хизматида иштирок этишга имкон бермаса, сиз барибир панд-насиҳат қилишингиз мумкин. Бунга бошқа нуқтаи назардан қаранг: эҳтимол, сизнинг йўқлигингизнинг ўзи бошқа бирорга сизнинг устиворлигингиздан гувоҳлик берар. Балки, ўша ердагилардан яна кимдир бу ерда бўлмаслиги керакдир!

Мен яқинда айтган гап эсингиздами? Донишмандлик — бу «бизнинг нафақат нотўғри ва гуноҳли нарсаларга «йўқ» деб айтишимиз,

балки бизнинг энг муҳим мажбуриятимизни бажаришимизга тўс-қинлик қиласаларга ҳам «йўқ» дея олишимиздир»³. Ҳозир сиз, эҳтимол, энг муҳим мажбуриятингиз нима эканлигини, аёл, хотин, она ва масиҳий бека сифатида биринчи навбатда қиласалар ишингиз нима эканлигини яхшироқ тушунган бўлсангиз керак. Энди сиз Худо нимани энг муҳим деб ҳисоблашини яхшироқ биласиз. Худо бизни қандай кўришни хоҳласа — У кўнглидагидай аёл бўлишни, биз *шундай* бўлишимиз керак — мана шу энг буюк хизмат. Бошқалар фақат сизни кузатишлари ва Худо кетидан боришга ўз интилишларида илҳом олишлари мумкин.

СИЗНИНГ ЮРАГИНГИЗ ЖАВОБИ

Руҳан ўсишимизга бағишланган бўлимни ўрганиб, биз кўп кучимизни сарфладик. Биз ўз олдимизга мақсадлар қўйдик. Биз руҳан ўсишни талаб этадиган меҳнатни бажариш учун қарор қабул қилдик. Бизнинг мақсадимиз — Худога бизни тўлдиришга ва ўз яқинларимизга келажакда хизмат қилиш учун бизни тайёрлашга имкон бериш эди. Бундай меҳнатнинг оғир, аммо фойдали эканлигини тан олиб, биз олдинга интилдик, ўз маҳоратимизни ва билимларимизни ошириб бордик.

Энди биз ҳозиргина муҳокама қилган хизмат турлари қанчалар оддий эканлигини кўриб чиқамиз. Қисқагина хат ёзиш. Бир нечта жойга телефон қилиш. Ўз ҳаётимизда Худо биринчи ўринда эканлигини намоён қилиш. Буларнинг барчаси деярли кўп куч талаб қилмайди. Лекин бу хизматнинг ҳар бир тури Худо муҳаббатига тўла юракни ва яқинларига раҳм-шафқатни талаб қиласди. Хизмат — бу, энг аввало, сизнинг юрагингиз меҳнати. Агар сизнинг юрагингиз Худо ҳалқига нисбатан ғамхўрлик билан тўла бўлса, унда сиз ёрдамга муҳтоҷ юркларга худди ёмғир булутлари қуруқ ерга тириклик сувини бергани каби ёрдам беришга қодирсиз. Сиз Худо даъватига жавоб бера оласиз деб, мен умид қиласман. Яна мен сизнинг ўз зиммангизга хизматнинг кўриб чиқилган баъзи турларини олиб, яқинларингизга меҳр-муҳаббат билан улашишингизга ишонаман.





III ҚИСМ

ЭНГ АВВАЛО МУҲИМ НАРСАНИ АХТАРАДИГАН ЮРАК

...Эрта саҳардан Сени излайман...

Заб. 62:2

Яна бизнинг Худо кўнглидаги аёл сифатидаги ҳаётимизга нисбатан Эгам мақсадларининг улуғвор манзарасини акс эттирувчи еттита муқаддас кўлга қайтамиз. Жилваланиб турган бу кўллар баланд тоғда жойлашган ва ўша ерда бизга Худо мақсади намоён бўлади. Ўша ердан бизнинг ҳаётимизнинг жозибали ва бир вақтнинг ўзида хушёр торттирадиган манзараси ифодаланади. Худонинг хаёлоти ва Унинг фикрлари — бизнинг юракларимизни ҳаяжонга солади. Унинг мақсадлари шундай соф, шундай адолатли, шундай аниқдир! Бу гўзалликни кўриб биз энди фақат олдинга интилишимиз, Худо иродасини *амалга оширишимиз* керак. Хуллас, бутун журъатимизни йиғайлик, руҳимизни мустаҳкамлайлик. Лекин биз нимадан бошлашимиз керак? Қандай қилиб бошлашимиз керак? Куйидаги мисраларни ёзган аёл ҳозир сиз билан биз турган чўққига чиққандан сўнг, эҳтимол, сиз ҳам бошингиздан кечираётган туйгуларни мана бундай ифодалаган.

Қанчалар кўп нарса қилиш керак,
Қанчалар кўп нарсани ўрганиш керак,
Қанчалар кўп нарсани ўзгартириш керак —
Буларнинг ҳаммаси мени лол қолдирап.

Нимадир ҳеч нарсадан кўра яхшироқдир —
Бизга шундай дейишган.

Донолик ҳам, англаш ҳам
Олтиндан ҳам яхшироқ.

Нимадан бошласам экан? Мен шундай ношудманки!
Бир қадам қўйман олдинга, икки қадам — орқага,
Менинг қадриятларим Худоникига сира ўхшамас,
Аммо мен тўғри йўлдан *бормоқчиман!*

Мен учун ибодат қилинг: мен бунга жуда муҳтојман,
Ибодат қилинг, чунки йўлим жуда ҳам олисдир!
Жуда кўп нарсалар буғуноқ қўриняпти,
Лекин ҳамма саволларга жавоб битта: ибодат қилиш!¹¹

Агар сиз шу сўзларга қўшила олсангиз, унда бардам бўлинг! Биз ҳали ўз йўлимиизни тугатмадик. Худода Унинг иродасига мувофиқ қандай яшшимиз учун бизга кўрсатмалари бор. Бундан ташқари, биз Унинг Каломини ўқиган вақтимизда, маслаҳат ахтарганимизда, Худо бизга Ўз иродасини очади, доимо бизга Ўз амрларини бажариш учун куч беради. Раббийнинг инояти доимо биз учун тугалдир (қаранг: 2 Кор. 12:9–10). Яшаш ва Худо йўлида юришимиз учун керак бўлган ҳамма нарсани У бизга Ўзига хос илоҳий куч-қудрат билан ато этади (қаранг: 2 Бут. 1:3). Ва бизнинг қўлимииздан ҳамма нарса, шу жумладан, бизга қувват ато қилувчи Исо Масиҳнинг мадади билан Худо кўнглидагидай аёл бўлиш ҳам келади (қаранг: Флп. 4:13). Қандай қилиб у ёки бу нарсага эришиш учун баъзи бир маслаҳатлар билан танишаётганингизда, бўш келманг.

Устуворликлар ҳақида сўз

Бизнинг ҳаётимиз мураккаб ва кескиндири. Шунинг учун, агар биз Худонинг устуворлигига мувофиқ яшашни, Унинг даъватига итоат қилишни хоҳласак, бизга режа даркор. Қадриятларнинг Худо томонидан белгиланган иерархиясига риоя қилиш биз учун ҳар дақиқалик ва ҳар кунлик қарор қабул қилишимизни осонлаштиради. Мен сизни ишонтириб айтишим мумкинки, ҳаёт бошқарувининг шу китобда кўрсатилган тизими ишлайди. Ушбу тизим менинг бесаранжом ҳаётимга тартиб-интизом олиб кирди. Менинг атрофимда бўрон қутурганда, ҳаётга хотиржам ва жиддий назар ташлашимга ёрдам беради. Худонинг ўзгармас Каломи менинг ҳаётимдаги ҳақиқатдан ҳам муҳим нарсани, менинг буюк мажбуриятларимни,

менинг асосий ишларимни четга сурмоқчи бўлган вазиятлар юзага келганда, менга қатъий ирода беради:

- Худони севиш ва Унинг кетидан бутун борлигим билан интилиш;
- эрни севиш, унга хизмат қилиш ва ёрдам бериш;
- болаларимни севиш, ўқитиш ва тарбия бериш;
- ўз уйини севиш, ўз оиласига лойик ҳаётни таъминлаш учун ўз хонадонига ғамхўрлик қилиш;
- бошқаларга хизмат қилиш учун руҳан ўсиш;
- Худо ҳалқини севиш ва унга хизмат қилиш.

Ушбу устуворликларга мувофиқ яшаш — бу бир нечта бош кийимга эга бўлиш ва ҳар бирини кийиш билан баробардир. Аммо биз бир вақтда фақат битта шляпани кия оламиз. Агар сиз ўзингиз учун муҳим нарсаларни билсангиз, унда сиз ҳар бир вазият учун мос шляпани танлайсиз, яъни ҳамма вақт энг муҳим нарсага эътибор қаратасиз.

Шунингдек, бу устиворликлар сизга нимага куч ва вақт сарфлаш керак, деган савол турганда, қарор қабул қилишда ёрдам бериш учун таклифлар берилган. Улар сизга қатъий дастур сифатида эмас, сиз ўз ҳаётингизни яхшироқ бошқара олишингиз учун ёрдам сифатида берилади. Энг муҳим нарсаларнинг бу рўйхати ва уларнинг батафсил муҳокамаси сизга билим, кўникма ва Худо кетидан боришнинг тўғри мақсадларини беради. Шунинг учун Худонинг энг муҳим вазифаларига мувофиқ яшашга ҳаракат қилсангиз, мослашувчанлик ҳақида ҳам унутманг. Яирнинг қизини тирилтириш учун кетаётган Исо йўлда тўхтаб, қон кетишдан азоб чекаётган аёлни қутқаргани (қаранг: Лк. 8:41–56) каби, биз ҳам қандайдир янги вазиятлар, инқирозлар ёки кимгадир ёрдам бериш зарурати пайдо бўлган пайтда ҳақиқатдан нима муҳимлигини баҳолашимиз мумкин.

Танлаш ҳақида сўз

Мен бир неча марта айтиб ўтдим ва яна тақрорлайман — биз қиладиган танлов ҳаётда риоя қиладиган қадриятлар тизимига қалитдир. Бу китобнинг биринчи саҳифасиданоқ биз яхшини ёмондан, яхшироқни — яхшидан ва олийни — яхшироқдан афзал қўйишга ҳаракат қиляпмиз. Бундай танловнинг муҳимлигини сўз билан

ифодалаб бўлмайди. Биз илгари эшитганимиздек, агар одам кела-жакда қанаقا бўлишини билмоқни истаса, у бугун нимани танлаёт-ганига қараши керак. Ҳозирда ҳам, кейин ҳам. Бу элакка ўхшаган бир нарсадир!

Мана, шу мавзуга оид яна иккита гап: «Сиз бугун ҳозир қилаёт-ган танловингиз туфайли қандай бўлсангиз, шундайсиз» ва «бугун сиз қилган танловингиз туфайли қандай бўлсангиз, шундайсиз». Биз учун устиворликни акс эттирувчи танловимиз шундан иборатки, ҳаётимизга доир Худонинг фикрларини бажарамизми ёки йўқми — шуни аниқлайди. Қилиш ёки қиласаслик — бу танлов масаласидир! Сиз кейинги беш дақиқа учун, кейинги соат учун, эртаги кун ёки бутун ҳаёtingиз учун қарор қабул қиласизми — айнан шу танлов бу дунёдаги ҳамма нарсани ўзгартиради.

Бошқа қолган нарсалар ҳақида сўз

Сездингизми, ҳаётимизнинг баъзи бир жабҳалари ҳақида биз гапирмадик. Мен ота-оналар, ака-укалар, опа-сингиллар, узоқ қариндошлар билан муносабатлар, иш ва мартаба ҳақида, дўстлар ва қўшнилар ҳақида, қизиқишлар ва эрмаклар, жамоат ҳаёти ва бизнинг ҳаётимизнинг таркибий қисми бўлган ва уни бошқалардан фарқли қиласидиган жуда кўп нарсалар ҳақида гапирмадим. Агар биз Худога манзур ҳаёт кечирмоқчи бўлсак, ана шу барча жабҳалар ҳақида ҳам ақл билан иш қилишимиз керак ва уларнинг ҳар бири бизни хурсанд қилиши керак. Муқаддас Китобда айтилишича, завқ олишимиз учун ҳар нарсани мўл-кўл эҳсон этиб барҳаёт Худо бери ради (қаранг: 1 Тим. 6:17).

Биз ўзимиз муносабатда бўлган бошқа одамларнинг узундан-узоқ рўйхатини кераклича кўриб чиқиши учун яна битта китоб керак бўлади. Шунинг учун ўзимиз кўриб чиққан олтита асосий иш рўйхатига ҳозирча «бошқа» деган тоифани қўшамиз, чунки фақат шу олтитаси ўзгармасдир. Муқаддас Китобда биз ҳаётда ижро этишимиз керак бўлган олтита ролнинг ҳар қайсиси ҳақида аниқ айтилган. Биз *Худо* фикрларини, *Худонинг* улугворлигини, *Худо* биз учун белгилаган вазифаларни кўриб чиқдик. Бизнинг ҳаётидаги вазиятларимиз ўзгариши мумкин, аммо *Худо* ҳеч қачон ўзгармайди. Сано куйловчи айтганидай, «Худовандинг нияти эса бокий туради, наслдан-наслга жорий бўлади Унинг дил муроди» (Заб. 32:11)!

Шунинг учун ҳаёtingизнинг қолган жабҳаларидаги муҳим нарсаларни аниқлашни мен ўзингизга ҳавола қиласман. Сиз ибодат

қылганингизда, Муқаддас Ёзувни ўқиганингизда ва оқилона масла-хатларни қидирганингизда, Худо буни қандай қилиш кераклигини сизга күрсатади. У сизга Худо күнглидагидай аёл ҳәётининг барча жабхаларида қанақа бўлиш кераклигини күрсатади!

Кутиши ҳақида сўз

Ҳикматлар Китобини ўқиб, донишмандлик кутаётганилиги ҳақидағи фикрни эслатмаслик мумкин эмас. Энг муҳими, қадриятларнинг илоҳий иерархиясиға мувофиқ яшашга сизга нима ёрдам беришини, кутиш доимо шошилгандан ва ниманидир нотўғри қилиб қўйгандан кўра бехавотирроқ эканлигини билишдир. Бу Муқаддас Китоб ҳақиқатларини ифодаловчи кўп сонли ҳикматларнинг бирида шундай дейилади: «...шошқалоклар эса қоқилади» (Ҳикм. 19:2).

Бир куни биз қандай қилиб донишмандлик кутади тамойилига риоя қылганимиз ҳақидағи ҳикояни сизга сўзлаб берай. Ёзинг иссиқ кунларидан бирида уйимизда телефон жиринглаб қолди. Қизим Кэтриннинг дугонаси кўнғироқ қилаётган экан. Илгари мен бу қизчани ҳеч қачон кўрмаган эдим ва ҳатто у ҳақда ҳеч нима эшитмаган эдим У қизимни пляжга таклиф қиласарди. Қизимнинг дугонаси телефон орқали шундай деди: «Биз ҳозироқ чиқамиз, 15 дақиқадан сўнг сеникида бўламиз!»

Кэтрин шу куни пляжга бормади. Нега? Биринчидан, бизнинг бутун кунимиз режалаштирилган эди (менинг шиорим: «режа А — доимо энг яххиси», унда эса қизимнинг пляжка бориши кўзда тутилмаган). Бундан ташқари, на Жим, на мен ҳеч қачон бу компанияни кўрмаган эдик (машинани ким ҳайдайди? У ерда ўғил болалар борми?). Ҳатто улардан биронтасининг ҳам телефон рақамини биз билмасдик. Бу таклифни аниқ рад қилиш керак эди. Пляжка боришни эса, бошқа кунга қолдирса ҳам бўлади.

Менинг бир дугонам ҳам кутишга қарор қылганлиги ҳақида ҳикоя қилиб беришим мумкин. Унинг қайнонаси ундан бир мушкул вазият борасида ёзма равишда кечирим сўрашини талаб қиласди. Буни ҳаялламасдан, тезда қилишини сўрайди, бўлмаса... Ҳатни қайнонам эртага олиши учун бўгуноқ ёзиб юбориши керак эди! Дугонам кечирим сўраб ёзган ҳатини бир ҳафтадан кейин жўнатди. Нега? У бу ҳақда ибодат қилмоқчи, ўз юрагини покламоқчи, масла-хат сўрамоқчи ва унга Худо мақсадларига жавоб берувчи сўзларни танлашга ёрдам берувчи бирон кимсага ҳатни ўқишига бермоқчи эди. Буларнинг ҳаммаси учун вақт керак эди.

Менинг ўзим ҳам *донишмандлик кутади* тамойилини амалга қўллаганман. Бир куни менга савдо-сотиқ агенти телефон орқали қўнғироқ қилиб қолди: «Мен сизга қўшни кўчадан телефон қиляпман. Бугун, фақат бугун биз уйингиз ёнидамиз. Сиз учун жуда яхши имконият бу! Биз ҳозироқ бор йўғи 25 долларга сизнинг гиламларингизни тозалаб беришимиз мумкин. Аммо бундай нархлар фақат сиз уларни ҳозироқ тозалашга берсангизгина, ҳақиқийдир». Мен унинг хизматларидан воз кечдим. Нима учун? Чунки мен бу кунга аллақачон режа тузиб қўйган эдим. Гиламларни тозалаш эса бу режамга киритилмаган эди. У бундай тартибсизликни кўзда тутмасди. Бундан ташқари, мен бу ҳақда ҳали эрим билан гаплашмаган эдим. Эрим «ҳозироқ» 25 долларни бундай сарф қилишнинг энг яхши йўли шудир, дейишига ишончим комил эмас! Яхши имконият бўлиши мумкин, аммо олий эмас-ку?!

Гиламларни тозалаш воқеаси кўрсатганидай, телефон ҳам *донишмандлик кутуб туради* тамойилини амалда қўллашга имкон беради. Телефон доимо унга эътибор қилишимизни талаф қилиб жиринглайди. Бироқ биз бундай таклифларга ҳозирнинг ўзидаётк эътибор қаратмаслигимиз лозим! Биз вазиятни ким бошқаришини ҳал қилиб олишимиз керак. Шошилинч тарзда ҳаракат қилмасдан, балки кутиб туришни афзал кўриб сиз назоратни ва бошқарувни ўз қўлингизда сақлаб қоласиз. Мен ибодат кундалигимга ёзib олган парча менга «ҳаётда тез қарор қабул қилишни талаф этувчи бундай вазиятлар камдан кам юз беришини эслатади... Хотиржамлик сақланг... Тартибсизлик ва инқизорзининг олдини олиш мақсадида шошманг... Олтин қоидани эсдан чиқарманг: жуда кўп нарсалар ҳозирда, аслига қараганда, муҳимроқдек туюлади»². Донишмандлик кутпяпти. Сиз-чи?

Ўз устуворликларини тўғри танлаган аёллар

Бир куни кечкурун китоб ўқиб ётиб, мен Худога бутун юрагидан тегишли бўлмоқчи бўлган аёлнинг ҳикоясидан лол қолдим. Унинг исми Ирен бўлиб, Муқаддас Китоб курсларида дарс берарди. Уни ҳамма жойга таклиф қилишарди, ҳамма Иренни кўришдан хурсанд бўларди. Унинг эри Майк номигагина масиҳий бўлиб, жамоатга борар, лекин ҳеч қандай жамоат ишида иштирок этмасди. Ирен учун энг муҳими қўйидагилар эди:

- Худо

- Аёлларнинг Муқаддас Китобни ўқитиш курсларида дарс бериши
- Оила

Бир куни Худо Иренга Муқаддас Китоб орқали мурожаат қилди: «Эй хотинлар, сиз Раббингизга қандай бўйсунсаларингиз, эрларингизга шундай бўйсунинглар» (Эф. 5:22)³. Бу таниш оятга бошқача кўз билан қараб, Ирен унинг Худога хизмати — бу эри ҳақидаги ғамхўрлик эканлигини тушунди. У ўз ҳаётига ва ўзи учун энг муҳим нарсаларга қарашларини ўзгартириди.

У ҳақиқатдан ҳам ўз эрини севадими? Уни бошқа барча одамлардан азизроқ деб биладими? У масиҳийлик жамоаси учун ҳамма нарсани қиласди, аммо эри учун ҳеч иш қилмасди.

Ирен уйидан ташқаридағи ҳамма ишини йиғишириб қўйди, вақтини эри билан кўпроқ ўтказа бошлади. Жамоат ундан дарс беришни илтимос қилганда, аёл рад этди. Дугоналари ундан уйда ўтказиладиган Муқаддас Китобни ўрганиш машғулотларини бошқаришини илтимос қилганда, у яна рад жавобини берди. У Майк билан уйда қоларди. У эри билан телевизор кўрар, бирга югурур, унга ғамхўрлик қиласди. Албатта, Иренни жамоатдаги хизматни умуман ташлаб қўйгани хафа қиласди. Ирен учун бу жуда оғир эди.

Сўнгги икки йил «ўлим водийсига саёҳатга» ўхшаб кетди. Майк илгаригидай ўртача масиҳий бўлиб қолди. Кейин учинчи йили унга нимадир бўлди. Майк ибодат гуруҳига бошчилик қилиб, дарс бера бошлади. Унинг Худога бўлган садоқати ошди ва Худо уни масиҳий йўлбошли қилиб тайёрлай бошлади. Агарда Ирен бир ўзи фаоллигича қолганда, Майк Раббийдан умуман юз ўгириб кетиши мумкинлигини у тушунди. Майкнинг жиддий талабига кўра, улар бирга бугунги кунда эру хотинлар учун очилган курсларда дарс бера бошладилар. Энди уларнинг устуворликлари қуидагичадир:

- Худо
- Оила
- Муқаддас Китоб курсларида дарс бериш⁴.

Ирен итоаткорликни намоён қилди, ўзи учун энг биринчи ўринда турадиган нарсаларни қайта кўриб чиқди. Сиз ҳам худди шундай қилишингиз керак эмасмикан? Агар «ҳа» бўлса, сиз бунга тайёрмисиз?

Бошқа бўлиб ўтган ҳақиқий ҳаётий воқеада Пэт исмли аёл болалар шаҳар марказидаги ўз хизмати ҳақида сўзлаб берди. Болалар кў-

чанинг салбий таъсиридан асрашга бағишлиланган театр асарлари режаси муҳокама қилинган мажлисдан сўнг, Пэт ўз болалари нима килаётгандаридан хабар олиш учун уйига югуриб келди.

Пэт машинасида уйига яқинлашар экан, яқинлашиб келаётган полиция машинасига кўзи тушди. Машинанинг орқа ўриндигида қўркувдан қалтираётган унинг болалари ўтиришарди. Фарзандларининг бири тўққиз ёшда, иккинчисининг ёши эса саккизда эди. Она уйда эмаслигида болалар ошхонадан оловли мушакларни олишади. Ернинг очиқ жойига бориб уларни отишади. Натижада ҳамма ёқни олов қамраб олади, болаларни эса қўшнилар ушлаб олишади.

Тўсатдан Пэт қандай болаларни кўча таъсиридан асраш кераклигини тушуниб етади. У марказга кўнғироқ қилиб, ишидан воз кечади!⁵

Пэт ўзи учун энг муҳим нарсаларни қайтадан кўриб чиқди. Сиз ҳам шундай қилишингиз керак эмасмикан? Агар керак бўлса, сиз шунга тайёрмисиз?

СИЗНИНГ ЮРАГИНГИЗ ЖАВОБИ

Албатта, бир шоира дугонам айтганидай, ўзимиз учун энг муҳим нарсаларни осонликча «вайрон қиламиз». Сўзсиз, уларга қайтиш учун тўғри йўлни танлаш жуда қийин. Лекин Ирен ва Пэт (сиз билан биз каби) барча нарсада Худо иродасини бажаришни исташди. Шунинг учун, уларга бу қанчалик қийин бўлмасин, улар тўғри йўл танлашга тайёр эдилар!

Худо ҳозир сизга қандай яшаётгандигингиз ҳақида гапирмаяптими? У билан мулоқот қилиш — сизнинг ҳар кунги интиладиган энг муҳим ишингизми? Довуд чўлда туриб Худони чақирган: «Эй Худо, Сен менинг Тангримсан, эрта саҳардан сени излайман, Сенга ташнадир жон-дилим. Қуриб, чарчаб, сувсиз қолган тупроқдай вужудим Сени қўмсаб қийналмоқда...» (Заб. 62:2).

Худо билан мунтазам мулоқотсиз, энг олий қадриятсиз, сизнинг ҳаётингиз қуруқ ва ҳосилсиз сахро бўлади, унда яшайдиган ҳамма нарса, шу жумладан, сиз ҳам азоб-укубат чекасиз!

Ўзингиз учун муҳим нарсаларнинг рўйхатини кўриб чиқинг ва сиз уларга риоя қиласизми, текширинг. Ўзингиз учун биринчи ўринда турадиган эрингиз ва болаларингизга эътиборсизлик қилмаяпсизмикан? Уйингиз яқинларингиз хотиржамлик ва ёрдам топадиган, гўзаллик ва тартиб билан ҳузурланадиган бандаргоҳ бўлиб

хизмат қиласими? Ўзингизнинг бўш вақтингизни энг аввало Худога, Унинг халқига хизмат қилиш учун руҳий ўсишингизга бағишлийсизми? Ниҳоят, сиз одамлар билан мулоқотда бўлганингизда, уларга далда берасизми, улар сизнинг Раббийдан олган тўлалигингииздан тўйинадиларми? Соддароқ қилиб айтганда, ҳар куни ҳаётингиздаги энг муҳим нарсага интиласизми?



ХУДО КЕТИДАН БОРИШ

...Жон-дилим ила Сенга боғланганман...

Заб. 62:9

Агар сиз ўқиётган «Худо күнглидаги аёл» — менинг биринчи китобим бўлса, унда демак, сиз менинг дугонам Джудининг боғи хақида ҳеч нарса билмайсиз. Ўзимнинг «Loving God with All Your Mind»¹ номли китобимда мен Джуди ўз боғини қандай ўстиргани хақида ёзганман. Орадан икки йил ўтгандан сўнг, мен унинг ажойиб ва сокин боғига сиз бир назар ташлашингизни таклиф қиласман. Джудининг меҳмонлари унинг боғини кўриб, завқдан оҳ уришлари учун жуда катта меҳнат қиласман. Унинг боғидаги янгилик ва ажойибботлардан бири — бу оппoқ атиргуллар чирмашган дараҳт эди.

Ҳар гал мен Джуди уйининг айвонида турганимда, диққат-эътиборимни аввало мана шу ажойиб дараҳт ўзига тортади. Ана шундай сеҳрли манзарага етаклайдиган, майда тошлар тўкилган ва озода қилиб текисланган йўлкадан юриш истагини енгиб бўлмайди. Қандай ажойиб — бу гўзал пушти дараҳт ҳавони нафис муаттар ҳид билан тўлдиради, салқин сояси танга хузур беради, унинг гўзаллиги бизни тетиклаштиради. Мен бу боғда ҳеч қачон ўзим бўлмайман — ранг-баранг қушлар ва капалаклар, ҳаттоқи қўшнининг мушуғи ҳам бу боқقا интилади. Ҳар қандай жонзор — каттаю кичиги — Джудининг пушти дараҳтини яхши кўради.

Бу гўзаллик ўз-ўзидан ва бир зумда пайдо бўлмаганлигини айтиб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Бу ажойиб шинамликни яратиш учун жуда кўп вақт ва куч сарфланган ва у ҳозир ҳам фамхўрликни талаб қиласми. Джуди дараҳтини астойдил парваришлайди: олди-

нига тонг саҳар салқини ва сокинликда у дараҳт атрофига ишлов беради, уни озиқлантиради ва сув куяди. Кейин саройдан ўткир қайчини олади, диққат билан иш бошлайди: ортиқча ўсган шохларни қирқиб ташлайди, сўлиган гулларини кесади, кераксиз ўсимликларини қирқади. Шундай ишни бажариш — ўсимликнинг тўғри ривожланишига ва шаклланишига халақит берувчи барча нарсани олиб ташлаш — масъулиятли иш. Сўнгра ўсимликка жуда диққат билан шакл бериш қолади. Джуди бу ишни қуидагича қиласди — шохларни михлар билан маҳкамлайди, шохлар ва гулларни бирбирига чирмаштириб юборади. Сўнгра уларни керакли томонга йўналтиради. Одамлар Джудининг меҳр билан қиласидиган меҳнати туфайли бу гўзалликдан хузурланадилар.

Азиз дугонам, Масиҳнинг издоши! Агар биз худди Джуди каби тиришқоқлик ва шошмасдан меҳнат қилсак, одамлар ҳаётимизнинг, ойламизнинг ва уйимизнинг гўзалигидан баҳра оладилар. Биз ўз вазифамизга жиддий ёндашсак, У бизнинг итоаткорлигимизни марҳаматлайди. Натижада биз лол қолдирувчи куч билан руҳан ўсамиз. О, ёқимли масалалар ва ёргуф дақиқалар мавжуд! Бироқ эҳтимол, бизни илҳомлантирмайдиган, аммо Худо марҳаматини келтирадиган, сезилмайдиган, узлуксиз ва оғир меҳнат ҳам бордир.

Худонинг кетидан боришга (Довуд Заб. 62:8–9-оятларида шу ҳақда гапиради) ва Унинг иродасини бажаришга (қаранг: Ҳавор. 13:22) багишланган китобнинг охирига етиб борар эканмиз, агар халқ Худони ҳурмат қиласа, У Ўз халқи учун ҳозирлаган ажойиб инъомлардан хузурланишимиз учун, юракларимизни қандай қилиб озиқлантиришимизни, «буташимизни ва шакллантиришимизни» кўриб чиқамиз. Бизнинг юракларимизга ва уйларимизга Худонинг нури кириши учун, биз Раббий хузурида қандай ҳолатни эгалашимиз керак?

Ўз кунингизни режалаштиринг

Худо мақсадларини ҳаётимизга тадбиқ қилиш биздан режалаштиришни талаб қиласди. Бунда биз дуч келадиган биринчи масала — бир кунни — бугунги кунни режалаштиришдир. Биз шу кунни тез режалаштиришимиз керак. Мен илгари айтиб ўтганимдай, келажақдаги ҳар бир кун тартиби икки марта белгиланса, бу жуда яхшидир.

Биринчи марта — шу кун арафасида — кечқурун. Кроватга бемалол ўрнашиб ўтириб, қўлингизга режангизни олинг (карточкалар,

ишилар рўйхати ёки дафтарча). Хронологик тартибда кейинги куннинг барча аниқ воқеаларини — учрашувларни, мажлисларни, машғулотларни, нонуштани, тушликни ва кечки овқатни жойлаштириинг. Ибодатда Худодан эртанги кунга Унинг бошқарувини ва марҳаматини сўранг (Унинг куни!) ва чироқни ўчиринг. Сиз уйкудан олдинги шу бир неча дақиқа қилган ибодатингиз кейинги эртанинг ёқимсиз тасодифлари сонини сезиларли камайтиришига ишонч хосил қиласиз. Масалан: «Вой, сенга тушлик тайёрлаш кераклигини мен эсдан чиқарибман!», «Мен химчисткага боришим керак эдику!», «Наҳотки, мен тиш дўхтирига ташрифимни бекор қилмадим?», «Вой йўқ, қандай ёмон кун, мен яна эсдан чиқарибман!»

Эрталаб янги кунни сано куйловчининг шукrona сўзлари билан олқишлианг: «Худованднинг яратган кунидир бу, ундан шод бўлиб севинайлик!» (Заб. 117:24). Сўнгра бир варақ оқ қофоз олинг ва кун давомида Худо учун муҳим нарсаларни бузмаслик учун режа тузишга тайёрланинг. Ишни ибодатдан бошланг.

Ўз режаларингиз ва устиворлик учун ибодат қилинг

Сиз нима ҳақда ибодат қилишингиз керак? Менга Худонинг устиворлигига мувофиқ ҳаракат қилишимга ёрдам берадиган режани қандай тузишимни сизга айтиб беришимга ижозат қилинг.

Худо. Бу — мен буқланган қоғознинг бир томонига ёзадиган биринчи сўзим. Кейин мен ибодат қиласман: «Раббим, бугун мен ўз ҳаётим билан мен учун Сен ҳамма нарсадан муҳимроқ эканлигингни тасдиқлаш учун нима қилишим керак?»

Мен ибодат қилаётганимда, Худо одатда менга муайян бир ҳаракатларни кўрсатади (масалан, ибодат, Унинг Каломини ўқиши, Муқаддас Ёзувлардан парчалар ёдлаш). У менга яна Унинг кетидан юришим кераклигини, Унинг мавжудлигини ҳамиша эсда тутишим кераклигини ҳам эслатиб туради. Мен буларнинг ҳаммасини ёзib бораман.

Эр. Мен ёзадиган кейинги сўз — бу «Жим». Мен яна Худонинг ёрдамига мурожаат қиласман: «Раббим, мен Жимнинг бошқа одамлар ичида мен учун энг муҳим инсонлигини кўрсатиш учун бугун қандай ишилар қила оламан?»

Бу ерда ҳам Раббий менга Жим кун охирида уйга қайтганда «табаб даражасида эканлигимни» ва кеча давомида ҳам «ўз мавқеимга мослигимни» эслатиб туради. Мен жума куни кечки пайтни —

болаларим ўз ишлари билан машғул бўлишганда, фақат эрим билан ўтказиши режалаштиришим мумкин. Албатта, унинг кўйлагига тугма тикиб беришим мумкин!

Фарзандлар. Энди болалар ҳақида ибодат қилиш керак: «Раббим, Кортни ва Кэтрин улар мен учун Жимдан кейинги энг яқин инсонлар эканликларини қандай намоён қилишим мумкин? Уларнинг ҳар бири мен учун қанчалар азиз эканликларини қизларим тушишилари учун мен нима қила оламан? Мен ўз севгимни уларга қандай намоён қила олишим мумкин?»

Кўпинча бу саволларга жавоб: «ёқимли сўзлар», «раҳмдиллик», «хизмат руҳи» бўларди. Менинг қизларим энди юришни ўргана бошлаганларида, мен барча ишимни ташлаб уларга китоб ўқиб бериш ёки улар билан бирга ўйнаш учун кун давомида вақт ажратар эдим.

Улар катта бўлганларида, мен одатда уларнинг ҳар бири учун открытикалар танлардим, уларга бўлган севгимни ифодалаб сўзлар ёзардим. Ёки Муқаддас Китоб машғулотларидан қайтаётib, йўлдан қизларимга янги ёпилган тешик кулчалар сотиб олардим. Ёки уларнинг мактабдан келишларига улар яхши кўрадиган овқатларни тайёрлаб кўярдим. Ёки уларга ёқимли кутилмаган янгилик қиласардим: дарсдан сўнг бегона машинада уйга қайтиш ўрнига. улар мен билан кока-кола ичишга йўл олишарди.

Хозирда қизларим турмушга чиқсан аёллар бўлганларида, мен ҳар куни улар билан электрон почта орқали бояганишини режалаштираман, уларга ўз рўзгорларини бошқаришга ёрдам берадиган ва уларнинг шахсий руҳий ўсишларига далда берадиган фойдали китобларни совға қилиб юбораман. Ҳақиқатдан ҳам, севги, ибодат ва режалаштириш доимо муҳимдир!

Хонадон. Мен ҳали айтиб ўтганимдай, рўзгор ҳақида ибодат уни моддий соҳадан руҳий соҳага олиб ўтади. Шундай қилиб, мен ибодат қиласман: «Раббим, мен бугун ўз рўзгорим учун нима қила оламан? Бизнинг яшаш жойимиз осмоннинг кичик бир бўлакчасига айланиши, бизнинг «азиз хонадонимиз» бўлиши учун нима қила оламан?»

Менинг рўйхатимдаги «уй» сўзи «доимохоналардатартибсақлаш» деганга ўхшаш маънони англатади. «Батамом тугаллаш...» деярли ҳар куни пайдо бўлади. Чунки мен ҳозир ўзимда тарбияламоқчи бўлаётганим ҳар бир ишни охирига етказиш одати менга жуда зарур, айниқса, кечки овқатдан сўнг, мен чарчаганлигимни ҳис қилган пай-

тимда. Шунингдек, мен аниқ ишларни ҳам ёзиб бораман, масалан, «янгиларига жой бериш учун, қуриган шохларни кесиш».

Менинг шахсий ҳаётим. Мен Худога ўз ҳаётим ҳақида сўзлаб бераман ва Ундан сўрайман: «Раббим, мен бугун ўзимнинг руҳан ўсишим учун нима қила оламан? Мен қандай қилиб бўлажак хизматимга тайёрлана оламан?»

Жавобан мен шуни эшитаман: ўқии. Кўпинча «жисмоний машқлар» ва «парҳез» юзага келади. «Хат ёзишга ўрганаётганларнинг курсини тугатиш», «китобдан парчалар ёзиб олиш», «ўз вақтида ухлашга ётиш» — ва бошқа пунктлар. Заруратдан келиб чиқкан бундай ранг-баранглик — фаолият учун кенг йўл очиб берди.

Хизмат қилиши. Мен ибодат қилишда давом этаман: «Раббим, бугун мен Сенинг халқинг учун нима қила оламан?»

Ушбу рўйхат энг узуни. Бу рўйхатга қуйидагилар киради: телефон қилишим керак бўлган одамларнинг исмлари; хат ёзишим керак бўлган дўстларим ва миссионерларнинг исмлари; дарслар; қандайдир тадбирларни ташкиллаштириш; хаста одам учун ёки бирон воқеа учун овқат тайёрлаш; касалхонага ташриф буюриши. Хизмат қилиш учун имкониятлар доимо жуда кўп!

Бу рўйхатлар жуда узун бўлганлиги сабабли, мен қуйидаги ишни қиласман. Худодан, энг муҳим нарсаларни танлашимга ёрдам бер, деб сўрайман: «Раббим, агар бутун рўйхатдан мен фақат бир ишни қила олсан, нимани танлашим керак эдим? Агар иккита бўлса-чи?..»

Бошқа фаолият. Мен бир неча марта айтиб ўтганимдай, бу китоб диққатимизни Муқаддас Ёзув белгилаган энг олий улуғворликка — Худонинг Ўзи томонидан биз учун белгиланган вазифаларга қаратади. Аммо мен (албатта, Худо ҳам буни билади) ҳаётнинг бошқа соҳалари ҳам мавжудлигини биламан. Мана нима учун мен Худо устуворлигига мувофиқ ҳаёт худди расм чизишга ўхшайди, деб ўйлайман. Расм солиш учун рассом барча зарур ҳаракатларни бажаради: услубни танлайди, расм мазмунини ўйлаб топади, композицияни ва рангларни белгилайди. Бироқ, импрессионистлар тайёр расмга бошқа рангдаги бўёқ билан доғларни чизиб, расмга алоҳида ранглар уйғуллигини бериб, уни жонлантиришини аниқладилар.

Ҳаёт ҳақида ҳам худди шундай дейиш мумкин. Бизнинг ҳаётимиз ўз ичига унинг гўзаллигини аниқловчи барча қисмларни олиши учун Худо қоидаларини — барча қоидаларни бажаришимиз

керак. Аммо «завқ олишимиз учун ҳар нарсани эҳсон этган барҳаёт Худо» (1 Тим. 6:17) бизни ёрқин белгилар — одамлар, воқеалар, қизиқишилар, истаклар ва вазифалар билан марҳаматлади. Булар эса бизнинг ҳаётимизни янада уйғунроқ қиласди.

Кейин бу рўйхатга мен янги йил совғаларини сотиб олишни, кутубхонага ёки китоб дўқонига ташрифни, дўстлар билан учрашувларни, Кортникига ташрифни (энди Колорадога) қўшиб қўяман. Бу рўйхатни яна чексиз давом қилиш мумкин. Унинг барча пунктлари муҳим, лекин улар жуда зарур эмас.

Кун тартибини тузинг

Энди менда кун бўйи ўзим билан олиб юра оладиган рўйхат бор (ёки музлаткичининг эшигига ёпишириш, ё ошхона токчасига қўйиш мумкин). Аммо бу рўйхатнинг пунктлари то биз уларни ҳаётга тадбиқ қилмагунимизча, орзу ва истаклар бўлиб қолаверади. Уларни ҳаётга тадбиқ қилишда эса бизга жадвал тузиш ёрдам беради. Энди мен қофознинг орқа томонидан ҳам фойдаланаман: унда мен ўзим учун муҳим нарсаларни амалда кўрсата оладиган жадвал тузаман.

Мен ибодат қила бошлайман: «Раббим, қачон менда ибодат соати бўлади? Мен Сен билан қачон учрашаман?» Мен ўз жадвалимда «ибодат» сўзини ёзаман. «Қачон мен Жимнинг кўйлагига тугматикаман... ва у билан ёлғиз вақт ўтказа оламан?» Мен аниқ вақтни ёзаман. «Мен қачон қизларим учун печенъелар келтириб беришим керак? Уй ишларини қилиш-чи?... Ўқиш ва шуғулланиш — ҳеч бўлмаганде беш дакиқага?!» Мен Худодан қачон бу ишларни қилишим кераклигини сўрайман ва уларни ўз жадвалимга ёзib қўяман.

Ибодат қилиш ва жадвал тузиш вақти тугагандан сўнг қўлимда бутун кунга тузилган аниқ режа — мен учун энг муҳим нарсаларни акс эттирувчи ва менга ўзим хоҳлаган Худо кўнглидагидай аёл бўлишга ёрдам берувчи режа бўлади! Донишмандлик ҳамиша режалаштиради!

Агар сиз бу маслаҳатга риоя қилсангиз, ибодат билан режалаштирсангиз ва ҳар кунлик жадвални тузсангиз, унда тез орада бутун кунга режа билан ибодатдан туриш қанчалар қувончли эканлигини билиб оласиз! Бироқ сиз кунни барча ишлари билан Худога ва Унинг шарафига бағищласангиз, Унинг бошқарувини қидирсангиз, бу режа самаралироқ бўлади. Сиз кунни Худога бағищлашга ва Унинг бошқарувига итоат қилишга қарор қилганингиздан сўнг ўз режангизга — Худо режасига амал қилинг.

Үз улугворлигингизга риоя қилинг

Хар куни менга сиз амалда ўзингиз учун энг муҳим нарсаларга қандай амал қилишингизни кўрсатиш учун кўп имкониятларни таклиф қиласди. Ҳар дақиқалик қарор қабул қилишни осонлаштирувчи усуллардан бири — бу энг муҳим нарсаларни қуидагича тартибда жойлаштиришдир:

- # 1 — Худо
- # 2 — Сизнинг эрингиз
- # 3 — Сизнинг болаларингиз
- # 4 — Сизнинг уйингиз
- # 5 — Сизнинг рӯҳан ўсишингиз
- # 6 — Сизнинг хизматингиз
- # 7 — Бошқа фаолият

Булар тўғри қарор қабул қилишга қандай ёрдам беришини сизга кўрсатишга рухсат беринг.

- Сизнинг фарзандингиз (#3) эндиғина мактабдан уйга келди. Сиз у билан ибодат қиласиз, сұхбатлашасиз ва уни овқатлантирасиз. Телефон жиринглайди. Бу сизнинг эрингиз эмас (#2), демак, бу — сизнинг хизматингизга оид (#6) масала билан ё дугонаңгиз (#7), ёки савдо агенти (#*@!) телефон қиляпти. Бундай вазиятда қарор оддий: сиз #6-ёки #7-(ёки рўйхатнинг янада пастрофида жойлашган) пунктга эътибор қаратиш учун #3-пунктни ташлаб кетмайсиз.
- Эшикни қўшнингиз тақиллатяпти (#6-хизмат) ва у сизнинг болангиз билан қилаётган мулоқотингизга (#3) халақит берди. Сиз нима қилмоқчисиз? Одатда қўни-қўшниларнинг ташрифини мен болаларим бирон бир юмуш билан, масалан, уй ишлари билан машғул бўлган вақтга кўчираман. Эдит Шеффер сизга қуидагича жавоб вариантларини таклиф қиласди:

«Биз кейинроқ учрашамиз, бу ярим соатни (ёки бир соатни) мен Наоми билан ўтказишим керак». Сиз фарзандингизнинг исмини айтишингиз керак. Сиз: «Мен Дебби билан гаплашяпман» (ўз болангиз билан) деган пайтингизда, бу билан сиз ўзингизга, шунингдек, сұхбатдошингизга: «Мен гаплашаётган шахс мен учун жуда муҳим», — деб эслатиб қўясиз. Сизнинг фарзандингиз — шахс, болалар сиз учун муҳим

эканликларини, уларнинг ҳаётлари сиз учун катта аҳамиятга эга эканликларини билиб ўсишлари керак².

- Эрингиз (#2) уйингиз меҳмонхонасида ўтириби, уйда сокинлик ва хотиржамлик ҳукм суради. Сиз камдан-кам юз берадиган мулоқотдан хузурланяпсиз. Телефон жиринглайди. Қандайдир аёлга маслаҳат керак экан (#6); сиз билан бир дугонангиз (#7) ёки бир савдо агенти (#*@!) суҳбатлашмоқчи. Бунинг ечими оддий. Сиз суҳбатни эрингиз (#2) уйда бўлмайдиган вақтга кўчирасиз.

Бундай ҳаракатлар Джуди ўз атиргулларини кесаётгандаги ҳаракатлари каби қўпол ва шафқатсиз туюлиши мумкин. Аммо сиз ўз қадриятларингиз тизимиға мувофиқ қарор қабул қилиб, Худога ўз ҳаётингизни ажойиб санъат асари қилиши учун имкон берасиз. Бундай танловни қабул қилиш анча қийин. Баъзида у кимнидир хафа қиласи. Аммо агар сиз ҳаётингиз Худо уни кўришни хоҳлаганийдай бўлишини истасангиз, у зарурдир.

Лекин кўзда тутилмаган вазиятлар пайдо бўлганда бундай режалар, улар қанчалик муҳим бўлишидан қатъий назар, барбод бўлади. Масалан, Жимнинг онаси касалхонада ётганда ҳар қандай фаолият тўхтаб қолди. Чунки Кэтрин, унинг эри ва мен унга қарап эдик. Сиз, албатта, бундай эҳтиёжга Худо аралашувига қарагандай қарашингиз мумкин. Аммо бизнинг мақсадимиз — мулоҳазали бўлишдир (қаранг: Тит. 2:5), яъни доно қарор қабул киладиган, иффатли ва хушфөйл аёллар бўлишдир! Мулоҳазали аёл ўз танловини ва унинг танлови эрининг, фарзандларининг ва яқинларининг ҳаётида қандай акс этишини ўйлаб кўради. Бундай аёл вазифани тарозига солади ва унинг оқибатларини — ҳам яхши, ҳам ёмон томонларини кўриб чиқади. У ҳамма нарсани ўйлаб кўради, ибодат қиласи, Худонинг жавобини кутади, Унинг донолигини ва яхши маслаҳатини қидиради. Сўнгра эса тўғри қарор қабул қиласи. Биз ҳам агар Худога итоаткор бўлсак, сиз билан худди шундай қиласиз!

Худонинг ниятларини билиб олинг

Мен ибодат билан кундалик мажбуриятларимнинг ҳар биридан энг муҳимини белгилаб олганимда, Худо менга ҳаётимнинг ҳар кунига, шу жумладан, бугунги кунга ҳам оид Ўз иродаси ҳақида

тушунча беради. Бундан ташқари, мен ўзим етишмоқчи бўлган нарсага эришиш истаги билан ёнаман. Бу истакни мен биринчи марта бундан 15 йил илгари аёллар анжуманида эшитган шарҳлар мустаҳкамлайди. Ўша кундан бери — мен биринчи марта улар ҳақида эшитганимдан бери, улар мени Худо ниятларига бутун юрагим, бутун қалбим, бутун эс-хушим ва бутун куч-кувватим билан риоя қилишга ундайди! Мен баъзи аёлларнинг фикрларини сизга айтиб бермоқчиман. Умид қиласманки, улар сизнинг юрагингизда ҳам Худога интилиш ва Унинг даъватига жавоб бериш истагини уйғотади. Лекин олдин вазиятни тасвирлашга рухсат беринг.

Қандайдир бир журналист тўрт аёлдан интервью оларди ва уларнинг ҳар биридан «олтин йиллари» ҳақида, яъни «ўрта ёш тамом бўлганда бошланадиган ва анъана бўйича донишмандлик, ҳаётдан қониққанлик ва фойдали вақт ўтказиш» билан тавсифланадиган босқич ҳақида нима фикрда эканликларини сўради. Уларнинг жавобларини тингланг ва ўйлаб кўринг.

31 ёш: «Олтин йиллар? У пайтгача мен жуда кўп иш қилишим керак ва мен унгача яшамасам керак, деб ўйлайман. Эрим муваффақиятга эришишига ёрдам беришим керак. Мен болаларимни улар бу бешафқат дунёда яшай олишга қодир қилиб тарбияламоқни истайман. Ва албатта, менга ўзим учун ҳам, ўзимни топа олишим ва ўз имкониятларимни амалга ошишим учун ҳам вақт керак».

44 ёш: «У вақтгача 20 йилгина қолди! Мен ҳаммаси яхши бўлишига умид қиласман. Агар биз болаларимизнинг таълим олишларига ёрдам берсак ва уларни вояга етказсак, агар эримнинг қон босимини меъёрида ушлаб тура олсак, агар мен ўткинчи вақтдан эсон-омон ўтиб олсам... Мен бизда ҳамма нарса яхши бўлишига умиб қилиб қоламан, холос».

53 ёш: «Шубҳаланаман. Баъзида мен олтин йиллар ҳеч қачон келмайди, деб ўйлайман. Менинг ота-онам ҳозиргacha ҳаёт ва ҳамиша ўзларига нисбатан диққат-эътиборни талаб қилишади. Бизнинг қизимиз ўтган йили эридан ажралди, ҳозирда яна биз билан яшамоқда. Албатта, унинг фарзанди бор. Ва шубҳасиз, биз эрим билан ҳозиргacha уларнинг ҳар бири учун масъулият ҳис қиласмиз».

63 ёш: «Биз олтин ёшга етдик деб ҳисобланамиз, тўғрими? Бироқ бу ундей эмас. Очиқчасига айтаман. Биз хотиржам яшашимиз учун етарлича пул йигдик, деб ўйлардик. Аммо бу пуллар бизга етмаяпти. Пулнинг қадрсизланиши бизнинг йиғиб қўйган маблағларимизни еб кўйди. Энди менинг эрим истеъфога чиқиш масаласини кейинроққа суриш ҳақида ўйлаяпти. Агар у шундай йўл тутса, мен унга қаршилик

қилмайман. Рўзгорни таъминлаш биз учун жуда қимматга тушяпти. Би иккаламиз ҳам аҳвол шундай бўлганидан норозимиз».

Жуда ғамгин фикрлар, шундай эмасми? Биз тўхтаб вақтга назар ташласақ, ҳаёт бизга нақадар умидсиз, мазмунсиз ва фойдасиз бўлиб туюлади! Аммо энди Худонинг манзарасига, Худонинг фикрига мурожаат қиласлий! Бу ҳақда мен интервью копиясини жўнатган дугонам сўзлаб берди. Мана унинг умидбахш жавоби: «О, Лиза, ҳар бир кунга, худди бу бизнинг ягона олтин кунимиздай муносабатда бўлиш — бу олтин кунларни бирин-кетин ўтказиб, биз Раббимизга қайтаришимиз керак бўлган олтин кунларнинг бутун бир тизимини тузиш деганидир!»

Ўзингизни ҳар бир кунга худди бу кун, айнан бу кун олтин кундай муносабатда бўладиган аёл деб тасаввур қилинг! Бу дегани — Худо кўнглидаги аёл бўлиш деганидир. Бу тўғрида фикр юритиб мен шундай дедим: «Ниҳоятда тўғри! Ҳаётимизнинг ҳар бир куни олтин кун қилиш — бу Худо учун энг муҳим нарсаларга риоя қилишнинг мақсади ва ундовчи кучидир, айнан *шу сабабли* ва айнан *шу тарзда* биз ўз ҳаётимизни қуришимиз керак».

Амалиёт, амалиёт, амалиёт

Айнан шуни мен сизга ҳам, ўзимга ҳам тилайман. Мен ҳар бир кунга худди олтин кундай муносабатда бўлмоқчиман. Метафора усулидан фойдаланиб, бизнинг ҳаётимиз — бу қимматбаҳо кунларни тизадиган марварид шодаси демоқчиман.

Агар сиз ўз ҳаётингизни олтин бўлишини хоҳласангиз, бир кунигизни — бугунги кунни яхши яшашга ҳаракат қилинг. Пировардида эса бир донишманд киши айтганидай, «ҳар бир кун — бу кичик ҳаёт, ва бутун ҳаёт — бу фақат жуда кўп марта такрорланадиган кундир». Шундай қилиб, бор кучингизни бугунги кунга қаратинг ва шунда кечкурун сиз ўз шодангизга яна бир қимматбаҳо дур қўшасиз. Сизнинг шодангиздаги марваридлар самарали ҳаётни ташкил этади!

Мабодо сизнинг бугунги кунингиз оғир бўлган бўлса-чи? Сиз тезроқ яшаб ўтмоқчи бўлган кун-чи? Муваффақиятларга тўла кунчи? Сиз диққатингиз ва кучингизни қаратишингиз керак бўлган нарсаларга эътибор қилмаган кун-чи? Бизнинг ҳаммамиизда шундай кунлар бўлиб туради. Худога шукроналар бўлсинки, У бизга бундай кунни унутишга ва олдинга — навбатдаги кунга интилишга, яна ва

яна ўз мақсадимизга — ғалаба гулчамбарини қўлга киритишимизга имкон беради (қаранг: Флп. 3:13–14). У бизга марҳамат ва куч ҳадя килади, токи биз ҳеч нарсага қарамасдан Унинг кетидан юриши давом эттирайлик.

Ҳар тонгда У бизга янги кунни беради, биз Худо улуғворлигига мувофиқ яшашимиз учун Ўз ҳадяларини ва имкониятларини беради. Бундан ташқари, агар сиз ўз гуноҳингизга тавба қилсангиз ва кечиримга эга бўлсангиз, сиз ҳаётни бошқатдан бошлайсиз. Худо марҳамати ҳар куни эрталаб янгиланади ва Унинг садоқати буюқdir (қаранг: Йиғи, 3:22–23). Хуллас, ҳар куни тонгда сизнинг олдингизда оддий вазифа турганлигини унутманг: факат бир куни қадриятлар кетма-кетлигини бузмасдан яшанг. Кейин айнан шу куни Худо ниятларини бажаришга ўз эътиборингизни қаратинг. Шу куни энг муҳим нарсани керак жойга қўйишга ҳаракат қилинг.

Ана шундай кескин кунлар тугаганда сиз, эҳтимол, ўрнингизга чарchoқ ила ётарсиз. Бу менга жуда таниш. Бироқ сизнинг юрагингизда ажойиб хотиржамлик хукм суради. Худодадан келадиган хотиржамлик, чунки сиз Унинг иродасига мувофиқ яшадингиз.

Сиз нега бу хотиржамликни ҳис қиласиз? Чунки сиз Худони қидирдингиз ва кун бўйи Унинг кетидан юрдингиз! Шу куни ўзингиз дуч келган одамлар сизнинг юрагингиз тўлалигидан севги ва ғамхўрликни олдилар. Сиз ўз рўзгорингиз учун жон куйдирдингиз, шунинг учун сиз яратган уйингизда Худо гўзалликлари ва тартиб хукм суряпти. Сиз ўзингиз ҳақингизда жон куйдирдингиз. Худо сизни Ўзи учун хизматга тайёрлаганда, руҳан ўсдингиз. Сиз кимни учратган бўлсангиз, ўшанга хизмат қилдингиз. Сиз мақсадларга эришдингиз, изландингиз, ҳадялар қилдингиз ва Худо ўз кўнглидагидай аёллар учун белгилаган энг муҳим нарсаларга мувофиқ яшадингиз.

Бошқа ташвишлар ҳам бўлган. Эҳтимол, улар сизнинг азиз ота-онангиз, ёрдамга муҳтоҷ ҳамкасларингиз, дўстларингиз, қўшиларингиз, хунарингиз билан боғлиқ бўлгандир. То сиз Худо бошқарувини, Унинг оқиллигини ва кучини излар экансиз, Худонинг иродасини содиқлик билан бажариб, уни севар экансиз, барча мушкулотларда ва синовларда Унга мурожаат қилар экансиз, сизнинг олтин кунингиз давом этаверади.

Бу чиндан ҳам қийин кун, аммо нақадар бой кун эди! Ҳа, сизнинг танангиз чарчади, лекин бу чарchoқ қандай қониқишини бахш этади. Эҳтимол, кимгадир сиз ҳеч нарса қилмагандай (ҳеч қандай янгилик, ёки мақтанишга аргизулик ҳеч нарса бўлмагандай) туюлар, аммо

Худо сизга: «Яхши, Менинг содиқ қулим ва бандам!» деганда, сиз ўз юрагингизда қандай тўлаликни ҳис қиласиз!

Сиз, ниҳоят, бошингизга ёстиқ кўйиб, устингизга кўрпа ёпиниб кроватингизга чўзилган пайтингизда, шодангизга яна бир марварид таққанлигингизни биласиз. Бу марварид — Худо кўнглидагидай аёл кутадиган энг қимматбаҳо совғадир. Худо йўлидан юрадиганларни кутадиган ўша мукофотни сўз билан тасвирлаш ва ифодалаш, уни баҳолаш асло мумкин эмас! Керакли сўзларни топиш мен учун жуда қийин.

Хуллас, кун охирида сизнинг юрагингиз хотиржам ва мамнундор бўлди. Сиз бердингиз, хизмат қилдингиз, севдингиз ва Худо кетидан юрдингиз. Ва шунга жавобан Худо «қондирди чанқоқ кўнгилни, неъматлар билан тўйдирди очиқкан жонни» (Заб. 106:9). Сиз ҳис қилаётган тинчлик Худо иродасини бажарганлигингиз, шу кун давомида Худо кўнглидагидай аёл бўлганлигингизнинг қувончини англашингиздан келиб чиқади!

Энди... майли бу бир кун, бир қадам, сиз — Худога манзур аёл ҳаётининг маржон шодасига ҳар куни биттадан марварид қўшишга илҳомлантирсин!



СИЗНИНГ ЮРАГИНГИЗ ХИЗМАТИ

1-боб. *Худога содиқ юрак*

- Лк. 10:38–42-ўқинг. Марфа нима қилаётган эди? Марям нима қилди? Сиз кўпроқ кимга ўхшайсиз, Марфагами ёки Марямгами? Жавобингизни ўз ҳаётингиздаги аниқ мисоллар билан тасдиқланг. Сўнг Худога содиқ аёл бўлиш ҳақидаги истагингизни ва фақат У билан мулоқотда бўлишни афзал кўришингизни Ўзига айтинг. Шунингдек, сиз оғир вазиятларга тушганингизда, У сизга тўхташга ёрдам беришини, Унга мурожаат қилиб, Уни тинглашингизни Ундан илтижо қилинг.
- Ҳикматларнинг 3-боб 6-оятида ёзилган сўзлар ҳақида ўйлаб кўринг. Сизнинг Худога қилган илтижоингиз нохуш ҳолатга тушиб қолганингизда, қандай қилиб сизнинг фикрингизни ўзгартириши мумкин? Ҳаракат қилишдан олдин Худодан қачон маслаҳат сўраган ҳолатларингизни эсланг. Сизнинг юрагингизда нима юз берди? Вазият қандай ўзгарди?
- Ўзингизни, яна нимага эга бўлсангиз, ана шуни бағишлаб Худога ибодат ёзинг. Бу ибодатни содиқ юрак илиа Унга йўлланг. Ибодатни сақлаб кўйинг ва қайта-қайта тақорлаб туринг.
- Учта белгиси бор термометрни тасаввур қилинг: совуқ, илиқ, иссиқ. Сизнинг юрагингизни яқиндан тавсифлаб берувчи ҳолатни термометр белгиларининг қай бирига мос келса, шунга етказинг. Қандай белгида тўхтадингиз? Худо олдида ҳам худди шундай вазиятга эга бўлиш учун қандай аниқ ҳаракатлар қилиш қўлингиздан келади? Токи бундай ҳаракатларингиз сизнинг юрагингизда Унга нисбатан интилишни ўйғотиши учун Унга имкон яратсин. Бу хафтада сиз нима қила олишингиз мумкин?

2-боб. *Худо Каломида бўладиган юрак*

- Забур 1:1–3, Ишаё 58:11, Ермиё 17:7–8-оятларини ўқинг. Худо Каломида айтиб ўтилган аёл юрагининг хусусиятларини санаб беринг.

- Забурнинг 41:2-оятида бизнинг Худога нисбатан кўнглиминиз ҳақида нималар дейилган?
- 2 Кор. 4:16-оятда ёзилган ҳақиқат қачон сиз учун реал бўлди? Сиз кундалик ҳаётингизда дуч келадиган муаммоларни ҳал қилиш учун Худо билан бўладиган кундалик мулоқотни қанчалик мухим деб ҳисоблайсиз?
- Муқаддас Китобни ўқишининг учта усули мавжуд: (1) балиқ ёғига ўхшаш (бунда сиз уни гўё дори ичаётгандай ўқийсиз); (2) янчилган буғдойга ўхшаш (бунда сиз уни еяверасиз, лекин камлик қиласеради); (3) шафтоли ва қаймокқа ўхшаш (сиз уни иштаҳа билан маза қилиб қабул қиласерасиз)¹. Санаб ўтилганлардан қайси бири Муқаддас Каломга сизнинг муносабатингизни ифодалаб беради? Муқаддас Китобни ўқишида худди зўр иштаҳа билан маза қилиб шафтоли ва қаймокни қабул қиласигани сингари, қандай ишларни қилишини режалаштиряпсиз?
- Агар сиз буни ҳали қилмаган бўлсангиз, унда руҳан ўсиш ҳақида ўйлаб кўринг. Бир йилдан сўнг қандай аёл бўлишини хоҳлайсиз? Ўн йилдан кейин-чи? Аниқ фазилатларни таърифлаб беринг. Ўз хоҳиши-истакларингизни ибодатда Раббийдан илтижо қилинг (бу тўғрида доимо Унга айтиб туринг); уларни ўз ҳаракатларингизда кўлланг (ўз орзуларингиз рўёбга чиқиши учун йил мобайнида қандай ишларни амалга оширишини режалаштирасиз?); улар ҳақида кимгadir айтинг (сизни ибодатда қўллаб-куватлашсин, бу ўз мақсадларингизга эришишингизда катта ёрдам беради).

3-боб. Ибодатга багишланган юрак

- Беш дақиқа мобайнида ибодат қилинг. Агар бу сизга ёрдам берса, таймерни кўйинг ва ўриндиқقا суюниб, жойлашиб ўтириб олинг. Ана энди чин юракдан Худога илтижо қилинг. Раббийга чин юракдан яқинлашиш истагингиз борлигини, Унга сидқидилдан содик бўлмоқчи эканлигингизни ва илтижо қилувчи юракка эга бўлиш ниятингиз борлигини Унга айтинг. Забурнинг 42-боб 2–3-оятларини кўчириб олинг, мулоҳаза қилинг ва ёдланг.

- Эртагалик режангизга назар ташланг ва у режангиз учун ибодат қилишни ҳам киритинг. Ибодат жойини ва вақтини аниқланг.
- Агар сизда ҳали ҳам ибодат қилиш мавзуларини ёзиб борадиган ён дафтарчангиз ёки журналингиз бўлмаса, ибодат кундалигини тутишни бошланг ва унга ибодат қилиш керак бўлган муаммоларни, исмларни ёзинг, чунки улар учун ибодат қилиш лозим.
- Ибодат сизга келтириши мумкин бўлган марҳаматлар ҳақида яна бир бор ўқинг. Улардан қай бирларини сиз ўзингизнинг бошингииздан кечирдингиз? Қайси бир марҳаматлар сизни ибодат ҳаётига янада жиддийроқ ёндашишингиз кераклигига даъват этади?
- Мат. 26:36–46 ўқинг. Масихнинг ибодат ҳаёти тўғрисида сиз нималарни билиб олдингиз? Қайси бир тафсилотлар сизни хайратда қолдири? Ҳаммасидан ҳам нима сизга ниҳоятда таъсир қилди? Ўз юрагингизнинг ибодатга бўлган севгисини, худди Масих юрагида бўлган севги сингари қандай тарбиялай оласиз?

4-боб. Итоаткор юрак

- Нима ўстиришга ҳаракат қилишингиз — Худога бағишлиланган тўла юракми ёки ўсимликми — бунинг аҳамияти йўқ. Сизнинг биринчи қадамингиз қуидагича бўлиши керак: ўсишга ҳалақит қилаётган барча шоҳларни кесиб, олиб ташланг. 1 Бут. 2:1 ни ўқинг, итоаткор юрак ривожланишига тўсиқ бўлувчи хусусият ва ҳаракатларнинг рўйхатини тузинг. Сизнинг юрагингиз ривожланишига нима ҳалақит беряпти?
- Эф. 4:25–32 ва Кол. 3:5–9 ўқинг. Сўнгра ўз рўйхатингизга воз кечиш керак бўлган хусусият ва ҳаракатларни кўшиб ёзиб қўйинг. Ўз юрагингиздан нималарни чиқариб ташлашингиз керак? Аниқ санааб ўтинг.

- Энди диққат-эътиборингизни ижобий фикрларга қаратинг ва руҳан ўсиш учун нималарни ривожлантириш кераклиги ҳақида ўйланг. 1 Бут. 2:2, Эф. 4:25–32 ва Кол. 3:1–17ни ўқинг. Сизнинг ҳаётингизни масиҳий аёлнинг ҳаёті каби бойитадиган хусусият ва ҳаракатларни ёзиб олинг. Сиз ўзингизда нималарни ривожлантиришни хоҳлайсиз?

- Ибодатда ўз ҳаётингизни Раббийга баён қилинг, Унга ўз юрагингизни очинг. Қандай итоатсизлик уругини сочганингизни, қай бирлари хосил берганини кўрсатишни Ундан илтижо қилинг. Тавба қилинг, сўнг Худо амларига итоаткор, зийрак юракни тарбиялаш томон қадам кўйинг: ёрдам сўраб Унга мурожаат қилинг.

5-боб. Хизмат қилувчи юрак

- Ибт. 2:16–25 ўқинг. Ушбу парчани ўқиб чиққанингиздан сўнг «кўмакчи» сўзини қандай тушуна бошладингиз.
- Сиз билан эрингиз ўртасида қандай келишмовчиликлар мавжуд ёки бўлиб ўтган? Бу тушунмовчилик сизнинг Худо билан бўлган муносабатларингизга ва Унга қилган хизматингизга қандай таъсир қилди?
- Аслида, эркакнинг ғолиб бўлиши, аёл эса бунда унга кўмаклашиши назарда тутилади. Эрингиз олтин медалга эга бўлиши учун сиз унга қандай ёрдам кўрсатяпсиз? Қай тарзда сиз эрингизга хизмат кўрсатишингиз мумкин?
- Мат. 20:28 ни ўқинг. Инсон Ўғли Масиҳ сизга ёки бирон бошқа одамга хизмат қилганини сиз қачон кўргансиз?

- Гал. 6:9–10 ни ўқинг. Худога ва Унинг халқига хизмат қилиб, сиз нималарни ўргандингиз? Бундай хизмат учун қандай марҳаматларга эга бўлдингиз?

6-боб. Итоат этувчи юрак

- Куйидаги парчаларни Муқаддас Китобдан ўқир экансиз, қандай иборалар, фикр ва амрлар қолганларига қараганда сизнинг юрагингизга таъсир этганини белгиланг.

1 Кор. 11:3

Эф. 5:22–24, 33

Кол. 3:18

Тит. 2:5

1 Пет. 3:1, 6

- Итоат этишнинг қандай жиҳатлари сиз учун янгилик бўлди, қайси бир томонлари сизни ўзгаришга ундейди?
- Бажонидил, ҳатто хурсандчилик билан итоат этишингиз учун Худо сизнинг юрагингизда қандай ўзгаришлар қилиши керак?
- Баъзи бир машғулотлардан сўнг мен эримнинг илтимосларига жавобан автоматик равишда «Албатта!» дейишга ўрганиб қолдим. Сиз ҳам эрингизнинг илтимосларига жавоб тариқасида шунга ўхшаш бир ижобий сўзни танланг, ундан фойдаланинг. Ўз олдингизга мақсад қўйинг: чин юракдан доно ва ширинсўз бўлиш учун (қаранг: Ҳикм. 16:21–24) ибодат қилинг.

- Агар сиз ҳам турмуш қурмаган бўлсангиз, сизнинг итоаткорлигингиз қандай намоён бўлиши ҳақида ўйлаб кўринг. Қандай итоат қилишни, бинобарин ўз ота-онангизни (қаранг: Мат. 19:19), устозларингизни, раҳбариятни, қавм

бошлигини (қаранг: Ибр. 13:17) ва Муқаддас Китобни ўрганиш курсининг раҳбарини қандай қилиб ҳурмат қилишингиз учун ечимини топинг.

7–8-боблар. Севувчи юрак

- Тит. 2:3–5 ни ўқинг. Бу ерда Худо хотинларга нима тўғрида гапиради?
- Эрга нисбатан севгини намоён қилишнинг тўққизта усулини яна бир бор ўқиб чиқинг.

Муқаддас Ёзувнинг сўзларини ўйлаб кўринг:

Лк. 6:35

1 Кор. 7:3–5

Ҳикм. 5:18–20

Эф. 4:29

Худонинг бу амрлари сизни хотин сифатида руҳлантирадими?

Худо бизни ҳаракат қилишга даъват этганда, У бизга куч ато этади. Шунинг учун сизнинг юрагингизда Унинг құдрати ва ўзгартирувчи таъсирини Үндан илтижо қилинг. Шунингдек, бу тўққиз усульнинг ҳар бири юзасидан сизга аниқ фикрларни беришини Үндан сўранг. Уларни қисқача қилиб ёзиб олинг. Ўйлаб кўринг, сиз қандай қилиб улардан кундалик ҳаётингизда фойдалана оласиз ва Худонинг марҳаматларига таянган ҳолда (қаранг: 2 Кор. 12:9) уларга риоя қиласиз.

- Агар сиз турмушга чиқмаган бўлсангиз, қандай қилиб ўз севгингизни сиз билан мулоқотда бўлғанлар (ака-укалар, опа-сингиллар, ота-она, қўшнилар, бирга ишлаётганлар, иш берувчилар, жамоатингиздаги масиҳийлар, дўстлар ва қўшнилар)га намоён қила олишингизни ёзинг. Ўз севгингиз билан уларни кўллаб-куватлашдаги амалий жараёнларни санаб ўтинг; ушбу топшириқقا маҳорат билан ёндашинг.

9-боб. Оналик мартабасини қадрловчи юрак

- Муқаддас Китобдан келтирилган қуидаги парчаларда Худога манзур аёл хақида У сизга нималар дейди?

2 Тим. 3:15

Ҳикм. 1:8 ва 31:1

Рим. 10:17

Ишаё 55:11

- Ўзимиз билмаган нарсалар тўғрисида биз сиз билан ўртоқлаша олмаймиз. Агарда Муқаддас Китобни ўрганиш, ўқиш, тадқиқ ўтказиш, муҳокама қилиш, ёдлаш ва цитаталар келтириш ўзимизнинг кўлимииздан келмас экан, биз бу жараёнларда фарзандларимизга ёрдам бера олмаймиз. Ўз юрагингизни Худонинг Қаломи билан тўлдириш учун сиз нима қилмоқдасиз ёки нималар қилишини кўзлаяпсиз? Муқаммал режа ишлаб чиқинг. Ишни энг кичик нарсадан бўлса ҳам, аммо албатта, бошланг. Сиз нималарни ўқийсиз? Нималарни ёдлашга киришасиз? Қай даражада узоқ вақт ва қанчалик кўп? Қаерда ва қаҷон?
- Ҳар куни Ҳикматлар Китобидан бир бобдан ўқиш тўғрисида ўйлаб кўринг (рақами санага тўғри келадиган бобни танланг). Фарзандларингиз борми ёки йўқми, бундан қатъий назар, юрагингизни Худонинг донишмандлиги бошқариши керак.

- Шундай режа тузингки, токи бу режага асосан оиласав ҳаётингизда Худонинг Каломини марказий ўринга кўйиш имкони бўлсин. Эрталаб нонуштадан ёки мактабга кетишдан олдин сиз нима қила оласиз? Мактабдан кейин-чи ёки уйда қолган кичкитойлар билан тушлиқдан олдин нима қилиш мумкин? Болаларни кундузи ва кечқурун ухлатишдан олдин сиз нима қиласиз? Бизнинг кўпчилигимиз юксак ишларни қилишга журъат этмаймиз, бироқ жуда кичкина хизматни оддийгина бажариш ҳаммамизнинг кўлимиздан келади. (Эътибор қилинг-а, сиздан уйда ота ўрнини босиш талаб этилмайди, лекин ҳар сафар уйда фарзандларингиз билан ёлғиз қолганингизда, сиз албатта турлича усулда уларга Худо Каломини ўргатишингиз керак.)
- Инжил Хушхабарини болаларингизга етказишида ва уларга Раббий ҳақида сўзлаб беришга ҳар бир имкониятдан унумли фойдаланишга қарор қабул қилинг. Довуд шундай дейди: «Ҳар лаҳзада Худовандни олкишлайман, Унинг саноси тушмас хеч тилимдан» (Заб. 33:2). Худо ҳақида жуда кўп гапириш сизнинг кўлингиздан келмайди, бироқ Инжилнинг таъмини эсдан чиқарип кўйиш нақадар осондир!

10-боб. Ибодат қилувчи юрак

- Ҳикм. 31:2 ўқинг. Бутун бобнинг контекстида бу оят сиз учун нимани англатади?
- Фарзандларингиз ёки набираларингиз — уларнинг неча ёшдалигидан қатъий назар — ҳар бирига ибодат учун саҳифа ажратинг. Сиз уларда кўрмоқчи бўлган ижобий хусусиятларни санаб ўтинг. Бу хусусиятларни ривожлантиришида Худо сизга ва фарзандларингизга ёрдам бериши учун Муқаддас Ёзувдан қандай сўзларни ибодатда ишлатишингиз мумкинлигини ўйлаб кўринг.
- Ҳар бир яқин одамингиздан сиз улар ҳақида нима учун ибодат қилишингиз кераклигини сўраб олинг, бу саҳифаларга кўра ибодат қилишни бошланг.

- Агар сиз турмушга чиқмаган бўлсангиз ва фарзандларингиз бўлмаса, худди шундай ибодат саҳифаларини ака-укаларингиз, опа-сингилларингиз, жиянларингиз учун ажратинг. Улар учун доимо ибодат қилувчи, Худо кўнглидаги аёлнинг мавжудлиги — улар учун нақадар марҳаматли!

- Ўзингизни синааб кўринг. Сизнинг тавба қилмаган гуноҳларингизни очиб беришини илтижо қилиб Худодан сўранг. «Ўз гуноҳларини яширган ютуқقا эришмайди, уларни тан олиб, воз кечган марҳамат топади» (Ҳикм. 28:13). Шайтон васвасаларини Худонинг кучи орқали енгигб ўтинг. Сиз унинг Каломига амал қилишингиз керак. Агар мабодо қандай йўл тутиш кераклигини билмасангиз, ўзингиздан: «Исо нима қилган бўларди?» деб сўранг. Худога таянишни ҳеч қачон унутманг (қаранг: 1 Кор. 10:13).

11–12-боблар. Оналик севгиси билан тўлган юрак

- Муқаддас Ёзувда айтилган оналик севгисининг ўнта белгисига назар ташланг. Улар сизга ойна тариқасида хизмат қилсин. Сизнинг юрагингиз қандай?
- «Доимо баҳтли бўлишни» сиз хоҳлармидингиз? Куннинг қайси соатлари сиз учун оғир ҳисобланади? Ҳатто иш оғир соатларда ҳам хурсанд бўлиш қарорингизга қандай амал қиласиз?
- Сиз бугун «иккинчи соҳадан» қандай ўтасиз?
- Фарзандларингиз сизнинг юрагингизда биринчи ўринда туришларини уларга кўрсатувчи уч усулни айтинг. Болалар бошқа одамлардан кўра сиз учун ниҳоятда азиз эканликларини қандай намоён қиласиз?

- Ўзингиз тўгрингиздаги ибодатга «она севгиси» илтижосини қўшинг. Ўз фарзандларингизга нисбатан юрагингизни оналик севгисига тўлдиришни Худодан сўранг.

- Агар сиз ёлғиз бўлсангиз, сиз мулоқот қилаётган одамларингизга ўз юрагингизнинг севгисини қандай қилиб намоён этасиз? Ўнта тоифанинг ҳар бирни учун аниқ усулларни айтинг. Эҳтимол, сизга яна бир вараг қозоз керак бўлиб қолади!

13-боб. Уйда яхши муҳитни яратадиган юрак

- Ўз уйингизни яқинларингиз учун бандаргоҳ, бошпана, манзилгоҳ ва шифохона, шунингдек, Худо уни қандай қўришни хоҳласа, шундай уй бўлиши учун сиз қандай муҳим қадамларни қўйиш мақсадингиз бор? Бу саволга жавоб беришдан олдин Ҳикм. 9:1–2 ва Ҳикм. 24:3 ни ўқинг. Бу ҳафтада нималарни қилишни режалаштиргансиз?
- Яна бир бор Ҳикм. 14:1 ни ўқинг ва бу ерда биз кўриб турган кескин фарқ тўғрисида ўйлаб кўринг. Худога манзур бўладиган рўзгорни яратиш учун қайси учта камчиликни тузатишингиз керак?
- «Масих — уй бошлиғи, ҳар доимги дастурхон атрофида кўринмайдиган меҳмон, ҳар бир сухбатингизнинг кўзга кўринмас тингловчиси». Буни ҳеч қачон эсдан чиқармай, тинчгина ўз уйингизда яшашингиз учун сиз нималар қиласиз? Ушбу топшириқقا маҳорат билан ёндашинг.

- «Ишларингни Эгамга топшир, шунда режаларинг мустаҳкам бўлади» (Ҳикм. 16:3). Ҳозироқ ибодат қилинг ва ибодатда рўзгорингизга оид ўз ишларингизни, фикрларингизни, режаларингизни ва орзу-умидларингизни Худодан сўранг.

га топширинг, чунки У биз учун маскан — самоларда уй тайёрлаб қўйган (қаранг: Йоҳ. 14:2–3).

14-боб. Ўз уйини кузатадиган юрак

- Ҳикм. 31:10–31 ўқинг. Қуйидаги парчанинг Ҳикм. 31:27 контекстида Худо сизларга нима ҳақида гапиради?
- Ўз рўзгорингизга ғамхўрлик қилиш ҳақидаги турли жиҳатларни кўриб чиқиш жараёнида Заб. 5:4 ва 3 Шоҳ. 18:42–44 ўқинг. Ўқиганларингиздан нима сизнинг юрагингизга кўпроқ таъсир кўрсатади ва нима учун?
- Уйингиздаги ҳаётга янада масъулиятли бўлиши учун нималарни қилишни режалаштирдингиз? Аниқ санааб ўтинг.
- Саҳоватли аёл ҳақида қўйидаги парчаларни ўқинг:

Рут 3:11

Ҳикм. 12:4

Ҳикм. 31:10

Ҳикм. 31:29

- Ўз феъл-авторингизни такомиллаштириш учун нималар қилмоқчисиз? Янада меҳнаткашроқ бўлиш учун-чи?
- Ҳикм. 14:23 ни ўз сўзларингиз билан кўчириб олинг.

- «Вақт ўғрилари»нинг рўйхатига яна бир бор қаранг. Қайси бандлари устида сиз иш олиб бормоқчи эканлигингизни белгиланг. Ҳар бир банд юзасидан нималар қилишни режалаштириб қўйдингиз? Ушбу ҳафтада нималар устида ишламоқчисиз?

- Бир неча дақиқани ибодат устида ўтказинг. Ўз рўзгорингизни бошқаришдаги хоҳиш-истакларингизни Худога айтинг ва бундай оғир меҳнатда ёрдам беришни Ундан илтижо қилиб сўранг.

15-боб. Тартибсизликдан тартиб яратадиган юрак

- 1 Тим. 5:3–16 ни ўқинг. Худо масиҳий аёлда қадрлайдиган хусусиятларни санаб ўтинг.
- Худо қадриятларига мос ҳаёт қандай қилиб бизни дунёдан ажратиб туради? Худо йўлларидан боришимиз бизни имонимизни четдан кузатиб турган одамларга қай тарзда таъсир кўрсатади?
- Тит. 2:3–5 ни ўқинг. Худо аёлларга нималарни амр қилган?
- Ҳафта давомида ҳар куни вақтни бошқариш тўғрисидаги 12 маслаҳатни ўқиб боринг. Ҳар куни устида ишлашингиз керак бўлган учтасини белгиланг ва уларни ҳаётга тадбиқ қилишга киришинг. Шунингдек, вақтни бошқариш масаласида адабиётларни ахтаришни бошланг. Бошқа одамлардан ҳам қўмак истанг.
- Уйингизнинг туриши қандай ҳолатда? Ўн балллик шкала бўйича уйингиздаги саранжон-саришталикни баҳоланг, энг юқори балл — 10. Ана энди ушбу ҳафтада қабул қилишингиз керак бўлган учта аниқ меъёрни ёзинг (бу

мөйөрлар сизни янада тартиблироқ бўлишингизга ва белгини бир ёки икки балга юқорига кўтаришингизга ёрдам беради).

16-боб. Ўз уйи ҳақида жон куйдирадиган юрак

- Яна бир бор Тит. 2:3–5 ўқинг ва Худо «кампирларда» қандай хусусиятларни кўриш истагида эканлигини санаб ўтинг. Кампирлар ёш хотинларга нималарни ўргатишлари керак?

- Сиз уйдаги рўзгор ишларига қандай муносабатдасиз? Ҳикм. 31:13 ва Кол. 3:23 ўқинг. Рўзфорга бўлган янгича муносабатни аниқ ифодаланг ва у ҳақда ибодат қилинг.

- Рўзгорни бошқариш нимаси билан чиройли гилам тўқишига ўхшаб кетади? Ўз уйингизда қандай гўзаллик бўлишини хоҳлайсиз? Сизнинг уйингиз янада гўзалроқ бўлиши учун нималар қиласиз? Худо бунда қандай ўрин тутади?

- Уй-рўзгорга бўлган муносабат ҳақида Ҳикм. 17:24 нима дейди?

- Рўзгорни бошқаришдаги ўз маҳоратингиз тўғрисида ўйлаб кўринг. Кампирлардан яна нималарни ўрганишни хоҳлайсиз? Агар сиз ишласангиз, ўз уйингизни яна ҳам яхшироқ бошқаришни ўрганишингиз учун турлича усулларни ким сизга айтиб бериши мумкин? Ақл-идрокли аёлни сизга учраштиришини ва сиз шу аёлнинг маслаҳатларига риоя қилишингизда Худо ёрдам беришини Ундан сўранг.

- Агар сиз моҳир аёл бўлсангиз, сизни янги хизматга чорлашга Худонинг истаги бор-йўқлигини Ундан сўранг. Токи ўз тажрибангизни бошқа аёлларга ўргатишга сизнинг имконингиз бўлсин. Шундай хизматни ўз зиммангизга олинг ва Раббийнинг нималар қилишини кўрасиз.

- Ушбу ҳафтада күпроқ вақтингизни уйда ўтказишиңгиз учун қандай ҳаралатлар қиласиз?
- Ўз уйингизга «гүзәл гилам тұқиши» учун нималар қилмоқчи эканлигингиңи ёзинг ва ибодатда ўз истакларингиз ҳақида Худога айтинг.

17-бөб. Эътиқодда ўсиб бораётган юрак

- 2 Тим. 1:9 ўқинг. Қуйидаги «хизмат қилиш учун қутқарылғанлар» сүзлари нимани англатади? Сизнинг кундалик қарорингизга бу ҳақиқат қандай таъсир күрсатади? Сизнинг интилишларингизга-чи? Қандай вақт ўтказишиңгизга-чи?
- Яна бир бор Ҳикм. 15:14 ўқинг. Ўз билимингиңи тұлдирмоқчи бўлганингизда қандай танлаш ўтказишиңгизни энди ўйлаб кўринг. Яхши, яхшироқ, олий шиори ҳақида фикр юритинг. Бугунги кунда яхшидан яхшироққа ўтиш учун сиз қандай танлов қилган бўлардингиз?
- Бешта папкангиз учун мавзуларни танлай бошланг. Худодан кўрсатмалар сўранг. Ўз юрагингизнинг хоҳишига қулоқ тутинг. Сизга нималар ёкишига эътибор қилинг. Ўзингизга қизиқарли бўлган мавзуларни қисқача қилиб ёзиб олинг. Ўйлаб кўринг, сўнг ушбу рўйхатни қисқартиринг.
- Кейинги соҳаларда қандай янги одатларни шакллантиришиңгиз керак? Уларнинг қай бири устида ушбу ҳафтада иш бошлайсиз?

Сизнинг жисмоний ҳаётингиз: ўз баданингизга бўлган муносабат
(1 Кор. 9:27)

Сизнинг самарали ҳаётингиз: ривожланишга интилиш
(Кол. 1:10; 2 Бут. 3:18)

Сизнинг ижтимоий ҳаётингиз: дилкашлик тухфаси
(Ибр. 10:24–25)

Сизнинг руҳий ҳаётингиз: Масиҳга ўхшаш
(Эф. 5:1–2)

- Маълум вақт ибодатда бўлинг. Сизни бошқаришини ва руҳан ўсишингиз учун сизга куч ато этишини Худодан сўранг. Раббийга хизмат қилиш ниятингиз ва интилишингиз борлигини Унга айтинг. Бундай ниятни ва интилишини айнан Худо сизнинг юрагингизга жо қилган. Раббийга хизмат қилиш ниятингиз ва интилишингиз борлигини Унга айтинг. Бундай ниятни ва интилишини айнан Худо сизнинг юрагингизга жо қилган.

18-боb. Худо шодлигига тўлган юрак

- Ҳамма масиҳий аёлларнинг қўлидан келадиган таълим бериш усуллари га яна бир бор назар ташланг. Уларнинг қайси бирларидан сиз фаол фойдаланасиз ва улар сиз учун қанчалик фойда келтиради? Уларнинг ҳар бири сизга қандай наф келтирганини ёзинг.
- Сизнинг руҳан ўсишингиз билан боғлик бўлган ва ҳар куни олдингизга қўйган учта мақсадни белгиланг. Улар аниқ белгиланган бўлиши керак. Ҳар куни ибодатда Раббийга ўз мақсадларингиз ҳақида гапирганингизда Ҳикм. 16:3 сўзларни эсланг («Ишларингни Эгамга топшир, шунда режаларинг мустаҳкам бўлади»).
- Сиз вақtingиздан кун давомида қандай фойдаланишингизни кузатинг. Айниқса, ўзингиз хоҳлаган ишингиз билан шугулланишга кетадиган дақиқаларга алоҳида эътибор қилинг. Шу вақтни руҳан ўсишга сарфлаш учун сиз ўзингизга бу тўғрида қандай қилиб эслатасиз? Бу мақсадда фурсатни қандай қилиб ганимат билиш мумкин (қаранг: Кол. 4:5)? Ўйлаб кўринг! Бундай вазиятларга қандай қилиб тайёргарлик кўриш мумкин? (Ўзингиз билан бирга олиб юриш учун китоб сотиб олишми? Эшитиш учун бир нечта кассета сотиб олишми? Қоғозга Муқаддас Китобдан парчаларни ёзиб олиш ва уларни ёдлашми?)

- Сизнинг руҳан ўсишингизга хизмат қилишга бағишиланган конференция, курслар, семинар ёки сессиялар қаерда ва қачон ўтказилишини хабар топиб билинг. Шабо маликаси Сулаймоннинг ҳикматини тинглаш учун 1200 миль йўлни босиб ўтганлигини ёдингизда сақланг! (3 Шоҳ. 10:1–3, Мат. 12:42)

- «Руҳан ўсиш» номли ибодат саҳифасини очинг. Унда сиз ўз мақсадларингизни ва хоҳиш-истакларингизни, шунингдек, сизга руҳан ўсишга ёрдам берувчи тадбирларни ёзиб борасиз. Ўз қалбингизни ва руҳингизни бойитаётганингизда У сизни бошқаришини Раббийдан сўранг!

19-боб. Мехнат қилаётган юрак

- Юракдаги ўз руҳий қалбингиз тўғрисида ўйлаб кўринг. Кол. 3:1–3 ўқинг. Худо билан мулоқотда бўлишга кўпроқ вақт ажратиб, Унинг марҳаматларидан баҳра олиш учун кундалик ҳаётингизда ёки ҳаёт тарзини ўзгартириш учун нималарни қилишни режалаштирдингиз?

- Истаганингизга эришиш учун ўз қобилиятингизни сиз қандай баҳолайсиз? Беришни-чи? Сиз ўзингизни қандай одам деб ҳисоблайсиз: сахими ёки ха-сисми? Ҳикм. 3:27 ни ўқинг. Ўз яқинларингизга қайси бир яхшиликни қи-лишдан бош тортяпсиз? Сизга мурувват ва хайр-саҳоват кўрсатишга имкон берувчи аниқ ҳаракатлар режасини тузинг. Шу муҳим масала сизнинг ибод-атингиз мавзуси бўлсин.

- Кейинги сафар ибодатга ёки бирор бир маросимга борганингизда одамлар учун нима қила оласиз? Мурувват кўрсатишни ҳар гал режалаштиринг, токи одамларга нисбатан бўлган муносабатингиз ҳаётингиз мазмунига айлансин.

- Биз ибодатга қайтдик. Эф. 6:18 ни ўқинг. Ибодат — бу хизмат эканлигига сиз ишонасизми? Нима учун? Ибодат қилишга сиз қачон ижозат олгансиз? Сиз ўз ибодатларингиз билан қачон Худога ва Унинг халқига хизмат қилга-нисиз? Энди эса ўз ибодат режангизни, ибодат жойи ва вақтини ёзинг. Кито-

бни ёпишингиздан олдин бир неча дақиқа ибодатда бўлинг ва эртанги қунги режангиз асосида иш тутишга тайёргарлик кўринг.

20-боб. Далда берувчи юрак

- Сиз ибодат қилишингизда ҳалақит берувчи нимани ўзингизнинг энг катта камчилигингиз деб атайсиз? Биз тортинчоқлигидан азоб чекаётган икки аёл билан танишдик. Хизмат қилишда сизга нима ҳалақит беради? Бундай камчиликларни айтинг. Ушбу ҳафтада бу камчиликни енгиш учун нималар қилишни режалаштирганингиз ва охир-оқибатда бу камчиликлардан қандай қилиб тамомила қутулишингиз ҳақида ўйлаб кўринг. Ишларингиз режасини тузинг.

- Ўзингизни текширинг: Муқаддас Ёзувдан олинган парчаларни қандай ёд оласиз? Сиз *доимий равишда, тез-тез ёки баъзида* уларни ўз юрагингизда сақлаб қолиш учун ҳаракат қиласизми, ёки ҳеч қачон бундай қилмайсизми? Заб. 118:11 ни ўқинг ва бу сўзлар ҳақида ўйлаб кўринг.

- Муқаддас Ёзувдан янада кўпроқ парчаларни ёд олишга сизга нима ҳалақит беради? Бу масалада сизга нима ёрдам қилиши мумкин? Унга ҳисобот беришингиз керак бўлган шерикми? Ёд олиш учун бешта оятни танлаб олиши? Бунга маълум вақт ажратишми? Бошқа иш билан (масалан, дазмол босганда, сайр қилиб юрганда, боғда ишлаганда) машғул бўлганда, парчани ёд олиш қарорими? Нимаики сизга ёрдам берса, шунинг режасини тузинг ва ҳаракатни бошланг!

- Ишаё 50:4, Эф. 4:29 ни ўқиши жараёнида, сўз ёрдамида сиз қандай хизмат қилишингиз мумкинлигини белгилаб боринг. Ким сизнинг қўнгирорингизга ёки далда берувчи хатингизга муҳтоҷ?

- Ҳикм. 31-бобида фаросатли хотин хизмати ҳақидаги баённи яна бир бор ўқинг. У муҳим нарсаларни жой-жойига тўгрилаб қўйган ва шунга асосан яшаган. Бу аёл бизга намунадир. Сиз ундан нималарни ўргандингиз? Сиз-

нинг олий мақсадингиз — Худо күнглида аёл бўлишдир. Бошқаларга намуна бўлиш учун ўз улуғворлигинизга асосан қандай яшай олишингиз мумкин?

21-боб. Энг аввало муҳимини ахтарадиган юрак

- Сизнинг ҳаётингиз (шу жумладан, сизнинг кундалигиниз, ишлар рўйхати, ёзув дафтари) сизнинг энг муҳим нарсаларингиз ҳақида нима дейди? Ўз юрагингиз хошиш-истагига кўра эмас, балки реал ҳаётингизга асосланган ҳолда муҳим хизматларингизни санаб ўтинг. Сўнгра сизнинг юрагингиз хошиш-истагига жавоб берувчи муҳим хизматларга асосланиб, яшаш учун сиз қандай ўзгаришлар қилишингиз кераклиги тўғрисида ўйлаб кўринг ва шу ҳақда ибодат қилинг. Ўз ибодатингизга Заб. 89:12 сўзларидан киритинг.

- Ҳақиқий улуғворлик асосида яшашингизга сизнинг қандай одатларингиз ҳалакит беради? Вазиятни тўғрилашга сизга нима ёрдам бериши мумкин? Сиз доимо қандай феъл-атворга амал қиласиз?

- Ушбу бобда кўрсатилган рўйхатга киритилмаган одамларни ва шунингдек, мақсадларни санаб ўтинг. Ибодатдан кейин ва Муқаддас Китобни ўқиб бўлгач, ушбу одамларни ва мақсадларни шундай тартибда жойлаштирингки, токи бу тартиб Худони улуғласин ва Унинг қадриятларига мос келсин. Сўнгра ҳар бир одам ва ҳар бир мақсад учун ибодат қилинг, бу саҳифаларни ўз ибодат кундалигинизга ўзингизга маълум тартибда киритинг ва ибодат қилинг.

- Ҳикм. 19:2 да айтилганлар ҳақида ўйлаб кўринг. Сиз кутишни биласизми? Сиз кутган ва кутиб турмаган вазиятларни эсланг. Натижаси қандай бўлган? Нима учун кутиш жуда оғир? Қандай қилиб Муқаддас Ёзув сизга Раббийни кутиш одатини сингдиришга ёрдам бериши мумкин?

- Ҳикм. 19:2, Эф. 5:15 ва Кол. 4:5 да айтиб ўтилган тамойилларни кўриб чиқинг. Улар сизга, аввалим бор, энг муҳимида интилиш кераклиги ҳақида сўзлайдими?

22-бөб. Худо кетидан бории

- Ҳозироқ бугунги қолган кунингизга режа тузишни бошланг. Режага аниқ белгиланган воқеаларни ёзинг: учрашувлар, бурчларни бажариш, тушлик ёки кечки овқат. Агар бу китобни сиз кечкурун ўқиётган бўлсангиз, унда режалашибирлишни эртанги кундан бошланг.
- Энди муҳим хизматларингиз учун ибодат қилинг. Агар сизнинг оиласигиз бўлса, сиз ҳар бир оила аъзоси учун ва улар олдидағи сизнинг бурчларингиз учун ибодат қилинг. Агар сиз ёлғиз она бўлсангиз, ўз болаларингиз учун ибодат қилинг. Агар сиз турмушга чиқмаган бўлсангиз, унда Худога ўз иш жойингиз, талабалар шаҳарчаси, оиласигиз ва дўстларингиз хақида айтинг. Ана шу жойларда шу инсонлар билан мuloқотда бўлар экансиз, сиз Худо иродасини қандай бажаришингиз тўғрисида Ундан сўранг.
- Ўз ибодатингизга олган жавобга таяниб, сизнинг жадвалингиздаги ҳар бир банд учун вақт белгиланг.
- Қандай аниқ ҳаракатлар орқали бир кун давомида ўз муҳим хизматларингизни амалга оширишингизни олдиндан белгиланг. Энг муҳимиши амалга ошириш учун нимани «кесиб ташлаш керак»? Ўз режангизга амал қилишингиз учун онг ва ўз юрагингизни қандай қилиб тайёрлайсиз? Турли васвасаларни қандай қилиб енгиб ўтишингизни олдиндан ўйлаб қўйинг.
- Ўз ҳаётингизни қандай тасавур қиласиз? Оиласигизни? Уй-рўзгорингизни? Ўз юрагингиз истагини Худога ишониб топширинг ва тез-тез улар тўғрисида ўйлаб туринг, токи истаклар амалга ошишида Раббий билан биргаликда хизмат қилинг.

ИЗОХЛАР

Муаллифдан

¹Richard Foster, «And We Can Live By It: Discipline», *Decision Magazine*, September 1982, p.11.

²Ibid.

1-бөб

¹Ray and Anne Ortlund, *The Best Half of Life* (Glendale, CA: Regal Books, 1976), p.88.

²Carole Mayhall, *From the Heart of a Woman* (Colorado Springs: NavPress, 1976), pp. 10–11.

³Oswald J. Smith, *The Man God Uses* (London: Marshall, Morgan & Scott, 1925), pp. 52–57.

⁴Andrew Murray, bookmark.

⁵Ray and Anne Ortlund, *The Best Half of Life*, pp. 24–25.

⁶Betty Scott Stam, манба маълум эмас.

2-бөб

¹Ray and Anne Ortlund, *The Best Half of Life* (Glendale, CA: Regal Books, 1976), p.79.

²C. A. Stoddards, манба маълум эмас.

³Henry Drummond, *The Greatest Thing in the World* (Old Tappan, NJ: Fleming H. Revel Company, 1977), p.42.

⁴Jim Dowling, *Meditation, The Bible Tells You How* (Colorado Springs: NavPress, 1976), pp.15-16.

⁵Robert D. Foster, *The Navigator* (Colorado Springs: NavPress, 1983), pp. 110–111.

⁶J. C. Pollock, *Hudson Taylor and Maria* (Grand Rapids, MI: Zondervan Publishing House, 1975), p.169.

⁷J. C. Pollock, *Hudson Taylor and Maria*, p.169.

⁸Anne Ortlund, *The Discipline of the Beautiful Woman* (Waco, TX: Word, Incorporated, 1977), p.103.

⁹Mrs. Charles E. Cowman, *Streams in the Desert — Vol. 1* (Grand Rapids, MI: Zondervan Publishing House, 1965), p. 330.

¹⁰Robert D. Foster, *The Navigator*, pp. 64–65.

¹¹*Los Angeles Times*, obituary of William Schuman, February 17, 1992.

3-606

¹Corrie Ten Boom, *Don't Westle, Just Nestle* (Old Tappan, NJ: Revell, 1978), p. 79.

²Oswald Chambers, *Christian Disciplines* (Grand Rapids, MI: Discovery House Publishers, 1995), p. 117.

³James Dobson, *What Wives Wish Their Husbands Knew About Women* (Wheaton, IL: Tyndale House Publishers, Inc., 1977), p. 22.

⁴Edith Schaeffer, *Common Sense Christian Living* (Nashville: Thomas Nelson Publishers, 1983), pp. 212–15.

⁵Edith Schaeffer, *Common Sense Christian Living*, pp. 212-15.

4-606

¹Curtis Vaughan, ed., *The Old Testament Books of Poetry from 26 Translation* (Grand Rapids, MI: Zondervan Bible Publishers, 1973), p. 478–79.

²Curtis Vaughan, ed., *The Old Testament Books of Poetry from 26 Translation*, p. 277.

5-606

¹Charles F. Pfeifer and Everett F. Harrison, eds., *The Wycliffe Bible Commentary* (Chicago: Moody Press, 1973), p. 5.

²Ray and Anne Ortlund, *The Best Half of Life* (Glendale, CA: Regal Books, 1976), p. 97.

³Julie Nixon Eisenhower, *Special People* (New York: Ballantine Books, 1977), p.199.

⁴Julie Nixon Eisenhower, *Special People*, p. 80.

6-606

¹W. E. Vine, *An Expository Dictionary of New Testament Words* (Old Tappan, NJ: Fleming H. Revell Company, 1966), p. 86.

²*Webster's New Collegiate Dictionary* (Springfield, MA: G & C. Merriam Co., Publishers, 1961), p. 845.

³Elisabeth Elliot, *The Shaping of a Christian Family* (Nashville: Thomas Nelson Publishers, 1992), p. 75.

⁴Curtis Vaughan, ed., *The New Testament Books of Poetry from 26 Translations* (Grand Rapids, MI: Zondervan Publishing House, 1967), p. 888.

⁵Sheldon Vanauken, *Under the Mercy* (San Francisco: Ignatius Press, 1985), pp. 194–95.

7-606

¹Gene Getz, *The Measures of a Woman* (Glendale, CA: Gospel Light Publications, 1977), pp. 75–76.

²Jill Briscoe, *Space to Breathe, Room to Grow* (Weaton, IL: Victor Books, 1985), pp. 184–87.

³Anne Ortlund, *Building a Great Marriage* (Old Tappan, NJ: Fleming H. Revell Company, 1984), p. 146.

⁴Anne Ortlund, *Building a Great Marriage*, quoting Howard and Charlotte Clinebell, p. 170.

⁵Charlie Shedd, *Talk to Me* (Old Tappan, NJ: Fleming H. Revell Company, 1976), pp. 65–66.

⁶Curtis Vaughan, ed., *The Old Testament Books of Poetry from 26 Translation* (Grand Rapids, MI: Zondervan Bible Publishers, 1973), p. 72.

8-бөб

¹Edith Schaeffer, *What is a Family?* (Old Tappan, NJ: Fleming H. Revell Company, 1975), p. 87.

²Jack and Carole Mayhall, *Marriage Takes More Than Love* (Colorado Springs: NavPress, 1978), p. 154. Quoting Kay K. Arvin, *One Plus One Equals One* (Nashville: Broadman Press, 1969), pp. 37–38.

³Anne Ortlund, *Building a Great Marriage* (Old Tappan, NJ: Fleming H. Revell Company, 1984), p. 157.

⁴Julie Nixon Eisenhower, *Special People* (New York: Ballantine Books, 1977), pp. 52–53.

⁵Betty First, *My Neighbors, The Billy Grahams* (Nashville: Broadman Press, 1983), p. 31.

⁶William MacDonald, *Enjoying the Proverbs* (Kansas City, KS: Walterick Publishers, 1982), p. 56.

9-бөб

¹Phil Whisenhunt, *Good News Broadcaster*, May 1971, p. 20.

²Stanley High, *Billy Graham* (New York: McGraw Hill, 1956), p. 28.

³Abigail Van Buren, *Dear Abby, Los Angeles Times*, санаси маълум эмас.

⁴Stanley High, *Billy Graham*, p. 126.

⁵Carole C. Carlson, *Corrie Ten Boom: HerLife, Her Faith* (Old Tappan, NJ: Fleming H. Revell Co., 1983), p. 33.

⁶Elisabeth Elliot, *The Shaping of a Christian Family* (Nashville: Thomas Nelson Publishers, 1992), p. 58.

⁷Mrs. Howard Taylor, *John and Stam: A Story of Triumph*, revised edition (Chicago: Moody Press, 1982), p. 15.

⁸Elisabeth Elliot, *The Shaping of a Christian Family*, pp. 205–06.

10-бөб

¹H. D. M. Spence and Joseph S. Exell, eds., *The Pulpit Commentary, Volume 9* (Grand Rapids, MI: Wm. B. Eerdmans Publishing Company, 1978), p. 595.

²Charles Bridges, *A Modern Study in the Book of Proverbs*, revised by George F. Santa (Milford, MI: Mott Media, 1978), p. 728.

³H. D. M. Spence and Joseph S. Exell, eds., *The Pulpit Commentary, Volume 9*, p. 607.

⁴Stanley High, *Billy Graham* (New York: McGraw Hill, 1956), p. 71.

⁵Linda Raney Wright, *Raising Children* (Wheaton, IL: Tyndale House Publishers, Inc., 1975), p. 50.

⁶E. Schuyler English, *Ordained of the Lord* (Neptune, NJ: Loizeaux Brothers, 1976), p. 35.

⁷Marilee Pierce Dunker, *Man of Vision: Woman of Prayer* (Nashville: Thomas Nelson Publishers, 1980), p. 166.

11-бөб

¹Marvin R. Vincent, *Word Studies in the New Testament*, Vol. IV (Grand Rapids, MI: Wm. B. Eerdmans, Publishing Co., 1973), p. 341.

²Dwight Spotts, «What is Child Abuse?» in *Parents & Teenagers*, Jay Kesler, ed. (Wheaton, IL: Victor Books, 1984), p. 426.

³Curtis Vaughan, ed., *The Old Testament Books of Poetry from 26 Translation* (Grand Rapids, MI: Zondervan Bible Publishers, 1973), p. 399.

⁴Gary Smalley, *For Better or for Best* (Grand Rapids, MI: Zondervan Publishing House, 1988), p. 95.

⁵Edith Schaeffer, *What is a Family?* (Old Tappan, NJ: Fleming H. Revell Company, 1975).

⁶Abigail Van Buren, *Dear Abby*, *Los Angeles Times*, санаси маълум эмас.

12-бөб

¹Julie Nixon Eisenhower, *Special People* (New York: Ballantine Books, 1977), p. 69.

²Linda Dilow, *Creative Counterpart* (Nashville: Thomas Nelson Publishers, 1977), p. 24.

13-бөб

¹Catherine Marshall, *A Man Called Peter* (New York: McGraw-Hill, 1961), p. 65.

²James Strong, *Strong's Exhaustive Concordance of the Bible* (Nashville: Abingdon Press, 1973), p. 22.

³Robert Alden, *Proverbs* (Grand Rapids, MI: Baker Book House, 1983), p. 110.

⁴Edith Schaeffer, *What is a Family?* (Old Tappan, NJ: Fleming H. Revell Company, 1975).

⁵Julie Nixon Eisenhower, *Special People* (New York: Ballantine Books, 1977), p. 209.

⁶Jim Convey, *Men in Mid-Life Crisis* (Elgin, IL: David C. Cook Publishing company, 1987), pp. 250–52.

⁷Edith Schaeffer, *Tapestry* (Waco, TX: Word Books, 1981), p. 616.

⁸James Strong, *Strong's Exhaustive Concordance of the Bible*, p. 34.

⁹William J. Peterson, *Martin Luther Had a Wife* (Wheaton, IL: Tyndale House Publishers, Inc., 1983), p. 67.

¹⁰Bonnie McCullough, *Los Angeles Times*, санаси маълум эмас.

14-боб

¹Jo Berry, *The Happy Home Handbook* (Old Tappan, NJ: Fleming H. Revell Company, 1976), pp. 41–56.

²James Strong, *Strong's Exhaustive Concordance of the Bible* (Nashville: Abingdon Press, 1973), p. 118.

³H. D. M. Spence and Joseph S. Exell, eds., *The Pulpit Commentary, Vol. 8* (Grand Rapids, MI: Wm. B. Eerdmans Publishing Company, 1978), p. 30.

⁴Derek Kidner, *Psalms 1–72* (Downers Grove, IL: InterVarsity Press, 1973), p. 58.

⁵William J. Peterson, *Martin Luther Had a Wife* (Wheaton, IL: Tyndale House Publishers, Inc., 1983), p. 81.

15-боб

¹Curtis Vaughan, ed., *The New Testament Books of Poetry from 26 Translations* (Grand Rapids, MI: Zondervan Publishing House, 1967), p. 981.

²James Strong, *Strong's Exhaustive Concordance of the Bible* (Nashville: Abingdon Press, 1973), p. 51.

³William J. Peterson, *Martin Luther Had a Wife* (Wheaton, IL: Tyndale House Publishers, Inc., 1983), p. 27.

⁴Alan Lakein, *How to Control Your Time and Your Life* (New York: Signet Books, 1974), p. 48.

16-боб

¹H. D. M. Spence and Joseph S. Exell, eds., *The Pulpit Commentary, Vol. 21* (Grand Rapids, MI: Wm. B. Eerdmans Publishing Company, 1978), p. 36.

²James Strong, *Strong's Exhaustive Concordance of the Bible* (Nashville: Abingdon Press, 1973), p. 51.

³Donald Guithrie, *Tyndale New Testament Commentaries, The Pastoral Epistles* (Grand Rapids, MI: Wm. B. Eerdmabs Publishing Company, 1976), p. 194.

⁴Robert Jamieson, A.R. Fausset, and David Brown, *Commentary on the Whole Bible* (Grand Rapids, MI: Zondervan Publishing House, 1973), p. 1387.

⁵Curtis Vaughan, ed., *The New Testament Books of Poetry from 26 Translations* (Grand Rapids, MI: Zondervan Publishing House, 1967), p. 1017.

⁶Anne Ortlund, *Love Me with Tough Love* (Waco, TX: Word, Incorporated, 1979), бети маълум эмас.

17-боб

¹Ted W. Engstrom, *The Pursuit of Excellence* (Grand Rapids, MI: Zondervan Publishing House, 1982), pp. 30–31.

²Anne Ortlund, *The Disciplines of the Beautiful Woman* (Waco, TX: Word, Incorporated, 1977), pp. 96, 98.

18-бөб

¹Moody Correspondence School, 820 North LaSalle Street, Chicago, IL 60610, 1-800-621-7105.

²Jim George, *Friendship Evangelism* (Christian Development Ministries, PO Box 33166, Granada Hiils, CA 91344, 1-800-542-4611), 1984.

³*Discipleship Evangelism* (Grace Bookshack, 13248 Roscoe Boulevard, Sun Valley, CA 91352, 1-800-472-23150).

⁴Elizabeth George, *Learning to Lead: Ministry Skills for Women* (Christian Development Ministries, PO Box 33166, Granada Hills, CA 91344, 1-800-542-4611), 1991.

⁵Elizabeth George, *Loving God with All Your Mind* (1994) and *A Woman's Walk With God* (1995) (Eugene, OR: Harvest House Publishers).

⁶Jack and Carole Mayhall, *Marriage Takes More Than Love* (Colorado Springs: NavPress, 1978), p. 157.

⁷Betty Frist, *My Neighbors, The Billy Grahams* (Nashville: Broadman Press, 1983), p. 143.

⁸Michael LeBoeuf, *Working Smart* (New York: Warner Books, 1979), p. 182.

⁹Ted W. Engstrom, *The Pursuit of Excellence* (Grand Rapids, MI: Zondervan Publishing House, 1982), бети маълум эмас.

¹⁰Michael LeBoeuf, *Working Smart*, p. 182.

¹¹Denis Waitley, *Seeds of Greatness* (Old Tappan, NJ: Fleming H. Revell Company, 1983), p. 95.

¹²Gigi Tchividjian, *In Search of Serenity* (Portland, OR: Multnomah, 1990), бети маълум эмас.

19-бөб

¹Elisabeth Elliot, *Through Gates of Splendor* (Old Tappan, NJ: Fleming H. Revell Company, 1957), бети маълум эмас.

²Anne Ortlund, *The Disciplines of the Beautiful Woman* (Waco, TX: Word, Incorporated, 1977), pp. 35.

³J. Sidlow Baxter, «Will and Emotions», *Alliance Life Magazine* (formerly *Alliance Witness*), November 1970. Рухсат билан келтирилади.

⁴Elizabeth George, *Woman of Excellence* (Christian Development Ministries, P.O. Box 33166, Granada Hills CA 91394, 1-800-542-4611), 1987.

20-бөб

¹Charles Caldwell Ryrie, *Balancing the Christian Life* (Chicago: Moody Press, 1969), pp. 96–97.

²Charles Caldwell Ryrie, *Balancing the Christian Life*, pp. 96–97.

³C. A. Stoddards, манба маълум эмас.

21-бөб

- ¹Janice Ericson. Муаллиф рухсати билан келтирилади.
²Michael DeBoeuf, *Working Smart* (New York: Warner Books, 1979), pp. 129, 249.
³*The Amplified Bible* (Grand Rapids, MI: Zondervan Bible Publishers, 1965), p. 302.
⁴Pat King, *How Do You Find the Time?* (Edmonds, WA: Aglow Publications, 1975), бети маълум эмас.
⁵Pat King, *How Do You Find the Time?* Бети маълум эмас.

22-бөб

- ¹Elizabeth George, *Loving God with All Your Mind* (Eugene, OR: Harvest House Publishers, 1994).
²Edith Schaeffer, *Common Sense Christian Living* (Nashville: Thomas Nelson Publishers, 1983), p. 196.

Сизнинг юрагингиз меҳнати

- ¹Albert M. Wells, Jr., ed., *Inspiring Quotations* (Nashville: Thomas Nelson Publishers, 1988), p. 17.

МУНДАРИЖА

Муаллифдан	3
1-қисем: Худога интилиш	5
1. Худога содиқ юрак	6
2. Худо Каломида бўладиган юрак	17
3. Ибодатга бағишланган юрак	28
4. Итотакор юрак	38
2-қисем: Қадриятлар Худо тизими билан мувофиқликда.....	47
<i>Унинг эри</i>	
5. Хизмат қилувчи юрак	48
6. Итоат этувчи юрак.....	55
7. Севувчи юрак, I қ қисм	65
8. Севувчи юрак, II қ қисм.....	74
<i>Унинг фарзандлари</i>	
9. Оналик мартабасини қадрловчи юрак	84
10. Ибодат қилувчи юрак.....	93
11. Оналик севгиси билан тўлган юрак, I қисм	103
12. Оналик севгиси билан тўлган юрак, II қисм.....	110
<i>Унинг уйи</i>	
13. Уйда яхши муҳитни яратадиган юрак	117
14. Ўз уйини кузатадиган юрак	125
15. Тартибсизликдан тартиб яратадиган юрак.....	132
16. Ўз уйи учун жон куйдирадиган юрак	141
<i>Унинг шахсий ҳаёти</i>	
17. Эътиқоди ўсиб бораётган юрак	150
18. Худо шодлигига тўлган юрак	160

Унинг хизмати

19. Меҳнат қилаётган юрак	171
20. Далда берувчи юрак	182
3-қисм: Худонинг устиворлигига мувофиқ	191
21. Энг аввало муҳим нарсани ахтарадиган юрак	192
22. Худо кетидан бориш	201
Сизнинг юрагингизнинг хизмати: Мулоҳаза ва ҳаракат	213
учун қўлланма	
Изоҳлар	232